

УМАРАЛИ НОРМАТОВ



ГУЗАЛЛИК
БИЛАН
УЧРАШУВ

УЗБЕКИСТОН ЛҶСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ
«ЁШ ГВАРДИЯ» НАШРИЕТИ
ТОШКЕНТ – 1976

Н 79

Норматов У.

Гўзаллик билан учрашув. Т., «Ёш
гвардия», 1976 (С).
208 б.

Нарматов У. Встреча с прекрасным.

8PC

© ЁШ ГВАРДИЯ, 1976 й.

Н 70200—№419 68—76
356 (06) 76

ГҮЗАЛЛИК БИЛАН УЧРАШУВ

(Сўз боши ўрнида)

Санъат ва адабиётни афсонавий гўзаллик юрти — Атлантидага қиёс қилишади. Бу қиёсда ҳам ҳақиқат, ҳам жузъий нуқсон бор. Ҳақиқат шундаки, санъат ва адабиёт Атлантида каби бутун бир гўзаллик олами, бу олам кишига битмас-туғанмас завқ-шавқ, ўй-хаёлга парвоз, кўнгилларга куч-кувват баҳш этади. Жузъий нуқсон шу ердаки, Атлантидада ҳамма нарса мукаммал, етук, у ердаги ҳаёт губорлардан, ташвиш ва аламлардан тамоман ҳоли. Яхшиси санъат ва адабиёт оламини реал ҳаётнинг ўзига қиёс қилган маъқул. Бу олам худди ҳаётнинг ўзи каби мураккаб, ранг-баранг; унда сиз ўзимиз яшаб турган ер куррасининг, атроф мұхитнинг бутун товланишларини кўрасиз, ер куррасидаги энг олий мавжудот — Иисон ҳаётининг ҳамма томонлари билан таниша оласиз; инсоннинг орзу-хаёллари, интилишлари, курашлари, унинг кучли ва ожиз жиҳатлари; баҳтли, қувончли дақиқалари, алам ва кўз ёшлари, кўтаринки ёки кулгили ҳолатлари, матонат, жасорат ва ғалабалари, ҳиёнат, ўқинч ва мағлубиятлари — ҳамма-ҳаммаси унда мужасам.

Бу олам нақадар мураккаб, ранг-баранг бўлмасни — бари бир ҳаётнинг ўзи каби ниҳоятда гўзал. Илфор адабиёт ҳаётнинг ўзини гўзаллик манбани деб билган кишиларни шу ҳаётни севишга чорлаган, уларни гўзаллик руҳида тарбиялашга иштилган.

Санъат асарининг гўзаллик сирини аввало киши маънавий оламига кўрсатган таъсиридан изламоқ керак.

Ўз тажрибамдан мисол келтирай. Менинг болалик даврим Фарғона қишлоқларидан бирида ўтган. Ўша кезлари колхозимиз чорваси қирғизлар қўлида эди, улар қишлоғини қишлоқда, ёзин эса Қирғизистон тоғлари ораглигидаги яйловларда ўтказишар эди. Қирғиз чўпонлари

билин борди-келдимиз бўларди. Қишлоқда ҳам, яйловларда ҳам уларнинг хонадонларида кўп марта қўноқ бўлганман, уларнинг яшаш тарзини ўз кўзим билан кўрганман. Очиғи уларнинг турмуши менга унча хуш ёқмас эди... Орадан йиллар ўтди, Чингиз Айтматовнинг «Жамила» қиссаси пайдо бўлди. Кўплар қатори бу асарни бир ўтиришда қўлдан қўймай ўқиб чиқдим, худди ўзим кўрган жойлар, таниш одамлар. Аммо қиссани ўқигандан кейин қирғизлар ҳаёти ҳақидаги аввалги таассуротларим бутунлай ўзгариб кетди. Қирғиз қирларининг дилрабо оқшомларини, қирғиз онахонларининг саҳий қалбини, қирғиз қизларининг сарв қоматини кўриб қувониб кетдим, бир умрга шу ҳаётнинг мафтуни бўлиб қолдим; бир вақтлар шу одамлар даврасида бўлганим, улар билан бир дастурхон теварагида ўтирганим, суҳбатларига, ўланларига қулоқ тутганим учун фахрландим; айни пайтда кўп марта шу гўзал ўлқада, шу ажойиб одамлар орасида яшаб, шу ҳаёт нафосатини тўла пайқамай юрганим учун афсусландим.

Адабиётнинг мана шундай сеҳрли кучини қалам аҳлиниң ўзлари ҳам эътироф этишади.

Мана, шоир Эркин Воҳидов бу ҳақда нималар дейди. «Шеърият,— деб ёзади у,— инсон қалбининг кўзгуси ва малҳами, унга қанот берувчи омил экан, шоирнинг биринчи вазифаси қишилар кўнглига шодлик ва баҳт олиб кириш, дардига ҳамдард бўлиш, унга куч ва мадад беришdir».

Жаигчи адаб Шухратнинг мана бу сўзларига қулоқ тутинг: «Эсимда: фронтда ярадор бўлиб госпиталга тушдим, госпиталь собиқ мактаб биносида эди. Кутубхонаси сақланган экан. Қўлимга биринчи тушган китоб Ремаркнинг «Фарбда ўзгариш йўқ!» деган романи бўлди. Ўқиб чиқдим-у, ичимни зулмат босиб кетди. Ҳеч нарсага қўлим бормай қолди, ҳамма нарсадан ҳафсалам пир бўлди. Бу ҳолими кўрган палатадош ўрта ёшли капитан: — Ремаркни бекор ўқибсиз. Урушнинг бундай оғир

кунларида асло уни ўқиб бўлмайди, сиз яхшиси Тургеневни ўқинг, кўнглини ёришади,— деди.

Чиндан ҳам Тургенев руҳимни кўтариб юборди. Бирдан қалбим нурга тўлиб, яшаргандай бўлдим, фронт чарчоқларини ҳам унутиб, ўзимни тетик сеза бошладим. Образлардаги одамийлик, меҳр-муҳаббат ва оқибат, ёмон хулқларга бўлган оташин нафрат юрагимга алланечук куч бағишлади. Енгил тортдим. Ҳаёт ўзга бир жило билан ярқиради. Бу ҳаётбахш таассурот эса бутун уруш даври юрагимда яшаб турди».

Улкан драматург Комил Яшин ўзининг болалик кезларини, устоз Ҳамза асарлари билан илк бор танишган онларини эслаб шундай дейди: «Мен ҳали Ҳамза ғояларининг барчасини тўлалигича тушуниб етмасам ҳам, уларнинг жуда катта ва зарур ғоялар эканлигини ҳис қиласдим. Ахир Ҳамза камбағалларнинг бойларга қарши кураши, озодлик ва адолат, халқлар дўстлиги ҳақида гапиравар, тенгизликини, дин аҳлларини фош қилас, инсоннинг яратувчалик фазилати ва қудратини, ақл-заковатини улуғлар эди. Мен аввал ҳам дунёда бойлар ва камбағаллар мавжудлигини билардим, теварак-атрофда содир бўлаётган жабр-зулмни кўриб, ҳар гал ўзимга қайта-қайта: «Нима учун дунё шундай адолатсиз қурилган?» деган савол берардим. Жавоб тополмасдим. Факатгина Ҳамза революцион ғояларнинг, ленинча таълимотнинг улуғворлигини чуқур тушуниб етишимга ёрдам берди».

Кўярпсизми, уч авлодга мансуб ижодкорининг — менинг тенгдошим шоир Эркин Воҳидовнинг ҳам, ўрта авлод вакили жангчи адаб Шуҳратнинг ҳам, ўзбек совет адабиётининг асосчиларидан бири йирик санъаткор К. Яшиннинг ҳам гапи бир ердан чиқяпти — учалови ҳам гўзаллик олами саналмиш адабиётнинг сеҳрли, ҳаётбахш кучини таъкидлаб кўрсатаётирлар.

Дарҳақиқат адабиёт реал ҳаётнинг кўзгуси, акси-садоси сифатида гўзал, «ҳаёт дарслиги» бўлиб, теварак-ат-

рофимиздаги нарса-ҳодисаларнинг туб моҳиятини англаб олиши мизга, уларнинг чинакам гўзалигини ҳис этиши мизга ёрдам бериши билан гўзал, дардимизга ҳамдардлиги, кўнгилга шодлик ва баҳт олиб кириши, куч ва мадад бериши билан гўзал, кишини курашга, жасоратга ундангани, қабоҳатларга қаҳр, нафрат йўғотиши билан гўзал... Ниҳоят, адабиётнинг шакли, ифода воситалари гўзал; нарса-ҳодисаларни шундоқ кўз олдимизга келтириб қўйиши, уларнинг ё гўзал, ёки хунук, ё кулгили, ёки фожиий хусусиятларини образли тарзда бизга тўла етказа олиши қудрати билан гўзал, ҳаммамиз гаплашиб юрадиган оддий сўзларнинг сеҳрли кучини — ҳаётнинг барча рангларини, инсон ўй-кечинмаларининг ҳамма жилоларини ифодалай олиш қобилияти билан гўзал...

Ушбу китоб ана шу гўзаллик олами билан учрашувда туғилган ўй ва мулоҳазалардан иборат. Унда гўзаллик олами саналмиш адабиётнинг, хусусан ўзбек прозасининг шу кунги тараққиёти билан боғлиқ қатор масалалар илгари суриласди, коммунизм қурилиши авж олдириб юборилган, фан-техника революцияси мислсиз мўъжизалар кўрсатаётган ҳозирги босқичда адабиётнинг маънавий ҳаётдаги ўрни, ривожланиш хусусиятлари устида гап боради; адабиётда меҳнат кишиси образини яратиш, инсон, табиат, цивилизация муносабатлари, муҳаббат мавзуси, ижобий қаҳрамон, адабий ҳамкорлик, миллийлик ва интернационаллик, традиция ва новаторлик, устозлар ибрати, ёшлар ижоди, адабиёт билан санъатининг бошқа турлари орасидаги муносабат, услублар, янгича ифода воситалари қидириш йўлидаги изланишлар — «Гўзаллик билан учрашув»нинг асосий муидарижасини ана шу муаммолар ташкил этади.

Китобда кўтарилилган проблемалар, илгари сурилган фикр ва мулоҳазалар ёш китобхонларда қизиқиш уйғотар, ёш қаламкашларга нафи тегар деган умиддаман.

XX аср ғоят тезкорлиги билан ажралып туради. Инсоният неча минг йиллар давомида ҳамиша олға интилган, унинг ҳәётида жуда күй ўзгаришлар, янигиликтар рўй берип турған. Лекин ҳеч қачон тарих гилдираги бизнинг асримиздагидек тез, шиддаткор олға борган эмас, тарих ҳеч қачон шунчалик қисқа муддат ичида бу қадар күй мўъжизаларнинг гувоҳи бўлган эмас!

Аввало, Октябрь инқилоби инсоният тарихини янги изга солиб юборди, жуда муҳим социал ўзгаришлар учун йўл очиб берди, кейинчалик мана шу социал ўзгаришлар ёнига фан ва техникадаги буюк кашфиётлар келиб кўшилди. Эндиликда социал ўзгаришлар ҳамда фан-техникидаги революция биргаликда ижтимоий тараққиётни, тарих гилдирагини тезлаштираётган асосий фактор бўлиб турибди.

Социал ўзгаришлар ҳамда фан-техника революцияси самаралари инсон ҳәёти ва фаолиятининг ҳамма соҳаларида, жумладан, санъат ва адабиётда чуқур из қолдирмоқда, илмий тафаккур билан бадий тафаккурнинг ўзаро алоқаси, бир-бирига таъсири масаласи ҳозирги кунининг энг актуал масалаларидан бири бўлиб қолди.

Фан-техника революцияси шароитида гўзаллик олами саналмиш санъат ҳамда адабиётнинг ижтимоий-матънавий ҳәётдаги ўрни ва роли қандай, илмий прогресс санъат ва адабиётга нималар берди-ю, нималарни тортиб олди, фан-техникадаги мўъжизалар муносабати билан адабиёт олдига қандай янги талаблар қўйиляпти? — шу саволлар теварагида кейинги пайтларда жуда кўп баҳслар бўляпти, ёзувчи, санъаткорлар, фан-техника арбоблари, социолог олимлар, адабиётшунос-станқидчилар шу масалалар устида жиддий бош қотиряпти.

Фан-техника равнақи билан санъат ва адабиёт ривожи орасида зиддият қидиравчилар ҳам борлиги ҳаммага

аён. Уларниң фикрига күра адабиёт ҳозирги пайтда иккита жиіддій рақобатта йўлиқкан. Улар, биринчидан, фан-техника ҳозирги замон кишиси ҳәёти ва фаолияти-нинг асосий сферасини ташкил этмоқда, фан ва техника иисон учун адабиёт ва санъатдан күпроқ маърифат, маълумот, завқ-шавқ бермоқда, шунга күра адабиёт аввали-ги маърифий ҳамда эстетик қимматини йўқотди; иккичидан, санъатниң фан-техника билан боғлиқ янги оммавий турлари — радио, кино ва телевидениенинг пайдо бўлиши бадиий адабиёт аҳволини танг этиб қўйди, деган фикрни илгари сурмоқдалар.

Бир қарашда бу гаплар ҳақиқатга ўхшаб туюлади, аммо синчилаб ўрганилса, ҳақиқий аҳвол улар ўйлаганига қараганда ўзгачароқ, мураккаброқ экани аён бўлади.

Дарвоқе, ҳозирги кунда фан ва техниканинг киши маънавий ҳәётидаги ўрнини тан олмаслик телбалик бўлар эди. Бироқ, илмий прогресс қанчалик улуғвор, ҳайратомуз бўлмасин, санъат ва адабиётнинг ўрнини босолмайди. Кишининг маънавий олами ўз номи билан бутун бир олам, унда фан-техника мўъжизалари учун ҳам, санъат дурдоналари учун ҳам ҳамиша жой топнилади.

Шуниси қизиқки, фан-техника янгиликлари одатда ҳәётга катта шов-шувлар билан кириб келади, лекин одамлар тез орада унга кўникади-қолади, куни кечакатта сенсацияларга сабаб бўлган янгиликлар, гарчи ўзининг қадрини йўқотмаган бўлса ҳам, бугун оддий, табиий ҳодисага айланади-қўяди. Асримиз янгиликларидан баъзи бирларини, чунончи биринчи граммофон, биринчи трактор, биринчи электр чироги, радио, кино, телевизор, сунъий йўлдош, космик кема, ойга парвоз ва ҳоказоларни эслайлик. Оддий «қутича»дан товуш чиққанда дастлаб одамлар лол бўлиб қолишган, «қутича»нинг эгаси одамларнинг кўзига «мислесиз шахс» бўлиб кўринган.Faфур Гулом «Сарҳисоб» сарлавҳали мақоласида қизиқ

бир воқеани ҳикоя қиласи: Тошкентниг эски «Кўргон таги» маҳалласида Салтанатхон деган чиройликкина ёш хотин граммофонга ишқибоз бўлиб, тегирмончи эридан чиқиб, граммофон эгаси Шоқосим деган утилчига тегиб кетган экан. Далаларга биринчи трактор чиққанда, хонадонларда биринчи бор электр чироги ёнгандан, радиодан илк бор одам овозини эшигандан, зангори экранда ҳаёт аксини кўргандан одам боласи нақадар ҳайрат, завқ-шавқ ичидаги қолганлигини, бу ҳодисалар катта тўйтантанага айланиб кетганлигини эшиганданмиз, биламиз. Биринчи ер сунъий йўлдоши учирилгани, совет кишисининг космосга йўл олгани ҳақидаги хабар жаҳонни ларзага солганлигини ўз кўзимиз билан кўрганмиз...

Уша биринчи мўъжизалардан бўён фан-техника нақадар олға қараб кетди, хилма-хил гигант тракторлар яратилди, граммофон, радио ва телевизорнинг янги, муқаммал турлари ишлаб чиқилди; юзлаб сунъий йўлдошлар космосга парвоз этди, одам боласи ҳафталаб космосда бўлди, неча бор ой сатҳини кезиб қайтди, эндиликда буларнинг ҳаммаси кишиларга одатдаги ҳодисалар каби туюладиган бўлиб қолди...

Санъат ва адабиётдаги мўъжизаларга келсак, унинг инсон маъниавий ҳаётига таъсири ўзгача. Санъатдаги янгилик, мўъжиза ўзининг таъсир кучини, маърифий ва эстетик аҳамиятини узоқ вақт, ҳаттоқи абадий сақлаб қолишга қодир. Қаранг, «Шоҳ Эдип» яратилган пайтида ҳам эл-юртни титратган, бу асар орадан йигирма беш аср ўтиб ўзбек саҳнасига чиқди, атом ва космос асри кишиларига ҳам, худди биринчи бор бўлганидек, битмас-туганмас завқ-шавқ, ҳаяжон бахш этди. Беш аср бурун битилган Лутфийнинг «Бу кўнгил», Навоийнинг «Келмади», уч юз йил аввал ёзилган Машрабининг «Найлайнин», «Үртар» радиофли шеърлари билан айтиладиган қўшиқларни тинглаганда фан-техника даврининг одамлари эҳтирослар оламига ғарқ бўлиб кетади; совет ҳокимиятининг тетапоя даврида пайдо бўлган «Бой ила

хизматчи», «Тинч Дон», «Ўтган кунлар» каби асарлар сеҳри ҳозирги кунда ҳам ўқувчини ҳайратга солади.

Илмий прогресс билан санъат ва адабиётнинг ҳозирги ривожига бошқачароқ қарааш ҳам бор. Бир гуруҳ ўртоқлар фан билан санъат, олимлар билан санъаткорлар, «физиклар» билан «лириклар» орасидан зиддият қидиришни бемаънилик деб биладилар, шу билан баробар, ҳозирги пайтда илмий тафаккур бадиий тафаккурга қараганда тезроқ кетаётганилигини тан олиш зарурлигини уқтирадилар. Масалан, литвалик санъаткор Д. Банионис «Литературная газета» анкетасига берган жавобида шундай ёзади:

«...Инсон кейинги йилларда ҳаётни бадиий билиш бобида алоҳида кашфиётлар қилолган эмас; микромирни тадқиқ этишдаги каби бурилишлар санъатда йўқ. Универсаллиги ва чуқурлиги жиҳатидан Софокл, Шекспир ва Достоевский менинг учун ҳозирча етиб бўлмас чўққи. Эҳтимол, билмадим, ташки дунёни тадқиқ этишга қараганда ўзингни ва ўзингга яқинларни билиш қийинроқдир. Аммо, такрорлайман, фандаги каби улкан кашфиётлар бизнинг соҳамиизда ҳозирча оз». («Лит. газета», № 34, 1972.)

Бу гапларда жон бор. Дарҳақиқат, илмий прогресс билан санъат ва адабиёт орасида рақобат йўқ, фан-техника адабиёт ва санъат ўрнига даъвогарлик қиласётгани йўқ, балки у адабиёт ва санъат аҳлини мусобақага чақираётир. Фан-техника революцияси даврида бадиий ижоднинг маърифий, фалсафий-эстетик қимматига бўлган талаб ҳар қаҷонгидан ҳам ошиб кетди. Хусусан социология, психология, тарих, фалсафа каби ижтимоий фанлар тез ривожланаётган, дунё хилма-хил информациялар билан тўлиб-тошиб кетган ҳозирги шароитда кишиларга ҳаёт ҳақида янги гап топиб айтиш, уларнинг кўнглига йўл топиш хийла мураккаб бўлиб қолди. Ҳозирги кунда фактлар ҳақида шунчаки маълумот беришнинг, ҳаётни қуруқ мадҳ этишининг, воқеликни ҳаққоний

кўрсатишининг ўзи мутлақо етарли эмас; фактларни худди философ каби идрок этиш, социолог каби тадқиқ қилиш, психолог каби микромирларга кириб бориш, яъни бадиий ижоднинг асл табиати — ҳодисаларга янги томондан ёндашиш, ҳаётнинг китобхонга қоронғи бўлган янги қирраларини очиб бериш катта аҳамият касб этяпти.

Шуниси мұхимки, адабиёт ва санъат ҳозирги мураккаб шароитда ҳам ўз анъаналарига содиқ қоянти, инсониятга маърифат, ахборот беришдек мұхим функциясини адо этяпти. Гарчи фан-техникадагидек бўлмаса-да, адабиёт ва санъатда ҳам жиддий қашфиётлар бор. Баъзи қиёслар келтираман. Олимлар Октябрнинг эллик йиллиги, Ватан урушининг йигирма беш йиллиги муносабати билан 60-йиллар давомида жуда кўп иш қилдилар, ҳалқнинг социализмга келиш йўлини атрофлича ёритиб бердилар; салкам тўрт йиллик уруш тарихи ҳақида олти томлик монументал илмий асар яратдилар... Шу йиллар давомида адабиёт ва санъатда ҳам ўша даврларни бадиий тадқиқ этиш давом этди, биргина ўзбек адабиётида Октябрь арафасидаги ҳаёт ҳақида «Улуғ йўл», «Болалик», «Фаргона тонг отгуича», «Ўтмишдан эртаклар», «Кўрган-кечиргандарим» каби ўнга яқин асар пайдо бўлди. Ойбек билан М. Исмоилий ўз романларида шу пайтга қадар ўша давр ҳаётининг жамоатчилик учун қоронғи бўлиб келаётган томонларини очиб бердилар — ўзбек интеллигенциясининг революцияга келиш йўлини тасвир этдилар; А. Қаҳҳор ўз қиссасида ўша йиллар социал типларининг бутун бир галерейасини яратди, илғор кучларнинг жаҳолат билан тўқишаувини кенг кўламда кўрсатди. Н. Сафаров эса узоқ йиллардан бери баҳсларга сабаб бўлиб келаётган Жиззах қўзғолони воқеасига аниқлик киритди, унинг ҳаққоний моҳиятини катта жасорат билан очиб берди... Шу йиллар давомида Улуғ Ватан уруши даври ҳақида биргина ўзбек адабиётида ўнга яқин йирик асар яратилди: «Шинелли йил-

лар», «Кудратли тўлқин», «Уфқ», «Эр бошига иш тушса», «Тошкентликлар», «Ҳазрати инсон» каби романларнинг авторлари ўша оғир, жанговар йилларнинг ғоят ранг-бараңг лавҳаларини бадиий гавдалантириб бердилар...

Яна бир қиёс. Олис тарихимизнинг ёрқин юлдузларидан буюк олим Мирзо Улуғбек ҳақида жуда кўп илмий тадқиқотлар яратилган. Худди ўша мавзуда атоқли адаби М. Шайхзода «Мирзо Улуғбек» трагедиясини ёзди. Бу трагедия Улуғбек ҳақидаги ҳақиқатни оммага етказишда жуда муҳим роль ўйнади.

Бу ва бунга ўхшаш асарларнинг маърифий қиммати илмий тадқиқотлар берадиган маълумотлардан асло кам эмас.

Шуниси ҳам боржи, маърифат, ахборот беришда фан билан адабиёт ва санъат орасига тенглик қўйиб, бу иккни соҳага бир хил талаб билан ёндашиб бўлмайди. Украян ёзувчиси П. Загребельний техник олим А. Ивахненко билан сұхбатда айтганидек, фан каби адабиётнинг ҳам ўз вазифаси, ўз олами, ўзининг мураккабликлари, ўз принциплари бор. («Лит. газета», № 34, 72.) Адабиётга алоқадор бўлмаган, бадиий тафаккур функциясига кирмайдиган кўпгина вазифаларни фан адо этади, шунингдек, фан қила олмайдиган талай ишларни адабиёт бажара олади; адабиёт ҳаётни универсал тарзда ўрганишга, унинг яхлит картинасини чизишга, социолог, психолог, тарихчи, философ, юрист, медик, сиёсатчи, физик, математик бажарадиган вазифаларнинг айрим жиҳатларини бир вақтнинг ўзида бажо келтиришга қодир. Хуллас, бадиий тафаккурнинг имкониятлари жуда кенг. Тажриба шуни кўрсатаётирки, агар адабиёт реализм йўлидан борадиган бўлса, Бальзак, Толстой, Достоевский анъаналарини изчил давом эттиrsa, инсониятни ҳаёт сирлари билан таништиришда, инсониятга маърифат, ахборот беришда яна ҳам кўпроқ ҳайратомуз ишлар қилиши мумкин.



Санъатнинг фан-техника равнақи билан борлиқ турлари — радио, кино ва телевидение бадий адабиётга таҳдид соляпти, деган фикрға келсак, бу ердаги аҳвол ҳам баъзи бирорлар ўйлаганидан ўзгачароқ. Тўғри, радио, кино ва телевидение фоят оммавий характерга эга, адабиёт бу борада улар билан асло тенглаша олмайди. Бироқ радио, кино ва телевидениенинг кенг аудиторияга эга эканлиги асло уларнинг адабиётдан устунлигини билдирамайди.

Буржуа назариячилари худди шу «оммавийлик»ни рўйкач қилиб, бадий асарнинг тақдири аллақачон ҳал этилган, ҳозирги ўта индустрисал даврда кишилар информация олишнинг мукаммалроқ воситаларини яратишга мажбур бўляпти, традицион адабиёт эса иккинчи планга ўтиб, фақат тор «киборлар» доираси шуғулланадиган ўзига хос «хобби»га айланиб қоляпти, деб ишонтиromoқчи бўладилар. Бунга жавобан Чингиз Айтматов яхши бир гап айтган эди. «Адабиётни,— дейди у,— ҳеч нарса билан алмаштириш мумкин эмас. У — ҳаёт каби абадий. Чунки, адабиёт инсон ўзи ҳақида гапиришга одатланган даврдан бошланган. Инсониятнинг абадийлиги унинг фикрлаш лаёқатидадир. Китоб инсон фикри ва туйфусини абадийлаштиришнинг энг мукаммал шакли. Прогресс китобга муҳтож. Китоб эҳтимол информация беришининг «оммавий воситаси» бўлолмас, у бунга даъво ҳам қилмайди. Китоб — ҳар қанақа информациининг асоси, унинг базиси». («Известия», 1972 й., 15 апрель.)

Радио, кино ва телевидениенинг пайдо бўлиши муносабати билан адабиёт муҳлислари камайгани йўқ, балки қиёс қилиб бўлмас даражада кўпайиб боряпти. Баъзи рақамларни келтираман. Радио, кино ҳаётга эндиғина кириб келаётган 20-йилларда «Ўтган кунлар»дек роман-

нинг биринчи бўлими бор-йўғи беш минг нусхада чиққан эди; радио, кино, телевидение тоят кенг тарқалган йиллари эса бу ромон 150 минг нусхада қайта босилди ва «яшин тезлигига» тарқалиб кетди; телевидение энди расм бўлаётган 50- йилларнинг ўрталарида бизда шеърий тўпламлар 5 минг, прозаик асарлар эса 10—15 минг нусха атрофида босилар эди, 70- йилларга келиб шеърий китобларнинг тиражи 15—30 минг, проза асарлари эса 60 минг, ҳатто 90 мингга етди; ўзбек тилида чиқадиган ягона адабий-бадиий журнал «Шарқ юлдузи» 1960 йили 20 мингга етар-етмас нусхада босилган бўлса, ҳозирги кунга келиб тиражи 140 мингдан ошиб кетди.

Келтирилган рақамларнинг ўзиёқ адабиётнинг кишилар маънавий ҳаётидаги ўрни, роли тинимсиз ортиб бораётганлигидан далолат беради. Шуни ҳам унутмаслик керакки, радио билан телевидениени оммавий қилган омиллардан бири адабиёт ва санъатдир, радио ва телевидение орқали бериладиган адабий эшиттиришлар халқ орасида машҳур бўлиб кетганлиги ҳеч кимга сир эмас, у ёғини сўрасангиз, кино ҳам бадиий адабиёт замирида вужудга келган. Аслида, радио ва телевидение адабиётга рақиб эмас, балки уни пропаганда қилувчи, оммалаштирувчи воситадир...

Шунга қарамай радио, кино, телевидение билан адабиётнинг ўзаро муносабатида баъзи муаммолар борки, буни четлаб ўтиш асло мумкин эмас.

Кино совет ва жаҳон адабиётининг жуда кўп дурдоналарини экранлаштириди, телевидение худди шундай дурдоналар асосида телеспектакллар бериб боряпти. Бу ҳол, боя айтганимиздек, бир томондан, ижобий аҳамиятга эга; иккинчи томондан, бу ишнинг баъзи нохуш томонлари ҳам сезилиб қоялапти, кино ва телевидение туфайли айрим кишилар орасида «маънавий текинхўрлик» кайфияти тарқалиб боряпти, улар бадиий асарни ўқишига эринадилар, телевизорда берилган инсценировкасини ёки кино экрандаги аксини кўриш билан чекланади.

дилар, асар устидаи телевидение ёки кинодагига қараб ҳукм чиқардилар.

Оддий ўқувчи шундай йўл тутса кечириш мумкин. Баъзан олий ўқув юртига, филология факультетига имтиҳон топшириш учун келган абитуриентлар, ҳатто шу факультетда таълим олаётган студентлар орасида ҳам шундай ҳолатга дуч келаётгиз. Чунончи, улардан «Тинч Дон», «Очилиган қўриқ», «Ўтган кунлар», «Қутлуғ қон», «Уруш ва тинчлик», «Анна Қаренина», «Жиноят ва жазо», «Судхўрнинг ўлими», «Алвидо, Гулсари», «Синчалак» каби асарларни ўқиган ёки ўқимаганлигини сўрасангиз, умуман бу асарлардан хабардор эканликларни — киносини кўрганлигини ёки телевизорда томоша қилганлигини айтадилар. Кино ва телевизорда кўриш билан чекланиш киши учун жуда катта йўқотиш эканини улар ўйлаб кўрмайдилар. Чунки, энг муваффақиятли чиққан кинофильм, радио постановка ва телеспектакль ҳам бадиий асар ўрнини босолмайди, асар руҳини тўла очолмайди, асар бойлигини мукаммал равишда тингловчи ёки томошабинга етказолмайди. «Уруш ва тинчлик», «Ака-ука Қарамазовлар», «Ўтган кунлар»дек етук фильмларни ёки «Қисмат», «Уфқ», «Фаргона тонг отгунича», «Эрк» каби муваффақиятли чиққан телеспектаклларни шу асарларнинг асли билан қиёс қилиб, кўпгина эътиrozлар билдириш мумкин; шундай қилингандан, фильм ёки телеспектакль авторлари дарҳол кино ёки телевидениенинг ўзига хос томонларини, имкониятларини рўяч қиладилар. Шунинг ўзи ҳам кино, радио, телевидение билан адабиёт бошқа-бошқа олам эканини тасдиқлаб турибди.

Шу ўринда ўрта мактабларда адабиёт ўқитиш практикасида юз берадиган бир номақбул тенденция устида тўхтаб ўтмоқчиман. Сўнгги йилларда адабиёт дарсларида техника воситаларидан фойдаланиш кенг ёйилиб боряпти. Бу, умуман яхши. Аммо улардан оқилона фойдаланиш зарур, бу ишин модага айлантириб юбормаслик

лозим. Қузатйшлар шундай кўрсатяптики, кўпчилик мақтабларда ўқитувчи машҳур асарларни ўтишдан олдин шу асар асосида яратилган фильмларни томоша қилиши ёки магнитофонга ёзиб олинган радио постановкаларни колектив бўлиб эшлишини уюштиради, сўнг асарлар таҳлилига киришилади. Кўпинча «Она», «Қутлуғ қон», «Синчалак» каби асарларга ажратилган соатлар шу тартибда ўтилади. Шу тариқа адабиёт дарси кино ёки инсенировка дарсига айланниб кетади. Ўқитувчи ўз ишидан, дарсни «кўргазмали воситалар» асосида уюштирганидан мамнун, у ўқувчиларга фильмларни кўрсатиш ҳақида бош қотиради-ю, уларнинг шу асарларни бошдан-оёқ ўқиган ёки ўқимаганликларини, ўқиш пайтида қандай кечинмаларга, ўй-хаёлларга борганиларини сўраш, суриштиришни эсдан чиқариб юборади. Бу билан ўқитувчи қанчалик жиддий хатога йўл қўяётганлигини хаёлга ҳам келтирмайди. Ахир «маънавий текинхўрлик» кайфияти худди ўша нуқтадан бошланмасмикан?!

Шундай қилайликки, техник воситалардан фойдаланиш ўқувчилардаги адабиётга бўлган эҳтиёжни, қизиқишини сусайтириб қўймасин, ўқувчи фильмни кўриш, радио постановкани эшлиши, телеспектаклни томоша қилиш билан асло чекланиб қолмасин, бадний асарнинг асли билан танишмаса, уни ўқимаса туролмайдиган ҳолатга тушсин, адабиёт ўзича мустақил, даҳлсиз олам эканини билсин, адабиёт, аввало, сўз санъати эканлигини, унинг ўрнини ҳеч нарса босолмаслигини, китоб сатрларига, бадний сўз замирига жо бўлган фикр ва туйфулар санъатнинг бошқа ҳеч қайси турларидан топилмаслигини, китобдек гўзаллик олами билан яккама-якка учрашувда туғиладиган ҳис-ҳаяжон, ҳолат инсон умрининг энг ширин, бетенг, бетакрор дақиқалари бўлишини ўқувчи мактабдалик пайтидаёқ англаш етсин, ҳис қилсин; у бир умр адабиётга мафтун бўлиб қолсан, адабий асарларни ўқиб бориш унинг учун маънавий заруриятга айланниб кетсин...

* * *

*

Фан-техника ривожи муносабати билан адабиётда бир қатор муҳим янгиликлар юз берәётир. Аввало, адабиёттимизнинг бош қаҳрамони — ҳозирги давр совет кишиси билим ва маданият жиҳатдан жуда илгарилаб кетган; мамлакатда фан-техника интеллигенцияси состави бошқа социал группаларга нисбатан ғоят тез ўсмоқда. Ҳар йили 25 мингдан ортиқ мутахассис фан кандидати, юзлаб олим фан доктори деган илмий даражада олаётир; қишлоқ кишиларининг меҳнати тобора индустрисал меҳнат тусига айланып боряпти, ҳозирги деҳқон техника ва агрономия билимларининг катта запасига эга бўлган, мамлакат, жаҳон воқеаларидан, сиёsat ва маданият янгиликларидан чуқур хабардор кишиларидир; республика-миз қишлоқларидағи ҳар минг аҳолига 18 олий маълумотли, 153 умумий ва ўрта маҳсус маълумотли киши тўғри келади; жамияттимизнинг етакчи социал кучи саналмиш шонли ишчилар синфининг состави ҳам сифат жиҳатдан аввалги даврларга нисбатан қиёс қилиб бўлмас даражада ўсган, ҳозирги ишчи юқори малакали, ўқимишли киши, статистик маълумотларга кўра бизда ҳар минг ишчига 326 олий ҳамда ўрта маҳсус маълумотли киши тўғри келар экан...

Хуллас, фан-техника, маданият ривожи совет кишиси характеристида чуқур из қолдирмоқда, унинг интеллектуал савияси тобора ошиб бормоқда.

Маълумки, фан-техникага, маданиятга муносабат ма-саласи совет адабиётининг етакчи мавзуларидан бирин бўлиб келган; фан-техника янгиликларини улуғловчи қанчадан-қанча шеърлар, достонлар ёзилган, бу борадаги қолоқликни қораловчи кўпдан-кўп ҳажвиялар битилган, техника билан боғлиқ можаролар талай драма, қисса ва романларнинг етакчи конфликти бўлган, адабиётимизда меҳр билан тасвир этилган қатор новаторларнинг,

қаҳр билан қаламга олинган антимеханизаторларнинг образлари борлигини яхши биламиз.

Адабиётимизда бу анъана ҳозир ҳам давом этяпти, бироқ эндилиқда фан-техника билан боғлиқ можаролар бутунлай янгича қўйилаётир, замон шуни талаб этаётир.

Шу ўринда бир воқеа ёдимга тушиб қолди. 1972 йилнинг кузида Наманган область Учқўрғон районидаги «Коммунизм» колхозида бўлган эдик. Колхоз раиси Усмонжон ака билан учрашув бизда катта таассурот қолдирди. Асли юрист бўлган бу одам фан ва маданиятнинг ҳамма соҳасидан хабардор, у адабиёт янгиликларини синчилаб кузатиб борар экан. Усмонжон ака бир ёш ёзувчининг ҳикоясини ўқиб қаттиқ ранжиганлигини айтди. «Бу укамиз,— дейди у,— ҳозирги раисларни пахта териш машинасига қарши қилиб кўрсатибди. Ўн йил бурунги гап! Катта кетмайин-у, ҳозир бунақа раисни кундузи чироқ ёқиб ҳам бутун республикадан тополмайсиз!»

Дарҳақиқат, ҳозир техниканинг афзаллиги етти ёшдан етмиш ёшгача ҳаммага аён, боягидек новатор билан антимеханизаторнинг олишуви тарзидаги эски можаролардан асар яратмоқчи бўлган ёзувчи қулгили аҳволга тушиб қолиши турган гап.

Шунингдек, санъат тили орқали фан ва техника афзаллигини жўнгина пропаганда қилиш даври ҳам орқада қолиб кетди.

Пешқадам ёзувчиларимиз фан-техника равнақининг ҳозирги даражаси билан боғлиқ янги проблемаларни кўтариб чиқаётирлар, бутун жамоатчиликни қизиқтираётган улкан масалаларга муносабат билдираётирлар. Илмий-техник прогресс шароитида ақл билан туйгу нисбати, билимдонлик билан ахлоқ-одоб, эътиқод, инсон ва табиат муносабати, аёллардаги мускиллашув, эркаклардаги феминлашув жараёни — ёзувчиларимиз диққатини жалб этаётган асосий масалалар шулар.

Арман ёзувчиси С. Хонзадян адабиётнинг фан-техники революцияси давридаги вазифаси тўғрисида гапириб, ёзувчи кишига янги, ўзгариб бораётган шаронтда ўзини чуқурроқ билиб олишга ёрдам бериши, уни турмушдаги янгиликларга дадилроқ тайёрлаши лозим, токи инсон нозик ва сезир психик хўсусиятларини майиб этиб қўй-масин, асеримиз рационализми ундаги жонли эмоцияларни ўлдириб юбормасин, деган эди. («Литературная газета», № 45, 1972 йил.)

Сўз санъати бу ишга аллақачон киришган. Ҳиссизликка қарши исён адабиётда маълум тенденция тулага кирган. Дастрлаб бу кайфият поэзияда намоён бўлган, хусусан Э. Воҳидовнинг «Юрак ва ақл», А. Ориповнинг «Темир одам» шеърларида ёрқин ифодасини топган эди; Зулфия билан А. Мухтор ўз шеърларида бу мавзу доирасини хийла кенгайтирди ҳамда чуқурлаштириди.

Биргина асарни эслатиш билан чекланаман. Мана, «Ойдин соната»ни тинглар бир йигит» деган сатрлар билан бошланувчи шеър. А. Мухтор бу шеърда куй баҳонасида икки хил одамнинг поэтик портретини чизади. Улардан бири эрудит, яъни билимдон шахс, у музикани тушуниб тинглайди, асар мағзини чуқур англайди, йўл-йўлакай уни бемалол таҳлил этиб боради, ёнидагиларга ўзининг билимдонлигини билдириб, тўхтовсиз сайдайди, илмий-техник терминларни қалаштириб ташлайди; бироқ унда ҳис, завқ-шавқ йўқ, куй унинг учун механик садолар йигинчиси, холос. Иккинчиси, бунинг тамоман акси: бу содда мирзачўллик йигит, куй маъноси билан иши ҳам йўқ, асар таҳлили уни қизиқтирмайди, фақат куй сеҳри билан маст: у санъат қонуниятларини чуқур англамаса ҳам, миқ этмай ҳузур қилиб тинглайди, куй бу ёқда қолиб, хаёллари узоқ-узоқларда кезади, балки ойдин соҳиyllарда дарё шамолларига кўкрак тутади, ёшлик сўқмоқларини излайди... Мана шу соддадил йигит ҳолати шоирда ҳавас уйғотади, бояги эрудит ҳолатини эслаб эти увишади. Шоир дейди:

Кўз олмайман мен ҳам шу йигитдан,
Унга ҳозир фарқсиз: тунми, яримми...
Худовандо, дейман, эрудитдан
Ўзинг асра қўшиқларимни!

Орадан кўп ўтмай «юрак ва ақл» можароси, эрудитлар, темир одамлар образи прозага ҳам кириб кела бошлиди. А. Мухторнинг «Чинор», С. Зуннунованинг «Ака», «Ёлғизлик», П. Қодировнинг «Эрк», О. Ёқубовнинг «Қанот жуфт бўлади», «Матлуба», Ў. Умарбековнинг «Одам бўлиш қийин», Ў. Ҳошимовнинг «Қалбиннга қулоқ сол», Ш. Холмирзаевнинг «Ой ёруғида» каби асарларида бу мавзу кенг планда, хилма-хил аспектда ёритилди. Бу асарларда тақдир ва талқинлар қанчалик хилма-хил бўлмасин, улар замирида битта асосий гап ётади: авторлар ҳиссизлик киши учун катта фожиа эканлигини таъкидлайдилар, одамларни бу хавфдан огоҳ бўлишга ундайдилар.

Тўғри, бир гуруҳ асарларда юракни ақлга бутунлай қарама-қарши қўйиш — ҳиссиётни идеаллаштириш, ақл-фаросатдан, мулоҳаза юритиш лаёқатидан ҳоли бўлган ўта сентиментал кимсаларни қаҳрамон қилиб кўрсатиш ва уларни зўр бериб ҳимоя остига олиш ҳоллари ҳам бўлди. Бундай асарлар ўз вақтида кескин танқид қилинди.

Кишида ақл бўлса-ю, ҳис етишмаса, бу — ёмон, аксинча, ҳиссиёти жўш уриб турса-ю, ақл, мулоҳаза етишмаса, бу ҳам оғир кўргулик; юрак билан ақл ҳамжиҳатлиги вужудга келгандагина иисон стукликка кўтарила олади. «Чинор» романидаги Ориф, «Эрк» қиссасидаги Саттор, Розия, «Қанот жуфт бўлади» асаридаги Акрамлар худди шу фазилати билан китобхон майлини ўзига тортади.

У. Назаровнинг «Журъат», «Одамнинг тафти» номли ҳикоялари ақл ва ҳис талқини жиҳатдан характерли. Мен бу ҳикояларни батафсил таҳлил этмоқчи эмасман;

улар камчиликлардан ҳоли эмаслигини — таєвирда из-чиллик етишмаслигини, баланд-пастликлар, узуқликлар мавжудлигини бу ерда исботлаб ўтирумайман. Айрим камчиликлариға қарамай, бу икки ҳикоя ўқувчида қизиқиши үйготади. Чунки уларда китобхонни қизиқтираётган юрак ва ақл, цивилизация ва инсон муносабатларига ҳозирги кун нұқтаи назаридан ёндашиш, замондошларимизнинг, хусусан ёшларнинг жуди шу хусусдаги кайфиятларини бадний тадқиқ этишга интилиш бор.

«Журъат»даги Асад дастлаб «ҳисснёт қишиси» тарзіда күрінади. У түйгулар асирига айланиб мұмін-қобил, ожиз-нотавон одам ҳолига тушиб қолган. Мана шу хислати туфайли у күп күргиликларга дуч келади, оиласы, мактабда кулги бўлади, кейинроқ армия ва ишда панд ейди, одамлар орасида масхара, кулги бўлади... Пичоқ сүякка етиб боргач, у бирдан ўзига келади, ўзини шу кўйга солган хислатларга қарши исён кўтаради; бу йнгит аянчли ўтмиши билан бир йўла хайр-маъзур қиласын деб, бошқа бир томонга ўтиб кетади, ўзидағи эзгу түйгулар устига ҳам чизиқ тортиб юборади, сунъий рашишда ниҳоятда фаол, ўта журъаткор, тошбағир, беҳис бир одам қиёфасига кира бошлайди. У бу билан ишда маълум муваффақият, обрў-эътибор қозонади. Аммо, аввал ижобий бўлиб туюлган бундай ўсиш, ўзгаришнинг ҳам кейинроқ ишқали чиқиб қолади; ҳиссизлик, сунъийлик туфайли у ўзининг инсоний жозибасини йўқотади, севгилиси кўнглига совуқлик солиб қўяди, севгисини барбод этади.

«Одамнинг тафти» ҳикоясидаги Элёр замона эрудитларидан, ёш рассом. Бироқ цивилизация, шаҳар ҳаётининг жонига теккан; ҳисснёті «жўш уриб», цивилизациядан, одамлардан безиб, «соф табиат» қўйнидаги осойишта ҳаётни қўмсаб қолган. Унинг кўзига шаҳар, маданий турмуш тартиблари тутириқсиз ва манфур бўлиб кўрінади, олис тоғдаги кимсасиз маскан эса завқ-шавқ, романтик хаёллар, битмас-туғаймас ижод манбани

бўлиб туюлади. У ўз мақсадига эришади, кибернетика билан машғул хотинини ёнига олиб тоққа кўчид боради, тоғ қишлоғи одамларидан, у ерларга ҳам этиб борган цивилизация неъматларидан қочиб, поллик маданий уйни, электр ва газни рад этиб, олисдаги гариб чордерворни маскан тутади...

Элёр ўзининг замона зайлига зид бундай хатти-ҳаракатлари билан фақат ҳамкасб дўст-биродарлари, олима хотини олдида эмас, оддий қишлоқ кишилари орасида ҳам кулгига қолади, улар кўзига унинг хатти-ҳаракатлари файри табиий, сирли-сеҳрли бўлиб кўринади. Хикояни ўқиб, биз ҳозирги кунда цивилизацияни рад этиш, сунъий равишда табиатга, табиийликка интилиш ҳам бир телбалик эканини баралла ҳис этамиз. Ҳикоя қаҳрамони пировардида ўзи аввал қаттиқ ёпиб кетган эшикни қайта очишга мажбур бўлади, ноиложникдан шаҳарга, одамлар орасига йўл олади.

* * *

Кейинги йилларда катта мунозараларга сабаб бўлаётган нарса цивилизация ва ахлоқ-этика масаласидир. Ёзувчи ҳамда адабиётшунос М. Слуцкис айтмоқчи, илмий-техник революция самаралари қанчалик хайрли бўлмасин, инсон ҳаёт синовларида ғоят қийинчиллик билан кўлга киритадиган ахлоқ ва унинг оддий ҳақиқати ўрнини босолмайди; илмий-техника муваффақиятлари, гарчи ҳаётни енгиллаштирса, ҳатто умрни узайтиrsa ҳам, инсоннинг бахти муаммосини ҳал этиб беролмайди. Демак, илмий-техник прогресс шароитида ҳам адабиётнинг азалий анъаналари ўзгармайди — инсон бахти, ахлоқи, маънавияти унинг етакчи проблемаси бўлиб қолаверади.

Биламизки, билимдонлик билан онглилиқ — маънавий етуклиқ ҳар доим ҳам бир-бирига мос келавермайди. Киши ўзини юксак маданият әгаси ҳисоблаши, катта

билимдон, олим бўлиши мумкин, аммо ана шундай маърифатли, истеъододли одамлар орасида ҳам маънавий жиҳатдан тубан кимсалар учраб туради; халқ ибораси билан айтганда, олим бўлиш мумкин, аммо одам бўлиш қийин; «билимдон мешчаниллар», «маърифатли мешчаниллар», «транзистрли мешчаниллар», «дипломли мешчаниллар» деган ном билан юритилаётган кимсалар аслида шулардир. Совет адабиётида, жумладан, сўнгги йиллар ўзбек прозасида «маърифатли мешчаниллар» нинг бир талай образлари яратилди. «Умид»даги Салимхон Обидий, «Қотил»даги Талъат, «Одам бўлиш қийин» романидаги Абдулла, «Баҳор қайтмайди» қиссасидаги Алимардон, «Умр»даги Чўлпоной шулар жумласидан. Бу тур образлар устида қизгин тортишувлар бўлди. Бу табиий бир ҳол. Бизни бошқа бир нарса ташвишга солаёттир. Айрим адабиётчилар ҳаёт ва адабиётдаги бу жараённи бир ёқлама талқин этәётирлар, шу хил фактларга асосланиб цивилизация билан ахлоқни бирбирига зинд қилиб қўяётирлар.

Баъзи далиллар келтирай. Ёзувчи Г. Бакланов «Бизнинг бурчимиз ҳақида» (1972 йил) тўпламига кирган мақоласида техник тараққиётни кишиларнинг маънавий олами билан қиёс қилиб: «Инсон лоақал урушдан олдинги даврга нисбатан маънавий жиҳатдан қанчалик ўсили экан?» — деган савол қўяди ва: «Бу қиёсда техника устунлик қиласар, деб қўрқаман. Бу эса ҳозирги кунининг энг хатарли томонларидан бири», — дея жавоб қиласди. Адабиётшунос Я. Эльсберг бир ўринда бу фикрни таққид қилгани эди.

Украиниалик ёзувчи П. Загребельний илмий-техник прогресс ва ахлоқ хусусида тўхтаб дейди: «Биз ёзувчиларни шахснинг маънавияти ҳаяжонга солаёттир. Биз ҳозир эътиқодсизлик ҳақида кўп гапираётимиз, чунки ҳаётнинг ўзида кишилар орасида маънавий тубанлашиш жараёни ўсиб бораётганлигини кўриб турибмиз», («Лит. газета», № 34, 1972 й.)

Бу хил фикрни инкор этар эканмиз, айни пайтда бу борадаги расмий, юзаки оптимизмни ҳам рад қиласиз; биз масалага бутун мураккаблиги билан қараш тарафдоримиз; ҳаётда ахлоқий — манавий тубанлик ҳоллари учраб қолаётган экан, уни фақат илмий-техник прогрессга олиб бориб тақаш, барча нохуш кайфиятларни нуқул цивилизация оқибати деб кўрсатиш нотўғри. Маънавий тубан кишилар, мешчанинлар фақат эрудитлар, билимдонлар орасида әмас, цивилизациядан йироқ кишилар ичидаги ҳам топилади. Ахир «Оқ кема»даги Ўрозқул, Саидаҳмадларнинг, «Қора кўзлар»даги Исмат бобова «Чинор»даги Ўбайдуллахонларнинг цивилизацияга қандай алоқаси бор? Улар маърифатдан йироқ, соғ «табиат фарзандлари» бўлсалар-да, ниҳоятда манфур, маънавий тубан кишилардир...

* * *

Илмий-техник прогресс билан боғлиқ ҳодисаларни адабиётда акс эттириш принципи хусусида ҳам зиддиятили қарашлар мавжуд. Бир гуруҳ ўртоқлар бўйнда бевосита фан-техника кишилари ҳаётига мурожаат этишини, тўғридан-тўғри илмий прогрессга алоқадор муаммоларни кўтаришни афзал деб биладилар; бошқа бир гуруҳ ёзувчилар эса илмий прогресс шароитида кенг омма ҳар куни дуч келаётган масалаларни кўтаришни муҳим деб атайдилар. Чунончи, М. Слуцкис: «Ёзувчи сифатида шахсан мени улкан ўзгаришлар содир бўлаётган даврда оддий одамнинг кайфияти кўпроқ қизиқтиради», — дейди.

Бизнингча, ҳар иккала турдаги асарлар ҳам керак. Оддий одам кайфиятини кўрсатиш орқали ҳам давр руҳини, зиддиятларини ифодалаш мумкин. Шу билан баробар фан-техника мислсиз мўъжизалар кўрсатаётган ҳозирги шароитда фан кишиларининг ҳаётига бўлган

қизиқиши кучайиб боряпти. Совет санъати ва адабиётида «Момақалдироқ сари», «Бир йилнинг тўққиз куни», «Ҳаммаси одамларга қолади», «Оловнинг бўйсундирилиши», «Қўл бўйида» сингари ҳозирги замон фан кишининг образини бутун мураккаблиги, улуғворлиги билан кўрсатган асарлар яратилди. Сўнгги йиллар ўзбек професида ҳам бу борада баъзи ютуқлар бор. Афсуски, кўпчилик асарларда қаҳрамонларнинг касби-корига, илм-фанга алоқадор муаммолар ҳамон шунчаки бир фон бўлиб қолаётир, ишлаб чиқариш характеристидаги можаролар жуда юзаки чиқаётир; шу кунги олимнинг қиёфаси, унинг ўз касби билан боғлиқ ўй-кечинмаларини, илмий-фалсафий концепцияларини, қувонч ва ўқиничларини, фан йўлида чеккан заҳмат ва интригаларини бутун борлиги билан кўрсатиб берадиган асарлар йўқ ҳисоб. А. Мухторнинг янги пьесаси «Самандар» адабиётдаги шу кемтиклини тўлдириш йўлида бир уриниш бўлди. Бошқа жанрларда ҳам шундай асарларни кутамиз. Чунки атом асри «Фауст» типидаги юксак интеллектуал бадиий полотноларга муҳтожлик сезяпти.

* * *

Илмий-техник революция самаралари адабиётнинг ифодалар оламига, бадиий шакл ва услугга ҳам матълум таъсир кўрсатяпти, давр ритмикаси тасвир ритмикасига ҳам кўчиб ўтапти, ёзувчи манерасида ҳам гоҳ ошкора, гоҳ пинҳоний янги жараёнлар содир бўляпти.

Аввало санъатнинг фан-техника билан боғлиқ турлари киносценарий, телесценарий, радиопостановка каби янги адабий жанрларнинг туғилишига олиб келди, ҳозирги пайтда талай ёзувчилар анъанавий шакллар билан баробар шу жанрларда ҳам ижод этаётирлар. Ўз вақтида сўз санъати театр, музика, рассомлик, ҳайкалтарошлиқ билан ўзаро ҳамкорликда ривожланган, улар

тажрибасидан озиқланган бўлса, эндиликда улар ёнига кино билан телевидение келиб қўшилди.

Хозирги пайтда ёзувчи кино ва телевидение тажрибасини четлаб ўтиши мумкин эмас. Абдулла Қаҳҳор бир сұхбатида «Оддий фашизм» фильмни ҳақида тўхталиб, бу асар ҳаётга синчков назари, реал ҳаёт фактларидан катта бадиий — фалсафий умумлашмалар чиқариш санъати билан ёзувчиларни мусобақага чақиради, дегани ёдимда. «Қирқ биринчи», «Мусаффо осмон», «Турналар учади» каби фильмлар ўз даврида фақат кино санъатида эмас, адабиёт ривожида ҳам чукур из қолдирганилиги, адабиётда янги тенденцияларнинг туғилишига туртки бўлганлиги ҳаммага аён. Шунингдек, ҳаётни бадиий ўзлаштиришдаги кўпгина муҳим тенденциялар кинода ҳам, адабиётда ҳам бир вақтнинг ўзида содир бўляпти.

Шундай бўлса-да, кино ва телевиденининг сўз санъатига, хусусан унинг ифодалар оламига таъсирини ҳаддан ташқари бўрттириб кўрсатиш нотўғри. Баъзи адабиётшунослар ҳозир яратилаётган асарлардан кинодагига ўхшаш элементлар топиб олиб, уларни иуқулгина кинонинг таъсири тарзида талқин этмоқдалар. Аслида «кинематографик элементлар» деб аталган хусусиятлар сўз санъатида ҳали кино у қадар тарақкий этмаган, балки кино яратилмаган даврларда ҳам бўлган. Киношунос Ҳамидулла Акбаров «Мисра ва кадр» мақолосасида («Ўзбекистон маданияти», 1972 йил, 22 август), ҳатто Навоий асарларида, унинг «Фарҳод ва Ширин» достонида кинематографик манбалар борлигини айтади, достонни киношунос кўзи билан таҳлил этишга, унда яширинган кинога хос хусусиятларни аниқлашга ҳаракат қиласади.

Бунинг ҳеч қандай ажабланадиган ери йўқ, одатда сўз санъати образлар воситасида фикрлайди, образлий ҳаммадан бурун нарса ва ҳодисаларни кўрсатни, киши кўзи олдида гавдалантириш демакadir. Бу хусусият айниқса реализмда мукаммал тус олади, ҳаётни худди

ўз шаклида пластик тарзда кўрсатиш принцип даражасига кўтарилади. Бинобарин, реалистик асар кинематографик элементларга ниҳоятда мўл бўлиши табиий. 30-йилларда овозли кино эндигина оёқقا туриб келаётган, ҳали кинонинг адабиётга, хусусан, ўзбек прозасига таъсири айтарли сезилмаган бир шароитда ёзилган А. Қаҳҳорнинг «Апор» ҳикоясини, ундаги мана бу лавҳани эслайлик: «Хотин уйга кириб кетди. Анчадан кейин дарчадан хира шуъла тушди. Туробжон ҳам кирди. Хотин дарча ёнида, бир тиззасига бошини қўйган, қорамтири-кул ранг осмонга қараб ўтирас эди. Туробжон тикка туриб қолди. Токчадаги бешинчи чироқ пихиллаб ёнар, унинг атрофида катта бир парвона айланар эди. Туробжон ҳам дарча ёнига ўтиради. Шипнинг қаеридир «қирс» этди, қаердадир калтакесак чирқиллади. Туробжоннинг қулоги жингиллади. У ҳам осмонга — хира юлдузларга қаради. Мачитдаги кекса бақатерак орқасидан кўтариленган қизғиши ўт оловли из қолдириб жуда юқорилади ва гўё осмонга урилгандай чилпарчин бўлиб «пўп» этди».

Бу парчадаги тасвир уч жиҳатдан характерли: унда ҳам хатти-ҳаракат, ҳам ранг, ҳам овоз бор; худди оддий кинодаги каби персонажларнинг қадди-қомати, хатти-ҳаракати ва ҳолатини шундоққина кўриб турамиз, бамисоли рангли кинодаги каби дарчадан тушган хира шуълани, осмоннинг қорамтири-кул ранг тусини, юлдузларнинг хирагини, терак орқасидан кўтариленган қизғиши ўтнинг оловли изини аниқ туйиб оламиз; худди овозли кинодаги сингари чироқнинг пихиллашини, шипнинг «қирс» этганини, калтакесакнинг чирқиллашини, мушакнинг «пўп» этиб чилпарчин бўлганини баралла эшигиб турамиз. Кинодагига ўхшаб шу қисқа муддат ичидаги неча бор кадрлар алмашинади, уйга кириш, уйдаги манзара-ҳолат, сўнг осмон, осмондаги из бирин-кетин кўз олдимиздан ўтади.

Демак, сўз санъати кино таъсирисиз ҳам ҳаёт лавҳаларини шу хил гармошк тарзда мукаммал кўрсата

олган. Очигини айтиш керак, ҳозирги вақтда бевосита «кино услиби» таъсирида ёзилаётган асарларда ҳам чамна шундай ёрқин, мукаммал картиналар кам топилади. Хуллас, адабиётнинг тасвир имкониятлари чексиз, бутун гап улардан моҳирлик билан фойдаланишда, яширин имкониятларини қидириб топишда қолган. Айрим ёш авторларда сўз санъати имкониятларини назар-писанд этмаслик, иуқул «кино тили»да гапираман деб беллетристика принципларидан чекиниш ҳоллари ҳам бўлди. Шу йўл билан яратилган асарлар бадиий прозадан кўра киносценарийга яқинлашиб қолди. Маълумки, кино синтетик санъат, сценарий унинг бир бўлаги, холос. Ҳар қандай яхши сценарий ҳам моҳирлик билан лентага кўчирилган, экранда гавдаланган тақдирдагина санъатга айланади. Сценарий китобхон учун, ўқиш учун эмас, аввалио суратга олиш учун ёзилади. Табиийки, сценарий ҳолига тушиб қолган прозаик асардан китобхоннинг кўнгли тўлмайди. Шундай асарлар бизда китобхон билан танқидчиликнинг жиддий эътирозига дуч келди. Бунинг учун У. Назаровнинг «Кунлар», «Губор» қиссалари устида кетган баҳсларни эслаш кифоя. «Кино тили»нинг ожиз томонларини авторнинг ўзи ҳам сезиб қолди. Ёзувчи кейинги асарларида «кино тили»ни «беллетристика тили» билан қўшиб олиб боришга ҳаракат қиляпти.

Ёки «телеграф услиби» деб аталган шакл устидаги шов-шуввларни эслайлик. Қатор адабиётшунослар буни ҳам бутунлай янгилик, фан-техника таъсири, «кибернетика даври стили» деб кўрсатмоқчи бўлдилар. Орадан кўп ўтмай бу услубий ҳодиса ҳам янгилик эмаслиги, бунақа сиқиқ форма прозада Пушкиндан бошланганлиги, А. Чехов уни юксак чўққига кўтартганлиги тан олна бошланди. Тўғриси, ҳозир «янги услиб» соҳиби деб аталаётган носирларнинг ҳеч бири сиқиқликда А. Пушкин ва А. Чеховга, ўзбек прозасида эса А. Қаҳҳорга тенглаша олганлари йўқ. Бунинг устига «телеграф услиби»да ёзилган баъзи асарлар ҳақиқатан ҳам оддий телеграм-

ма ҳолига тушиб қолди, жўнгина қуруқ маълумотлардан ташкил топган бундай «тасвири»нинг бадиийликка мутлақо алоқаси йўқ.

Давр руҳини бадиий шаклга солишда бошқа хил камчиликлар ҳам бўлди, айрим асарларда услугуб жиҳатдан ҳаёт садоларига тақлид қилиш, техника суронлари ни тўғридан-тўғри тасвирига кўчириш фактларига ҳам дуч келдик. Бир мисол. У. Назаров илк ҳикояларидан бири «Илтижо»да ишчи йигит образини яратишга, унинг меҳнатини ва интим кечинмаларини ифода этишга интилди. Ёзувчи ўз қаҳрамонини дастлаб заводда, иш устида кўрсатмоқчи бўлади:

«Бахтиёр қофозни тўрт буклаб чўнтағига солди. Ишлаш керак. Қнопкани босди: шинғ-нғ-нғ... Станокининг овозини яхши кўрган киши кам, аммо Бахтиёр яхши кўради. Шинғ-нғ-нғ... Маза қилиб хаёл сурасан киши...

Шинғ-нғ-нғ... Бахтиёр тайёр детални темир қутига ташлади...

Шинғ-нғ-нғ...

Иш тугагандан кейин ишчилар кўча томон йўл олдилар...» («Гулдаста» тўплами, 1964 йил, 243—244-бетлар.)

Шу билан қаҳрамоннинг «заводдаги фаолияти» тугайди, станок овозлари ҳам тинади, энди унинг интим кечинмалари бошланади, кўчада у бехос севгилисига дуч келади, бу ердаги хатти-ҳаракат у ҳолатларнинг садоси ўзгача тус олади, бу садолар ҳам тасвирига кўчади:

«Бахтиёрнинг елкаси -- тап-тап-тап!.. Вуй! Кўзларини қара-я! Жиз-зз! Бахтиёрнинг юрагини кимдир иккала ҳовучига солиб бирдан эзворганга ўхшади! Худди анорни эзгандек. Дук-дук-дук-дук...

...Киз Бахтиёрнинг қўлини ўзининг иссиқ кафтлари орасига олиб исита бошларкан, Бахтиёр сеҳрланган жонивордек ундан кўзини уза олмайди: дук-дук-дук-дук-дук...

— Менга бунаقا қараманг. Кўрқаман. Куф-ф-ф...» (245-бет.)

Адабиёт тарихидан хабардор ҳар бир кишига аёнки, бунда «тақлидий услугуб» ҳам янгилик эмас. 20—30-йиллар адабиётида, айниқса поэзияда шу йўл билан давр янгиликларини, техника садосини ифодалашга уринишлар бўлган эди. Бу услугуб ўзини оқламади, натуралистик империализминг бир кўриниши сифатида адабий тажриба уни рад этди. У. Назаров ҳам бу услубнинг ожиз томонларини тушуниб қолди ва тезгина ундан қайтди. Ёзувчи биз юқорида тилга олган янги ҳикояларида бу хил «эксперимент»лардан қочган, традицион реалистик услубларга яқинроқ келган, шунга қарамай уларда «замон стили»да ёзилган асарларига нисбатан давр руҳи, садоси, замондошларимиз кайфияти ёрқинроқ акс этган.

Хўш, шундай экан, илмий-техник прогресснинг бадний формага, услугуга кўрсатаётган таъсирини қаердан қидирмоқ керак? Менимча, буни яратилаётган асарларнинг умумий руҳидан, асл моҳиятидан излаш керак. Ҳозир замон билан ҳамнафас чинакам талантларни, улар фоят хилма-хил ижодий манера соҳиби бўлишларидан қатъи назар, услугуб жиҳатдан бир хусусият бирлаштириб турибди — уларнинг барчасида аналитик тасвирга мойиллик кучли, тасвир оҳангиди ўйчанилик, мулоҳазакорлик оргиб боряпти, қисқаси, ҳозирги пайтда аср рационализми услугуб ритмикасини тайин этувчи омиллардан бири бўлиб турибди. Бу мураккаб, зиддиятли, айни пайтда фоят самарадор жараён хусусида жиддийроқ бош қотириш лозим.



ҚАҲРАМОН — ДАВР ТИПИ

Адабиёт қаҳрамон билан тирик. Адабиёт равнақи, камолот даражаси у яратган қаҳрамонларга қараб белгиланади. Адабиётдаги чинакам янгилик янги одам характерини кашф этишдан бошланади. Янги одам образини яратиш — ҳаёт ҳодисаларига янги томондан ёндашиш, жиҳдий проблемаларни кўтариш, муҳим гап айтиш демакдир. Булар эса ўз навбатида янги ифода воситалари, оригинал усуулларни тақозо этади. Бадииятга — тил, услуб, сюжет, композиция, конфликт ва ҳоказоларга оид изланишлар бош мақсад — янги қаҳрамон характерини кашф этишга бўйсундирилган тақдирдагина ўзини оқлаши мумкин. Мабодо ёзувчи янгила ифода воситаларини қидириб топиш пайида бўлса-ю, янги қаҳрамон образини яратишга интилмаса, уни яратолмаса, бу хил интилишлар беҳуда, шунчаки бир шаклбозлик бўлиб қолаверади.

Ҳозирги буржуа адабиётининг инқирози бу ҳақиқатни яна бир бор тасдиқ этмоқда. Модернистлар, авангардистлар деб ном олган буржуа адилари ўз асарларини «санъатнинг сўнгги кашфиёти», «новаторлик намунаси» деб атаётган бўлсалар-да, улар адабиёт равнақига, бадиий тафаккур ривожига бирон жиҳдий янгилик қўшаётганлари йўқ. Чунки, уларнинг асарлари қаҳрамонлардан, қаҳрамонликдан тамоман ҳоли; бу хил адилар адабиёт ва санъатнинг бош вазифаси — инсонни улуғлаш эканини упугтиб қўйганлар, улар инсон имкониятларига, келажагига ишонч туйғусидан маҳрумдирлар. Бу ҳол буржуа оламидаги илғор фикрли ёзувчиларни ҳам қаттиқ ташвишга солмоқда. Чунончи, таниқли инглиз ёзувчиси Р. Ф. Делдерфилд яқинда мана бундай деб ёзди: «Бир вақтлар биз билган қаҳрамонлар романларни тарқ этиб кетди, ҳолбуки, бундай қаҳрамонларга ҳозирги кунда эҳтиёж катта. Кўп ҳолларда уларнинг ўринини

ғайри қаҳрамонлар эғаллаб олди. Ђошқа ҳолларда эса ҳамма ёқни, ҳатто, умуман қаҳрамон дейишига ҳам нолойк, аллақандай абстракциялар босиб кетди». «Авангардистлар,— деб давом этади у,— урушдан кейинги йилларда минглаб бадиий усулларни кашф этдилар, аммо инсоний фазилатларни қандай тасвирлаш кераклигини унудиб қўйдилар. Аслида, менинг назаримда, бу нарса адабиётнинг танижони ва қонини ташкил этади». (Герои уходят..., «Лит. газета», 1971, № 13.)

Бунга қарама-қарши ўлароқ социалистик реализм адабиёти жаҳон адабиётининг мўътабар анъаналарини изчиллик билан давом эттироқда; совет ёзувчиларининг энг яхши асарлари чуқур инсонпарварлик ва ҳаётбахшилик руҳи билан йўғрилган, уларда инсонга, унинг истиқболига ишонч барқ уриб туради, инсон деган ном мағур жаранглайди; дунёни ўзgartираётган, уни қайта қураётган, шу билан баробар ўзи ҳам ўзгариб, камолотга эришиб бораётган бунёдкор, курашчан, ўйчан, мутафаккир инсон — бу адабиётнинг бош қаҳрамони.

Буни ўзбек адабиётининг сўнгги муваффақиятлари мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. 60-йилларда яратилган йирик жанр намуналари — роман ва достонларга бир назар ташлайлик. Бир-инки асарни мустасно қилганда, шу йиллар давомида пайдо бўлган барча йирик асарлар марказида ижобий қаҳрамон образи туради.

Ижобий қаҳрамон теварагида жуда кўп баҳслар бўлжити. Янги баҳс пайтида ҳар гал эски муаммо қайта тилга олинади: ижобий қаҳрамон қандай бўлиши керак? У идеал шахс бўлиши шартми? Оддий одам ҳам қаҳрамон бўла оладими? Ижобий қаҳрамон нуқсонли бўлиши керакми ёки нуқсонсиз? Баҳс қатнашчилари ҳам доим шу масалалар теварагида тортишади ва одатдагидек бу саволлар ҳар гал ечилмай қолаверади.

Шундай бўлиши табиий. Чунки қаҳрамон ундай бўлиши керак, бундай бўлиши керак, деб кўрсатма бериш мумкин эмас. Чинакам санъаткор ҳеч қачон рецептлар

асосида иш кўрмайди. Ҳаёт, бадпий ижод шу қадар муркаб, сеҳрли жараёнки, кўпинча янги одам образини яратишда энг доно маслаҳатлар ҳам иш беролмай қолади: ёзувчи кашф этган янги одам қаҳрамон ҳақидаги эски тасаввурларни бутунлай ўзгартириб юбориши ҳам мумкин; адабиёт тарихида бундай ҳодисалар кўп бўлган.

«Идеал шахсларгина ижобий қаҳрамон бўла олади», «ижобий қаҳрамон бенуқсон бўлиши керак», деган тезис ҳам, «қаҳрамон оддий бўлиши керак», «ижобий қаҳрамонда нуқсон бўлиши мумкин ва ҳаттоқи шарт» деган тезис ҳам бир ёқламаликка олиб боради, схематизм ва китобийликка йўл очади.

Ижобий қаҳрамон ҳақидаги мунозаралар вақтида ҳар гал иккита жиддий камчилик тақрорланяпти. Мухолифлар, бириичидан, ижобий қаҳрамоннинг қандай бўлиши лозимлиги устида кўп бош қотирадилар-у, энг муҳими, қаҳрамон — давр типи бўлиши кераклигини унтиб қўядилар: иккинчидан, адабий жараённи, қаҳрамон характеристини яратиш бобидаги мавжуд тажрибани етарли ҳисобга олмайдилар.

Ниловна, Чапаев, Корчагин, Давидов, Фофир, Йўлчи, Отабек, Анвар, Кўкан, Саида, Абай, Танабой, Ойқиз каби совет ёзувчилари асарлари саҳифаларида қад кўтарган машҳур қаҳрамонларни эсга олайлик.

Уларни эслаганда, ҳар қанақа схема ва рецептларни, адабий усул ва қоидаларни тамоман унтиб юборасиз; улар ҳақиқий маънода ҳаёт қаҳрамонлари, давр типлари; улардаги хислатлар конкрет тарихий шароит ва муҳитининг маҳсули, уларда илгор, етакчи социал кучларга хос хусусиятлар шу қадар тўлиқ, ёрқин ва бетакрор мұжассам этилганки, реалистик санъат сеҳри олдида лол қоласан киши. Ахир Горький П. Ниловнани асар бошида атайин содда, лоқайд этиб кўрсатган эмас. Бу аёл онги ва характеристидаги ўсиш, ўзгаришлар қандайдир «янгича усуллар» маҳсули ҳам эмас. Горькийнинг буюклиги шун-

даки, Ниловна тимсолида асримиз бошида уйгонаётган, революция йўлига кираётган социал кучининг моҳиятини кўрди, унда давр ҳақиқатини ифода этди. «Синчалак» автори Сайдани ҳар тарафлама етук, оқила, тадбиркор, дадил, ғолиб раҳбар аёл тарзида талқин этар экан, конкрет тарихий шароитга таянади, адаб Саида сиймосида ўзбек аёлининг бугунги камолотини кўради, партия XX съездидан кейинги муҳим жараёнлар эса Саидага кучқувват, дадиллик баҳш этади. Танабой табиатидаги жамики кучли ва заиф жиҳатлар, ҳаётидаги барча қувонч ва ташвишлар давр билан боғлиқ. Қолган энг яхши қаҳрамонлар ҳам шундай.

Биз моҳир санъаткорларнинг анъана ва тажрибалирини қадрлаймиз. Аммо анъана ва тажрибалар ҳар қанча мўътабар бўлмасин, уларни айнаи тақрорлаш мумкин эмас. Санъат ва адабиётда тақрорийлик кетмайди, энг мақбул адабий усул ҳам, энг етук қаҳрамон образи ҳам фақат бир бор кашф этилади. Нуқул бадиий кашфиётлар таъсиридан яратилган қаҳрамонлар шунчаки бир тақлид, соя бўлиб қолаверади.

Ҳаёт ҳамиша ўзгаришда, ҳар бир давр ўз қаҳрамонларини яратади, қаҳрамон ва қаҳрамонлик ҳам ҳамиша янгиланиб туради. Ҳаётга, ҳаёт қаҳрамонларига яқинлик ёзувчи учун янгидан-янги имкониятлар очади, уни схемалардан, китобийликдан халос этади. Бадиий ижод ўз номи билан ижод. У ҳамиша ҳаётга, одамларга янги жиҳатдан ёндошишни тақозо қиласди.

Сир эмас, кейинги йилларда адабий тақиқидчиликдаги айрим догматик тасаввурлар ижобий қаҳрамон проблемасига салбий таъсир кўрсатди. Энг яхши қаҳрамонларга, чунончи Саида, Ойқиз, Луқмончаларга тақлидан яратилган қаҳрамонлар кўпайиб кетди. Айрим адаблар, оддий кишилар ҳам қаҳрамон бўла олади, деган қонда асосида иш кўраман деб, қаҳрамон обрўсини, қаҳрамонлик мезонини тушириб юбордилар. Уларнинг асарларида анчайин жўн, тўпори, фаолиятсиз кимсалар қаҳрамон-

ликни даъво қила бошлади. Ижобий қаҳрамонда нуқсон бўлиши мумкин ва ҳаттоқи шарт, деган даъво баъзи қаламкашларни чалғитди. Бу хил ёзувчиларнинг катта меҳр-муҳаббат, зўр умид билан қаламга олган қаҳрамонларини бир хотирлаб кўринг. Улар ҳар қадамда адашаверадилар, кетма-кет хатога йўл қўяверадилар, автор қаҳрамон деб тақдим этган шахс ҳаётни ва фаолияти билан танишиб чиқасиз-у, ундан бирорта ҳам ибратли фазилатни тополмайсиз. Баъзан эса маҳорагининг етишмаслиги туфайли ёзувчи яратган қаҳрамон жозиба кучидан маҳрум бўлиб қолаётир. Бундай асарларда ижобий қаҳрамон жуда кўп хайрли ишлар қиласди, кўпгина мақбул гапларни айтади; автор унинг хайрли ишларини эринмай ипидан-игнасигача тавсиф этади. Аммо улар сизни сирам ҳаяжонга солмайди, бу тафсилотларни ўқигандан китобхонни эсноқ босади. Бундан шундай хулоса чиқадики, ҳаёт қаҳрамонларини адабиётга олиб кириш нусхакашлик эмас. Ҳаётдаги донгдор кишилар портретини, фаолиятни батафсил тавсиф этиш билан ижобий қаҳрамон пайдо бўлиб қолавермайди. Абдулла Қаҳҳор айтганидай, ҳаётдан тўғридан-тўғри кўчириб ёзиш китобдан кўчириб ёзишдай бир гап. Копия копия бўлиб қолаверади. Бундай нарсалардан оригиналлик кутиб бўлмайди; оригиналлик ҳаёт ҳақиқатини кўнгил призмасидан ўтказиш, уни ҳис қилиш, унга ҳис-ҳаяжонларингни, ўйлаб юрган гапларингни сингдириш, тилак ва идеалларингни кўшиб ифодалаш билан юзага келади...

Шу хил камчиликларга қарамай, сўнгги йиллар ўзбек адабиётида давр руҳини, ҳаёт нафосатини, коммунизм қурувчисининг энг яхши хислатларини ўзида мужассам этган қатор оригинал қаҳрамонлар пайдо бўлди. «Қудратли тўлқин»даги Пўлат, «Олтин зангламас»даги Содиқ, «Уфқ»даги Икромжон, «Қора кўзлар»даги Аваз, Замонали, «Чинор»даги Очил бобо, Ориф, «Кунлар»даги Муаттар, «Қанот жуфт бўлади» қиссасидаги Акрам, «Эрк»даги Саттор, «Сотволдидан салом»

достонидаги Сотволди образларини бадий кашфиёт, давр типлари деса бўлаверади.

Ўзбек адилларининг ютуқлари кўп жиҳатдан ибралли. Бу тажрибалар қаҳрамон ҳақидаги тасаввуримизни анча кенгайтиради, ижобий қаҳрамонни қандайдир андазаларга солиш заарарли эканини, улар ниҳоятда хилма-хил бўлиши мумкинлигини яна бир бор тасдиқ этади.

«Кудратли тўлқин» қаҳрамони Пўлат жисмонан хаста, касалманд бўлишига қарамай, ўзини машақкатли ишларга уради. Пўлатдаги бу жонбозлик, фидойилик ўша даврни кўрмаган китобхон учун бир оз ғалати туюлиши мумкин. Аслида ҳамма нарсани уруш ўз комига тортаётган, инсониятнинг ҳаёт-мамоти ҳал бўлаётган бир шароитда танида жони, қалбида виждони бор одам жим турни мумкин эмас, хаста бўлса-да, жим туролмас эди. Пўлат ўзлигидан кечиб, шахсий ҳузур-ҳаловатини унугиб, касаллигига қарамай она юрт учун фойдали ишлар қилишга бел боғлаган экан, уни давр, шароит шунга мажбур этади. Ш. Рашидов қаҳрамондаги худди ўша — давр, шароит тақозо этган хислатларни бир оз бўрттириб, қабартириб кўрсатган экан, бунга унинг ҳаққи бор; қолаверса, «Кудратли тўлқин» романтик услугга мансуб асар, романтик услуг эса қаҳрамондаги маълум хусусиятларни кучайтириш учун авторга ҳуқуқ беради.

Шунга ўхшаш манзарани «Олтин зангламас» романнида ҳам кўрамиз. Роман қаҳрамони Содиқ мураккаб вазиятга тушиб қолади, ниҳоятда пок, халқига, Ватанинга садоқатли бу одам айборлар қаторига тиркаб қўйилади. Аммо у, энг оғир дақиқаларда ҳам виждонига, коммунистик эътиқодига гард юқтирумайди, оғир синовлардан матонат билан ўтади. Ахир, бундай оғир вазиятга тушиб қолган одам баъзан иккиланиши, шубҳага бориши, умидсизликка тушиши ҳам мумкин-ку! Роман муаллифи Шуҳрат юз бериши мумкин бўлган бундай руҳий ҳолатларни атайин четлаб ўтади, романтик тасвирга хос

бирёқламароқ йўл тутади, қаҳрамондаги конкрет вазијатда юзага қалқиб чиққан ижобий фазилатларни бўртириб, пафос, патетика даражасига кўтаради; Содик ҳеч қандай куч бу колмайдиган коммунистик эътиқоднинг рамзига айланади.

«Чинор»даги Очил бобо характеристида бўрттириш, муболага яна ҳам кучли. Тўқсондан ошган бир одамнинг шу кунги ҳаёт ҳодисаларига, ахлоқий-этик масалаларга янгича, тўғри ёндошиши, бу оддий чолнинг ҳаёт жумбоқлари устида донишмандларча фикр юритиши, ижтимоий бурчни чуқур ҳис этиши, ҳар қандай масалада йирик давлат арбоби тарзида иш тўтиши бир қарашда бир оз гайри табиний туюлади. Бу образининг туб моҳиятини англаб етган китобхон учун эса бундай ажабланишга ҳеч қандай ўрни йўқ. Очил бобо романтик ҳамда рамзий образ. Бу чол — ўзбек халқининг йигма образи, у халқ етуклиги ва донишмандлигининг рамзи. Асқад Мухтор Очил бобо образини атайлаб идеаллаштирган. Бироқ автор шунда ҳам ҳаётга, ҳақиқатга зид борган эмас; Очил бобо сиймосида давр ҳақиқатини музассам этган.

Сайд Аҳмаднинг «Уфқ» романидаги эса бошқачароқ манзарага дуч келамиз. Романинг етакчи персонажларидан бири Икромжон ҳам ижтимоий бурчни юксак қадрлайдиган, ватан, халқ, партия ишига фидокор шахс. Мана шу пок қалб эгаси бошига катта мусибат тушади, унинг кўз қораси, яккаю ягона фарзанди қочоқ, хоин бўлиб чиқади, юрт ишидан ўзини четга олади. Бу ҳол Икромжонни ларзага солади, унинг кўнглида хилма-хил, зиддиятли туйғулар жўш уради. Икромжон, бир чеккаси, ўғли қўлмишидан газабланади, уни нафрлатлайди, оқ қиласди, дуч келганда, ҳатто унга қаратга ўқ узади; иккинчи томондан, ота, бари бир, оталигича қолади, қалбининг қаериладир ўз фарзандига писбатан оталик туйғуси зарраларини асрраб қолади.

Икромжон руҳиятидаги бу хил зиддиятлар, юрт иши-

га фидокор бир одаминг шахсий майлларга берилши ундаги ижтимоий туйғунинг аҳамиятини асло туширмайди; балки бу ҳол қаҳрамонга алоҳида фазилат, жозиба баҳш этади.

«Қудратли тўлқин», «Олтин зангламас», «Чинор», «Уфқ» романларида, боя айтилганидек, қаҳрамонлар кескин, мураккаб вазиятларда кўрсатилади, шунинг оқибати ўлароқ, улардаги воқеа ҳам фавқулодда характер касб этади, персонажлардаги хусусиятлар хийла кучайтириб, бўрттириб берилади. «Қора кўзлар», «Эрк», «Қанот жуфт бўлади», «Кунлар» типидаги асарларининг авторлари эса ўзгача йўл тутадилар. Бу асарлардаги қаҳрамонлар талқинида биз айтарли бўрттириш ва му болағаларни учратмаймиз; улардаги қаҳрамонлар ҳақиқий маънодаги оддий кишилар, оддий фазилат эгалари; улар кишини лол қолдирадиган бирор фавқулодда жасорат кўрсатишмайди, шунчаки кундалик ишлар билан банд бўлишади, оддий ижтимоий ва онлавий бурчларини адо этишади... Шундай бўлса-да, улар ҳам барибир қаҳрамон, давр типлари даражасига кўтарилаверган. П. Қодиров, О. Ёқубов, У. Назаровларнинг маҳорати шундаки, улар оддий кунларимизнинг чуқур маъносини, оддий одамлардаги оддий хислатларнинг сехри ва жозибасини очиб беришга муваффақ бўлганлар.

Очиғи, Муаттар типидаги ёш замонавий зиёли ўзбек қизи портрети «Кунлар»га қадар ўзбек прозасида кам эди. Муаттарнинг кийиниши, кўриниши, фикрлаши, муоммаси, юриш-турини — ҳаммаси янгича, замонавий. У ҳам ижтимоий, ҳам шахсий ҳаётда ўз йўлини топиб олган; ҳамма жойда ўзини эркин ҳис этади, севги бобида эркин йўл тутади; аёл зотига ишончини йўқотиб қўйган одамдан тезгина юз ўғиради, ўз талабасига кўнгил беришга журъат этади, севгиси, аёллик нафсониятини ҳар қандай вазиятда ҳам ҳимоя эта олади. Бизда баъзан янгилик шиори остида беҳаёлликни тарғиб этиш ҳоллари учрайди. Улардан фарқли ўлароқ, У. Назаров Муат-

тар тимсолида янгиликни ахлоқий етуклик тарзида талқин этади, янгича хулқининг нафосатини китобхонга етказиб беради. Зотан Муаттардаги янгича кайфиятлар нозик ҳаё, одамлар, удумлар олдидаги масъулият ҳисси билан қўшилиб кетган. У эскича қарашлардан тамоман ҳоли, замонавий аёл бўлса-да, унда ибо, орият туйғуси ниҳоятда кучли.

«Қанот жуфт бўлади» қиссасидаги Акрам, «Эрк» қаҳрамони Саттор характеристида ҳозирги илфор ёш зиёлиларга хос кўпгина хусусиятлар ифода этилган. Уларниң кундалик ишлари, ўй ва интилишлари, оиласвий ташвишлари замирида катта ҳаёт ҳақиқатининг жилваларини пайқаш қийин эмас. Акрам ҳам, Саттор ҳам интеллектуал жиҳатдан бой, билимдон, кенг фикрлайдиган, ўйчан, мулоҳазакор кишилар. Улар айрим асарларда учраб қолаётган нуқул ўй суреб, ўйининг поёнига етолмай қолган, ўйланишдан, шикоят қилишдан нарига ўтмайдиган фаолиятсиз знёлилар тоифасидан эмас, Акрам билан Саттор, аввало фаол кишилар, улар кўнгилларидағи ўй ва режаларини рӯёбга чиқариш учун дадил кураш олиб борадилар, уларда мулоҳазакорлик, ўйчанлик курашчанлик ва тадбиркорлик билан қўшилиб кетади; кўпинча ўй-мулоҳаза ҳис ва майллардан устун ҳам келади, чунончи, Акрам кўп мулоҳазалардан кейин ўзидағи майларга қарши иш кўради; Саттор эса, гарчи хотини Ойшахонга кўнгилсиз бўлса-да, оила олдидаги, ёрдамга муҳтоҷ бу содда, муштипар аёл олдидаги масъулиятини ўйлаб, у билан бирга қолади...

Ҳ. Шариповнинг «Сотоволдидан салом» достонида ҳам қаҳрамон характеристидаги оддий хислатлар қаламга олиниади. Сотоволди — оддий қишлоқ кишиси, шу кунги раҳбар ходим. У ерга меҳр қўйган, ўз ишининг илмини сув қилиб ичиб юборган, бир оз қув, муғомбир, аммо ниҳоятда ҳалол, дилкаш, тадбиркор, библиймандон меҳнат кишиси. П. Қодиров, О. Ёқубов, У. Назаровлардан фарқ қиласроқ, достон автори қаҳрамондаги мана шу оддий

хислатларни табинийликка путур етказмаган ҳолда анча бўрттириб, уларга фавқулодда тус беради. Натижада Сотволдидаги оддий фазилатлар ўтириш таъсирчанлик касб этади. Сотволди бутун фазилатлари билан хотира-миздан мустаҳкам ўрин олади. Шоир тажрибаси оддий одамларнинг оддий хислатларини ҳам фавқулодда дара-жага кўтаравериш мумкин эканлигини яна бир бор ис-бот этади.

Хуллас, ижобий қаҳрамон ҳеч қанақа андозани, ре-цептни тан олмайди. Қаҳрамон яратишнинг усуллари, йўллари беадад, бу борада ҳали қашф этилмаган имко-ниятлар беҳисоб. Ижтимоий қаҳрамон ғоят хилма-хил бўлавериши мумкин, фақат биргина талабга жавоб берса бас — у ҳар қанча хилма-хил бўлса ҳам, ҳаммадан бурун давр типи бўлсин, даврнинг етакчи, илфор кучлари моҳиятини ўзида ёрқин, бетакрор мужассам этсин.



ЗАМИНДА ЯШАЙМИЗ, ЗАМИННИ УИЛАЙМИЗ

Юксак маданият асирида яшаяпмиз, мамлакатимиз аҳолисининг ярмидан кўпи шаҳарларда истиқомат қила-ди, қишлоқлар ҳам шаҳар тусига кириб бормоқда, сано-ат-техника нафаси ҳамма ерда кезиб юрибди, фан ва тех-ника мўъжизалари кириб бормаган бирор хонадонни, оммавий информация воситалари — китоб, журнал, газета, радио, кино ва телевидениедан баҳраманд бўлма-ган бирор кимсанни топиш амри маҳол.

Атом асрининг руҳи адабиётда ҳам баралла уфуриб турибди. Аввало, замондош қаҳрамоннинг ўзи бутунлай янгича одам, унинг ҳаёт тарзи, фикрлаш йўсими ўзгача; у олим бўладими, ишчи, колхозчи, ўқувчи бўладими, ба-ри бир, ким бўлишидан қатъи назар, унинг онгига аср белгиларини топавериш мумжин, у ўзини қуршаб турган олам ҳақида кўп нарса билади, кўп ўйлайди, унинг ман-фаат, майл доираси ниҳоятда кенг.

Узоққа бормайлиг-у, асримиз бошидаги оддий қиши-лоқ кишиларини, чунончи, «Ўтмишдан эртаклар»даги ёзувчининг ўзи бевосита шоҳид бўлган одамларни, баъзи ҳодисаларни эслайлик. Ўйиллар учун элементлар маданият янгиликлари, оддий техника асбоблари ҳам улкан мўъжиза эди; туғруқхона — «одам заводи», вело-сипед — «шайтон арава», кўчада велосипед миниб кета-ётган одам бир кампир кўзига «коёғи ерга тегиб-тегмас-дан учиб кетаётган бир махлуққа» ўхшаб кўринади, шунда кампир шайтонлаб ўзини ташлаб юборади ва уч кун деганда оламдан ўтади; ёзувчининг отаси Абдуқаҳ-ҳор aka чок тикадиган «Зингер» машина сотиб олганда бутун қишлоққа довруғ бўлиб кетади, узоқ-яқиндан одамлар уни кўргани келишади, оддий темирчи, баъзилар назарида, «зингерли бой»га айланади; шогирд Кулаланинг бир палла тарвуз пўчогида кўрсатган «най-ранги», оҳанрабо билан тахта устида калит юргизгани

эл оғзига тушиб кетади, соддацил одамлар шогирди шунақа бўлса, устаси қанақа экан, деган хаёлга бориб Абдуқаҳдор акани сеҳргар-дуохонга чиқазиб қўйишади...

Бунақа ҳодисалар, ёзувчи айтмоқчи, бугунги китобхон учун бамисоли бир эртак; яқин ўтмиш кишилари хаёлига сифмайдиган мўъжизалар шундоққина кўз олдида содир бўлса ҳам — одам боласи замондоши ой сатҳида кезиб юрганини телевизорда ўз кўзи билан кўриб турса ҳам, бунга ортиқча ажабланмайди, буни табний, оддий ҳодисадек қабул қиласди. Яқин ўтмишда қора чироққа шукур қилган бобонинг авлоди бугун хонадонида бирпас электр чироғи ёнмай қолса, тоқати тоқ бўлади, кечагина Қўқондан бир ҳафта йўл босиб Тошкентга етиб келган отанинг фарзанди ярим соатлик манзилга етказадиган ҳаво лайнери жиндай кечикиб қолса ўзини қўярга жой тополмайди. Биринчи жаҳон уруши бошланганини олти ойдан кейин эшигтан фаргоналик деҳқон набираси марказий газеталар чиқсан куни қўлига тегмаса Союзпечатга шикоят ёзади... Ҳозирги ҳаёт тарзи шундай. Бу инсон хаёлидаги, онгидаги улкан инқилобий ўзгаришлардан бир нишона!

Маълумки, ҳар қандай прогресс маълум қарамақаршиликлар асосида юз беради, бу табний бир ҳол, диалектника қонуни шундай; ҳозирги маданий, илмий-техник тараққиётнинг ҳам ўзига хос зиддиятлари, қийинчиликлари бор. Чунончи, цивилизация оқибатида инсон табнат қучоғидан маълум даражада узоқлашиши, инсондаги интеллектуал майл унинг маънавий оламига кучли таъсир кўрсатиши, туйгулар сферасини ўзгартириб юбориши; маданият, фан ва техника тараққиёти баъзан табнатга, инсон онги, ҳаёти ва саломатлигига таҳдид солиши мумкин. Айтайлик, телевизор катта интеллектуал—маданий билим, эстетик завқ манбаи; аммо бўш вақтларни нуқул мук тушиб унинг рўпарасида ўтказиш зарар ҳам келтиради, бу билан киши саломатлигини йўқотиши, ўзидағи интеллектуал-эстетик майл-

ларни бўғиб қўйини, шахсий ташаббуси бой бериб, «маънавий текнихўр»га айланниб қолини мумкин. Олимлар, санъаткорлар бу ҳақда кўп гапирмоқдалар. Завод-фабрикаларнинг, транспорт воситаларининг инсон ҳожатини чиқаришдаги ролини ҳеч ким инкор этолмайди, уларсиз ҳозирги ҳаёт ва тараққиётни тасаввур этиш мумкин эмас, аммо ана шу ҳаёт ва тараққиёт воситалари айни пайтда инсон учун энг зарур нарсалар — ҳаво билан сувни ифлослантирувчи, осойишталикин бузувчи манба бўлиб турибди; шаҳар, саноат қурилишининг кенгайини прогресс белгиси, лекин шу прогресс туфайли баъзани инсонни боқадиган, кўзини қувонтирадиган ҳосилдор ерлар, боб-роғлар камайиб кетяпти; маданий ўғитлар ҳосилдорликни оширишда муҳим омил, кимёвий дорилар қишлоқ хўжалиги зааркунандаларига қирон келтиришда «мислсиз қурол», аммо шу «муҳим омил» билан «мислсиз қурол»нинг ҳам маълум хатарли оқибатлари бор...

Цивилизация асрининг шу хил зиддиятлари, муаммолари устида жаҳон олимлари, санъаткорлари, давлатарбоблари бош қотиряпти, баҳслашяпти.

Нуқул даромад, бойлик орттириш асосига қурилган капиталистик жамият бу хил зиддиятларни ҳал этишга қодир эмас; шунинг учун ҳам буржуа санъати ва адабиётида, бир томондан, инсон билан цивилизацияни, иккинчи томондан, табиат билан фан ва техника тараққиётини бир-бирига кескин қарама-қарши қўйини, инсонни фан ва техника олдида ожиз-потавон қилиб талқин этиши кенинтарқалмоқда.

«Ҳамма нарса инсон учун, инсон баҳти-саодати учун» деган шиorgа асосланган социалистик жамият эса буна-қа зиддиятларни ҳал этишга қодир. Коммунистик партия совет ҳокимиятининг дастлабки йиллариданоқ табиатни муҳофаза этиш юзасидан реал тадбирлар бошлаган эди. Партия ва ҳукумат фан-техника гоят тез ривожла наётган ҳозирги шароитда бу масалага янада катта эътибор бермоқда. КПСС Марказий Комитети Бош сек-

ретари Л. И. Брежнев колхозчиларнинг Бутуниттифоқ съездидаги шу тўғрида зўр ҳаяжон билан гапирди, партия XXIV съездига қилган ҳисобот докладидаги эса қатъий қилиб шундай деди: «Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш чораларини кўрган вақтда бу нарса ҳаво ва сувни хатарли равишда бузиш, ерни унумсиз қилиб қўйиш манбай бўлиб қолмасдан, балки табиий ресурсларга жон куйдириб қарап билан қўшиб олиб борилиши зарур... Ватанимиз гўзал табиати берадиган ҳамма неъматлардан бизгина эмас, келажак авлодлар ҳам фойдалана оладиган бўлиши лозим. Биз табиатни муҳофаза қилиш ва унинг ресурсларидан рационал фойдаланиш соҳасида коллектив халқаро тадбирларда қатнашишга ҳам тайёрмиз».

Партия ва ҳукумат табиатни муҳофаза қилиш борасида бир қанча чора-тадбирлар кўрди. Байкал кўли, Волга ва Урал дарёларининг ифлосланишига йўл қўймаслик, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳақида қарорлар қабул қилди, СЭВ доирасида биосфера хусусида комплекс программа ишлаб чиқилди, атроф муҳитни муҳофаза этишда ҳамкорлик қилиш учун АҚШ билан битим тузилди. СССР Олий Советининг 1972 йил сентябрида бўлиб ўтган Сессиясида шу масала кун тартибига қўйилиб, кенг муҳокама этилди. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети 1973 йил январида табиат муҳофазасиiga оид маҳсус қарор чиқарди...

Шуниси қувонарлики, катта ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ана шу ишларда совет ёзувчилари ва санъаткорларининг ҳам муносаби иштироқи бор. Академик С. Л. Соболев «Литературная газета»даги бир суҳбатида совет ёзувчиларининг шу хизмати тўғрисида тўхталиб, ҳар қандай прогресс ҳамиша прогрессив ҳодиса бўлавермаслиги, ҳатто кишилар яхши ният билан амалга ошираётган ишлар бирдан ёмонликка олиб бориши мумкинлигини айтади, у кишиларнинг табиатга муносабатида шундай ҳодисалар бўлаётганидан ташвишланиб: «Ана

шундай кезларда ёзувчи интуицияси инсониятни бу хавфдан илмий башоратларга қараганда олдинроқ огох этолса — бундай ёзувчи прогрессга қарши эмас, балки у прогресс фойдасига хизмат қилган бўлади!» — дейди («Лит. газета». 1972, № 18).

Совет ёзувчилари шундай қилмоқдалар. Атоқли адид Л. Леонов 1947 йилдаёқ «Известия»да «Яшил дўстлар» — ўрмонларни асрашга доир оташин мақола билан чиққан эди; М. Шолохов, КПСС XXIII съездидага, колхозчилар қурултойида сўзлаган нутқларида табиат муҳофазаси ҳақида куйиб-ёниб гапирган эди. Ш. Рашидовнинг қатор нутқ ва докладларида, Ф. Фуломнинг «Ошпичоқ кўтарганлар», А. Қаҳҳорнинг «Ўзбекистон — пахта ҳазинаси», «Наманганнинг олмаси, анори бордир», Ойбекнинг Тошкент қурилишига доир, К. Яшин, Н. Сафаров, Х. Фуломларнинг Мирзачўл ҳақидаги, П. Қодировнинг «Ўлмас анъаналар» сарлавҳали мақолаларида табиат муҳофазаси билан боғлиқ жиддий масалалар ўртага ташланди.

Табиат муҳофазасига доир бу хил ўй-фикрлар бадиий адабиёт ва санъат асарларига ҳам кириб кела бошлади. Л. Леоновнинг «Рус ўрмони» романидаги, С. Герасимовнинг «Кўл бўйида» фильмида бу масала асарларининг асосий пафоси даражасига кўтаришли. Ч. Айтматов «Оқ кема» устида «Литературная газета»да бўлиб ўтган мунозара муносабати билан ёзган мақоласида, қиссанинг етакчи мотивларидан бири инсон ва табиат масаласи эканини айтади, мунозара қатнашчилари буни сезмай қолгани учун афсусланади; кейинроқ «Известия» газетаси мухбири билан суҳбатда (1972 йил, 15 апрель) Сантош ўрмони йўлида ёзувчига ҳамроҳ бўлган бир шофёр йигитнинг буғи ҳақидаги мунгли ҳикояси қиссани ёзишига туртки бўлганини гапиради.

Шундай ҳодисаларни ўзбек адабиётида ҳам кузатиш мумкин. А. Мухтор бир даврада Бойсун сафари таассурутларини гапириб, баъзи гўзал тоғ қишлоқларининг

нообод ҳолга тушиб қолгани учун таассуф билдириган эди. Кўп ўтмай шу фикр, шу туйғу «Чинор» саҳифалари га, асар қаҳрамонларидан бири Ориф қалбига кўчид ўтди. П. Қодиров бир суҳбатда Тошкент зилзиласидан кейинги қурилишлар пайтида талай кўп йиллик дараҳтлар нобуд бўлаётганини ачиниб гапирган эди. Тез орада шу кайфият ифодасини унинг «Эрк» қисссасида ҳам кўрдик.

«Сенга интиламан», «Умид», «Жаннат қидиргандар», «Юлдузлар жамоли», «Жимжитлик», «Қанот жуфт бўлади», «Одам бўлиш қийин», «Қалбингга қулоқ сол», «Гирдоб» каби асарлар авторлари ҳам инсон ва табиат масаласига қандайдир шаклда муносабат билдириб ўтганлар, ҳатто, шоир Миртемирнинг 20-йиллар воқеалари акс этган «Ленин ва Ражаб бобо» достонига ҳам инсон ва табиат муаммоси мавзу бўлган. П. Қодировнинг «Жонширии», С. Зуниунованинг «Осмондан тушган қиз», У. Ҳошимовнинг «Йқорнома», Ш. Холмирзаевнинг бир қатор ҳикоялари эса бевосита шу масалага бағишлиланган.

Инсон ва табиат муносабати проблемаси адабиёти мизда ҳозирга келиб бирданига пайдо бўлиб қолгани йўқ; бу қадимий муаммо энг инсонпарвар адабиёт бўлган совет адабиётининг ҳамма босқичларида ишланган. Аввалари бу масала кўпроқ инсоннинг табиат стихияларига қарши кураши, табиатни ўз измига бўйсундириши тарзида қўйилар эди; шу масалага бағишлиланган асарларда қаҳрамонлар табиатни ўзгартириш, табиат ишжиқларини бартараф этиш, қўриқ ерлар очиш, ерларнинг шўрини ювиш билан банд бўлар ва жараёнда ўзи ҳам ўзгариб, «онгидаги шўрлар» ювилиб, камол топиб борар эди. Бунинг учун «Шоҳи сўзана» комедиясини, «Олтин водийдан шабадалар», «Голиблар», «Бўроидан кучли» романларини эслаш кифоя. Шу хил талқин ҳозирги вақтда ҳам давом этяпти, айни пайтда ёзувчиларимиз масаланинг бошқа — шу кунги тараққиёт билан боғлиқ томонларига эътиборни жалб этяпти, энди кўпроқ табиатни асраш, табиат неъматларидан, фан-техника эҳсон-

ларидан оқилона фойдаланиш ҳақида баҳс бормоқда.

Бундай асарларда табиат одатдагидек тириклик, завқ-шавқ ва ором манбаи, айни пайтда у инсондаги инсоний-ликини, қалб гүзаллигини кўрсатувчи мезон тарзида талқин этилади; кўпинча авторлар табиатга муносабатга қараб инсонни «яхши» ва «ёмон»га айирадилар; инсон табиатга қанчалик яқин турса, унга қанчалик зўр меҳр қўйса, унда табиий туйғулар шунчалик юксак камол топади; табиатга меҳр — аввало она юргта, халққа меҳр демакидир; табиат ҳақида қайфуриш — юксак эътиқод белгисидир; шу тариқа биз назарда тутган асарларда табиатга алоқадор гаплар катта ижтимоий-ахлоқий масалалар билан, инсон ва унинг тақдири, тарбияси, камолоти ҳақидаги фалсафији ўйлар билан тулашиб кетади.

«Эрк» қиссаси персонажлари — Саттор билан Максимич орасида мана бундай суҳбат бўлиб ўтади.

Саттор дейди:

«— Ҳа, Пётр Самойлович ҳар бир тийинни ўн марта санайдиган одам. Унинг тежамкорлиги яхши-ю, лекин табиатнинг қадрини пул билан ўлчаб бўладими?

Максимич ўрнидан туриб, қалам-дафтар топди-да, хотира учун баъзи нарсаларни ёзиб қўйди.

— Мен иккι-уч кунда ишга қайтаман. Ўшанда Пётр Самойлович билан ўзим гаплашаман. Тежамкорлик учун бошқа имкониятлар бор. Аммо юз ийллик чинорлар... У одам Тошкентни кўрган эмас-да, дараҳтлар ўрмондагидай ўзидан-ўзи ўсиб ётади, деб ўйлайди. Ҳар бир дараҳт учун одамлар ариқ ковлаб, сув чиқариб, ер чопиб, қанча меҳнат сарфлашини кўз олдига келтиролмайди... Бу-ку одамлар тер тўкиб ўстирган дараҳт экан. Ўша бизнинг ўрмонларда ўзи ўсиб ётган қарагайлар бехуда побуд қилинганини кўрсам, менинг ҳаётимда ҳам азиз бир нарса побуд бўлгандай эзилиб кетаман. Ахир биз ҳам табиат фарзандимиз. Агар табиат йўқолса, биз ҳам йўқ бўлиб кетамиз. Биласизми шуни?

— Сал-пал билсам керак. Мен ҳам табиат бафрида ўсганман. Менинг сезишмича, табиати вайрон қилинган жойда одамларнинг бузилиши осонлашади.

Максимич бу сўзлардан таъсиirlаниб кетиб:

— Қўлингизни беринг! — деди. — Биз сиз билан маслакдош эканмиз. Жуда яхши айтдингиз. Табиат биз учун фақат ташқи дунё эмас. Биз ўз ички дунёмиизни ҳам фақат табиат ёрдамида чинакам гўзал қила оламиз!» («Эрк» тўплами, 83-бет.)

Китобхон қаҳрамонининг ўй, орзу, интилишларига бефарқ қаролмайди. Сатторнинг кимлиги, асл қиёфаси асосан севги ва оилавий можаролар орқали очилади, характеристидаги айrim зиндиятли, мураккаб ҳолатларга қарамай бу йигит гўзал қалб эгаси экани ўша можаролардаёқ аёи бўлади; табнатга муносабатда эса унинг борлиғи яна ҳам равшанроқ кўринади, гарчи қиссада бу йўналиш маромига етмай қолган бўлса-да, қаҳрамон она табиат ҳақидаги боягидек ўй-мулоҳазалари, асрор чинорларни деб чеккан заҳматлари, уларни асрраб қолиш йўлидаги жонбозликлари билан китобхонин ўзига ром этади.

Шундай хусусиятии бошқа асарларда ҳам кўриш мумкин. «Чинор» қаҳрамони Орифнинг иш ва ташвишлари бошдан ошиб-тошиб ётибди. Унинг расмиятчиликка қарши курашлари, аччиқ севги ва оила тарихи ўзича бир достон. Шулар билан ҳам у етук қаҳрамон. Аммо Ориф бизга ҳаммадан бурун табиат шайдоси, табиат гўзаллигининг оташин ҳимоячиси тарзида кўринади, табнатга мафтунлик ундаги жамики туйғуларнинг асоси даражасига кўтарилади. Худди шу асардаги бошқа бир персонаж Матниёзни олиб қарайлик. Илк бор учрашувда бу одам ўқувчида нохуш таассурот қолдиради. У — уруш қурбони, сил касалига мубтало, кўримсизгина бир йигит. Комиладек довюрак, жозибадор қиз нега унинг атрофидага парвона бўлиб қолганига, кейинчалик эса оиласини, икки фарзаандини ташлаб у билан кетганига бошда ажаб-

ланамиз. Бунинг сири кейнироқ бориб маълум бўлади: Матниёз улкан қалб эгаси экан, Комила билан Матниёз орасида маънавий яқинлик бор экан, у ҳам Комила каби довюрак, олижаноб, фидокор, табнат ва она юртнинг ёниқ ҳимоячиси экан. Матниёз бутун илмни, ҳаётини табнатнинг гўзал туҳфаси саналмиш Орол дengизи ҳимояси йўлида бахшида этади; Оролни қуритиб, ўрнида фойдали экинзорлар барпо этиш йўлини тутган машҳур олим Шуман билан юзма-юз олишади, гарчи бу олишуда енгилса ҳам, у ўз ишидан маминун; «Мен хафа эмасман... старли овоз ололмасам ҳам, Шуманинг позициясини астойдил қақшатдим. Бу кандидатлик уивонидан муҳимроқ», — дейди у. Бошда ноҳушгина таассурот қолдирган бу кўримсиз йигит она табнат ҳақидаги дадил ўйлари, юксак идеал йўлидаги ана шу фидойилиги билан бизга ёкиб қолади.

Ҳозирги ўзбек прозасида инсон ва табнат муносабати талқини хийла ранг-баранг.

Сайд Аҳмад ҳикояларида табнат бир оромгоҳ, сиқилган, зериккан кўнгилларга таскин берувчи маскан, ўқувчидаги эстетик завқ, лирик кайфият уйғотовчи бир восита. Унинг ҳикояларида Саттор, Ориф, Матниёз сингари табнат ҳимоячилари, бевосита табнат курашчилари бўлмаса ҳам, она табнатга бўлган улкан меҳр туйғуси баралла уфуриб туради; бу ерда ёзувчининг ўзи она табнатнинг мафтуни, ҳимоячиси, ёниқ куйчиси каби иш кўради. Унинг ҳикояларида кўклам таровати, саратон ҳарорати, олтин куз саҳовати, тиниқ тоиг, сўлим кечалар пафосати яққол сезилиб туради; юлдузлар чарақлаган осмон, гоҳ ҳилом, гоҳ тўлни ой, кўм-кўк қирлар, қип-қизил лолага бурканган адирлар, икки тарафида адл тераклар саф тортган йўллар, азamat чинорлар кўзларни қамаштиради, тунлари эсадиган чўл шамолларининг фир-гири, осмонни тилка-пора қилган момақалдироқ гумбури, ёғаётган ёмғирнинг шивири, дарёнинг шовиллаши, қирғоққа сапчиётган сувнинг шалоплаши, синкага солинган дока-

дек осмондаи учиб ўтаётган турналариниг қуре-қурсеси, кўк гумбазидан элас-элас қулоққа чалинаётган тўргай навоси, чумчуқларнинг чуфури — барчаси асабга ором, кўнгилларга шодлик баҳш этади. Сайд Аҳмад асарларида мафтункор ёз кечалари тасвири кўп учрайди, аммо бу тасвир ҳеч қачон бири иккинчисини такрорламайди; ҳар бир оқшомнинг ўз файзи, ўз гашти бўлгани каби, ҳар бир тасвирнинг ҳам ўз таровати, сурури бор.

«Дарё шовиллади, тоғ орқасидан осмонга сут пурка-
гандек бўлиб аввал ой шуъласи кўринади, кейин ўзи сал-
моқлаб осмонга кўтарилади, тоғ чўққисига айри мииб
турниб қолади. Бирам чиройли, бирам ёқимли шамол эса-
ди. Саратон дазмолдек қиздирган тошларни шу шабада
пуфлаб совитади. Ут-ўланларни силкитади. Жўёжаси ҳали
учирма бўлмаган она ўрдакларнинг аллага ўхшаш ғалати
фақиллашини узоқлардан олиб келади. Каналнинг бетў-
сиқ-бетўлқин суви ойдинда худди поёни йўқ яхлит ойна-
дек ялтирайди. Қулоқ бошида сув очаётган миробларнинг
товуши эшитилиб қолади. Айниқса, биттаси эзиб-эзиб
ашула айтади. Қечаси олисдан келган қўшиқ ғалати бў-
ларкан. Одамнинг томир-томирига кириб кетаман дей-
ди...»

Нақадар сўлим, сеҳрли, мафтункор манзара! Уни ўқи-
гандаги китобхон ўзини ўша мафтункор ойдин кеча қўйини-
да, сув бўйида ҳис этади, ўша сеҳрли манзара таровати-
дан баҳраманд бўлади. Бу хил тасвирлар китобхондаги
она табиатга меҳр ҳиссиси жунбишга келтиради. Ана
шу анъянавий усул ҳам санъат тили билан табиатни ҳи-
моя этишнинг бир йўли.

Кейинги пайтларда Сайд Аҳмад ижодида ҳам шу
анъянавий усулини ҳозирги адабий жараёндаги ҳодисалар
билан, яъни табиат тасвирини ҳозирги тараққиёт ҳақи-
даги фалсафий ўйлар билан қўшиб олиб бориш тенден-
цияси сезиляпти. Буни авторнинг «Жимжитлик» ҳикояси
мисолида яққол кўриш мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, адиларимиз
табиатни мадҳ этар, уни астойдил ҳимоя қилар эканлар,

бу нарса ҳеч қачон фан-техника тараққиётига зид қилиб қўйилмайди. Аслида Ориф ҳам, Матниёз ҳам, Саттор ва Максимичлар ҳам илм-фан кишилари, тараққиёт тарафдорлари; Ориф катта хўжаликка бош, Матниёз — иқтисадчи олим, Саттор билан Максимич метро қурилиши бўйича мутахассис. Ўз соҳасининг бу пешқадам вакиллари табиатни ҳимоя этаётга ишади ҳам илм-фан кишилари бўлиб қолаверадилар, фақат ҳиссий кечнималарга, эҳтиросларга берилиб эмас, айни пайтда, илмий асосларга таяниб табиатни ҳимоя этадилар. «Жимжитлик»да ҳам худди шу руҳ ўзинга хос тарзда ифода этилган. Бу асар бало-офатларни, оғир мусибатларни енгган инсон шаънига мадҳия қаби янграйди. Бу ерда ҳам она табиатнинг ёниқ куйчиси тарзида ўзбек қишлоғининг сўлим манзараларини шонронга тараним этади.

Ҳикоя қаҳрамони Толибжон — инженер олим, у жаҳонгашта умр кечирган, йигитлик кучи, бутун илми, талантини чет элдаги қардошлар хизматига сарф этган. Тақдир уни аямаган, нотинч замон хотини ва ўғлидан жудо этган; шу кўргиликлар туфайли у асаб касалига мубтало, шовқинга чидамайдиган, гап кўтармайдиган, шаҳарга сифмайдиган бўлиб қолган. Бу одам дардига таскин — жимжитлик қидириб табиат қучогига, узоқ йиллар кўрмаган она қишлоғига келади. Мана, у ўзи тугилиб ўслан маскан — болалигини эслатадиган кўчалар, чўмилган анҳорлар, жимжит сойлар, ўтлоқлар кўйнида, кўпдан бери орзиқиб кутилган жимжитлик оғушида: «Осмон худди болалигидек тиник. Саноқсиз юлдузлар бир-бирларини имлашади. Толибжонни ҳам кўк бағрига чорлаётганига ўхшайди. Тоғ ортидан кўтарилган баркашдек ой бир гала оқ булутни ҳайдаб чиқди. Толибжон киприк қоқмай кўкка тикилади. Кеча шу қадар жимжитки, ҳатто кекса қайрагоч шоҳида мудраган чумчуқнинг қаноти қимиirlаганингача эшитилади...»

Бироқ бу жимжитлик узоққа бормайди:

«Шу сокиниликни бузиб, қайдадир кучли портлаш бўл-

ди. Унинг даҳшатли овози тоғ кўкрагига қадалиб, аксадо қайтди. Шу хил портлаш яна бир неча марта такрорланди...»

Табиатдаги нотинчлик давом этади: сал ўтмай осмонга сут ранг нур пуркаб чақин чақади, электропайванднинг ёрқин шуъласи азамат чинорларнинг учларини шам пилигидек яшнатиб ўчиради, қайдандир кўтарма краннинг фийқиллагани, қўнгироқ чалгани эшитилади... Толибжон кўчага чиқса, кўчада ҳам шу аҳвол: саратон офтоби деворлардан, шифер томлардан лип-лип аланга учирали, текис асфальт устида қорамтири из қолдириб самосваллар чопади, қаердадир мотор гуриллайди, ҳамма ёқ шовқин... У осойишталик қидириб олис сой бўйига келса, шу ерларда ҳам техника нафаси кезиб юрибди, тоғ ўнгиридан металларнинг жаранглаши, экскаваторнинг гуриллаши барабалла эшитилиб турибди... Шунда автор хаёлга толади: «Толибжон жимжитлик излаб келган эди бу чекка она қишлоққа, йўқ, бу ернинг ҳам тинчи бузилган. Мудроқ чинорлар, асрлар уйқусидан уйғонмаган қоялар ҳам жонланган. Болалигини аста-секин оқизиб кетган бу ювощи анҳор, сойлар ҳам қандайдир моторлар парратини айлантириб, ҳориб, чарчаб келяпти.

Бу ором масканни бўлган водий қозондек қайнайяпти».

Бу замона зайлар. Толибжон фан-техника нафаси гуркураб турган она табиат бағрида ҳозирги ҳаёт тарзининг моҳиятини чиқур ҳис этади, цивилизациядан холи, одамлардан йироқ жимжитликини қўмсаш бу киши учун ҳалокат эканини англаб этади, энди у шовқин-суронларга парво қилмайдиган бўлиб қолади.

Ҳикояни ўқиганда кишида шундай таассурот туғилади: цивилизация тўлқини шовқин солиб турганда ҳам табиат ўзининг сеҳрли нафосат кучини сақлаб қолаверади, одамларни ўз саховатидан баҳраманд этаверади, Толибжон худди шу шовқин-суронга тўла она юрг осмони остида дардига даво топади, болалик йилларини эсга соувичи таниш маизаралар қўйнида, содда, самимий

одамлар орасида Толибжоннинг иотинч қалби ором олади, унинг сўнай деб турган умр шами қайта оловтагади.

Одил Ёқубовнинг «Қанот жуфт бўлади» қиссаси қаҳрамони Акрам ҳаётида ҳам шунга яқинроқ ҳодиса юз беради. Акрам — лойиҳачи, шаҳарда маданий ҳаёт кечиради. Аммо илмий иш, маданий ҳаёт уни бир оз сиқиб қўйған, ишдаги чигалликлар, оиласидаги кўнгилсизликлар туфайли шаҳар ҳаётидан, илм-фаидан безиб, бир дам осоийшта қишлоқ ҳаётини қўмсаб қолади, она қишилогига талпинади, бу ерда у эски қадрдони Амакига дуч келади, бу одам унинг қўзиға ишоятда баҳтиёр бўлиб кўринади. Мана, Амаки олтмишдан ошибдикни, ёшлиқ, ҳаттоқи болалик ҳиссиятларини йўқотмаган; бу одам дунё ташвишларидаи, илм-фаи жумбоқларидаи, кишининг илигини қуритадиган ўй-фикрлардан халос; бу кишига ҳеч нарса керак эмас, бир коса гўжаю тагига битта намат, устига ёпишга битта тўн бўлса бас, ўтказган кунидан, ҳаётидан ишоятда мамнун... Амакини шу ҳолда кўриб, Акрамнинг унга ҳаваси келиб кетади; ўзини-ўзин қон қилиб, кечаю кундуз миасини ачитиб, бундай изтироб чекиб юргандан кўра, ҳали ҳам ўша ёшлиқ чоғларидагидай аравакашлик қилиб ёки Амакидай ғўза сугориб юргани яхши эмасми? Бу шон-шуҳрат, мартаба ва улкан мансаб, гўзал ва маданиятли хотиндан кўра, ўша меҳнати оғир бўлса ҳам ўзи оддий, беташвиш, бегалва турмуш аъло эмасми?.. Акрамнинг хаёлидан шулар кечади...

Бироқ булар бир дақиқалик ҳавас, холос. Акрам чуқурроқ мулоҳаза юритиб кўриб, биладики, бу «беташвиш, бегалва турмуш»нинг ҳам жуда кўп галвалари, ўз ички зиддиятлари бор. Амаки ҳаётини идеаллаштириши, Амаки даражасига тушиши ҳавас қилиш орқага чекиниш, тараққиётдан, замона талабларидаи юз ўғириш бўлур эди. Бу йўл билан Акрам ҳаёт қийинчилликларини бартараф этиш мумкин эмаслигини тушуниб етади. «Олдидиа турган гов қанчалик катта, қиладиган ишлар қан-

чалик мураккаб бўлмасин, энди орқага қайтиш мумкин эмас, чекинишга йўл йўқ эди», — деб ёзди автор.

Шуниси муҳимки, Акрам табиат қучоғида, табиатнинг асл фарзанди Амаки билан мулоқатда ана шу ҳақиқатнинг поёнига етади, она табиат бағрида ундан сўнай деб қолган табиий туйғулар қайта жонланади, бу туйғулар эса унинг фикрлар оламидаги туманин ёритиб юборади, чигалликлар учини топиб олишда унга мадад беради.

Саида Зуннунова «Осмондан тушган қиз» ҳикоясида инсон ва табиат муносабатининг бошқа бир жиҳатига эътиборни тортади. Маълумки, Саида Зуннунованинг кейинги ҳикояларида ўйчанлик, мулоҳазакорлик чуқурлашиб боряпти. Хусусан, «Осмондан тушган қиз»да шу фазилат яхши намоён бўлган. Ҳикояга асос бўлган ҳодисадан эҳтимол бошқа бирор ҳажвий асар яратган бўларди. Дилшод шаҳарда туғилиб, нуқул иккинчи қаватда яшагани, мактабу курортдан бошқа жойни кўрмагани учун табиатдан узоқлашиб кетган. Биринчи бор қишлоққа келганда у иоқулай аҳволга тушиб қолади. Сув бўйинда учеб юрган турли-туман капалак, ниначилар ҳам, даладан қайтаётган пода орқасидаги бузоқларнинг шаталоқ отиши ҳам, сув бўйидаги кўзини лўқ қилиб турган бақалар ҳам — ҳамма-ҳаммаси унга гайри табиий бўлиб туюлади, ажойибхонага кириб қолгандай ҳайратга тушади; оддий маккажӯхори поясини япон гули десалар чиппа-чин ишонади, сигир согиши устидан чиқиб қолганди, сеҳрли ҳодисага дуч келгандек ажабланади...

Кулгили асар учун жуда ҳам қўл келадиган деталлар, ситуациялар. Бироқ Саида Зуннунова буларга ўзига хос тарзда нигоҳ ташлайди, шу ҳодисалар ҳам унинг талқинида кулгидан йироқ, ўйчан ва ҳазин оҳанг касб этади. Автор асосий диққат-эътиборни она қалбига қаратади. Қизалоқнинг кулгили ҳолати онани ўйга толдиради, у фан-техника асрининг мураккабликлари, инсон ва табиат, шаҳар ва қишлоқ, бола тарбияси каби маса-

лалар устида хаёл суринб кетади. Она кўнглидаги дард дарҳол бизга ҳам «юқади». Унга қўшилиб биз ҳам ўй суринб кетамиз. Ҳозирги болаларнинг кўпи фан-техника неъматларидан баҳраманд, радио, кино, телевизор уларнинг овунчофи, техника сирларини беш бармоқдай билади, ой жинси таркибини айтиб бера олади; аммо шундай «билимдонлар» орасида она табиатнинг оддий алифбесини билмайдиганилар ҳам топилади. Табиатнинг рангбараанг, бой неъматларидан бебаҳра қолиш ҳам киши учун катта йўқотиш; бу ҳол ота-оналар зиммасига катта масъулият юклайди. Ҳикоя қаҳрамони — Ҳурматойнинг, болага ахлоқ, одобдан ташқари ҳаётни, уни қуршаб турган атроф мұхитни, табиатни таништириш ҳам тарбияга киради, деган холосаси бизга ҳам маъқул тушади.

Инсон ва табиат муносабати Шукур Холмирзаев ҳикояларнинг етакчи лейтмотивига айланниб қолди десак муболага бўлмас. Шуниси характерлики, ёзувчининг сўнгги йилларда яратган деярли барча ҳикоялари шу мавзу атрофида айланса-да, улар бир-бирини такрорламайди, ҳар гал автор масаланинг янги қиррасини кашф этади, янги характер яратади, характер қалбини янги томондан очади; инсон ва табиат мучосабати баҳонасида ёзувчи инсондаги табиий туйғуларнинг сеҳрли кучини улуғлайди, инсон қалбини асраш-авайлаш ҳақида ўй суради, ҳар қандай сохталикка, ҳиссизликка қарши исён кўтаради, инсоннинг инсон ва табит олдидағи бурчи масаласини илгари суради.

Бундан бир неча йил бурун яратган «Ёввойи гул» ҳикоясида ёқ автор шу масалани кескин қилиб қўйган — ҳавоий орзулар қанотида парвоз этиб замондан, она табиат қучоғидан ажралиб қолган бир йигитнинг ҳам кулгили, ҳам аяичли қисматини хийла «шафқатсизлик» билан ифода этган эди; табиатнинг оддий туҳфаси — төғ багридан келтирилган ёввойи гул йигитчага ўзлигини танитиб, қўядй, қалбидаги табиий туйғуларни-ўйғотиб

юборади, энди унда табнатига илашиб қолган сохталикларга қарши түғён бошланади.

Ҳа, ёзувчи талқинида табнат ана шундай сеҳрли кучга эга. Оддий гиёхнинг сеҳрли құдратини авторнинг бошқа бир «Бойчечак очилди» номли ҳикоясида ҳам күриш мумкин. Бу ҳикоядаги ҳодисани сўнган вулқоннинг қайталаниш жараёнига қиёс қылса бўлади. Асар қаҳрамони — адабиётшунос олим бир вақтлар қалб амри билан асарлар ёзиб эл-юрга, илм-фан ривожига катта ҳисса қўшган, нафосат тарғиботчиси сифатида танилган, эндиликда эса у қандайдир лоқайдлик, эринчоқлик касалига мубтало; унинг илҳом булоги сўниб қолган, кўнглида гап кўп-у, айтишга эринади. Ижодкор ҳаёти мураккаб. Баъзан арзимас тасодиф ҳам унинг руҳий оламини алғов-далғов қилиб юбориши мумкин. Ҳикоя қаҳрамони ҳаётида ҳам шундай ҳол юз беради. Бу ерда яна табнат қўй келади. Тоғ сайри, мафтункор она табнат манзаралари: қиши, қор қўйнида қуёшга бўй чўзган сўлим бойчечак олим қалбида ҳаяжон, илҳом уйғотади; унга тикилиб олим илм-фан, гўзаллик, эзгулик олдида ўзининг масъул эканини ўйлаб қолади, энди у ёзмаса, кўнглида гиларни айтмаса туролмайдиган бир ҳолга тушади...

Фақат гиёх-ўсимликларгина эмас, жониворлар ҳам табнат оламига мансуб. Шукур Холмирзаев «Уч ҳамроҳ эдилар», «От эгаси», «Кулган билан кулдирган» ҳикояларида кўнглидаги гапларни одамлар ва жониворлар муносабати орқали беришга интилади.

«Уч ҳамроҳ эдилар» чуқур рамзий маънога эга. Зиёрат билан Теша керак бўлганда ҳамроҳлари Олапарни роса ишга соладилар, пешанасини силайдилар; иш битгач, ўзлари билан бўлиб кетиб, уни тамоман унутиб юборадилар. Бундан жонивор қаттиқ «ранжийди», ҳамроҳларидан юз ўгиради, ҳатто ўзини ўлимга маҳкум этади.. Кўришиб турибдики, табнат олами ҳам инсоният ҳаётига ўхашш, у ҳамиша эътибор талаб этади, эътибордан четда қолдими, дарҳол ҳамроҳидан юз ўгиради...

«От эгаси»да автор аввалроқ яратган ва паришонроқ чиққан «Жарга учган одам» ҳикоясидаги можарога яна қайтади. Бу ердаги И nod худди аввалги ҳикоясидаги Ислом каби табиатга ниҳоятда боғланган шахс; унинг учун ижтимоий вазифаси—севган касби ўқитувчилик ҳам, ота-оналар хоки ётган она қишлоқ ҳам, овунчори ягона қорабайир от ҳам баб-баробар қадрдан; буларнинг бирортасисиз у ҳаётини тасаввур этолмайди, учаласи ҳам унинг қалб бойлиги. Қаллоб Эгамберди унинг отига кўз тикади, амалини, лавозимини сунистеъмол қилиб, ҳукумат номидан иш кўриб, ўзининг шахсий муддосига эришмоқ истайди. И nod ноқулай аҳволда қолади. Гап, мол-мулкда эмас, йигит Эгамбердига бутун бисотини беришга тайёр, лекин отни беролмайди; ахир бу от қалбининг бир бўлаги, у ота-оналаридан ёдгор, энг оғир кунларда И nod шу жонивор билан оъунган, даҳшатли кўргилликларни шу овунчори туфайли енгган... Мана энди қаллоб бир кимса унинг шу қалб бойлигига кўз тикиб, азиз туйғуларини поймол этяпти; у бунга йўл қўя олмайди. И nod мажруҳ, нотавон кимса эмас, балки мардона шахс, у шу мушкул дақиқаларда мудҳиш бир иш қиласди, қаллобнинг назари тушган қадрдан отни ўз қўли билан отиб ташлайди. И nod отган ўқ қандайдир ночорлик белгиси эмас, балки қаҳрамоннинг ҳиссизликка қарши исёни, қаллоблик устидан тантанаси каби янграйди.

«Ой ёруғида» ҳикоясида ёзувчи инсон ва табиат муносабати масаласини хийла кенг, бутун мураккаблиги билан кўрсатишга итилади; ҳозирги ҳаётдаги икки хил тенденция — шаҳар, илм-фан кишиларидағи табиатга шайдолик, табиат қучофига талпиниш; оддий қишлоқ одамларидағи шаҳарга, илм-фан, маданият даргоҳига итилиш кайфиятини жуда нозик ҳис этади, ҳар иккала тенденциянинг ўзаро алоқасини, ўз ички диалектикасини очишига, уларни бадний таҳлил қилишга тиришади. Бу итилиш яхши самара берган. «Ой ёруғида» ҳозирги

ҳаёт тарзини ҳаққоний, жозибадор кўрсатувчи ҳикоя бўлиб чиққап.

Кўриб турибмизки, нисон ва табиат муносабати тасвири ҳозирги ўзбек прозасида кенг ўрин олмоқда. Бу ҳақда астойдил гаплашиш, баҳслашиш, бу ҳодисани чуқур ва атрофлича илмий тадқиқ этиш, рус, қардош ҳалқлар ва жаҳон адабиётшунослигига бўлгани каби бизда ҳам бу мавзуда йирик тадқиқотлар яратиш пайти алла-қачон келган.

СЕҲРЛИ ТУЙҒУ СИРЛАРИ

У бетакрор,
бетенг,
бөодат...
ЗУЛФИЯ.

Мұхаббат ҳақида, бу сеҳрли туйғунинг ҳозирги адабиётдаги ифодаси ҳақида тапирмоқчиман.

Яқында бир адабиётчи дүстим қизиқ гап айтди:

— Авваллари ёшлар бирортасини севиб қолса, юрагидагини шеърга солиб севгилисига узатар эди, әнді ҳикояда ифодалайдыган бўлиб кетишибди. Қаранг, ёш ёзувчиларнинг деярли барча ҳикоялари севги ҳақида. Бу мавзуу секин-аста қиссанависларимиз ҳам эгаллаб оляпти, ёш қиссанависларимиз ҳам нуқул муҳаббат теварагида айланадиган бўлиб қолишиди...

Бу гапда жон бор. Ҳақиқатап ҳам муҳаббат, оила мавзуи ҳозирги адабиётда, хусусан ёшлар прозасида катта ўрин олайтири. Фақат 1965—1968 йиллар орасида худди шу мавзуга бағишлиланган ўндан ортиқ қисса пайдо бўлди. «Севги қаримас», «Ўн саккизга кирмаган ким бор», «Қотил», «Кунлар», «Ғубор», «Чўл ҳавоси», «Одамлар нима деркин», «Шамол эсаверади», «Қанотлар», «Аму тўлғанади», «Дилпора», «Турналар учади», «Қўзларингни яширма мендан»— бу қиссаларнинг барчаси, аввало, севги ва оиласи муносабатлар ҳақида, уларнинг авторлари эса ёшлар. Ҳатто айрим қиссалар — авторларнинг ижодидаги илк қадам. Бу мавзуу фақат ёшларнигина эмас, тажрибали адиблар эътиборини ҳам ўзига тортаётир, Атоқли санъаткор Абдулла Қаҳҳор сўнгги асари «Муҳаббат»ни шу мавзуга бағишилади, тажрибали адид Ҳаким Назир «Қўктерак шабадаси» да шу масалага муносабат билдириди. Кейинги вақтларда яратилган романларда эса севги, оиласи муносабатлар етакчи масалалардан бирига айланниб қолди.

Бунинг маълум сабаблари бор, албатта. Бир вақтлар бу мавзу маълум даражада эътибордан четда қолган эди, севги, оила «майда масалалар» қаторига қўшиб қўйилган. эди. Ўша кезлари севги ҳақида, кишиларимизнинг интим туйгуси ҳақида ёзган авторлар шаънига қандай таъналар ёғдирилгани ҳамманинг ёдида бўлса керак. У даврлар орқада қолиб кетди. Муҳаббат, оила аллақачон «кatta масалалар» қаторидан ўрин оладиган бўлган. Бу кейинги йиллар адабиётида иносонга, унинг шахсиятига қизиқишининг кучайганлигини, гуманизмишнинг чуқурлашганлигини кўрсатувчи муҳим фактлардан биридир.

Афсуски, адабий танқид бу масалада оқсоқлик қилияпти, бу мавзунинг адабиётдаги ифодаси масаласи эътибордан четда қоляпти, бу борадаги тажрибалар чуқурроқ тадқиқ этимай келяпти. Бунинг устига, ҳаёт ва адабиётдаги севги хусусида бир қатор юзаки ва чалкаш хуросаларга дуч келаётирмиз.

Езувчилар Союзининг проза муҳокамасига бағишланган йиғинида адабиётшунос олимлардан бири, ҳозирги адабиётда ибрат бўладиган улкан муҳаббат тасвири йўқ, деган фикрни илгари сурди. Бошқа бир нотиқ эса бу фикрни қувватлаб, адабиётда муҳаббатнинг жўнлашиб кетаётганидан шикоят қилди. Худди шунга ўхашаш гапни файласуф Ю. Рюриковнинг умуман мазмундор ва қизиқарли ёзилган «Уч майл» китобида учратиш мумкин. Китоб автори ҳозирги адабиётда Петраркалар, Леандрлар, Вертерлар, Анна Қарениналар севгиси сингари оташини, улкан севгилар йўқ дейди, бу улкан мавзу майдалашиб, жўнлашиб кетаётганини айтади ва бунинг бош сабабини ҳаётнинг ўзидан қидиради.

«Мантиқ замонида, режа ва ҳисоб-китоблар замонида,— деб ёзади тадқиқотчи,— севгининг жамиятдаги ва ҳар бир шахс ҳаётидаги роли пасайиб-камайиб кетди.

Иносонни фақат биргина омил — севги ҳаракатга келтирган даврлар орқада қолган...

Биз ҳозир ҳаёттй омиллар кўпайган замонда яшаяп-миз, инсоннинг маънавий ҳаёти мураккаблашиб кетди, унга иқтисод, сиёсат, меҳнат масъулияти, моддий ва маънавий манфаатлар, ижодий майллар келиб қўшилди. Севги кейинга ўтиб, сиқилиб қолди, ўз ўрнининг бир қисмини бошқа омилларга бўшатиб берди...» (Юрий Рюриков, Три влечения, М., Искусство, 1967, стр. 78). Сўнгра автор: «...севги ролининг бу хил пасайиб кетиши инсоният учун катта йўқотиш», дейди.

Бу фикрга қўшилиб бўлмайди. Утмиш адабиётида улкан, ҳиссиятчан севги тасвири кенг ўрин олган экан, бундан ўша даврда одамлар ўшандай эди, деган хуласага келиш ёки, аксинча, ҳозирги давр адабиётида севги тасвири ғариброқ чиқаётган экан, бундан ҳаётнинг ўзида севгининг қадри пасайиб кетяпти, деб хавотир олиш тўғри бўлмас.

Улкан муҳаббат ўтмишда ҳам бўлган, ҳозир ҳам бор, келгусида ҳам бўлиши табии. Утмишда муҳаббатнинг улкан ва гайри табиий қилиб тасвир этилиши адабиётдаги анъаналар билан ҳам изоҳланадики, буни унутмаслик керак.

Маънавий омилларнинг кўпайиши билан севгининг роли камайиб-пасайиб кетади, кишининг шахсий-интим ҳаёти ғариблиши қолади, деган фикр ҳам у қадар асосли эмас. Лоақал тарихдаги буюк шахслар Маркс билан Ленин ҳаётини эсга олайлик. Улар умр бўйи гоят улкан ижтимоий ишлар билан банд бўлишларига қарамай, шахсий-оплавий ҳаётда ҳам ўзларининг етукликлигини кўрсатгандар. К. Маркс рафиқасига, фарзандларига нақадар меҳрибон бўлган. Маркс вафот этганда Энгельс унинг тобутига севикли умр йўлдоши Женнининг портретини қўйган экан.

Кремлдаги Ленин квартирасида бўлганимда менин бир нарса қаттиқ ҳаяжонга солган эди. Ильичнинг каравотида бир чойшаб ёзиғлик турибди. Уни Ильичга онаси ҳадя қилганлигини айтишди. Ильич эса уни энг мўъ-

табар нарса сифатида умр бўйи авайлаб асраган экан. Ленин 1917 йили хориждан Пеетрбурга қайтгач, Финляндия вокзалидаги митингдан сўнг дарҳол онаси мозорига зиёратга боради. Айтишларича, Ленин революциянинг дастлабки йилларида Москвадан Петербургга келиб, бир уй олдидаги йўлакда узоқ вақт туриб қолади. Бу уйда бир вақтлар у Н. К. Крупская билан танишган экан... Бу хил мисоллар жуда кўп.

Ҳозирги адабиёта ибрат бўладиган улкан муҳаббат йўқ, деган гап ҳам ҳақиқатдан йироқ. Ахир «Жамила»-даги Дониёр билан Жамиля, »Давр менинг тақдиримда« асаридаги Аҳмаджон билан Сўнагул, «Олтин зангламас»даги Жаннат билан Содик, «Қудратли тўлқин»даги Пўлат билан Баҳор орасидаги муҳаббат улкан, оташин муҳаббат эмасми. Эҳтимол, тасвир санъати ва кунлар» жиҳатидан булар «Анна Каренина» ёки «Ўтган кунлар» даражасида эмасдир, аммо бу асарлардаги муҳаббат улкан муҳаббат эканлиги, улар ҳаётнинг ўзидан олинганилиги факт.

Сеевги мавзууга ёндашишдаги жиддий камчиликлардан кўз юма олмаймиз, албатта. Беҳуда оҳ-воҳлар билан тўлиб-тошган қанчадан-қанча севги саргузаштлари битилмади; ҳаётдаги реал, бетакрор, ноёб туйғу қанчадан-қанча «асар»ларда тайёр андазаларга тушиб хазон бўлмади дейсиз! Бу улкан туйғуни бутун нафосати, улуғворлиги ва мураккаблиги билан кўрсата олмаслик, уни майдалаштириб, сийқалаштириб юбориш; интим томонига зўр бераман деб уни ижтимоий оҳангдан маҳрум этиб қўйиш ёки аксинча унга ижтимоий тус бераман деб самимиятдан жудо этиш ҳолларига кўп марта дуч келганимиз.

Гарчи бу хил қусурлар ҳали ҳам учраб қолаётган бўлса-да, севги тасвирига ёндашишда бир қатор яхши аломатлар борки, булар улкан мавзунинг истиқболига катта умид боғлаш учун етарли асос беради.

Биринчидац, авторлар ишқ савдосининг жилвалари-

ни ҳамма товланишилари, бутун мураккаблиги билан кўр-сатишига, ошиқ қалбига чуқурроқ кириб боришга, ҳеч қанақа андазага сифмайдиган «бетакрор, бетенг, беодат» бу сеҳрли туйфу сирларини кашф этишга интилаётирлар. Бу ҳол такрорланмас индивидуал характерлар яратишга имкон бермоқда. Қиссалардаги қаҳрамонлар тақдирида ўхшащ томонлар жуда кўп бўлса ҳам, туйфунинг ичкى тебранишлари ранг-бараанг ва такрорланмас бўлганидан улар бир-биридан кескин фарқланадилар.

Иккинчидан, ёзувчилар улкан муҳаббат, яратувчи, ўзгартувчи, кишига куч-қувват ато этувчи муҳаббат ифодаси сари бораётирлар, муҳаббатнинг ҳаётбахш күчини улуғлашга уринаётирлар. Шуниси характерлики, барча қисса қаҳрамонлари севги туфайли маънавий баркамол бўлиб кетадилар.

Учинчидан, ижодкорлар улкан муҳаббат йўлидаги хилма-хил тўғаноқлар устида баҳс юритаётирлар, шу муносабат билан авторлар ахлоқий-этик масалаларни кўтараётирлар, жиддий ҳаётий проблемаларни қўзғаётирлар.

Тўртинчидан, адабиётда бу улкан туйгуни ниҳоятда оддий, инсоний қилиб берниш учун, дабдабалардан, оҳ-воҳлардан, ўлдим-куйдимлардан ҳоли бўлган самимий муҳаббат ифодаси учун ҳаракат кучаймоқда.

Бу аломатларнинг барчаси жам бўлиб ишқий саргузаштларнинг ҳаётийлигини, ҳаққонийтигини таъмин этмоқда, асарларнинг таъсир ва ибрат кучини оширмоқда.

* * *

«— Мен яхши кўриш нима эканини ҳали билмайман, лекин Муҳайёга, Муҳайё деган инсонга жуда-жуда муҳтожман. Буткул етим бўлганим, хафа Сўлган пайтларимда юрагимни кимга бўшатишимни билмаганим учун бу гапни айтаётганим йўқ. Отам жон берган дамда олам

кўзимга хароб, хунук кўришган, ўзим ожиз, нотавон бўлиб қолган эдим. Муҳайё бор жойда олам қўзимга чиройли, обод кўринади, ўзимни ҳар ишга қодир сезаман,—дейди «Муҳаббат» қиссасининг қаҳрамони Анвар.

Анвар билан Муҳайё орасидаги севги кўпгина асарларда тасвир этиладиган бир кўришда ошиқи-беқарор бўлиб ўзини қўярга жой тополмай қоладиган, кечалари мижжа қоқмай висол умидида куйиб-ёнадиган, ёр шаънига қулоч-қулоч мадҳиялар битадиган ёшларнинг севгисидан фарқ қиласди. Улар орасидаги севги оддий инсоний муносабатлардан бошланади, бу муносабатлар аввал дўстликка, дўстлик эса бора-бора тушунтириш қийин бўлган интим яқинликка айланади. Мана шу яқинлик туйфуси уларнинг ҳаётига бамисоли нур бўлиб киради ва уларнинг тақдирини бутуилай бошқа изга солиб юборади.

Шу нур пайдо бўлмасдан бурун ҳар иккала ёш ҳам шахсий ҳаётда зулматга дуч келганлар. Ёшлидаги онадан жудо бўлган Анвар энди отасидан ҳам ажралади, унинг куни Марғуба типидаги мол-дунёга ҳирс қўйган, маънавий тубан, пасткаш кимсалар қўлида қолади. Энди унинг учун олам хароб, бенаво; ўзи ожиз, нотавон. Муҳайё бўлса, севгига омади келишмай таъна-дашномлар гирдобида қолган. Бояги нур ҳар иккала ёш кўнглидаги зулматни чақмоқдек тилка-пора қилиб ташлайди. Бу нур уларнинг кўнглига нафосат олиб киради, бу нафосат туйфуси улардаги масъулият ҳиссини оширади, уларни яшашга, ўйлашга, курашишга уйдайди. Шу тариқа оддий инсоний муносабатлардан, дўстликдан, бир-бирига муҳтожликдан туғилган туйфу сеҳрли кучга айланади, энди уни сўндириш, енгиш асло мумкин эмас.

Соф севгининг туғилиши ва унинг ҳаётбахш кучи қанчалик эҳтирос билан ифодалангандай бўлмасин, бу—қиссада айтиладиган асосий гапнинг муқаддимаси, холос. Ҳали икки ёш орасидаги соф инсоний муносабатлар

шитим муносабатларга айлаймай туриб олдинда жиiddий тўғаноқлар кўндаланг бўлади. Зотал ёзувчини қийнаган, ўйлатган нарса ҳам шу тўғаноқлар муаммоси. Булардан бирни — моддий таъмагирлик, иккинчиси — эскича таомиллар. Моддий таъмагирлик сеъгини таин олмайди, соғ туйғуни мол-дунё оёғи остига ташлаб топтайди; эскича таомиллар эса инсон қадрини ерга уради, одамини хўрлайди, одамларнинг нафсониятини бўғади.

Маргуба Анварининг Муҳайёга майлини пайқаши биланоқ ларзага тушади, бало-қазодай улар бахтига чаңгсолади. Чунки Анварининг Муҳайё билан бўлиб кетиши Маргуба учун Анварининг отасидан қолган ҳовли-жойдан, «Волга»дан, кассадаги жарақ-жарақ пуллардан, қора қутидаги марваридлардан маҳрум бўлиш деган гап. Бунга у тоқат қилолмайди. У нима қилиб бўлса ҳам Анварни қўлда тутиши керак. Анварга у ўғай қизи Муаттарни рўпара қиласди, бу билан у нари-бери бўлиб юрган эри Жавлонни ҳам жиловлаб олмоқчи. Ёзувчи вазиятини кескинлаштирадиган яна бир далил келтиради. Муҳайё — Маргубанинг биринчи эри Ҳакимжоннинг қизи. Маргуба бир вақтлар Ҳакимжонга бевафолик қилган, улар бир-бирларига ашаддий рақиб. Мана энди жияни Анвар рақибининг қизи билан доилашиб юрибди. Маргуба учун бу зўр даҳшат. Асослар пухта бўлганидан Маргубанинг барча хатти-ҳаракатлари, хуружлари фоят ишонарли чиққан.

Масаланинг яна бир чигал томони бор. Ҳали уйланмаган Анвар эр кўрган аёлга меҳр қўйган. Худди шу хилдаги ҳодиса ҳақида бизда бир талай асарлар битилди. Биз мулоҳаза юритаётган қиссалар орасида ҳам шундайлари бор, булар тўғрисида кейинроқ тўхталамиз.

Абдулла Қаҳҳор ҳодисага янгича ёндашади. Ёзувчининг қаҳрамони ҳусну малоҳатда ҳам, әқлу одоб бобида ҳам етук аёл. Севгида омади келмаган экан, бунга Муҳайёнинг ўзи айбдор эмас, кўпгина асарларда тасвирланганидек, бу енгилтаклиқ ёки масъулиятсизлик оқи-

бати ҳам эмас. Мұхайё эри Салимжонга зёр умид билан теккан, ўзининг аёллик масъулияти ва шаънини юксак қадрлайди; у эрининг ножуя хатти-ҳаракатларини билди, аёл зотига ишончини йўқотиб қўйган раشكчи йигит кўнглида инсоний ҳис уйготиш учун кўп уринади, лекин бундан натижка чиқмайди. Шундай бир вазият вужудга келадики, Мұхайё бундан-буён асло Салимжон билан ҳаёт кечириши мумкин бўлмай қолади. Ёзувчи бууга китобхон тўла ишонтиради. Энди Мұхайё иккинчи бир кимсага кўнгил қўйиш учун маънавий жиҳатдан ҳақли. Худди шу дақиқада у Анварга — уйланмаган йигитга рўпара келади, бу эса таомилларга зид бўлиб тушади; эскича таомиллар икки ёш орасидаги соф севгини уятга йўяди; таомилга кўра Мұхайёга «ит теккан», у қиз олмаган йигитга эрга чиқишига ҳаққи йўқ, энди у хотин қўйган ёки хотини ўлган бир кимсанни кутиши керак.

Ёзувчи инсон шаънини ерга урадиган, одамни хўрлайдиган бундай таомилга қарши исёни кўтаради. «Қиз олмаган йигит, йигитта тегмаган қиз... Наинки инсон-инсонга фақат шу кўз билан қараса? Қиз, йигит... Инсоннинг ўзи қаёқда қолди?»— дейди қисса қаҳрамонларидан бири.

Бошқа замон бўлганда бу хил таомиллар икки ёш севгисини ҳазон этиб қўйиши, уларни фожиага олиб бориши ҳеч гап эмас эди. Қисса қаҳрамонларининг замони ўзгача. Ёзувчи масалани ҳал этишда давр аломатларига, замонамизнинг етакчи ахлоқий иэрмаларига таянади. Соф севги йўлидаги тўғаноқлар қанчалик хатарли бўлмасин, янгилик, инсон қадрини улуғлайдиган янгича ахлоқ тантана қиласди.

Уятсизликни янгилик деб талқин этадиган, таниқли бир ёзувчининг иборалари билан айтганда, адашган, ахлатхонага тушиб кетган аёлни қулоғидан ушлаб, сувга чайиб, ҳеч нарса кўрмагандек қўлтиқлаб кетаверадиган одамининг ишини олижаноблик деб кўрсатадиган, киши

кўнглини гаш қиласиган ҳодисаларни поэтикалашира-
диган асарларни кўп ўқиганмиз. Аивар ва Мұхәйё ора-
сидаги муносабатлар билан танишганда кишида бутун-
лай бошқача кайфият ҳосил бўлади. Улар орасидаги му-
носабат ниҳоятда пок, инсоний муносабат; Мұхәйё ҳар
жиҳатдан Аивардек йигитга муносабиб, улар орасидаги
севги китобхонда заррача бўлсин гашлик туғдирмайди.

«Мұхаббат»нинг яна бир ибратли томони бор. Қисса
қаҳрамонлари ақлли, тадбиркор, курашчан ёшлар. Улар
худди шу хислатлари билан авторнинг аввалги — «Шо-
ҳи сўзана», «Синчалак» ва «Аяконларим»даги ёшларни
эсга соладилар. Улар худди шу фазилатлари билан ай-
рим севги қиссаларидаги учрайдиган бошга тушган кул-
фат туфайли калаванинг учини йўқотиб қўйиб, ҳадеб
оҳ ураверадиган йиғлоқи, ожиз нотавонлардан кескин
фарқ қиласидилар. Қисса қаҳрамонлари ҳамиша ақл-фа-
росат билан иш кўрадилар, ҳаётдаги чигалликларни тад-
биркорлик билан бартараф этадилар, ҳар қандай ҳамла-
га ақл ва мантиқ кучи билан зарба берадилар.

* * *

Учқун Назаровнинг «Қунлар» қиссанидаги ишқ савдо-
сиининг бошқа бир гавғоси қаламга олинган. Фозил Му-
аттарни севиб қолади. Муаттарнинг ҳам Фозилга майли
бор. Фозил билан Муаттар — тенгқур, ҳар жиҳатдан
бир-бирига лойиқ, иккалови ҳам пок, олижаноб ёшлар,
бир-бирини севса, бир-бири билан турмуши қурса арзий-
ди. Лекин бу ишининг бир ноқулай жиҳати бор: Фозил —
студент, Муаттар эса унинг муаллимаси. Улар орасидаги
мавқиий айрма соғ севги йўлида кўндаланг бўлади.
«Ахир мен сизнинг муаллиманизман-а... Иккаламизнинг
мавқеимиз буни истисно қиласиди», — дейди Муаттар Фо-
зилга.

Хар иккала ёш мушкул аҳволда қоладилар, бир-бирларидан мумкин қадар ўзларини олиб қочадилар, кўнгилга зид ҳаракат қиласидилар; Муаттар одамларнинг билиб қолишидан, гап-сўз бўлишидан чўчийди, узоқ вақт Фозилга сўз бермай юради, унинг олдида ўзини бир оз юқори олади, мураббиялигини писанда қилиб, расмий насиҳатлар қиласиди... Аммо минг уринмасин, бари бир сеҳрли туйғу ўз кучини кўрсатади, айирма, андиша туйғуси қанчалик кучли бўлмасин муҳаббат туйғуси олдида ҳеч бўлиб қолади; Фозилдаги аввалги лоқайдлик, тортиночоқлик барҳам топади, у севги туфайли хийла тетик бўлиб қолади, унда гайрат, жасорат пайдо бўлади, қизга муҳаббатнома ёзишга журъат этади, қиз билан дадил баҳслашади, ҳатто баҳсда голиб чиқади, меҳнатда ташаббус кўрсатади... Муаттар ҳам ўз навбатида ҳар қанақа андиша ва расмиятларни бир ёққа йиғиштириб қўйиб, кўнглига йўл беради, Фозил билан самимий мулоқатга ўтади. Зотан муҳаббат мавқе танламайди, у «моҳият-эътибори билан ҳар қанақа айирмаларнинг душмани», «Муҳаббат беихтиёр инсонни тенглилка ва эркка ундейди» (Ю. Рюриков).

Аммо бу ишнинг оқибативой бўлиб чиқади. Муаттар билан Фозил орасидаги муносабат эл сөзига тушади, буни ёмонликка йўйгувчилар — Муаттарни ахлоқий бузуқликда айблаб, «ҳали шу ахлоқ билан сиз совет студентларига таълим бериб юрибсизми» дегувчилар, Муаттар ишнини кўпчилик муҳокамасига қўйгувчилар ҳам топилади. Худди «Муҳаббат» қиссасида бўлганин каби бу ерда ҳам масала янгилик, инсон шаълини улуглайдиган янгича ахлоқ фойдасига ҳал бўлади. Муҳокамада потиқлардан бири дейди:

«Яқинда бир домламиз ўзининг студенткасига уйланди, ундан ҳаммангизнинг хабарингиз бор. Ўқитувчи билан студентнинг орасидаги муҳаббат мумкин экан, пега ана шу муҳаббат бошқалар учун ман қилиниши керак? Ўқитувчи эркак киши бўлса мумкин-у, аёл бўлса мум-

кіші эмасми? Муаттар опа бошига ёғдирилаётгап бундай туҳматлар, тутуриқсиз гаплар шунинг учун бўляптики, Муаттар опа аёл киши! Биз ҳалиям аёл кишини беихтиёр камситамиз, пайига болта урамиз, таҳқирлаймиз, бир умр майиб қиласиз! Бирорининг юрагини тилкилашга бизнинг инима ҳақимиз бор?! Ахир бу масалани муҳока-ма қилишининг ўзи пасткашлик-ку, ўртсқелар!!»

Пировардида соф севгини уятга йўймоқчи бўлганлар-иниң ўзи уятга қоладилар, улар ректор олдида Муаттардан кечирим сўрашга мажбур бўладилар. Бу давр ало-мати, коммунистик ахлоқ тантанаси!

Яқинингинада биз Учқун Назаровнинг ўз ижодий ма-нерасидаги муҳим бир қиррани ўтмаслаштириб қўяёт-ганидан койиган эдик. У. Назаров «Одамлар» ҳикояси-да ҳаётнинг чинакам поэтик томонларини кўра олиш лаёқатнин намойиш этган эди, кейинчалик у нуқул ижодий манерасидаги иккичи қиррага — ҳаётнинг соя то-моиларини кўрсатишга, ҳаётдаги сиртдан силлиқ, жози-бадор кўришган ҳодисаларнинг чиркин томонларини очиб ташлашга зўр бериб, ўзининг ижодий имкониятларини бир оз чеклаб қўйган эди. «Кунлар»да бошқача манза-рани кўрамиз. Ёш адабининг дикқат-эътибори биринчи галда ҳаётдаги ижобий, етакчи ҳодисаларга қаратилган, автор шу ҳодисалар поэзиясини очиб бера билган, ижобий ҳодисалар тантанасини асарнинг пафоси даражаси-га кўтарган. Ҳатто авторининг бошқачароқ характеристидаги яиги қиссаси «Ғубор» ҳам унинг аввалги асарларидан худди шу хил фазилати билан фарқ қиласди. «Ғубор»да ҳаётдаги губорлар тасвири бир оз қулоқ, бироқ унда шундай нур борки, бу нур пок танга қўнган ҳар қандай ғу-борни кўтариб юборишга қодир. Бу -- соф севги нури, асар қаҳрамони Моҳира қалбидаги сеҳрли туйғу нури. Фаламислар, пасткаш кимсалар қуршовида қолиб, аёл-лик ғурури, номуси поймол бўлаётган Моҳирани бояги нур ҳалокатдан қутқариб қолади.

* * *

*

«Турналар учади» қиссасининг «Мұхаббат» ва «Кунлар» билан үхшаш томонлари күп. Худди «Мұхаббат»да бўлгани каби бу ерда ҳам ҳали уйланмаган йигит эр кўрган аёлни севиб қолади; «Кунлар»да бўлгани каби бу ерда ҳам севишганлар мавқний жиҳатдан тенг эмас: йигит — студент, аёл эса илмий ходим. «Мұхаббат» ва «Кунлар»дан фарқли ўлароқ, бу ерда севишганлар тенг қур эмаслар, аёл йигитдан анча ёш улур. Бунинг устига шу севги йўлида йигит ҳар жиҳатдан ўзига муносиб бўлган бошқа бир гўзал қизнинг, аёл эса ўзга бир йигитнинг муҳаббатини рад этадилар.

Қисқаси, қиссадаги ҳодиса хийла мураккаб. Ишқ дунёсининг бу чигал савдоси ёш авторни ҳайратга солади, инсон қалбининг, севги туйғусининг нозик жилвалари унинг хаёлини банд этади, у шу сеҳрли туйғу ҳақида ҳайратланиб, ҳаяжонланиб, баҳс юритади.

Худди «Мұхаббат» ва «Кунлар»даги каби бу ерда ҳам севги туйғуси секин-аста тадрижий йўл билан шакланади, бу туйғу қаҳрамонлар қалбида мустаҳкам ўрнашиб олгандан кейин сеҳрли кучга айланади, қаҳрамонлар ҳаётида катта бурилиш ясайди; бу кўҳна олам уларнинг кўзига бошқача, ишҳоятда гўзал кўриниш кетади, меҳнат ҳам мароқли бўлиб қолади; аввалги лоқайдлик, сўнникликдан асар ҳам қолмайди. Бу туйғу уларда янги-янги орзу-истаклар уйготади, уларни истиқболга, курашга ундейди. Хуллас, уларнинг ҳаёти чуқур маънодорлик касб этади, энди улар ўзларини беҳад баҳтиёр ҳис этадилар. Агар ошиқ Али: «Мен уни севаман! Шу муҳаббатим билан фахрланаман», «Илгарилари баҳт тўғрисида ўйлаганимда уни тасаввур қилолмасдим. Ҳозир мен баҳтлнман. Бутун вужудимни бир илиқ нарса иситиб турибди. Юргим, куйлагим, қиңқиргим, ўйна-

гим, қанот қоқиб бепоён уфқ, тубсиз сімөн сары учтим келади», — деса, маъшуқа Райхон: «Мен сенда умр бўйи излаган, лекин тополмай юрган нарсаларимни топдим... Бахт шумикан? Мен бахти ўзимча жуда жўн ўйлаб юрган эканиман. У эса мен тасаввур қилганимдан ҳам салобатли бўлиб чиқди. Уни ақл, қалб, идрок билан қамраб олиш мумкин эмас. Унинг олдида ҳаммаси ожизлик қилиб қолади. У чексизлик, мангаликка ўхшаш сеҳрли... Турмуш қурган йилларимни әслайман: у қандай ҳаёт эди? Ўн марта ўлиб, қайта тирилиб эндигина ўзим илҳақ бўлган нуқтага етгандекман. Ана шу нуқта инсон ҳаётининг чўққиси бўлса керак...», «Толенимдан миннатдорман. Сен билан учраштириди, умрим бўм-бўш, мазмунсиз эди. Энди бўш жой қолмади: ҳаётбахш нур билан тўлиботди», дейди.

Қисса автори Менгзиё Сафаров севгини нуқул шодликтангина иборат деб тушунмайди, унинг «мушкул саодат» эканини эсдан чиқазмайди; севги изтироблари, севги йўлидаги тўғаноқларини ҳам эътибордан четда қолдирмайди. Аммо автор ўзи назарда тутган ҳолатлариниг бадиий ифодасига келганда тажрибасизлик қилиб қолади. Қиссада охирига етмай қолган гаплар кўп.

Али нега ҳар жиҳатдан ўзига муносиб Зилолни севмай, ўзига номуносиб Райхонни севиб қолди? Буни изоҳлаб бериш қийин, бу — кўнгил иши, аммо ёзувчи тушунишириш қийин бўлган бу хил кўнгил ишининг сирларини, сабабларини очишга уриниши керак эди, афсуски ундаи бўлиб чиқмаган. Қаҳрамонлар қалбидаги майленинг тадрижий ривожи бир ёқламароқ, руҳий зиддиятлар жуда осон бартараф этилади, севишганлар орасидаги мавқиий айирма ҳам; ёшдаги тафовут ҳам қаҳрамонларни ташвишга солмайди ёки кутилган реакция бермайди. Али Райхон билан мўйловдор йигит орасидаги илни муносабатини кўриб рашк оловида ёнади, Райхондан кўнгли қолгандай бўлади, бироқ дарҳол аҳвол ўзгаради. Али ўзига «у эрга теккан-ку» деган саволни бериб кўради,

лекин шу даминнинг ўзида «бу гаплар йироқ-йироқлардан сўнгги марта акси садо бергаңдай» йўқолиб кетади. Бир ўринда Райхон ўзиннинг Алига номуносиблигини ҳис этгандай, бунинг учун изтироб чеккандай кўринади, аммо бу изтироб шу заҳоти кўнгилдан кўтарилади-кетади; асар охирида Райхон Али умидида юрган Зилолга ачиниб, одамгарчиллик юзасидан Алига бўлган севгисидан воз кечгандай бўлади; шу ерга келганда қаҳрамонлар қалбидаги руҳий зиддият бирмунича кескинилашади, лекин бу ҳам поёнига етмайди, йигиттининг қатъий аҳди, аёлнинг майин табассуми билан бу мушкулот ҳам юмшайди қолади.

Автор ошиқ-маъшуқларнинг соф кечнималари билан овора бўлиб кетиб ташқи факторларнинг ролига етарли баҳо бермайди. Али билан Райхон орасидаги севги шунчаки икки шахснинг «кўнгил иши» эмас, бу муаммонинг бир ёқли бўлишида ташқи муҳитнинг роли ҳам инҳоятда катта. Хўш, бу ишга одамлар қандай қарапкан? Маълумки, «Муҳаббат» ва «Қуилар»да худди шу нарса ҳар иккала асар конфликтининг асосини ташкил этади, бутун можаро шу масала теварагида кетади; авторлар шу баҳонада даврнинг ахлоқ нормаларига муносабат билдирадилар, натижада ҳар иккала қиссадаги севги «кўнгил иши» доопрасидан чиқиб, ўз-ўзида мұхим ижтимоий масалаларга айланниб кетади.

«Турналар учади» қиссасида ҳам ҳодисанинг шу томони маълум даражада тилга олинган. Али билан Райхон орасидаги муносабатга икки хил қаровчилар бор. Чунончи, кўпин кўрган аёл Жўраева бунга хайриҳоҳлик билдиради, Алининг дўсти Шердил бўлса буни сира-сира ҳазм қиломайди; дўстининг Зилолдан юз ўгириб, Райхон билан бўлиб кетишига қатъий қаршилик кўрсатиб, Зилолга қайтишни маслаҳат беради. Али эса аҳидан қайтолмайди. Шердилнинг «ўжар мулоҳазалар қурбони бўлиб қолаётгани»дан койинади. Бу зиддият ифодаси оригинал. Икки дўст бевосита эмас, ёзишмалар

орқали тўқнашадилар. Афсуски, бу оригинал жиддий тўқнашув ифодаси ҳам меъёрига етмай, муҳим ижтимоий аҳамият касб этмай қолиб кетган.

* * *

Соф севги йўлидаги тўғаноқлар фақат эскилик сарқитларию эскича таомиллардангина йборат эмас, севгидағи қийинчиликларни ҳадеб ташқи факторларга обориб тақайвериш тўғри эмас; бу борада бевосита шахснинг ўзига боғлиқ бўлган «туйғу маданияти»нинг етишмаслиги, ўзини уddeлай олмаслик, «туйғу диалектикаси», яъни туйғунинг фақат ўз ички қонуниятлари асосида ўзгарниши туфайли келиб чиқадиган тўғаноқлар ҳам борки, бу соҳа жиддий бадний тадқиқотга муҳтождир.

Дадаҳон Нурий янги қиссаси «Дилпора»да худди шу хил мураккаб руҳий кечинмалар таҳлилига қўл урган. Еш автор бу қиссасида илк асари «Оқшом қўшиқлари»га нисбатан анча илгарилаб кетган. Сиртдан қарагандা «Дилпора» «Оқшом қўшиқлари»нинг бошқачароқ вариантига ўҳшаб кетади. Бу ерда ҳам асарининг бош қаҳрамони—студент йигит; у расм олиш учун тоғ қишлоғига келади, тоғ манзараси, тоғликлар ҳаётни унга ниҳоятда ёқиб қолади, тоғ қизига меҳр қўяди, қаҳрамоннинг жўшқин, ҳаяжонли севги саргузашти бошланади... Ана шу сиртқи ўҳшашлик, гарчи табни бир сз хира қилса-да, асар билан яқинроқ танишганингиздан кейин бу хираклик ўз-ўзидан барҳам топиб кетади.

«Оқшом қўшиқлари»да китобнийлик кучли эди. Асадаги севги саргузашти, қаҳрамонлар қиёфаси, хатти-ҳаракати файри табиий, руҳий кечинмалар эса ғоят юзаки ва сийқа чиққан эди. Ёзувчи хаёлга сртиқча эрк бериб юборади, тасвирда ўта шартли йўлдан боради, натижада қаҳрамонларни реал заминдан, аниқ миллий қиёфадан маҳрум этиб қўяди, Чунончи, қиссадаги маъшуқа —

тоғ қизи одам боласига эмас, эртак ва афсоналардаги соҳибжамол париларга ўхшайди. Ҳусни-жамоли билан дарҳол кишини сеҳрлаб қўяди, бу қиз азимтуп ёнгоқ тенасида туриб нотаниш йигитга ошиқ шайдо бўлиб қолади, юрагидагини дарҳол байту газал орқали изҳор этади, ёр шаънига қўшиқ куйлаб юборади; йигит ҳам қизни кўрар-кўрмас ўзини йўқотади, қалбида муҳаббат жўш уради, унинг асирига айланади; йигит билан қиз бир неча дақиқа ичидаги ҳамма нарсага улгуради — ҳам танишиб, ҳам севишиб, ҳам дардлашиб қирқ йиллик қадрдонлардек бўлиб кетишади.

«Дилпора»да бутунлай бошқа бир манзара. Автор бу ерда хаёлотга берилмайди, ҳаётнинг ўзини беришга интилади. Ҳодисаларни кўриб, ҳис этиб ёзади. Бундаги қаҳрамонлар — реал, жонли одамларнинг тимсоли, улар ўзларининг аниқ қиёфасига эга. Бир оёғи ва ўнг қўли ногирон, сўйлоқ тиш, бир оз эзма, аммо дилкаш йигит Тешабой; ниҳоятда тортинчоқ, камсуқум, аммо сулув қиз Баҳор, меҳрибон аёл Зеби ача — буларнинг сиймоси киши хотирига мустаҳкам ўрнашиб қолади. Қисса қаҳрамони Омоннинг Баҳор билан танишуви, улар орасидаги самимий муносабат ва севги тасвирида ҳеч қанақағайри табнийлик йўқ, ҳамма-ҳаммаси ҳаётий.

Қисса зўр бир дард билан ёзилган, аммо ёзувчи ўз дардини «Оқшом қўшиқлари»да бўлгани каби оҳ уриб изҳор этмайди, воқеаларнинг табний оқимига сингдириб юборади.

Бу қиссада ҳам севгига тенглик масаласи кўтарилади, севгининг сеҳрли кучи мадҳ этилади. Қисса қаҳрамони Омон севган қиз Баҳор — ногирон, соқов. У қиздаги бу қусурни билмай туриб, уни севиб қолган. Йигит бу ишқ оташида маст, ўзида йўқ шод. Бироқ бу шодлик узоққа бормайди, қизнинг ногиронлиги маълум бўлиб қолгач, йигит ўзи билан қиз орасида катта айирма борлигини пайқаб қолади, бу ҳол йигитни ларзага солади; у анча вақт иккиланиб, ўртаниб юради, лекин йигит қал-

бидаги муқаддас туйгу — муҳаббат туйгуси ғолиб кела-ди, қиздаги қусур соғ севги йўлига тўғаноқ бўлолмайди, у яна аввалидек ишқ оташида маст.

Шуниси характерлики, қаҳрамоннинг бу қилмишида соҳта мардлик йўқ. Қаҳрамон маъшуқа кўнгли учун, унга ачинганидан, раҳм-шафқат ёки олижаноблик юзасидан шундай қилаётгани йўқ. Баҳор гарчи соқов бўлсада, ниҳоятда дилбар қиз. Тенгсиз ҳусн, ўткир зеҳн, улкан меҳр, орият, гурур — бу хислатлар унга алоҳида жозиба бахш этади. Ў ҳар жиҳатдан Омондек йигит севгисига муносиб. Қиз ҳам ўз навбатида йигитга меҳр қўйган. Қиз ўз севгиси ҳақида гапирмайди, гапиролмайди. Аммо автор қаҳрамон қалбидаги улкан туйгуни китобхонга жуда равшан етказади. Қизнинг хатти-ҳаракатлари, юзидағи имо-ишоралари орқали биз унинг улкан меҳрини, руҳий дунёсидаги жараёнларни барадла ҳис этиб турамиз.

Демак, Омон билан Баҳор орасидаги севги қалб амри билан тугилган иккιёклама улкан севги. Омон ана шу улкан жозибадор севгиси билан бир умр бахтиёр бўлиб қолниши мумкин эди, ҳатто қиздаги қусурни тузатиш имкони ҳам бор эди. Аммо Омон ана шу муқаддас туйгуни асрашга, қадрлашга ноқобил йигит бўлиб чиқади. Йигит қалтис хатога йўл қўяди, севгисига, севгилисига хиёнат қиласи, Баҳор кўнглини қолдиради, шу тариқа ўзининг ҳам, ўзганинг ҳам бахтига зомин бўлади. Омонга бўлган ишончи барбод этилгач, мағрур қиз ўзини тақдир ихтиёрига топширади, ўзи севмаган одам билан оила қуради, Омон эса йўл қўйилган ҳатоси учун руҳий изтироб ичина қолади...

Кўриниб турибдики, севгидаги муваффақиятсизлик боисини автор ташқи факторлардан, ошиқ-маъшуқлардаги бирон-бир айирмалардан эмас, балки қаҳрамон руҳий оламидаги ўзгаришлардан қидиради. Афсуски, бу нарса асарда ишонарли чиқмаган. Баҳор ишқида масталаст юрган Омон бирдан бошқа бир аёл атрофида пар-

вона бўлиб қолади, уши кўрганда кўзи қамашиб, кўнгли гулгула қила бошлайди, кайф аралаш унга тегишиади ҳам. Буни сезиб қолган Баҳор Омондан юз ўгиради.

«Мабодо севиб қолсанг олдингдаги чашма сувидан ўзгасини таъбинг тортмайди. Бундай вазиятда садоқат—табиий бир нарса,— деган экан Стендаль. «Дилпора» қаҳрамони нега ўзи севган чашма қолиб ўзга чашма сувини истаб қолди? Ўша топда ошиқ қалбига бу хил гулгула қандай сиғди экан? Йигит характерида бунақа енгилтаклик аломатлари йўқ эди-ку!

Қаҳрамондаги шу руҳий ўзгариш жараёни дурустроқ асослаб берилганда асар янада таъсиран чиққан бўлар эди.

Қисса воқеаси қайғули тарзда тугайди, ошиқ-маъшуқлар севгида муваффақиятсизликка учрайди; лекин, шунга қарамай, қиссани ўқиганда кишида илиқ бир таассурот қолади, асарда оптимистик руҳ мавжуд. Соф севгиинг ҳаётбахш кучи асарга ани шундай фазилат бахш этган. Асар қаҳрамони Омон севгида муваффақиятсизликка учраса ҳам, шу севги туфайли бошқача бўлиб қолади, ундаги инсоний фазилатлар юзага қалқиб чиқади, шу севги унга илҳом беради, кучига куч қўшади, уни ижодга ундейди, шу севги илҳоми туфайли ижода муваффақият қозонади, эл орасида обрў-эътибор топади.

* * *

*

Англашнимовчилик ҳам севги йўлидаги хатарли хавф. У тузатиш қийин бўлган катта хатоларга олиб бориши мумкин. Жаҳон адабиётида бунга мисоллар кўп. Уткир Ҳошимовнинг «Одамлар нима деркин» қисссини ўқиганда ҳозирги кунда ҳам бу хавфнинг хатари жиддий эканига ишонч ҳосил қиласмиш. Қиссада икки ёшнинг беғубор, самимий, аммо натижасиз чиққан илк муҳаббати ҳикоя қилинади. Уларнинг муҳаббати худди ўша

хатарли хавф — англашилмовчилик натижасида барбод бўлади. Бунда автор ёшларнинг ўзини асосий айбор деб санайди; севиш осон, лекин севгини асрай олиш ниҳоятда мушкул. Қисса қаҳрамонлари Файрат билан Нилюфар мураккаб вазиятга тушиб қоладилар ва шу вазият тазиики остида довдираб ўз баҳтларини бой берниб қўядилар.

«Ҳаёт ажойиб нарса экан! Бир қарашда оддийгина кўринади-ю, ичкарироқ кириб борган сайин мураккаблашиб кетаверади»,— дейди асар персонажларидан бири. Дастроб Файрат билан Нилюфар орасидаги севги силлиқ кечади. Нилюфар ҳар тарафлама етук қиз, оиласининг эрка фарзанди, отаси катта мансаб эгаси. Файрат эса қишлоқдан, тул қолган онанинг боласи, ўзи ногиран—чўлоқ. Иигит билан қиз орасидаги бу хил «айирмалар» соғ севги ўйлига гов бўлолмайди. Иигитни қиз юракдан севади, лекин бу йўлда эркин ҳаракат қылолмайди, чунки шоир айтганидай, ичкарида ўзга ҳол, қиз учун ўзга фол. «Онамни эс-эс танийман,— дейди Нилюфар.— Тўрт ўшимдами ўлиб кетган... Бувимнинг қўлида қолдим. Дадам ойимни кўчадан бошлаб келган экан. Бувим шунаقا дейди. Бувим онамни ҳалиям ёмон кўради. Ўлган онамни ёмон кўради. Нимага шунаقا қилади? Бувим мени ҳам ёмон кўради. Онангга ўхшаб биттасига эргашиб кетасан сен ҳам, дейди»... Қампир шу нарсанни олдини олиш ниятида қизни бошқа бирорвга унаштириб қўйган, ҳозир уйда тўй тараддуни...

Қиз ўз тақдирига бефарқ қарай олмайди, қалбдаги туѓигу уни жасоратга, курашга ундейди. Қиз бу курашда голиб чиқади. Ўжар қампир таслим бўлади, ота Файрат билан учрашувга розилик беради. Аммо дастробки ғалабанинг оқибати Файрат учун кўнгилсиз бўлиб чиқади. Ота билан учрашув кескин тўқнашувга айланниб кетади. Файрат отага маъқул келмайди, уни камситади, хўрлайди, қизи Нилюфарга тенг кўрмайди, бўлғуси қайната билан куёв бир-бирларига рақиб бўлиб қоладилар. Нилю-

фар ҳам бўш келмайди, курашда давом этади, такаббур отани қўлга олади, Файратдан кечирим сўрашга рози қиласди...

Қизнинг онладаги кураши, унинг ўжар кампирни, дагал отани ўз измига олиши, бевосита тасвир этилган эмас, бу ҳақда орқаворатдан ахборот бериб ўтилган. Ахборот ахборатлигича қолган, ўқувчи на ундан таъсирланади, на унга ишонади.

Автор муддаога шошилади, уни галдаги ҳодиса қизиқтиради. Ишнинг бу ёғи ҳал бўлиши билан у ёғи чигаллашиб кетади. Файратнинг уйда ҳам ўзгача ташвиш. Меҳрибон она уни уйлантириш, орзу-ҳавас кўриш умидида. Ҳатто «муносиб» келин ҳам тайёр. Қўшни қиз Шарифа унга бўлишиб қўйилган. Шарифа Файратни севади, у йигит васлига талпинади, йигитнинг хаёли эса шаҳарда, Нилуфарни ўйлаганда кўз олдида инсонлик шаънини оёқ ости қилган қизнинг отаси намоён бўлади, йигитда инсоний фурур жўш уради...

Қисқаси, бир томонда она орзуси, масъума қиз севгиси, иккинчи томонда севгилиси ва унинг жоҳил отаси — йигит мураккаб руҳий кечинмалар гирдобида. Уртада яна бир орабузар бор. Бу — Файратнинг «дўсти» Фаттоҳ. Енгил табиат, беқарор бу йигит учун дунёда муқаддас нарса йўқ. У чин севги, садоқат нима эканини тушунмайди, қадрига етмайди. Унинг фалсафаси, алдаш, алданиш, нима қилиб бўлса ҳам кўнгил очиш. У бу «фалсафаси» билан фақат ўзини ғариб, бебурд этиб қўя қолмай, ўзганинг, яқин дўстининг баҳтига зомин бўлади. Инсон қалбини тушунишга ноқобил бу йигит Файрат билан Нилуфарни чалғитади.

Ишнинг чаппа кетишида маъсума қиз Шарифанинг ҳам айби бор. Шарифа йигит кўнглини яхши билмай туриб, унга кўнгил қўйган, у нима қилиб бўлса ҳам, Файратга етишиш йўлини қидиради, Нилуфарга хат ёзиб, орага гов бўлмасликни сўрайди. Шарифа образи бирмунча мураккаб. Унинг жавобсиз қолган муҳаббатини

кўриб ачиласан, орабузарлигидан ғазабланасан киши. Фаттоҳнинг дагдагаларидаи, маъсума қизнинг илтижоларидан гангид қолган Нилюфар ўзини ота-она ихтиёрига топширади, тўйга розилик бериб юборади.

Йигит билан қизни чалгитган омиллар ана шулар. Автор икки ёш қалбида, тақдирида юз берган ўзгаришлар бонсини шу тариқа асослайди.

Ёзувчи гапни шу билан бас қилиб қўя қолмайди, унни қаҳрамонларнинг галдаги қисмати ҳам қизиқтиради. Шу муносабат билан ахлоққа—инсоний ғурур, номус, бурч ва масъулиятга оид масалаларни кўтаради. Нилюфар тавакkal қилган ишнинг натижаси маълум. У оиласда баҳтиёр эмас. Ота, она муносиб кўрган Аъзам унга номуносиб. Аъзам севгининг, севгилисининг қадрига етмайдиганлар тоифасидан. Бу йигит Нилюфарга танда қўйиб юриб, унга хиёнат қиласди. Нилюфар у билан туролмайди, шу билан баробар илк севгисидан воз кечолмайди. У Файрат билан бўлишга тайёр, лекин номус, андиша, ғурур бунга йўл бермайди. У ўзи йўл қўйган хато учун изтиробда... Файратининг вазияти яна ҳам оғир, у кўнглига хилоф иш қилолмайди, аммо орада номус, андиша бор. У севгисини сақлаб қололмаганидан қаттиқ пушаймон.

Ағсуски, автор бу мушкулотни жуда осон бартараф этади, «айбдорлар»ни яраштириб бир-бираига қовуштиради-да, бунинг учун одамлардан икки оғиз кечирим сўраб қўя қолади. Қисса қаҳрамонлари орнятли, номусли кишилар, улардаги бу хислатларни автор неча бор таъкидлайди, лекин масалани ҳал этишда булар билан дурустроқ ҳисоблашмайди.

Қисса оптимистик хотималанса ҳам, севишганлар бир-бирлари билан топишса ҳам, улар фаол, курашчан қилиб кўрсатилса ҳам, унда қандайдир сўнниклик, казинилик бор. Бунинг сабаби, эҳтимол, авторининг қаҳрамонлар манфаат доирасини торайтиб қўйганинадир. Қисса қаҳрамонлари фақат севги туйғуси билангина яшайдилар, гўё улар учун дунёда бошқа ҳеч қанақа ташвиши

йўқ. «Муҳаббат» ёки «Қунлар»ни эсланиг. Уларда қаҳрамонлар ҳаёт манфаатининг кўлами бирмунича кенг. Қаҳрамонлар фақат севги деб яшамайдилар. Уларнинг бошқа ташвишлари, орзу-умидлари ҳам йўқ эмас. Булардан ташқари, «Одамлар нима деркин» қаҳрамонлари ташки муҳитдан ажралиб қолгандек кўринади, улар ҳаётда нуқул орабузарларга йўлиқадилар-у, бирорта ҳам (Хайри холани мустасно қиласанда) ҳимоячи тополмайдилар, улар «ўз ёғларига ўзлари қоврилиб» юраверадилар. «Муҳаббат» ёки «Қунлар»даги каби ижобий фон бу ерда йўқ ҳисоби.

«Одамлар нима деркин» асарининг автори бу камчиликини ўзи ҳам пайқаган шекилли, кейинги қиссаси «Шамол эсаверади»да ўзгача йўл тутади, бу қисса ҳам асосан ёшларнинг севгиси ҳақида, аммо бу ерда қаҳрамонларнинг манфаат доираси анча кенг, ижобий фон барқарор, асарда ҳазинлик, сўниклик йўқ.

* * *

*

Аввал айтиб ўтганимиздек, севги улкан, жозибадор, сеҳрли туйғу. Аммо у санъат ва адабиётда ҳеч қачон ўзи-ча айри ҳолда улуғвор бўлолмайди, у ҳаёт, конкрет муҳит билан, даврнинг муҳим ижтиомий, ахлоқий, сиёсий масалалари билан баглиқ ҳолда талқин этилган, қаҳрамонлар характер моҳиятини очишга қаратилган тақдирдагина катта ижтиомий маъно касб этади, зўр бадиний таъсир кучига эга бўлади.

Ҳаёт билан, конкрет ҳаёт тақозо этгани сиёсий, ахлоқий-этик масалалар билан узвий боғлиқлик севги тасвирига оригиналлик баҳш этади. Буни О. Ёқубовнинг «Матлуба», Ў. Умарбековнинг «Уруш фарзанди» қиссалари мисолида ҳам кўриш мумкин.

Бу икки асар орасида маълум яқинлик бор, ҳар иккала қисса ҳам улкан, лекин муваффақиятсиз чиққан

Ҷеёрги ҳақіндә, ҳар іккалаға автор ҳам сөвідідеги мұваффақиятсизлік илдизини одат тусига кириб қолған омиллардан әмас, муҳым ҳаёттій, сиёсий, ахлоқий факторлардан, қарастылар мөхиятидан ахтаради, авторларнинг диджіктәрі болып табанды, биринчі галда қаҳрамонлар қарастырылады. Индивидуал хусусиятларни очишиңга, шу хусусиятлар билан боғлиқ мұаммоларни таҳлил этишиңга қаратылған.

«Уруш фарзанди» — У. Умарбековнинг Болгарияга қылған сафари натижасында яратған асарлардан бири. Сафар таассуротлари, рухи қиссада баралла сезилиб турибди; қисса воқеаси ҳам сафар вақтида, жаңнаматмакон Болгар юртида бир неча күн ичіда бўлиб ўтади, бу юртни кезган, «Олтин құмлоқ» гаштини сурған ҳар бир киши асардаги манзара ва кайфиятлар тасвирининг табиийлігига тан беради.

Ана шу мафтухор манзара фонида, асар қаҳрамонларды учун ғоят құвончли күнларда қайғули ҳодиса рўй беради. Воқеа бундай: ўзбек йигити Азиз венгер қызы Анна Мария билан танишган, улар бир-бирига кўнгил қўйишган; қызы ва йигит севги оташида маст; лекин бу узоққа чўзилмайди, қызы табнатан қизиқ, симобдек беқарор, денгиздек беором; бир қарасангиз ишакдек майни-мулойим, ўзганинг кўнглини ўзига ром қиласи, бир қарасангиз довулдек шиддаткор, қаҳри тўзғиб ўзганинг дилини хуфтон қиласи, шу беқарор қызы Азизни аввал севги лаззатидан баҳраманд этиб, кейин фироқ аланғасыда қолдириб кетади.

Аниа кўп жиҳатдан Тургеневнинг Асясини эсга солади. Умуман Үлмас Умарбеков Тургенев ижодининг мафтуни, уни адабиёт даргоҳига етаклаган омиллардан бири ҳам буюк адаб асарлари бўлса ажаб әмас, у илк ижодида ёқ адаб тажрибасидан ўрганишга интилди, Тургенев қаламига хос самимият, эҳтирос, лирика, ҳаётбахш пафос унинг қисса ва ҳикояларига кўча бошлади. Авторнинг «Болгар қўшиқлари» бевосита Тургеневнинг наст-

рий назмлари таъсирида ёзилган, «Севгим, севгилим» қиссасида устод манерасига яқинлик бор, кейинги асари «Уруш фарзанди»да бу яқинлик яна ҳам кучли, қисса қаҳрамони Анна Мария Асяга эгизак — сингилдек ўхшаб кетади.

Маълумки, Ася қисматидаги бебаҳтлик, табиатидаги беқарорлик томири ўша давр адолатсизликларига, крепостнойлик муносабатларига, синфий айримага бориб тақалади. «Уруш фарзанди» автори эса буни бошқача далиллайди, Анна Мариянинг беором, баҳти қора бўлиб қолишига урушни сабаб қилиб кўрсатади. Ася — нобоп тузум фарзанди, Анна эса — адолатсиз уруш фарзанди; Анна Венгрия озод қилинган йили туғилган, тинч, фаровон даврда ўсиб-улғайган, лекин уруш унинг қисматида қора дот қолдириб кетган; онаси Элиза коммунист эри қамоққа олингач, немис офицери билан алоқада бўлган, Анна болаликда отам коммунист ўтган, фашистлар билан олишган дея магрур юради, кейинчалик у фашистнинг қизи бўлиб чиқади, шўрлик она қиздан бу даҳшатли ҳақиқатни узоқ вақт сир тутади, сир очилгач, қизнинг ҳаёти алғов-далғов бўлиб кетади, ороми бузилади, ўзидан ор қилади, ўзгалардан уялади. Унинг беором, бекарор бўлиб қолишига сабаб шу, улкан севгини барбод этган куч ҳам шу.

Шундай қилиб, Аннанинг барбод бўлган севги тариихи катта ижтимоий маъно касб этади, автор бу билан урушнинг яна бир жиноятини фош этади, уруш фақат жудоликлар, вайронликлар, жароҳатлар келтириб қолмай, ўша даврда туғилганлар қисматида бедаво дард ҳам қолдирди, шу дард туфайли Анна бебаҳт, беҳуд, бенаво. Кўряпсизми, асар идеяси бевосита қаҳрамон табиати ва қисматидан келиб чиқяпти, қаҳрамон табиати ва қисматидаги қусурлар илдизи эса конкрет мұхитга бориб тақаляпти, характердаги индивидуал сифатлар таҳлили орқали автор шаронтни таҳлил этяпти, шаронт устидан ҳукм чиқаряпти.

Бу устоддан олингани сабоқнинг ижобий самараси Шуниси ҳам борки, автор баъзан устод синьатини маъл лиё бўлиб кетиб, қаҳрамоннинг ҳиссий оламини берини да эскича йўл тутади, натижада Ашанинг ҳиссият йўсиги ни XX аср одамидан кўра XIX аср одаминикига ўхшаб қолган.

«Матлуба» қиссаси кўтарған ҳаётий проблемалар нинг салмоғи ва кўлами жиҳатдан авторининг аввални асари «Қанот жуфт бўлади»га қараганда камтарроқ, аммо проблеманинг бадиий ифодаси таълқини, характернинг ёрқинлиги жиҳатдан аввалги қиссадан устун. «Қанот жуфт бўлади»да қандайдир паришоплик бор, «Матлуба» эса поэтик томондан яхлит, китобхон хаёлини бир нуқтага жам этиб берувчи ягона туйғу, оҳанг билан йўғрилган.

Худди «Уруш фарзанди»га ўхшаш бу қиссада ҳам ёзувчи тояси бевосита характер табиатидан келтириб чиқарилган, қисса қаҳрамони Матлуба севгисининг барбод бўлишинга қиз табиатидаги сифатлар сабаб қилиб кўрсатилган. Аммо Матлуба табиатан бутунлай бошқа одам, магрур, қайсар, мардона шахс, юксак эътиқод, олижаноб туйғулар эгаси. У ўёшлигиде Самижон исмли йигитга кўнгил қўйган, у бир умр шу қайноқ севгисига содик қолишга тайёр. Чин севги ҳамиша беғубор, мусаффо бўлади, нопоклик аралашган жойда унинг умри тугайди. Матлуба кўнгил қўйган йигит њопок бир кимса, енгилтабнат, ориятсиз, тантиқ бир одам бўлиб чиқади: бу йигитда ҳам Матлубага иисбатан майл бор, бироқ унинг «севги фалсафаси» ўзгача, у «эркни севги» тарафдори, унда севги ва опла масъулнитини ҳис этиш етшинмайди; у Матлубани ўз кўйинга солмоқ, ўз муҳитига тортмоқни истайди; лекин бу ўжар, мағурр қиз йигит йўриғига юролмайди, қиз билан йигит табиатан бошқа-бониқа одамлар, уларни келиштириш, қовуштириш асло мумкин эмас. «Баъзан одам ўз виждонига хилоф бир иш қилгандан кўра умрбод азоб чекишини маъқул кўради.

Инсон, айниқса, ана шундай пайтларда ўзининг бутун улуғворлигини намоён қиласди», — деган эди В. Г. Белинский. Матлуба ҳам ана шундай йўл тутади, бир умр ўзини аламлар, изтироблар гирдобида қолдирса қолдирадики, виждонига, эътиқодига хилоф иш қилолмайди, ёшликтаги покликни, мусаффо туйгусини сақлаб қолади. Биз Матлубанинг барбод бўлган севгисидан огоҳ бўлиб ачинамиз, аммо бу қиз аячли бир кимса эмас, кўз олдимиизда у инсонлик шаънини, қизлик фурурини ҳамма нарсадан устун қўювчи пок, улуғвор аёл сифатида қолади.

Китобхонлардан бири авторга йўллаган хатида: «Матлуба Самижон билан топишиб кетса яхши бўлар эди», деб ёзибди; ёзувчининг ўзи ҳам худди китобхон сингари оқибат яхши бўлишини, қаҳрамонлар муроди мақсадига етишини истайди, аммо ёзувчи хоҳиш-истакка қараб эмас, ҳаёт ҳақиқатига, характерлар мантиқига қараб иш кўришга мажбур; ҳаёт ҳақиқатини, характер мантиқини назар-писанд этмай, истак-хоҳиш кетидан бориб, асарни бўшаштириб юбориш ҳоллари бизда кўп бўляпти. Шундай фактлар О. Еқубов ижодида ҳам учраган эди; чунончи, «Муқаддас»нинг иккинчи вариантида Шариф билан Муқаддас, «Бир фельетон қиссаси»да Салтанат билан Қулаҳмад бир илож қилиб бир-бirlари билан яратширилади. «Қанот жуфт бўлади»да ҳам қисман бу хил талқин таъсири сезилади. «Матлуба»да эса бу хил келиншувчиликка бориш йўқ, ёзувчи ҳаётнинг шафқатсиз ҳақиқати олдида шафқатсиз қолади, бу ҳол асарнинг таъсири кучини оширади, асар идеясини пафос даражасига кўтаришга хизмат этади, бош қаҳрамон Матлуба чеҳрасини тағин ҳам очиб юборади.

«Матлуба» яна бир жиҳатдан ибратли, автор қаҳрамонларни осонгина яхши ва ёмонга чиқариб қўя қолмайди, характер тасвирида ранг-баранг бўёқларни ишга солади. Матлуба — ижобий қаҳрамон, у юксак эътиқод эгаси, лекин унинг севгиси, фурур, орият ҳақидаги

қарапшларига әскіңча түшүнчалар ҳам аралашиб қолади, баъзан у ўта содда «қишилоқча» мuloҳаза юритади, ҳозирғи шаҳарлик ёшлар орасида одат туснга кирган муносабатлар ҳам унинг кўзига ғайри табий бўлиб кўринади. Автор бунинг учун севимли қаҳрамонига енгилгина танбеҳ бериб ўтади. Самижон — салбий қаҳрамон, өттиқодсиз бир кимса, лекин унда нурли жиҳатлар йўқ эмас, шои-шуҳрат гангитиб қўйганида ҳам у Матлубани ёддан чиқармайди. Ёзувчи неча бор буни таъкидлайди, афсуски асарда Самижонини Матлуба билан боғлайдиган омиллар дурустроқ асосланмайди. Шунинг учун бўлса керак, ёзувчининг Самижонга нисбатан тутган позицияси айрим ўринларда нотайинроқ бўлиб қолган, автор уни оқлаётгандек кўринади. Ёзувчи Самижон харакетидаги қусурлар илдизини чуқурроқ таҳлил этиб берганда, Самижонлар муҳитини батафсилроқ кўрсатганда бу образининг салмоғи яна ҳам ошган бўлар эди.

* * *

Севги мавзунига ёндашишдаги яхши аломатлар ҳақида ўйлаганда, бу мавзунинг истиқболига катта умид боғлаганда биз асосан юқоридаги асарларни назарда тутган эдик. Йўл қўйилган айрим камчиликларига қаҳрамай уларнинг ҳар бири сеҳрли туйғу оламининг янги қирраларини очиб берини жиҳатидан қадрлидир.

■ ■

■

ЁЗУВЧИННИГ АХЛОҚИЙ ПОЗИЦИЯСИ

Сўнгги йиллар ўзбек прозасида маънавий-ахлоқий масалаларга эътибор ҳар қачонгидан ҳам кучайди, адабиёт ахлоқ ҳақидаги жиддий баҳслар майдонига айланниб боряпти. Ахлоқий баҳсларнинг кўлами жуда кенг, аммо уларнинг барчасини битта бош мавзу — шахс эрки ва масъулияти масаласи теварагига жамлаш мумкин.

Эрк ва масъулият... Бир қараашда тушунарли, оддий туюлган бу тушунчалар аслида ниҳоятда мураккаб ва зиддиятли. Йисон боласи ҳар қадамда бу жумбоққа рўпара бўлади, ҳар гал уни янгича ҳал этишга тўғри келади. Бу қадимий мавзунинг адабиётда ҳеч қачон эскирмаслик, ҳамиша янгиланиб туриш сири ана шунда.

Социалистик жамият шахснинг эркин ва ҳар тарафлама ривожи учун кенг имкониятлар очиб қўйган. Шу имкониятлардан ҳар бир шахснинг қай даражада ва қай тариқа баҳраманд бўлиши кўп жиҳатдан ўша шахснинг ўзига, онглилигига, яъни эрк ва масъулиятни қанчалик ҳис этишига боғлиқ. Киши ўзининг ҳаётдаги ўрни, қадри, ҳақ-ҳуқуқини билган, шу билан баробар ўзгалар, эл-юрт олдидаги бурчини ва жавобгарлигини юксак даражада англаған тақдирдагина бу жамиятга муносиб одам бўла олади. Эрк масъулият билан қўшилган жойдагина юксак онглилик, идеал намоён бўлади. Ҳозирги кунда партия, ҳукумат одамларни масъулиятни ҳис этиш руҳида тарбиялашга катта эътибор берайтганлиги шундан. Сўнгги йиллар адабиётида эрк ва масъулият муносабатларининг кескин қилиб қўйилганига сабаб ҳам шу.

Адабиётда ҳар қандай ўткир масала ҳам чуқур бадиий таҳлил этилгандагина зўр таъсир кучига эга бўла олади. Чигал, ўткир масалаларни юксак бадиий ҳал этишда ёзувчи муносабати, авторнинг ахлоқий позицияси муҳим роль ўйнайди. Лев Толстой Мопассан ҳақидаги машҳур

мақоласида ахлоқий муносабатларни бадиийликнинг муҳим шарти деб атаган, Мопассанинг айрим асарларидағи бадиий камчиликлар илдизини ёзувчи ахлоқий позициясидаги нотайинликдан қидирган эди. Демак, ёзувчи муносабати, позицияси фақат ғоявийликка алоқадор ма-сала бўлмай, бадиийликнинг ҳам муҳим шартидир. Ёзувчининг муносабати бамисоли сафарбар этувчи куч, бу куч мўлжалга қанчалик тўғри, аниқ-равшан йўналтирилган бўлса, асар шунчалик ютади, салгина қингайиш ёки нотайинлик бўлдими, дарҳол паришонлик бошланади, асарнинг таъсир кучи сусаяди, баъзан эса асар тамомила барбод бўлади. Ҳозирги ўзбек прозаси тажрибаси буни тўла тасдиқлайди.

«Баҳор ўтди», «Кечаги кун—кеча», «Ёлғизлик», «Қотил», «Баҳор қайтмайди», «Одам бўлиш қийин» каби кўпчилик эътиборини ўзига тортган асарларнинг муваффақият сири, менимча, ҳаммадан бурун ёзувчи муносабатида, мўлжалнинг тўғри нишонга олинганида; бу асарларнинг авторлари эрк ва масъулият масаласига жиддий ёндашадилар, одамнинг одамийлигини, ҳаёт-мамотини ҳал этадиган бир мезон деб қарайдилар; бу асарлардаги қаҳрамонлар қисматидан чиқадиган хулоса шуки, масъулиятсизлик, бурчга хиёнат фоят даҳшатли оқибатларга олиб келиши, одамни одамийликдан маҳрум этиши, фақат ўзинигина эмас, ўзгаларни ҳам фожиага мубтало қилиши мумкин. Автор муносабати китобхонга ҳам «юқади», бу тур қаҳрамонлар кўзимизга ниҳоятда ғариб, аянчли бўлиб кўринадилар.

О. Ёқубовнинг «Матлуба», Ў. Умарбековнинг «Уруш фарзанди» қиссаси типидаги асарларда акс ҳолни кўрамиз. Уларнинг қаҳрамонлари энг қалтис, мураккаб дамларда ҳам ўзлигини, инсоний ғурурини, қалб саховатини ва поклигини, ўзгалар олдидаги бурчини, орзу-идеалига садоқатини сақлаб қоладилар, ўзлари учун қанчалик оғир бўлмасин, бурчга хиёнат қилмайдилар; бу тур асарларда ҳам масала кескин қилиб қўйилган, ёзувчи муносаба-

бати мўлжалга тўғри йўналтирилган. Қаҳрамонлар қисмати бизни ҳаяжонга солади, уларга ҳамдард бўлиб қоламиз, уларнинг жасоратига тан берамиз, ҳар иккала асардаги аламзада, мушфиқ аёллар ҳам кўзимизга улуғвор кўринадилар, маънавий покликнинг тимсоли бўлиб туюладилар.

Жиддий ҳодиса жиддий муносабатни тақозо этади. Агар ёзувчи жиддий ҳодисани қаламга олса-ю, унга муносабатда охиригача изчил турмаса, асар, образ ўзиининг бадний — таъсир кучини йўқотиб қўйинши мумкин.

Шу муносабат билан «Оқ кема» устидаги мунозарада айтилган бир гапни эслатиб ўтиш ўринили бўлар эди. Мунозара пайтида китобхонлардан бири авторга қисса персонажларидан Урозқулни қамоққа олиб, Мўминини пенсияга узатиб, Болани шаҳарга — мактаб-интернатга юбориб, мушкилотни ҳал этиб қўя қолсангиз бўлмасмиди, деган эди. Бунга жавобан Ч. Айтматов: «Шундай қилингани яхшику-я, лекин бу ёвузликка амнистия бериш бўлларди. Менинг олдимда фақат бир йўл бор эди — повестни ёзиш ёки ёзмаслик. Ёзадиган бўлсам фақат шу тарзда ёзишим керак эди», — дейди.

Тасаввур қилинг: мабодо автор ўша китобҳои айтганидай қилганда «Оқ кема» тамом барбод бўлган, ният йўққа чиққан, китобхонда эътиқодли, фидокор Болага оташин меҳр-муҳаббат, жоҳил Урозқулга кескин газаб, иродасиз Мўминга нисбатан ачиниш ва нафрат уйғота олмай қолган бўлар эди. Ёзувчи кескин ҳодисага муносабатда охиригача изчил тургани учун ҳам асар гоят таъсирчан, бадний мукаммал чиқди, кенг жамоатчилик орасида жиддий баҳс қўзғатди.

Афсуски, бизда яратилаётган бир қатор асарларда мана шундай изчиллик етишмай қолаётир.

Кескин ахлоқий проблемаларни қаламга олганда изчил бўлишининг ўзигина кифоя қилмайди, кескин ҳодиса бутун мураккаблиги билан чуқур бадний таҳлил этилган-дагина, ёзувчи қаҳрамоннинг ўзи мақбул деб билган хат-

ти-ҳаракатларига китобхонни ишонтира олни, қазарасида, қилмишларига уни хайрихоҳ эта билган, қазарасида, қилмиши ҳам мантиқац, ҳам психологик жиҳатдан чурун далилланган, энг муҳими, ёзувчи қаламга олган ҳодисалар китобхонни зўр ҳаяжонга солган, уни ўйлаша ундан ган, баҳсга тортган тақдирдагина муддао тўла рўбиги чиқиши мумкин. «Чинор»даги Комила, «Қора марварид»даги Оқила севги саргузаштлари муносабати билан билдирилаётган эътиrozлар тасодифий эмас. Ҳар икката асада ҳам китобхонни тўла қаноатлантирумайдиги ўринилар бор.

Комила оиласи бузади, эрини икки фарзанди билан ташлаб кетади, орани очди қилиб, севгани йигити Матниёз билан турмуш қуради. Жуда қалтис ва чигал ҳодиса!

Ёзувчи бунииг сабабини айтишга шошилмайди, китобхон нега шундай бўлди, дея ҳайратга тушади, ҳатто кўпни кўрган Очил бобо ҳам дастлаб Комиланинг бу ишидан ажабланади, орқаворотдан уни койииди... Қиссанни ўқишда давом этамиз. Комиланинг ёшлик йиллари, севги, оила тарихи билан танишамиз; Комила Матниёзга кўнгил қўйган, лекин бу севги узоққа бормайди, касалманд Матниёз олижаноблик қилади, Комила тақдириник ўйлаб, ундан ўзини олиб қочади, йиллар ўтади, Комила қари қиз бўлиб қолишдан қўрқиб ноиложникдан таваккалига, шунчаки эр деб севмаган одами Саттор билан оила қуради... Комила билан Саттор бутунлай бошқабошқа олам, жасур, шаддод, фидоний Комила бўш-баёв, йигитлик нафсониятидан маҳрум, лоқайд йигит Сатторга мутлақо номуносиб.

Қисса охирига бориб орадаги тафовут жуда кескин намоён бўлади. Очил бобо набираси Қомилани қаттиқ койиганида Саттор мана бу гапларни айтади:

«— Чакки бўлди, Очил бува,— деди эрталабдан буён индамай ўтирган Саттор бирдан тилга кириб.— Бундай қаттиқ кетмасангиз бўларди... Эҳтимол бир кун борио

ярашардик. Яхши кўрмаса кўрмапти, майли, тураверардик. Хотини ташлаб кетибди, деган гап ёмон».

Ана эрнинг аҳволи, йигит кишининг гапи! Бу гап китобхонни ҳам, Очил бобони ҳам ларзага солади:

«Ўзини босиб олган Очил бува Сатторни биринчи марта кўраётгандек, ёнига қайрилиб унга узоқ тикилиб қолди. У ҳозиргина довулдай бўлиб ўтган воқеани ўйлаб, нима бўлганини аниқлаёлмай, ҳар икки томоннинг далилларини совуққонлик билан тарозига солмоқчи бўлиб ўтирганида Сатторнинг гапи бутун фикри-хаёлини остин-устин қилиб юборди. Бу бесўнақай, камгап, ювош одам унга ҳозир тўнгакдек ҳиссиз, ҳўқиздек бефарқ кўринниб кетди. «Ўз боламга ўзим нималар дедим», деб ич-этини еб турганида шу одамнинг гапи ҳамма нарсани очиқ-ойдин ошкора қилди-қўйди. Ўйлаб қараса, ўзи ҳам Комилага шу одамнинг гапини айтган экан: яхши кўрмасанг ҳам, жиркансанг ҳам туравер. Яъни молдек!»

Очил бободаги ҳолат китобхонга ҳам кўчади, дастлабки таассурот бутунлай ўзгаради, ҳодисага иисбатан бошқача муносабат пайдо бўлади.

Н. Худойберганов «Бадий ҳақиқат учун» сарлавҳали мақоласида («Шарқ ўлдузи», 1970, № 6): «Очил бобонинг Комиланинг ажралишига икки хил қарashi одамии ҳайратга солади. Дастлаб неварасини қоралаган буваси пировардида: «Ажралиши тўғри, жуда тўғри бўлибди»,— дейди. Қизиқ, чол қандай қилиб, нимага асосан аввалги фикрини ўзгартира қолди экан?»— деб ажабланади. Ажабланадиган ери йўқ. Очил бобо нимага асосан ўз фикрини ўзгартирганини юқоридаги парчанинг ўзиёқ кўрсатиб турибди.

Норбой Худойберганов бошқа масалада қисман ҳақ. У авторга таъна қилиб: «Комиланинг ажралиш ҳақида қарорга келган ва шу қарорни амалга оширган пайтлардаги ҳолатини тасвирлашингиз, кўрсатишингиз керак эди», дейди. Комиланинг ўша мураккаб вазиятдаги руҳий ҳолати бевосита тасвир этилмагани тўғри.

Бироқ ёзувчига ундоқ қилиш керак, бундоқ қилиш керак, деб кўрсатма бериш ўринсиз. Асарга баҳо беришда унинг умумий бадиий хусусиятини, автор қўллаган услуг ва усулларни ҳам ҳисобга олиш керак. Қомила қиссаси «Чинор»даги бошқа кўпчилик боблар сингари романтик услубда ёзилган. Автор ҳодисаларни, қаҳрамон руҳиятидаги жараёнларни батафсил, ипидан-игнасиғача тасвиirlаб ўтирумайди, балки, кўпроқ ўша руҳий жараёнларнинг оқибатини, кульминациясини бериш билан банд бўлади, шу йўл билан ҳодиса моҳиятини очишга интилади. Қисса охиридаги Қомила, Очил бобо, Саттор тўқнашуви тасвирида ҳам шундай йўл тутилган, ўша тўқнашувда қаҳрамон қалбида юз берган жуда муҳим жараёнларнинг натижаси ифодаланган; ўша ўринда бу омонат оиласи барбод этиш, фарзандлардан жудо бўлиш Қомила учун қанчалик қимматга тушганини маълум даражада ҳис этамиз. Қаҳрамоннинг ўша топдаги руҳий драмасини янада кенгроқ ва чуқурроқ очиш мумкин эди, афсуски, ундай қилинмаган.

Автор асосий диққат-эътиборни бошқа томонга қаратади: Қомила, Саттор, Матниёз муносабатларини уларнинг характерлари мантиқидан келиб чиқиб асослашга интилади. Бу уч шахс табиатидаги етакчи хусусиятлар моҳиятини очиб берадиган воқеаларга, уларнинг тарихига катта ўрин ажратилади; қаҳрамонларнинг ҳаётдаги ўрни, мақсад ва интилишларини кенг ифода этади. Сатторнинг ҳаётдаги ўрни ҳам нотайин; у кўпроқ худбин, ўз қобигига ўралиб қолган мешчанин. Қомила билан Матниёзнинг кураш ва интилишларида умумий жиҳатлар кўп, уларнинг манфаат доираси кенг, иккалови ҳам юксакликка интилади, мақсад йўлида кураш ва жанглар сари дадил кўкрак очади... Характерлар мантиқининг ўзи воқеа ечимини белгилайди, воқеа тарихи билан танишиб чиққач, Қомила шунаقا аёл, у шундай йўл тутиб тўғри қилди, деган холосага келасиз. Танқидчининг Қомила-нинг «Саттордан ажралганини қоралагимиз келмайди,

лекип Матниёзга қўшилниш ҳам етарлиқ асосланмаган» деган даъвоси асоссиз.

Хуллас, қиссада автор муносабати аниқ-равшан, ахлоқий позицияси изчил, қаҳрамонлар хатти-ҳаракати мантиқан асосланган, унда фақат бир нарса етишмайди — қаҳрамоннинг руҳий драмаси чуқур очиб берилмаган; ёзувчи тақидчи тақдим этган йўлдан юриши, Комиланинг ажрални ҳақида қарорга келган ва шу қарорни амалга оширган пайтлардаги ҳолатини тасвирилаши, кўрсатиши шарт эмас эди, балки ўзи ташлаган усул билан ҳодисанинг якуни ва энг олий нуқтаси — финалдаги ҳолатини кенгроқ кўрсатиш орқали ҳам, эҳтимол, бунга эришиш мумкин эди. Комиланинг руҳий драмаси чуқур таҳлил этилмагани сабабли қиссадаги ҳаяжонли ҳодиса китобхонни кутилган дараҷада ҳаяжонга солмайди, уни ўйлашга уйдамайди, баҳсга тортмайди.

«Қора марварид» романига келсак, ундаги ҳодисалар, қаҳрамонларниң ёзувчи мақбул деб билган хатти-ҳаракатлари ўқувчини на ўзига хайриҳоҳ этади, на ҳаяжонга солади.

Романдаги бош қаҳрамон — Оқила қисмати билан боғлиқ ҳодисалар аслида жуда жиддий. Оқила — асрани қиз. Тўхтасин aka билан Каромат хола кўчада қолган бу «бир парча ташландиқ этни» асрраб, тарбиялаб одам қилган. Айниқса, Тўхтасин аканинг бу қизга меҳри зўр, уни якка фарзанди Мажид билан тенг кўради. Оқиланинг ҳам унга ҳурмат-эътиқоди катта; Тўхтасин aka ўлимни олдидан унга: «Оқила қизим, кўзиминиг оқу қораси Мажид акангни, аввало худога, қолаверса сенга топширдим... Дадам гўрида тинч ётсин десаңг, шу боламини одам қил, болам. Сенинг қўлингдан ҳамма нарса келади. Мажидга фақат вафоли хотин эмас, унга ақл бўл, кўз бўл, болам», деб васият қилган, қиз эса бу гапга «хўп» деган.

Ёзувчи Оқиланинг ҳусну малоҳатда, ақл-одоб, билим-тадбиркорлик бобида етук бир қиз сифатида таърифлай-

ди, айниқса, унинг ақлига тасаниш айтади, ҳатто унга берилган исм орқали ҳам шуни таъкидлайди. Ақлли қиз Оқила ота васиятига амал қилиб Мажид билан бўлиб кетгандагача ҳеч гап йўқ эди. «Лекин,— деб ёзади автор,— ақл билан ҳис доим мутаносибликни сақлайверса, бу ёруғ олам ишларининг кўпи чала қолган, ё бўлмаса, кўпчилик ҳодисалар рўй бермаган бўлар, ҳатто ҳаётнинг шу қадар қизиқлиги, эҳтирослилиги ва сермазмунлиги хавф остида қолар эди».

Сал фурсат ўтмай Оқилада шу мутаносиблик бузилади; бу «қоқила» қиз ота васиятини унугиб, Ҳикмат деган йигитни севиб қолади, шу тариқа дунёнинг «қизиқ», «сермазмун» ҳангомалари бошланиб кетади.

Энди ёзувчи қаҳрамоннинг «ҳислар олами»га ҳамма эркин бериб қўяди, у ҳиссиятга берилиб ниманки қилса, барча хатти-ҳаракатларни маъқул деб билади, уни зўр бериб ҳимоя остига олади.

Тўғри, севги зўр сеҳрли куч, баъзан у энг муқаддас бурч, таомиллардан ҳам устун келиши мумкин. Аммо Оқила ота васиятига, ота ўлимни олдида берган сўзига қарамай, қалб амрига бўйсунниб, севги йўлига кирган экан, бу осонликча кўчадиган иш эмас. Айниқса, Оқила типидаги ақлли қиз учун бу фоят оғир, машаққатли бир кўргилик бўлиши, қиз қалбидаги жуда катта руҳий драма юз бериши лозим эди. Воқеа, характер мантиқи шуни тақозо этар эди; романда эса акс ҳол юз беради. Оқила эса ҳеч қанақа руҳий изтиробга тушмайди, автор фақат икки-уч ўрнидагина васиятнома қизининг ёдига тушганини шунчаки эслаб ўтади, холос.

Мұҳаббат — нафис, жозибадор туйғу. «Қора марварид»да ардоқланган мұҳаббатда эса ҳеч қанақа нафосат йўқ, ошиқ-маъшуқларнинг хатти-ҳаракатлари, гап-сўзлари ниҳоятда яланғоч, бейбо.

Оқиланинг Ҳикматга кўнгил изҳор этиш картинасини эслаб кўрининг:

«Оқила бир нафас сукут сақлаб турди-да, келиб йигитнинг билагидан ушлади.

— Сизга тегсам олармидингиз?

— Мажид-чи? — Ҳикматнинг овози қалтираб кетди.

— Ҳаҳ, соддасиз-э! Мажидга тегаман, бу сўзсиз. Борди-ю, у бўлмаганда, ҳа, нима дейсиз, у умуман йўқ бўлса-ю, иккаламиз қолган бўлсак, айтинг, олармидингиз?

— Олардим-у...

— Нима олардим-у?..» ва ҳоказо.

Ёзувчи бино қўйган, меҳр билан қаламга олган маъшуқа Оқиланинг Ҳикмат билан илк танишувидан тортиб, то унга танини ҳадя этгунга қадар барча хатти-ҳаракатлари худди шу хил бўёқда, шу хил оҳангда берилади.

Фақат Оқила билан Ҳикмат эмас, асаддаги бошқа ошиқ-маъшуқлар, эр-хотинлар орасидаги муносабатлар ҳам ниҳоятда яланғоч; аёл зотида ҳеч қанақа ўй-андиша, ибо, назокат йўқ. Мана, яна бир «ошиқ-маъшуқлар»нинг танишув эпизоди: Ойжамол Ашир деган йигитни кўчада тутиб, гапга солади:

«— Тўхтанг, Аширжон ака,— дейди қиз унинг кетидан эргашиб,— мени танияпсизми? Ойжамолман, ихим... қаранг, чиройлиманими?

— Қоч, йўлнимни тўсма, дадангга айтиб бераман,— дебди Ашир пўнғиллаб.

— Вой, Аширжон ака, тушларимга кирасиз, сизни яхши кўраман,— дебди қиз ҳам ипакдай эшилиб.

— Э, борсангчи, гуноҳ бўлади...

Ашир ҳамон жигибийрони чиқиб, йўлдан қолмасликка ҳаракат қилибди. Шунда қиз унинг бўйнига осилмоқчи бўлибди.

— Вой, акажон, битта ўпинг...

Аширнинг капалаги учиб кетибди:

— Ҳозир нари кет! — дебди у овози қалтираб. — Бўлмаса бақириб одам йигаман».

Бу ҳодисани ёзувчи ҳазил тариқасида берган. Майли, буниси ҳазил бўлақолсин. Лекин бутун бошли романда

айтарли бирорта ҳам росмана аёл зоти йўқ. Каромат хола эри Тўхтасин акага ёвуз душман, уни хор-зор қиласди, бошига итнинг кунини солади; Жўра қоровулни аянчли кунларга қолдирган ҳам хотини, асли исми Шожалил бўлган бу одамга хотини Мактуба хиёнат қиласди, йўнаш ортириб, эрини қўлга тиф ушлашга мажбур қиласди; Ҳикматнинг хотини Ҳадича қаллоб, Ҳикмат билан Оқила орасига ғов бўлади...

Гап бу ерда авторнинг фоявий-бадиий мақсади — асар учун худди шу хил қаҳрамонларнинг зарурлиги ёки нозарурлиги устида кетаётгани йўқ, балки авторнинг севги, оила, интим масалаларга, кишиларнинг нозик интим туйгуларига ниҳоятда дагал, қўпол муносабати устида кетаёттир. Ёзувчи ардоқлаган қаҳрамонлардан бири Ҳикмат домласининг муҳаббат ҳақидаги илмий аспи муносабати билан унга: «Ахир муҳаббат ҳақида ҳам шунаقا совуқ ёзиладими», — дейди. Бу гапни бир оз ўзгаририб, тўлдириб, бадиий асар «Қора марварид»га нисбатан ҳам айтиш мумкин: муҳаббат, оила, аёл зоти ҳақида шунаقا совуқ, дагал, яланғоч ёзиладими?!

Демак, автор муносабатида гап кўп. Ёзувчи аниқ-равшан, изчил ва одил ахлоқий позицияда турган, илгари сурган фоясига, меҳр билан қаламга олган ҳодисасига китобхонни хайриҳоҳ эта билган ва уни ҳаяжонга сола олган тақдирдагина юксак бадиийликка эриша олади.



АДАБИЙ ҲАМКОРЛІК ВА РЕАЛИСТИҚ АНЪАНАЛАР

Бошқа халқларнинг маънавий бойликларидан ўрганиш, илғор анъаналарни ўзлаштириш, ўзаро тажриба алмашиш, ижодий таъсир — бадиий тафаккур ривожининг муҳим омилларидан бири. Адабий жараённи белгиловчи нарса, шубҳасиз, ҳаётнинг ўзи; аммо ижодий ҳамкорлик ҳам санъаткор учун ҳаёттй зарурит. Жаҳон адабиёти тарихидан маълумки, улкан санъаткорлар ҳеч қачон ўз миллий анъаналари билангина чекланиб қолган эмаслар, улар инсоният яратган барча санъат дурданларидан баҳраманд бўлишга интилиб келгандар. Фақат ўзгаларга, қардош халқлар адабиётига кўрсатган таъсирiga қараб эмас, балки қайси адиллардан таъсирланганига, ўрнак олганига қараб ҳам санъаткорнинг, қолаверса бутун бир ҳалқ адабиётининг савиаси, тараққиёт даражасини аниқлаш мумкин.

Ўзбек адабий алоқалари тарихи икки асосий босқичини ташкил этади. Ўзбек адабиёти минг йил давомида асосан шарқ ҳалқлари — араб, ҳинд, форс-тоҷик адабиётлари билан ҳамкорликда тараққий этган. Бу ҳамкорликнинг энг олий чўққиси Алишер Навоий ижоди бўлди. Октябрь инқилобига қадар ўзбек адабиётида ҳеч ким Навоийчалик «кўб ва хўб» ёзган эмас, шуниси ҳам борки, ўзга адабиётларни билнида, уларнинг тажрибаларини ижодий ўзлаштиришида ҳеч ким Навоийга тенглана олган эмас.

Ўтган асрнинг ўрталаридаи, яъни Урта Осиё Чор Россиясининг мустамлакасига айлангандан кейин адабий ҳамкорлик тарихида янги давр бошланди. Ўзбек адиллари қадимий ҳамкорлик анъаналарига содиқ қолган ҳолда ўзлари учун янги тафаккур олами билан, Европа, биринчи галда прогрессив рус маданияти ва реалистик адабиёти билан бевосита танишишга муюссар бўлдилар. Тўғри, бу танишув ғоят секинлик билан борди. Чор ҳокимияти

буидан асло маңғаатдор эмас эди, у прогрессив рус адабиётиниң таъсир күчидан, қудратидан чўчир эди, шунинг учун ҳам имкон борича маҳаллий аҳолини фафлатда сақлашга, рус бадиий тафаккури пеъматларидан дариф тутишга тиришарди.

Бироқ қуёш нурини тўсиш, жиловлаш мумкин бўлмаганидек, илғор ғоялар, прогрессив маданият ўзига йўл очаверди; ҳаётга ташна гиёҳ тошни ёриб қуёшга талпинганидек, янгиликка, прогрессга чаңқоқ қалам аҳллари илғор рус ва жаҳон адабиёти сари интилдилар.

Рус ва Европа адабиёти билан танишув бу фақат илғор ғоялар билан танишув бўлиб қолмасдан, айни пайтда етук реализм билан, бадиий тафаккурининг янгича ифода усуллари, шакллари билан, реалистик драма, роман, повесть ва ҳикоя каби янги жаиrlар билан танишув эди. Бу танишув ўзининг ижобий самараларини бера бошлади, ўзбек адиллари секин-аста янги анъаналарини ўзлаштира бориб, реалистик драма ва прозанинг дастлабки намуналарини яратса бошладилар. Ҳамзанинг «Янги саодат», «Заҳарли ҳаёт», Мирмуҳсин Шермуҳаммедовнинг «Бефарзанд Очилдибой», Абдулла Қодирийнинг «Улоқда» каби асарлари шу тариқа майдонга келди.

Октябрь революцияси мустамлакачилик сиёсатининг ҳамма кўринишларини, жумладан, адабий ҳамкорлик йўлидаги ғовларни, нурни тўсган қора булатларни чилпарчин қилиб ташлади. Миллатларининг тўла тенг ҳуқуқлилиги, ўзаро ишончи, ҳамкорлиги асосига қурилган янги типдаги давлат — СССРининг ташкил топиши ҳар тарафлама адабий алоқалар учун катта истиқбол эшигини очиб берди. Октябрдан кейин амалга оширилган иқтисодий, сиёсий, маданий соҳадаги муҳим ўзгаришлар туфайли халқнинг маънавий савияси ва эҳтиёжи мисли кўрилмаган даражада ошди. Янги ҳаётниң ўзи адабиёт ва санъатдан янгиликлар кутар эди. Ўзбек совет адабиётининг асосчилари замон талабини, халқ эҳтиёжини чуқур ҳис этиб, совет ҳокимиятиниң дастлабки йилларидаёқ «Бой

ила хизматчи» ва «Ўтган кунлар»дек етук, «Янги давр адабиёти, Европа адабиёти гази билан ўлчаса бўладиган» тўлақонли реалистик асарларни яратишга муваффақ бўлдилар. Бу икки асарнинг пайдо бўлиши рамзий характерга эга, улардан бири — Октябрь инқилобининг, иккинчиси эса СССРнинг тенгдоши; «Бой ила хизматчи» Октябрь бўрони уфуриб турган, Октябрь ғалабасини ҳимоя этиш учун шиддатли кураш кетаётган кезларда яратилган, «Ўтган кунлар» эса худди Советлар Иттифоқи ташкил топган тарихий 1922 йили эълон қилина бошланган эди.

Миллий маҳдудлик ботқогига ботиб қолган баъзи кимсалар ўша кезлари шарқнинг, шарқ адабиётининг «ўзига хослигига»ни пеш қилиб, рус, Европа адабиёти анъаналарининг кириб келишига кескин қарши чиққан, Европа таъсири миллий ўзига хосликни йўққа чиқаради, деб айюҳаниос солган эдилар. Ҳаёт, адабий тажриба уларнинг даъвосини рад этди, реализм, социалистик реализм бирор адабиётнинг хусусий белгиси, мулки бўлмай, балки интернационал характерга эга эканлигини, барча халқлар адабиёти оқибат-натижада келадиган йўл эканини турмушнинг ўзи тўла исбот қилди.

Чет элдаги айрим «мутахассислар» алмисоқдан қолган ўша эски гапларни ҳамон тўтиқушдай такрорлайдилар; уларнинг даъвосига кўра, реализм шарқ адабиёти учун бегона эмиш, социалистик реализм Урта Осиё халқлари, жумладан, ўзбек адабиётига сунъий равишида маъмурий йўллар билан зўрлаб киритилган эмиш.

Аслида реализм ўзбек адабиёти учун бегона эмас; бу адабиёт узоқ йиллик реализмнинг тўла намоён бўлиши учун имкон берадиган шароит йўқ эди. Маълумки, деярли барча халқлар адабиётида реализмнинг метод сифатида шаклланиши миллатнинг ўз-ўзини англаш жараёни кескинлашган, адабиётда ўзини бор бўйича кўриш истаги кучайган даврларга тўгри келади. Октябрь арафасида,

хусусан, Октябрдан кейинги йилларда бизда худди шундай жараён юз берди, бинобарин, реализмнинг метод сифатида тўла шакланиши, етук реализмни таъмин эта-диган драма ва роман жанрларининг туғилиши учун шароит етилган эди, энди Ҳамза, А. Қодирий каби етук санъаткорларнинг янги анъаналарга, рус ва Европа адабиёти тажрибаларига мурожаат этиши ҳаётий зарурат бўлиб қолди.

Абдулла Қодирий бу ҳодиса моҳиятни жуда яхши ифода этган. У «Ўтган кунлар»га ёзган сўз бошисида: «Модомики, биз янги даврга оёқ қўйдик, бас, биз ҳар бир йўснида ҳам шу янги даврнинг янгиликлари кетидан эргашамиз ва шunga ўхшаш достончилик, романчилик ва ҳикоячиликда ҳам янги асарлар яратишга, халқимизни шу замоннинг «Тоҳир ва Зухро»лари, «Чор дарвеш»лари, «Фарҳод ва Ширин»лари ва «Баҳромгўр»лари билан таништиришга ўзимизда мажбурият ҳис этамиз», — деган эди; адаб «Ўтган кунлар»ни «янги замон романчилиги билан танишиш йўлида кичкина бир тажриба» деб атайди; бошқа бир ўринда: «Мен бу китобим билан халқимизнинг рафбатини бир оз бўлса ҳам янгиликка тортай дер эдим», — дея ўзининг асл ниятини ошкор этади.

Ўзбек адабиёти учун янгилик бўлган «Бой или хизматчи» ва «Ўтган кунлар» «миллий ўзига хослик»ни асло йўқотмади, балки хийла чуқурлаштирди: бу икки асар тажрибаси миллийлик реализмда энг олий нуқтага кўтарилишини яна бир бор исбот этди; ўзбек адабиётида реализмнинг тўла тантанасини таъмин этган худди шу икки асарда ўзбек халқи илк бор ўз қадди-бастини, турмуш тарзини, кучли ва заиф жиҳатларини худди тиниқ ойнадаги каби бор бўйича кўришга мұяссар бўлди.

Ҳамза билан Қодирий тажрибаси 20-йиллардаёқ маълум анъана тусини ола бошлади. Ўша йиллари адабиётга кириб келган Ойбек, F. Ғулом, Ҳ. Олимжон, А. Қаҳҳорлар олдида: «Қайси йўлдан бориш керак?» — деган савол кўйдаланг турар эди, улар Ҳамза ва Қодирийлар йўлини

ташладилар, миллий-адабий анъаналарга чуқур эҳтиромни сақлаган ҳолда рус ва жаҳон реалистик адабиёти традициялари изидан бордилар, рус адабиёти билан яқиндан танишув улар ҳаётида чуқур из қолдирди, ижодий тақдирини белгилаб берди, эстетик принципларининг шаклланишида муҳим роль ўйнади. Рус адабиётининг ҳаётбахш таъсири устида гап кетар экан, бу адиларнинг ҳаммаси бир масалада ҳамфикр. Ойбек янги адабиёт олами билан танишгандан кейин, «энди бутунлай бошқача ёзиш кераклигини тушундим», деса, Ҳамид Олимжон Горький асарларини ўқиб: «Бу ўқиши энг аввало менинг роман ва ҳикоя китоблари ҳақидаги содда тушунчамни парча-парча қилди», деб ёзди, Ф. Фулом Маяковский шеъриятини яқиндан ўргангач, «энди шу вақтга қадар ёзганимдек ёза олмаслигимни англадим», деса, Абдулла Қаҳҳор: «Гоголь асарлари билан танишиб, уларни бунчалик гўзал, бунчалик ўткир қилган «сир»ларни кашф қила бошлаганимдан олдин ёзган ҳажвий «асарларим» кўзимга шу қадар гарнаб кўринидики, минбаъд бунаقا асарлар ёзмасликка ўзимга-ўзим сўз бергаандай, ўша вақтдаги яширин имзом «Норин шилпик»дан воз кечиб, сўнгги фельетонларимга бошқа имзо... қўядиган бўлдим», дейди.

Рус-ўзбек адабий алоқалари, рус адабиётининг таъсири ҳақида талай илмий тадқиқотлар ёзилган, уларда жуда кўп мақбул фикрлар илгари сурилган. Лекин айрим асарларда ижодий таъсирини бир ёқлама тушуниш, икки адабиётдаги ўхшаш ситуацияларни, бир-бирига яқин персонаж ва проблемаларни топиб олиб, шуларигина ижодий таъсирининг самараси, деб талқин этиш ҳоллари ҳамон учраб туради, ҳаттоқи тақиқ қилиш лозим бўлган тақлидчилик кўршишлари ҳам баъзан традиция деб тавсиф этилади.

Ижодий таъсирини, менимча, фақат шаклий ўхшашликлардан, гоявий проблематик муштарақликлардан эмас, аввало эстетик принциплардан қидириш керак. Ўзбек адилари рус ва Европа прогрессив адабиётидан

ҳаммадаи бурун реализмни ўрганди, улар ижодига кос реалистик принципларини ўзлаштириди.

Ойбек Абдулла Қодирий прозаси биринчи навбатда ғоятда ҳәётийлиги билан ажралиб туришини айтган, Қодирийни эса, «маълум нуқсонларидан қатъи назар тугма эпик ёзувчи, кенг кўламдаги мастер, юксак маънодаги реалист санъаткор», деб атаган эди.

Ёзувчи бундай даражага ўз-ўзидан кўтарилиган эмас; у, айрим ўртоқлар ўйлаганидек, фақат Миср фузалёси Жўржи Зайдондан ўрганиши билангина чекланган эмас, рус ва жаҳон реалистик адабиётидан, Европа адабиётининг энг «сўнгги приём»ларидан чуқур хабардор бўлган, реалистик ижод сирлари ва принципларини тўла эгаллаган; рус ва жаҳон реалистлари каби ҳәётийлик ва ҳаққонийликни ижодда асосий мезон деб билган; адабиётга оид мақолаларида шу принципни тарғиб қилгац, асарларни баҳолашда шу принципга таянган, ҳәётний, ҳаққоний асарларга юксак баҳо берган, сохта, хаёлий асарларни кескин таңқид остига олган; ўз ижодида шу принциплардан келиб чиқиб иш кўргац, ўз асарлари шаънига айтилган асоссиз даъволарни шу принципга суюниб рад этган. Унинг «Равот қашқирлари», «Ўқиши-ўрганиш» мақолалари реализмга асосланган адабий таңқиднинг жуда яхши намунаси; «Ўтган кунлар» ҳам «Ўтган кунлар» таңқиди устида баъзи изоҳлар» мақоласини эса реалист ёзувчининг эстетик манифести деб аташ мумкин.

А. Қодирий Ойбек билан учрашувда ўз асарларида «халқни қандай бўлса ўшаидайлигича» кўрсатмоқчи бўлганини айтган экан. У ёшлар билан суҳбатда: «Ҳақиқий ёзувчи бўлмоқ учун турмушни ҳар тарафлама ўрганиш керак», «Мен бирор жой тўғрисида асар ёзмоқчи бўлсанам, ўша жойни, аввал неча марта ба кўрган эсам-да, яна бориб текшириб, яхшироқ ўрганиб келаман», «Материални ўрганиш маҳалида энг майда нарсаларга (деталларга) ҳам аҳамият бераман», «Мен турмушда кўрмаган, билмаган нарсам ҳақида ҳеч нарса ёзмайман», деган.

Адиб С. Ҳусайнинг «Ўтган кунлар» ҳақидаги танқидига изоҳ берар экан, «исеннинг жараёни айнан мен ёзганчадир», Кумуш билан боғлиқ можаролар «Турмуш ҳақиқатига қараб иртиқоб қилингган», «Хушрўйнинг табиийтигини англаш учун яна турмуш кишиларини ўрганиш машаққатини зиммага олиш керак», «Отабек билан Кумуш орасидаги ишқий мулоқатлар ҳаётга хилоф эмас». «Бунинг мисоллари ҳаётда беҳад кўп», дега ҳамма ҳолларда ҳаёт ҳақиқатига таянади.

Хуллас, ёзувчи ҳамиша изчил реалистик позицияда туради; бундай принципларни у рус ва Европа реалистларидан ўрганганилиги шубҳасиз. Унинг мақолаларида Сервантес, Гоголь каби буюк реалистларнинг номи ҳурмат билан тилга олинади; адиб Чеховнинг «Хамелеон» ҳикоясини таҳлил этганда реалист ёзувчи услубига, унинг ижодий принципларига алоҳида эътибор беради, Чехов манерасига хос хусусиятларни жуда нозик ҳис этади; худди шу мақоласида Л. Толстой ва А. Чеховларни реалистик ижод принципи хусусидаги муҳим сўзларини кўчирма қилиб келтиради, ниҳоят, танқидининг, «Ўтган кунлар» эскича усулда ёзилган, автор Европа адабиётининг «сўнгги приём»ларидан етарли фойдаланмаган, деган таънасига жавобан дангал: «Ҳаттоқи мен «сўнгги приёмлардан баъзиларини «Ўтган кунлар»га ёртароқ киргизган бўлсан керак...» — дейди.

Ойбек, А. Қаҳҳор каби улкан реалистларнинг адабий ҳамкорликка оид мулоқазаларини синчиклаб кузатган китобхон яна шу ҳолатга дуч келади, улар ҳам қардюш ва жаҳон ҳалқлари адабиётидан аввало реалистик ижод принципларини ўрганганди.

Ойбек ўз авлоди ижодий биографиясининг ибтидоси ни мана бу сўзларда жуда яхши ифода этган: «Айтмоҳчи, менинг авлодим онгли ҳаётга революция билан бирга қадам қўйди, ҳаётдаги биздан катта кишиларга ғалати туялган тараққиёт ва ўзгаришлар биз учун нормал ҳодиса эди. Ривожланиш тез суръатлар билан борар, ҳар

бир кун қандайдир бирор янгилик баҳш этар, газеталар ва митинглар ҳаётни шиорлар тилига таржима этар, шеърият мавзулар ва ритмларни секин оқадиган ва образлари системаси жиҳатидан мураккаб бўлган традицион шакллардан эмас, ҳаётдан ўрганарди». Демак, ҳаётнинг ўзи янгича бадиий ифодаларни, поэзик соддаликни, реализмни тақозо этар эди. Янгича ифодаларни тезроқ ўзлаштиришда бу авлодга ҳам қардошлар мададга келди.

Ойбек дастлаб тил жиҳатдан ўзига яқин турк поэзиясидаги янгиликлар билан танишди. «Янги турк поэзиясининг асарлари мени илк марта лирик соддалик йўлчда изланишга ўргатди», «Муҳим ва мураккаб нарсалар ҳақида соддагина қилиб сўз айтиш мумкин экан», — дейди у. Сўнгра адид рус тилини жиддий ўрганишта киришади, рус ва жаҳон классиклари асарлари билан таниша бошлияди. «Шундан кейин, — дейди ёзувлчи, — кашфиётлар оқими мени лол қолдираверди». Блок, Пушкин каби улкан реалистлар асарларидаги жозиба кучини у «ҳаётнинг ҳар бир лаҳзасини абадийлаштириш» маҳоратидан, тасвирдаги аниқликдан, ҳаёт ҳақида ниҳоятда тўлиқ тасаввур бериш хислатидан қидиради. Сўнгра шундай хуласага келади: «Мен шунинг учун ҳам бутун вужудим билан поэзиянинг улкан меҳнатини, ҳаётни чўқур билишини талаб этишини сездим».

Ойбек М. Горький ҳақидаги қайдларида буюк адид асарларининг гоявий-ижтимоий аҳамиятини таъкидлаш билан баробар, улардаги психологик таҳлил маҳоратига, «ҳаётни ҳақиқий рангida кўрсатиш» санъатига тан беради. Горький асарларидаги худди шу фазилатларни мукаммал ўрганиб, ҳазм этади, ўзига сингдиради. «Горький асарлари хазинасидан олган сабоқларим ёрдами ила ўзим проза соҳасида йўл топдим, «Қутлуғ қон», «Навоий», «Олтин водийдан шабадалар» асарларимни яратдим», — деб ёзади у.

Рус адабиёти билан танишув Абдулла Қаҳҳорин «янги бир оламга, китобга эмас, ҳаёт одамларининг товуши

эшитилиб, қиёфаси яққол кўриниб турган, уларнинг ички дунёсини ойнадек акс эттирган адабиёт оламига етаклади». У Гоголь асарларини ўқир экан, ҳаёт ҳақиқатини «холис» туриб акс эттириш, «одамнинг характерига қўл уриш», характерларни пластик тарзда тасвирлаш маҳоратига диққат қиласди. Рус адиларидан хусусан Чехов ижоди Абдулла Қаҳҳор учун улкан мактаб бўлди. У бу мактабдан ҳам аввало реализм сирларини ўрганди. Езувчининг ўзи буни шундай эътироф этгани: «Чехов менга ашё ва ҳодисаларга қараб, уларни қандай кўришини ўргатди. Илгари гўё оламга хира кўзойнак орқали қараган эканман. Эндиликда бу кўзойнак тиниқ, бегубор бўлди-ю, ҳаётни равшан, ҳамма нарсани ўз рангида, илгари чаплашиб ётгани икир-чикирларни аниқ кўра бошладим. Ҳаёт ҳодисалари, одам характерининг замиридаги маънони пайқайдиган бўлдим. Воқелик мураккаб бўлиб, ёзувчи уни таркибларга ажратиши, яъни таҳлил қилиши, шундан кейингина қофозда қайта тиклаши кераклигини англадим».

Демак, А. Қаҳҳор Чеховдан биринчи галда ҳаётга реалистик ёзувчи кўзи билан қарашни ўрганганди.

Биз келтирган далилларнинг ўзиёқ рус ва жаҳон прогрессив адабиётининг ўзбек адилари ижодига кўрсатган таъсири аввало реализмни, реалистик ижод принципларини ўзлаштириш тарзида борган, деган ҳукмни тўла тасдиқлади.

Модомики реализм ҳаёт ҳақиқатига, ҳаётни ўз рангида кўрсатишга асослашган экан, реалистлардан ўрганиш тақлидчиликни бутунлай инкор этади, тақлидчилик аралашган жойда реализмнинг муҳим шарти — ҳаётнийлик, ҳаққонийлик барбод бўлади. Ўзбек адилари ижодида баъзан шундай кўнгилсиз ҳодисалар юз берган. Буни адилларнинг ўзлари эътироф этишган. Чунонча, Абдулла Қодирий «Жувонбоз» ҳикояси «татарларда чиқиб турғон ҳикоя ва романларга тақлидан» ёзилгани учун ҳам муваффақиятсизликка учраганини айтган. Абдулла

Қаҳҳор дейди: «Гоголнинг саҳна асарларига тақлид қилиб бир нарса ёзишга уринган пайтларим ҳам бўлган, лекин бу уринишлар машқдан нари ўтган эмас. Бу машқларда Гоголга нақадар кўпроқ тақлид қилсан, қаламим остидан чиқсан одамлар шу қадар сохта, шу қадар ўлик бўлар эди. Бунинг сабабини кейинроқ билсан: мен Гоголга кўр-кўрона тақлид қилган эканман».

Тўғри, улкан реалистларда баъзан бир-бирига ўхшаш персонажлар, ситуациялар ҳам учраб қолади. Масалан, А. Қаҳҳорнинг «Ўтмишдан эртаклар» повестидаги Бабар А. Чеховнинг «Ёвуз ниятли киши» ҳикоясидаги Денисга ўхшаб кетади. Гарчи шундай бўлса-да, бу ерда ҳеч қанақа сунъийлик, сохталик йўқ. Бабар образи ниҳоятда жонли, ҳаётий, ҳаққоний чиқсан. Бунинг сири шундаки, Бабар билан Денис «замона дараҳтида етишган бир олманинг икки палласи», Бабар Дениснинг деярли замондоши, улар бир хил замон, бир хил шароит фарзандлари; Бабар ҳаётда бор шахс, ёзувчи уни яқиндан билган. Бабар фожнаси бўлғувси ёзувчини қаттиқ изтиробга солган, лекин бу фактлар ёзувчи кўнглида узоқ вақт тошдек чўкиб ётгай. Чехов асарларини ўқигандан кейин, Чеховнинг ижод «сирлари»дан воқиф бўлгач, бу хотиралар уйғонади, юзага чиқади, Бабар ва унга ўхшаш ҳаёт одамлари бирин-кетин асарлар саҳифасига кириб кела бошлидни. Гарчи Бабар, шунингдек, «Ўғри», «Бемор», «Анор» каби ҳикоялар қаҳрамонлари моҳият эътибори билан Чехов қаҳрамонларига яқин турса-да, ниҳоятда миллий, бетакрор, уларда биз ҳеч қанақа тақлид изларини кўрмаймиз.

Рус адабиёти класикларининг анъаналари ҳақида гапиргандада яна бир муҳим масалага эътиборни жалб этмоқчиман. К. Федин «Литературная газета» мухбири билан суҳбатда: «Адабиётда мени биринчи бор тарзага солган асар Гоголнинг «Шинел»и бўлган эди. Менимча, биз сўз санъаткорлари ўз ақли, меҳнати, билими, кучи билан халқ фаровонлигини таъминлаётган оддий, камсу-

қум одамлар ҳақида кўпроқ ўйлашимиз зарурга ўхшайди. Достоевский, Чехов, Горький қаҳрамонлари билан илк бор танишган ўша олис дамлардаёқ, бу адабиёт ўз қаҳрамонлари орқали азалдан оддий одамларни ҳурмат қилишини, ҳалқа хизмат қилишини ўзининг асосий мақсади деб билишини кўриб, унга меҳрим тушиб қолган эди. Бизнинг рус совет адабиётида мен учун энг муҳими, энг қадрлиси шу», деган эди («Лит. газета», 1972, № 8).

Ўзбек адиллари ҳам бу сўзларни айтишга тўла ҳақли. Рус реалистларидағи шу фазилат ўзбек реалистларининг ҳам қалбини асир этган; уларнинг деярли барча асарларида оддий, камсуқум одамларга чуқур ҳурмат-эҳтиром туйғуси баралла уфуриб туради. «Бой ила хизматчи»даги Фофир, Жамила, А. Қодирий романларидағи Уста Олим, Ҳасанали, Аивар, Сафар бўзчи, Обид кетмон каби оддий меҳнат аҳли нақадар меҳр-муҳаббат билан қаламга олинган! Қодирий ўзига тўқ оила одамлари Юсуфбек ҳожи, Қутидор, Офтобойим, Отабек, Кумуш ва Раъноларни қаламга олганда ҳам улар табиатидаги оддий, инсоний фазилатларни алоҳида таъкидлайди, китобхонда худди шу фазилатларга нисбатан хайриҳоҳлик уйғотади. F. Гуломининг «Ёдгор» ва «Шум бола»сидан тортиб «Менинг ўғригина болам» ҳикоясигача, Ойбекнинг «Қутлуғ қон» романидан тортиб «Болалик» повестига қадар, А. Қаҳҳорининг «Бемор» ва «Анор»идан тортиб «Ўтмишдан эртаклар»игача шу хусусиятни кўрамиз.

Шуни ҳам айтиш керакки, ўзбек адабиётида реализм принципларини эгаллаш янги шаронитда, социализм қуриш даврида юз берди, бинобарин, рус ва жаҳон класикларидан ўрганиши актив ижодий характерга эга бўлди, бизда етук реализмнинг шаклланиши айни пайтда социалистик реализмнинг шаклланиш даврига тўғри келди.

Ўзбек адиллари адабий жараёнда фақатгина шогирд бўлиб қолмасдан, социалистик реализм принципларини қарор тоғтиришда фаол иштирок этдилар, ҳумумсовет

адабиёти ҳазинасига, ягона совет адабиёти тараққиётига муносиб улуш қўшдилар. Ҳамза, Қодирӣ асарлари 20-йилларда ёқ қардош халқлар орасида катта шуҳрат топди, тоҷик, туркман, қозоқ насли ва драматургияси ривожига сезиларли таъсир кўрсатди. 30-йилларга келиб Айнӣ, Ойбек, F. Гулом, X. Олимжон, А. Қаҳҳор, Шайхзода, К. Яшин, Миртемир каби сўз усталарининг майдонга чиқиши билан ўзбек адабиётининг таъсир доираси яна ҳам кенгайди, Улуг Ватан уруши ва урушдан кейинги йилларда адабиётимиз довруги жаҳонга ёйилди. Аммо ўзбек адаблари ҳеч қачон қардошлардан ўрганишдан тўхтамади, балки худди ўша адабий ҳамкорликдан кучқудрат олиб, шу даражага кўтарилди.

Социализм шароитида амалга оширилган социал-иқтисодий, сиёсий ва маданий ўзгаришлар, социалистик ишлаб чиқариш кучларининг ўсгаилиги ва миллатлар аро ҳамкорлик кенгайланлиги, социалистик миллатлар ривожланиб бир-бири билан яқинлашганлиги оқибати ўлароқ одамларниң илгари мисли кўрилмаган тарихий бирлиги — совет халқи вужудга келди.

Ҳозирги вақтда социалистик миллатларниң ўзаро яқинлашуви жараёни тобора интенсив тус олаётир. Ш. Рашидов «Правда» газетасида эълон қилинган «Мустаҳкам қардошлиқ» мақоласида таъкидлаганидек, миллатлар бир-бирлари билан нечоғлик кўп яқинлашиб борсалар, нечоғлик кент ва мустаҳкам алоқа қилсалар, уларининг бир-бирини бойитиш жараёни шу қадар тўлаттўқис бўлиб боради ва бинобарин миллатлардан ҳар бири шу қадар тез ривожланади ва ҳар томонлама раввақ топади...

Бу гаплар бевосита маданият ва адабиёт масалаларига ҳам алоқадор. Ҳозирга келиб адабий ҳамкорлик, миллий адабиётлар орасидаги ўзаро таъсир, тажриба алмашиш жараёни мисли кўрилмаган тарзда кенгайди.

Эндилиқда ўзбек ёзувчилари бой миллий реалистик анъаналарга эга, рус ва жаҳон классикларидан ўрга-

нишда катта тажриба орттиргац, жаҳон ва қардош халқлар адабиётида юз бераётган янгиликлардан ўз вақтида хабардор. М. Шолохов, К. Федин, К. Симонов, Р. Гамзатов, Ч. Айтматов каби замонамизнинг улкан санъаткорларининг яратган ҳар бир янги асари, адабиёт ҳақида айтган ҳар бир янги гапи ўша куниёқ ўзбек ёзувчисининг қўлига тушади, қулоғига етади. Ахир биз ўтган асрда бир мамлакат осмони остида яшаб туриб Толстой, Достоевский, Чехов каби буюк замондошлари дунёда борлигини билмай оламдан ўтиб кетган шонрларни биламиш-ку! Ҳозир ўзбек адабиётини, унинг реалистик аиъаналарини яна ҳам юксакроқ босқичга кўтариш учун ҳамма имкониятлар бор. Адабий ҳамкорликнинг ҳозирги даражаси адабиётимиз янгиликларини жаҳон ва қардош халқлар адабиётидаги энг сўнгти муваффақиятлар гази билан ўлчашни тақозо этади. Бу ҳол ёзувчиларимиз зинмасига катта масъулият юклайди.

■ ■ ■

САНЪАТКОРНИНГ ҚУШ ҚАНОТИ

СССРнинг ташкил топиши миллатлар ва миллий маданиятлар ҳамкорлиги тарихида янги давр очди, миллий маданиятларнинг бир-бирига таъсир кўрсатиш, ўзаро тажриба алмашиш, бир-бирини бойитиши ҳамда яқинлашиш жараёнини тезлаштириб юборди. Жаҳон социалистик системасининг вужудга келиши муносабати билан бу жараён доираси яна ҳам кепгайиб жетди.

Шу жараён туфайли ҳар бир миллий маданиятда миллий анъаналар билан интернационал хусусиятларнииг ўзаро диалектик муносабати энг актуал масалалардан бирига айланниб қолди. Мана, эллик йилдирки, шу масала теварагида тўхтовсиз баҳс кетади, ягона оила шароитида миллатлар ва миллий маданиятларнинг тақдидири қандай кечади, яқинлашув жараёнида миллий анъаналарнинг роли ва ўрини қандай бўлади, деган савол ҳали ҳам кун тартибидан тушган эмас.

Маълумки, чет элдаги «советшунос»лар ҳам бу баҳсга аралашиб турадилар, улар ҳодиса моҳиятини ўзларинча талқин этиб, миллий бўлмаган қандайдир бир тузум миллатлар ва миллий маданиятларни гўё ютиб йўқ қилиб юбормоқда, деб тұхмат қиласпилар.

Марксистик адабиётшунослар советлар ҳокимиятинииг дастлабки йилларида ёк бу жараён моҳиятини илмий асосда таҳлил этиб берган эдилар. Чунончи, А. В. Луначарский шундай ёзган эди: «Иисоният тўхтовсиз маданиятии интернационаллаштириш йўлидан боради. Миллий асосинииг узоқ вақт, ҳаттоки, абадий сақланиб қолниши шубҳасиз, ахир интернационализм умуминсоний симфониядаги миллий мотивларни йўқотмайди, аксинча уларнинг бойиб, эркин гармоник тарзда қўшилиб боришини тақозо этади».

Кўпмиллатли совет адабиётининг 50 йиллик тажрибаси бу фикрининг тўғрилигини тўла исбот этади. Шу

Йиллар давомида ҳар бир миллий адабиёт интернационал хусусиятлар билан бойиди, қардош адабиётларнинг жуда кўп эстетик тажрибаларини ўзлаштириди, социалистик реализм — уларнинг барчаси учун ягона метод бўлиб қолди, бироқ бу ҳол миллий анъаналарни, миллий ўзига хосликни асло сўндиргани, сусайтиргани йўқ, балки миллий анъаналарга янги куч, янгича тус бахш этди, миллий анъаналарнинг янгиланиш жараёнини авж олдириб юборди.

Миллийлик ва интернационалликнинг ўзаро муносабати устида гап кетадиган бўлса, қардош халқлар адабиёти улкан арбобларининг фикри ҳамиша бир ердан чиқади. Атоқли авар шоири Расул Гамзатов дейдид:

«Бу ўринда икки тушунча (**миллийлик ва интернационаллик — У. Н.**) бир-бирини рад этмайди, аксинча, тўлдиради. Шохлар томирлар билан, жилғалар булоқлар билан боғлиқ бўлганидек, бу икки тушунча ҳам бир-биридан ажралмасдир. Негаки, бизнинг гоявий позициямиз миллий маданиятни рад этмайди, аксинча, уни тасдиқлайди ва гуллаб-яшнашни учун шаронит яратиб беради. Коммунистик дунёқараш ҳеч бир халқдан ўз ҳаёт тарзини, уфр-одатларини, яхши анъаналарини, тили ва маданиятини қурбон қилишини талаб этмайди. Аксинча, миллийлик бизнинг мамлакатимизда бундан буён ҳам тараққий этаверади, янги оҳанг ва мазмунга эга бўлаверади. Социализм шаронитида ҳар бир халққа инсоният тараққиёти учун ўз ҳиссасини қўшиш имконияти яратиб берилган. Бир қўшиқ оҳангни бошқа бир қўшиқ оҳангни бўғиб қўймайди. Биз янги қўшиқлар айтамиз, лекин гўдаклигимизда онамиздан эшингтан алладан ҳам воз кечмаймиз. Келажак сари қадам ташлаётган болалар оқсоқол боборининг эртакларини жон қулоғи билан тинглайдилар». «Лекин янги замон, — деб таъкидлайди у, — кишидан янги қўшиқларни талаб этади. Янги воқеалар янгича муносабатлар, янги гоялар, янги одамлар, янги куйчиларни,

алангали йилларнинг жонли гувоҳларини, ўзларининг ўй-тўйғуларини тараинум этувчи шоирларни талаб этмоқда. Шунга қарамай, шеъриятнинг бош моҳияти ва замини ўзгармайди. Ўз халқига таг-томири билан чамбар-час боғланган, ўз она замини ва ўз ўлкасига бир умр со-диқ қоладиган шонргина, бутун жаҳонда ўз юртининг на-мояндаси бўла оладиган кўйчигина ҳақиқий шоирдир».

Машҳур литва шоири Эд. Межелайтис миллийлик ва интернационалликни даражатнинг илдиз ва шохларига қиёс қилиб: «Илдизлар ер қаърига чуқурроқ кириб бор-син, шохлар осмон сарп юксакроқ бўй чўзсан!» — дейди. Унингча, миллий заминига яқинлик, интернационал кенг-лик — адабиёт ривожининг асосий гарови.

Доңдор қирғиз ёзувчиси Ч. Айтматов «Известия» газетаси мухбири билан суҳбатда ўз тажрибасига таяниб, она тили ҳамда миллий анъанаалар санъаткорни вояга етказадиган асосий замин, деб атади.

Ўзбек адаби Ш. Рашидовнинг «Правда»да босилган «Мустаҳкам қардошлик» сарлавҳали мақоласида шу гапларни ўқиёмиз:

«Халқларнинг дўстлиги, қардошларча ҳамкорлиги вазиятида ҳар бир миллий маданий хазинаси интернационал характерда бўлган ижодиёт билан доим бойитилади...

Аммо бу гапдан, халқларнинг маданияти ўзининг миллий хусусиятларидан маҳрум бўлиб қолади, деган маъно келиб чиқмайди, акснича, ана шу маданиятлар социалистик мазмuni билан бойитилиб, ўз халқларига хос хусусиятларни миллий формалар воситаси билан тўла-роқ ифодалаш имкониятига эга бўладилар. Миллий ху-сусиятлар йўқолмайди, балки умумсовет, умумхалқ фикрини ифодалаш формаси сифатида ривожланаве-ради».

Адабий жараён хийла мураккаб. Миллийлик ва ин-тернационалликнинг бевосита намоён бўлишида баъзан бир ёқламаликлар учраб туради. Айрим ёзувчилар умум-

инсоний темалар ҳақида ёзамаси, умумжаҳон аҳамиятига молик проблемаларни кўтараман, интернационал юксакликка интиlamан, деб конкрет миллий заминдан ажralиб қоладилар, мақон ва замондан жудо «муаллақ асар»лар шу тариқа вужудга келади, уларни ўқинганингда, шонир айтмоқчи, автори ким ва қайси ўлкадан эканлигини, унинг қишлоғи олдидан қандай жилға оқиб ўтишини, бу оламга уни қайси сўқмоқ етаклаб келганини, унинг бешиги устида онаси қандай алла айтганини ажратолмайсан киши...

Мана шундай асарларни рўйиҳа қилиб ҳақиқий аҳволни бузиб кўрсатиш, буни интернационаллаштириш оқибати деб талқин этиш ҳоллари учраб туриди. Аслида бу — талантсиэлик оқибати, миллийлик йўқ жоїда ҳақиқат ҳам, маҳорат ҳам йўқ.

Қўпинча биз миллийлик ва интернационалликни фоявий аспектда ўрганиш билан банд бўлиб кетиб, бевосита маҳорат масалалари билан боғлиқ томонларига етарли эътибор бермаймиз. Ҳолбуки миллийлик, интернационаллик ва маҳорат ажралмасдири. Юксак маҳорат билан ёзилган асарларда, улкан талантларда миллийлик ва интернационаллик бир бутунни ташкил этади. Бу тушунчалар санъат ҳамда адабиётнинг асл табиати, яъни типиклик қонуни, ҳодисаларни индивидуаллаштириш ва умумлаштириш хусусияти билан туташиб кетади.

Шу ўринда Р. Гамзатовнинг яна бир гапини эслатиб ўтишга тўғри келади. У ёзади: «Айрим шонрларнинг «Умумжаҳон шеърий тўпламалари»дан кўра Есенинининг Рязани, Твардовскийнинг Смоленск ўлкаси Россия ҳақида менга кўпроқ маълумот берган. Бутун бир халқ тўғрисидаги умумий мисраларга иисбатан юртдошларимнинг ўз овули ҳақидаги шеърлари халқнинг туйфу ва интилишлари тўғрисида менга кўпроқ нарсани ҳикоя қиласди. Негаки, бугунги кунда ҳар бир қишлоқ ўз тақдирни билан бутун социалистик мамлакатга, бутун дунёга чамбарчас боғлангандир».

Баъзан миллийлик деганда фақат ўз миллати ҳақида ёзиш, уларининг ўй-туйғуларини акс эттириш ёки, аксинча, интернационаллик деганда иуқул дўстлик мавзунда, ўзга халқлар ҳаётидан асарлар ёзини деб тушунилади. Аслида миллийлик ва интернационаллик доираси жуда кенг.

Миллийлик гүё талантиниг даражасини кўрсатувчи бир мезон, унга қараб санъаткорниң халқقا, ҳаётга яқинлигини, кузатувчалигини, халқ дилини қанчалик билишини, ҳис этишини пайқаш мумкин; интернационаллик эса гүё талантиниг кўлами, фикр доирасини кўрсатувчи бир мезон, унга қараб ёзувчининг позициясини, эстетик маданиятини англаш мумкин.

Чунончи, Расул Гамзатов иуқул ўз юрти, ўзи яхши билган, қалбига яқин бўлган Догистони, авар халқи ҳақида ёзди, Чингиз Айтматов эса ҳамиша қирғизлар ҳаётидан ҳикоя қиласди, бир-икки қозоқ йигитини мустасно қилганда, унинг қисса ва ҳикояларида бошқа халқ вакиллари образи деярли учрамайди. Бу ҳол, яъни миллий замин ҳар иккала автор асарларига ҳам бетакорр миллий руҳ бахш этади, лекин улардаги миллийлик интернационалликка асло монелик қилмайди, аксинча улар жуда катта умумбашарий маъно касб этади. Гап шундаки, ҳар иккала автор ҳам улкан талант эгаси, улар рус, қардош, жаҳон адабиёти тажрибаларидан чуқур хабардор, улар ўзи яхши билган ҳаёт ҳақиқатига юксек позицияда туриб ёндашадилар, қаламга олган ҳаёт парчасидан катта умумлашмалар чиқара биладилар, шу конкрет миллий ҳаёт парчаси орқали бутун мамлакатни, жаҳон халқларини қизиқтирадиган, ҳаяжонга соладиган гапларни топиб айтадилар. Шунинг учун ҳам Р. Гамзатовининг Цада овули ҳақидаги ўй-кечнималари жаҳон ўқувчиларининг дилига йўл топди, Ч. Айтматовининг «Оқ кема» қиссасида кичик қирғиз овулида юз берган ҳодисалар тасвири жаҳонни ларзага келтирди. Ҳақиқий маънодаги интернационаллик деганда, миллийлик, интерна-

ционаллик ва маҳоратининг ажралмаслиги деганда мен аввало шуни тушунаман.

Ўзбек адабиётининг классик намуналари бўлиб қолган F. Ғулом, Ҳ. Олимжон, Ўйғуз, Миртемир, Зулфия шеърларига, «Бой ила хизматчи», «Ўтган кунлар», «Қутлуг қон», «Синчалак», «Нурхон» каби шоҳ асарларга ҳам шу фазилат ёр, сўнгги йилларда бизда яратилган энг яхши асарларда ҳам шу хусусият мавжуд. Баъзи асарларда миллӣ руҳ барқ уриб турмаётган экан, демак, уларда юқсак баднийлик, ҳаққонийлик, ҳаётнийлик ҳам етишмайди ёки, аксинча, бошқа бир гуруҳ асарларда «миллӣ бўёқ» етарли бўлса ҳам Кўктеракдан нарига ўтолмаётган экан, демак, улар ҳам маҳорат жиҳатдан оқсайди.

Миллӣлик ва интернационалликниң ўзаро муносабатида миллӣ адабий анъаналар билан бошқа халқлар адабиёти тажрибаларини қўшиб олиб бориш ғоят мұхим ҳамда мураккаб проблемалардан биридир.

Масаланинг мураккаблиги шундаки, ҳозирги пайтда ҳар бир миллӣ адабиёт қардош адабиётларнинг қуршови, кучли таъсири остида турибди, қолаверса, ўтмишда реалистик анъаналарга эга бўлмаган кўпгина миллӣ адабиётлар кейинги 50 йил ичидаги бой реалистик тажриба тўплади, мамлакатимиздаги энг илғор адабиётлар билан тенглашиб олди, демак, ҳар бир миллӣ адабиёт барқарор миллӣ реалистик анъаналарга эга; ҳозир қалам тебратади ҳар бир адабиёт булар билан ҳисоблашмай иложи йўқ. Иккинчи томондан, ҳаммага аёнки, адабий асар китобхон учун ёзилади, асар аслида санъаткорнинг китобхон билан суҳбати; ҳозирги китобхоннинг диди, савиаси жуда юқсак, унинг миллӣ состави ҳам ҳар хил; ёзувчи қўлга қалам олар экан, фақат ўз миллатигина эмас, умумиттилоқ, бинобарин, жаҳон китобхонларини ҳам ўйлади, улар билан умумий тил топиш йўлини излайди; ҳозирги вақтда умумхалқ доирасига чиқишини ният қилмаган бирорта ҳам адабини топиш мушкул.

Мана шу жараён миллний адабиётларнинг бадиий шакл, ифодалар ојамида чуқур из қолдирмоқда, адабиёт тобора ғоят хилма-хил анъаналар, тажрибалар туташадиган бир майдон бўлиб қолмоқда. Ана шундай шароитда «ҳаммабоп ўрта йўл»ни топиш, ўз халқига ҳам, бошқа халқларга ҳам баб-баробар етиб борадиган қилиб гапириш, миллний анъаналарни қардошлар тажрибаси билан мутаносиб равишда уйғунлаштириш ҳозирги замон ёзувчисидан юксак дид, улкан маҳорат, катта жасорат талаб этади.

Улкан санъаткорлар бу мураккаб муаммони мұваффақият билан ҳал этмоқда. Худди ана шу хилма-хил анъаналарнинг «туташиш» жараёнида сира кутнлмаган бурилишлар, кескин ўзгаришлар, улкан бадиий кашфиётлар рўй беряпти.

Бу ўринда мен уч асарни мисол қилиб келтирмоқчиман. Адабий тақиид сўнгги йилларда пайдо бўлган «Догистоним», «Оқ кема» ва «Чинор» асарлари шакл, бадиий ифода жиҳатдан янгилик бўлганлигини таъкидлади. Бу янгиликнинг илдизи шакл бобидаги миллний ва интернационал анъаналарга бориб тақалади.

«Догистоним» асари аввало ҳалқ оғзаки ижодига хос эртак, латифа, қочириқ, ҳазил-мутойибаларга мўл-кўллиги билан ажralиб туради; иккинчидан, унда шарқ классик прозасига хос донишмандлик ҳам бор, фикрни ибратли ҳикоялар орқали тасдиқлаш, ҳам китобий, ҳам ҳаётий нақлларга кенг мурожаат этиш усули Шайх Саъдий тажрибаларини, асарда хилма-хил жанр хусусиятларининг мавжудлиги ҳам қадимги проза намуналарини эсга солади. Айни пайтда бу асар ҳозирги замон насрини оҳаиги билан, чуқур реалистик руҳ билан суфорилган, аниқроғи ҳалқ оғзаки ижоди ва дидактик проза приёmlари реалистик анъаналарга бўйсундирилган, натижада эски шакллар тамоман янгириб, яшариб кетган. Бу шакл ҳозирги куннинг энг ўткир масалаларини кўтаришда, уни кенг китобхонлар оммасига етказишида авторга ниҳоятда қўл келган.

«Оқ кема» — танқидчилар таъкидлаганидек, шакл жиҳатдан Ч. Айтматовнинг миллий анъаналарга энг яқин турган асари. Қиссага автор «Эртакдан сўнг» деган бошқа бир ном ҳам берган. Асар қирғиз халқ эртаги асосига қурилган, қадимий эртак билан ҳозирги кун воқеалари ажойиб тарзда бир-бирига тулашиб кетган. Аввало, асарда келтирилган эртак воқеаси шу куннинг муҳим гапини ифода этишга хизмат этади; шуниси муҳимки, ёзувчи халқ эртагини ҳозирги адабнётга хизмат эттириш билан чеклаимасдан, эртак услубини ҳозирги реалистик услубга бўйсупдирган; қиссада эртакнинг ифода услуби халқ оғзаки ижодидаги услубдан тамоман фарқ қиласди, автор одамлараро ҳозирги муносабатларни тасвир этганда ҳам, эртак воқеаларини ҳикоя қиласдан ҳам бир хил реалистик оҳангда гапиради, эртак воқеаларини реалистик воситалар орқали, худди ҳаққоний воқеалар каби, шундоққина кўз олдингизда гавдалантириб юборади. Хуллас, қадимий миллий анъаналар реалистик прозанинг сўнгги тажрибалари билан қўшилиши туфайли ҳам миллий, ҳам интернационал характердаги етук замонавий бадиий шакл вужудга келган.

«Чинор» ҳам, менинг назаримда, Асқад Мухтор ижодидаги миллий замонига, миллий анъаналаримизга энг яқин турувчи асардир. Адабий танқидчиликда бу асар роман жанри памунаси сифатида тилга олингаётган бўлса ҳам, автор уни роман деб эмас, «Ривоятлар, ҳикоятлар, қиссалар...» деб атаган. У фақат хилма-хил жанрлардан ташкил топган асар бўлибгини қолмай, услубларининг, ифода усулларининг раанг-баранглиги билан ҳам ажralиб туради. Биз унда қадимий наср ифодаларидан тортиб ҳозирги прозанинг романтик, изчил реалистик, дедектив-саргузашт каби услубларига қадар, оддий дидактик баёндан тортиб фалсафий анализитик тасвир йўлига қадар ғоят хилма-хил анъаналарнинг гармониясига дуч келамиз. Афсуски, ёзувчининг шаклий-услубий изланишлари адабий танқидчиликда муносиб баҳо-

сини ололгани йўқ. Менимча, Асқад Мухтор тажрибаси ҳозирги ўзбек насири учун ғоят ибратли бўлиб, бу умумсовет адабиётидаги энг муҳим жараёнлар билан узвий боғлиқдир.

Миллий заминига муносабатда бўлгани каби миллий адабий анъаналарга ёндашишда ёки қардош адабиётлар тажрибасини ўзлаштиришда ҳам бизда баъзан бир ёқламаликлар содир бўляпти. Сунъийлик, атайнилик, тақлид — адабиётнинг душмани. Ҳар қандай анъана, тажриба табиий, зарурий кўришиш касб этгаидагина, анъанани эгаллаш ижодий харкатерда бўлгандагина ўзини оқлай олади. «Доғистоним», «Оқ кема» ва «Чинор» авторлари миллий адабий анъаналарга қандайдир зарурий эҳтиёждан келиб чиқиб ёндашганилар, кўнгилдаги гапни айтиш, ифодалаш учун бундан мақбулроқ бошқача йўл ийқлиги сабабли ҳам худди шу шаклни танлаганлар; уларда мазмун ўзига ниҳоятда мос шаклни топгани учун ҳам бу асарлар новаторлик даражасига кўтарилиган. Айрим авторлар изланишлар пайтида бадний ижоднинг мана шу қонуниятларини етарли ҳисобга олмаётирлар. Иккита мисол келтириш билан чекланаман.

Шоир Тўра Сулаймон халқ достонлари йўлида янги асарлар яратишга уриниб кўрди, замондошларимиз саргузаштлари ва образини қадимий достонлар услубида ифода этишга интилади. Ниҳоятда оммабон, халқчил услубда ёзилган бўлишига қарамай, унинг достонлари у қадар оммалашиб кетолмади. Сабаби, ҳар иккала асарда ҳам услугуб жиҳатдан достонларга тақлид кучли, автор маълум зарурий эҳтиёж туфайли эмас, шунчаки бир ҳавас, тажриба учунгина достони анъаналарига мурожаат этган кўринади; шоир анъаналарга янгича ижодий ёндашиш, уни ҳозирги реалистик тажрибалар билан қўшиб олиб бориши устида етарли бош қотирмайди.

Бошқа бир ёш ёзувчи Шукур Холмирзасевда эса акс ҳолни кўрамиз. Ш. Холмирзаев ҳозирги замон рус, қар-

дош халқлар ва жаҳон прогрессив адабиёти тажрибала-ридан чуқур хабардор. У ҳозирги замон адабиётининг энг сўнгги услуг ва усулларини ўзбек адабиётига олиб киришга, насримизда янгича сўзлаш тарзини шакллантиришга интилади. Ёш автор қатор рус, латиш ва эстон прозанклари, шунингдек, прогрессив ғарб адабиётидаги айрим адиллар каби «рационал проза» номи билан юритилаётган «ҳиссиётдан ҳоли», фақат «ақл» ва «фактлар тили» билан сўзловчи тасвир йўлидан боряпти. Шуниси диққатга сазоворки, ёш автор тобора миллий заминга яқин боришга интиляпти, унинг асарларида миллӣ, ҳаттоқи маҳаллий колорит жуда аниқ намоён бўлмоқда, у ўзи туғилиб ўsgан Сурхон воҳаси, Бойсун тоғлари нафасини, тоғликлар ҳаётини бетакрор тарзда ифода этишга, кўпинча шу миллӣ-маҳаллий ҳаёт лавҳалари орқали интернационал характерга эга бўлган проблемаларни кўтаришга муваффақ бўляпти. Аммо, очинини айтиш керак, Ш. Ҳолмирзаевнинг шундай жиҳдий изланишлари ўз тенгдошлари асарлари каби ҳозирча оммалашиб кетолмаяпти; поэтик анъаналар, ҳиссиётга бой асарлар руҳида тарбияланган китобхон учун ёш ёзувчи ҳикоялари бир оз «қуруқроқ», бетаъсипроқ бўлиб туюляпти, «рационал» сиқиқлик билан нуқул кўрсатишга асосланган деталлар тизмаси асар учун зарур бўлган ҳавони, яъни ҳиссиёт оламини сийраклаштириб қўяётир. Бундан қочиш учун ёзувчига А. Қодирний, Ойбек, F. Ғулом, А. Қаҳҳор тажрибалари қўл келиши мумкин эди, афсуски ёш авторда ўзгалар тажрибасини миллӣ адабий анъаналар билан қўшиб олиб бориш заифроқ.

Хулоса ҳам тайёр. Миллӣлик билан интернационаллик адабий асарнинг зарурий шарти; қуш бўлмаса — қанот, қанот ёлғиз бўлса парвоз бўлмаганидек, санъаткор учун миллӣлик ва интернационаллик қўш қанот, ҳар иккала қанот бирдек моҳирллик билан ишга солинсагина юқсакликка кўтарилиш мумкин.

ФОШ ЭТИШ САНЪАТИ

КПСС Марказий Комитетининг партия ХХIV съездига қилинган ҳисобот докладида «халқимизнинг ўтмиши ва ҳозирги ҳаётини мавжуд камчиликларни хаспўшламасдан, бежамасдан, партиявий позицияларда туриб реалистик ёритадиган, коммунистик тарбия ва қурилишининг ҳақиқатан ҳам муҳим проблемаларига бутун эътиборни жалб қиласидиган асарлар» юксак баҳоланди. Ҳисобот доклади юзасидан қабул қилинган резолюцияда: «Партия санъаткорларнинг талантини, унинг ижодидаги гоявий коммунистик йўналишни, бизнинг олға боришимизга халақит берәётган нарсаларнинг ҳаммасига нисбатан санъаткорнинг муросасиз бўлишини юксак даражада қадрлайди», деб таъкидлаб ўтилди.

Бу сўзлар санъат ва адабиёт аҳлига зўр далда беради, айни пайтда, улар зиммасига катта масъулият юклайди.

Қамчиликларга бадиий муносабат хусусида практик ва назарий характердаги қўпгина чалкашликлар бор. Айрим адабиётчилар «ёв қочса ботир кўпаяр» қабилида иш кўрадилар, аллақачон фош этилган, ошкор бўлган нуқсонларни қайта савалаш билан банд бўладилар, адабиётнинг фош этиш функциясини утилитар тарзда тушуниш ҳоллари ҳали ҳам учраб туради; айтайлик, бирор маршрутда автобус тиқилинчроқ бўлиб қолса, дарҳол шовқин-сурон кўтарилади, шу маршрут учун масъулдор шахсларни «қораловчи» қатор фельетон ва ҳажвиялар пайдо бўлади; бундай «асарлар»нинг умри капалак умридек қисқа, ўша маршрутдаги нуқсон тугатилиши билан унинг умри ҳам тугайди. Бир вақтлар салбий қаҳрамоннинг касби масаласига жиддий қаралар, масалан, ёзувчи танлаган салбий қаҳрамон ўт ўчирувчи ёки савдо ходими бўлса, бу ҳол умуман ўт ўчирувчилар ва савдо ходимлари учун ҳақорат бўлиб туюлар эди... Кейинги

пайтларга келиб бу хил қараши кулгили эканин кўпчиликка аён бўлиб қолди. Аммо бошқачароқ бир қарашиб ҳамон сақланиб келаётир. Баъзи ўртоқлар ёзувчининг ижодий жасоратини фош этилаётган қаҳрамоннинг лавозимига қараб тайин этадилар, салбий қаҳрамон қаинчалик юқори лавозимда бўлса, ёзувчи жасоратига шунчалик таҳсиин айтадилар. Шу ўринда таниқли рус танқидчиси Марк Шегловнинг муҳим бир гапини эслатиб ўтишни истардим.

«Баъзан шундай тақриз ва мақолаларни ўқишга тўғри келадики,— деб ёзган эди танқидчи,— уларнинг муаллифлари бирор ёзувчи ўз асарида «чакана» одамларни эмас, айтийлик, обком секретарини салбий қаҳрамон тарзида берган бўлса, буни жасорат деб кўкларга кўтаратдилар, фош этишнинг аҳамиятини худди шунда деб биладилар. Аслида бундай мақтолвлар санъаткорни камситиш бўлур эди, чунки эртаси куни салбий бир крайком секретари тасвирланган китоб пайдо бўлади-да, кечагина обком секретари жасорат билан фош этилган асар унтилади-кетади. Бадий сатиранинг вазифаси алоҳида шахсларни масхара қилиш эмас, балки ҳодисани кўрсатиш ва фош этишдан иборат, бунда лавозимнинг ҳеч қанақа аҳамияти йўқ».

Дарҳақиқат, адабиётнинг фош этиш функцияси бирор касб ёки лавозим эгаларигагина хос бўлган камчиликларни очиб ташлашдан иборат бўлмай, ҳаётдаги бирор жиҳдий салбий ҳодисани топа билишдан, қаҳрамон қайси касб ва лавозимда бўлишидан қатъи назар, унда мужассам этилган характеристи, хавфли қусурларни кўрсатишдан иборат. Фош этиш санъати, даражаси аввало худди шу ҳаётдаги муҳим салбий ҳодисалар мөҳиятини қаинчалик чуқур бадий таҳлил этиб берилшишга қараб белгиланади. Характерда намоён бўлган ҳодиса кўлами қаинчалик кеңг бўлса, унинг таъсир кучи шунчалик зўр бўлади. Чинакам санъаткор қаҳрамондаги шундай қусурларни топиб тасвир этадики, қаҳрамон та-

бнитидаги бу хусусиятлар барча касб ва лавозим эгаларини баб-баробар қизартыради, ҳалжонга солади; бундай қусурларга мубтало бўлган кимсалар барча касб ва лавозим эгалари орасида топилади.

Чингиз Айтматовнинг машҳур «Оқ кема» қиссасидаги Мўминни эслайлик. У чекка бир қирғиз овулида истиқомат қилувчи оддийгина ўрмон ходими. Ёзувчини унинг касби-кори, лавозими эмас, биринчи галда характердаги бир хусусият қизиқтиради. У ҳалол, покиза, қўли гул, тиним билмас меҳнаткаш шахс, ўзгаларнинг ҳожатини чиқаришга, бирорларнинг кўнглини олишга ҳамиша тайёр; унинг эътиқоди ҳам бутун, ҳалқ руҳини муқаддас деб билади, бироқ бу одам ўз номи билам мўмин; ўз қадрини билмайди, ўзининг ҳақ-хуқуқини, инсонлик шаънини ҳимоя қила олмайди; бу итоаткор, ожиз банда ўзидағи шу хусусият туфайли катта жиноятларга йўл очади, ёвуэлик олдида таслим бўлади, кўра-била туриб ўз эътиқодига, ҳалқ руҳининг тимсоли саналмиш Шоҳдор Она буғига қаратса ўқ узади...

Кўряпсизми, ёзувчи Мўмин орқали шунчаки ўрмони ходимини танқид қилаётгани йўқ, балки Мўминдаги мўминликни фош этаётир, мўминликнинг оқибатларини кўрсатаётир, китобхон кўнглида мўминликка қарши зўр нафрат ва исён уйготаётир, ўқувчини курашга, курашчанликка даъват этаётир.

Фош этиш санъати деб шунга айтилади...

Бизда гоявий мотиви жиҳатдан «Оқ кема» билан оҳангдош талай асарлар бор. Яқингинада эълон қилиниб эл оғзига тушган У. Назаровнинг «Ов», «Қотил», Ш. Холмирзаевнинг «Баҳор ўтди», «Кечаги кун — кеча», У. Ҳошимовнинг «Баҳор қайтмайди», У. Умарбековнинг «Одам бўлиш қийни» каби асарларида олға боришинизга тўғаноқ бўлаётгани характерли иллатларга китобхон эътибори жалб этилган, бир қараашда олдий, беозор туюлган пуқсонларининг даҳшати, фожиаси бутун кескинлиги билан кўрсатилган. Адабиётимиздаги бу

йўналиш изчил давом этяпти, фош этиш санъати яна ҳам такомиллашиб боряпти. О. Ёқубовнинг «Қанот жуфт бўлади», П. Қодировнинг «Эрк», Асқад Мухторнинг «Тўққизинчи палата», «Хонимнинг туғилган кунилари», Ш. Холмирзаевнинг «Жарга учган одам», «Қочоқ» ҳикояларидаги шу фазилатни пайқаш мумкин.

«Қанот жуфт бўлади» қиссасидаги Сайёра, «Эрк»даги Ойшахон образлари муносабати билан жуда хилмалил, баъзан бир-бирига зид фикрлар айтилди; улар устидаги баҳс ҳали ҳам давом этяпти; чунончи, баъзи ўртоқлар Сайёрани замонавий, тарбия кўрган, маданиятли аёл деса, бошқа бирорлар ундан нуқул нуқсон қидирадилар, уни бутунлай «салбий қаҳрамон»га чиқариб қўядилар; ёки, айрим танқидчилар Ойшахонни қолоқликда, мўминликда айбласалар, қолган ўртоқлар, ундағи ожизликни назардан соқит қиласадилар, баъзан эса бир мақоланинг ўзида бу образ хусусида зиддиятли фикрлар айтилади. Масалан, танқидчи М. Қўшжонов «Қиссанинг иккинчи ҳаёти» мақоласида дастлаб Ойшахондаги итоаткорлик, мўминлик иллатини тилга олади, ёзувиши шу хил иллатларга қарши туғён кўтарганигини таъкидлайди; нарироқ бориб ўз фикрига бутунлай қарши чиқади, «Ойшахон унақа жуда ҳам тарбияга мухтож аёллардан эмас», — деб юборади; тарбияга мухтож эмаслигини унинг меҳнатсеварлиги билан исбот этмоқчи бўлади.

Бундай зиддиятли фикрларнинг туғилишига сабаб шуки, биринчидан, баҳс пайтида бу образлар моҳияти етарли ҳисобга олинмаётир; иккинчидан, бу образлар талқинида йўл қўйилган камчиликлар дурустроқ изоҳлаб берилмаётир.

Аввало, Сайёрани ҳам, Ойшахонни ҳам одатдаги ижобий ёки салбий қаҳрамонлар тоифасига киритиш мумкин эмас. Улар хийла мураккаб, ҳатто зиддиятли характер эгалари. Айтайлик, Сайёра ниҳоятда дилбар аёл, у ўқимишли, маданиятли, ўз қадр-қимматини ҳам

яхши тушунади, уининг эрки ўз қўлида, кўнгли ишмани тусаса шуни қила олади. Сайёра маълум шаронт, ўзи тушиб қолган муҳит тақозоси билан кўнглига ортиқча эрк бериб юборади, муҳайё этилган имкониятлар олдида довдираб, чароғон ҳаёт шуъласида кўзи қамашиб реал ҳаётни кўра олмайдиган бўлиб қолади, оила, эл-юрт олдидаги масъулиятни унутади. Масъулиятсизлик, қанақа кўринишда бўлмасин, хавфли иллат. Ёзувчи китобхон эътиборини Сайёра характеристига илашиб қолган шу иллатга жалб этади, қадамба-қадам шу иллатиниг кўнгилсиз оқибатларини фош эта боради; масъулиятсизлик туфайли Сайёра жар ёқасига келиб қолади... Шу орада Сайёра бирдан ҳушёр тортади, унинг қамашган кўзлари бирдан ярқ этиб очилади, хавф остида қолган тақдирин ва баҳтини қайта қўлга олади...

Ойшахонга келсак, унда ҳам ижобий фазилатлар кўп. У оиласда ҳам, далада ҳам тиним билмас, қўли гул, меҳнаткаш аёл, ҳусни-жамоли ҳам жойида; эрк бобида эса у Сайёранинг бутуслай тескариси. Ойшахон меҳнат, ўзгаларни ҳурмат қилишни билади-ю, ўз қадр-қимматини билмайди; кўнгилсиз эр Саттор олдида ўзини хору-зор этади, қандай йўл билан бўлмасин муҳаббатсиз қурилган оиласни тутиб қолишга интилади, бунга қурби етмагач, ҳатто ўзини ўлдиришга жазм этади... Қишлоқдаги баъзи чигалликлар, эскича таомиллар, оилавий муҳит таъсирида ундаги эрк, ҳақиқий ишсоний ғурур туйғуси ўтмаслашиб, қобил-мўмни, итоаткор бир бандага айланниб қолган... Масъулиятсизлик қанчалик хавфли иллат бўлса, итоаткорлик ундан ҳам хатарлироқ. Ёзувчи Ойшахондаги ожизликларни ҳам ачиниш, ҳам ғазаб, ҳам нафрат билан қаламга олади, маълум нуқтага қадар бу қусурни кескин фош эта боради... Аммо охирига келиб бу асада ҳам худди «Қанот жуфт бўлади» қиссанидагига ўхшаш манзара пайдо бўлади, Ойшахонда ўзгариш сезилади, энди у ўз қадрига етадиган, муҳаббатсиз

оилани тутиб туриш мумкин эмаслигини тушунадиган ҳолга келади.

Асарни қандай тугатиш ёзувчининг ўз иши, юқори-роқда айтиб ўтганимиздек, авторга ундоқ қилиш керак, мундоқ қилиш керак деб кўрсатма бериш ҳам ўринисиз, ҳам кулгили. Бироқ танқидчи ёзувчи тутган йўлнииг оқибат-натижаси хусусида фикр юритишга ҳақли. «Қанот жуфт бўлади» билан «Эрк»даги хотима, бизнингча, қаҳрамонлар характеристидаги хатарли қусурни охиригача изчил ва кескин фош этишга маълум даражада монелик кўрсатган. Ойшахон образи моҳият эътибори билан «Оқ кема»даги Мўминга яқин туради. Ойшахон билан Мўмин табиатидаги қусур моҳият жиҳатдан бир. Ч. Айтматов характеристидаги итоаткорликни фош этишда охиригача изчил туради, вазиятни асло енгиллаштирумайди. Шунинг учун ҳам бу образ китобхонга foят кучли таъсир этади. Ч. Айтматов бамисоли қаҳрамони характеристига илашган хавфли иллат остига бомба кўйинб портлатади-ю, асарни тугатади; О. Ёқубов билан П. Қодиров асарларида ҳам занифроқ бўлса-да портлашлар юз беради, аммо бу иккى автор шу билан асарни тугатиб қўя қолмайди, портлашлар туфайли рўй берган ўпирлишларни мумкин қадар энақага келтириш билан банд бўладилар. Натижада аввалроқ, портлашлар пайтида бизда туғилган ҳаяжон охирига бориб анча сусайиб қолади.

Қаҳрамон табиатидаги қусурларга авторининг муносабати масаласи кўп баҳсларга сабаб бўляпти. Баҳс пайтида ёзувчи позицияси хилма-хил тарзда намоён бўлиши мумкин экани назарий жиҳатдан эътироф этилади-ю, конкрет асар, образ талқинига келганида бошқа йўлга ўтиб олинади, автордан ҳам доим ўз позициясини ошкора ифода этиш талаб этилади. Танқидчи ёзувчи позициясининг аниқ-равшан, изчил бўлишини талаб этишга ҳақли, аммо аниқ-равшан иборасини ошкорликка тенг этиб қўйиш, автор ўз муносабатини пинҳона йўллар билан ифода этган бўлса, уни ноаниқликка йўйиш нотўғри.

Бошқача бир чалкашликка ҳам дуч келяпмиз. Айрим ўртоқлар муносабатдаги холис, пинҳона усулинингина таң оладилар, бу йўлни юксак маҳорат белгиси деб биладилар, аксинча, автор позициясининг ошкора намоён бўлишига эса қандайдир менсимай, бунга бадиий запфлик аломати деб қарайдилар. Менимча, бу ҳам нотўғри. Ҳар икки ҳолда ҳам бутун гап ёзувчининг маҳоратига, санъаткорлигига боғлиқ. Буни адабнётимизнинг сўнгги тажрибалари ҳам тўла тасдиқлаб турибди.

А. Мухториниг «Тўқизинчи палата» ҳикоясидаги Ҳожи бува, «Хонимининг туғилган кунлари»даги Наримонов образларини эслайлик. Ҳожи саксонга бориб қолган мўйсафиид, аммо у шу мўътабар ёшга номуносиб имонсиз, эътиқодсиз бир маҳлуқ. Унинг ҳаётдан бирдан-бир умиди — яшаш, унингча яшаш фақат қорин тўйдиришу кун ўтказиш; у ҳақиқий маънода руҳий камбагал, почор шахс, унда ҳеч қанақа эзгу ният, одамларга, уруғ-аймоғларга қолдирадиган маънавий мерос йўқ. Жисмонан хаста, аммо маънавий томондан ниҳоятда бақувват Баҳромов, ўжар ва олижаноб набира, тақвodor чол қаршисида бу одам ниҳоятда аянчли кўринади. Автор бу одамга нисбатан ўз муносабатини яшириб ўтиrmайди; имонсиз чолни зўр ғазаб билан дангал фош этиб ташлайди, бора-бора чол устидаги таъриф-тавсифлар сатирик тус олади. Бу хил ошкора муносабат асарининг бадиий таъсир кучига, образнинг ҳаётийлигига асло халақит берган эмас.

«Хонимининг туғилган кунлари»да эса маизара бошқачароқ. Бу ерда асар сюжетининг ўзи сирли тузилган, салбий тип Наримоновининг кирдикорлари, аломат йигит Мирза бошига тушган мусибатлар сабаби дастлаб пинҳон тутилган; асар охирига томон сир ошкор бўла боради, ишчан, талабчан, ҳалол одам бўлиб кўриниган Наримоновнинг ҳақиқий башараси ошкор бўлгади, у ҳам Ҳожи типидаги маънавий қашшоқ, худбин, шу билан бирга ўта лаганибадор бир зот бўлиб чиқади; шу насткани зот-

унинг хушомадгўйлиги оқибати ўлароқ эзгу ниятлар, юк-сак чўққилар сари талпинган ажойиб қалб эгаси Мирзанинг қаноти синган, ҳаётга, одамларга, эзгуликка бўлган ишончи сўнган... Тасвир шу ўринга келганда оҳанг — ритмика бирдан ўзгаради, автор муносабати ошкора, хийла кескин тус олади, ёзувчи қалбида туғилган алам ва изтиробларни, ғазаб ва нафрат туйғусини баралла тўкиб-солади. «Тўққизинч палата»да бўлгани каби бу ўйл ошкора муносабат ҳам асарнинг бадний кучини сусайтирган эмас, балки оширган.

Бир ёзувчи учун қўл келган усул ва услуб бошқа бир ёзувчи учун мутлақо наф келтирмаслиги ҳам мумкин. Чунончи, Ш. Холмирзаев ҳодисаларни ҳолис турриб акс эттирувчи ёзувчилар тоифасидан. Талайгина асалларида у танлаган усул ўзини оқлаган. Автор кейинги ҳикояларидан бири «Жарга учган одам»да бошқачароқ йўл тулади; ҳодиса ва персонажларга муносабатини бирмунича ошкора ифода этишга уринади, кўнглидаги гапни куйинбёниб дангал изҳор эта қолади, Ҳабибулло Юнусович ти-пидаги табиат йиртиқчларига ғазаб ва нафрат туйғуларини ёғдиради, Ислом каби табиат ошиқларини зўр меҳр-муҳаббат билан ҳимоя остига олади, унинг фожиий қисматидан қаттиқ ларзага тушади...

Очиғини айтиш керак, бу хил ошкора муносабат ҳикоя руҳини анча сусайтирган, ҳатто уни ларишон бир ҳолга келтириб қўйган, автор айтмоқчи бўлган гап бамисоли сувдаги кўпикдек юзада қалқиб қолган: ёзувчининг энг яхши ҳикояларига хос теранлик, гоявний-бадний яхлитлик бу ерда йўқ.

Ш. Холмирзаевнинг бошқа бир ҳикояси «Қочоқ»да эса ўзгача ҳолатни кўрамиз. Бу ҳикояда автор ўз манерасига содиқ қолган. Бир ўринда мана бу жумлаларни ўқиймиз: «Биласиз, ёзувчи ҳалқи аввало одамларнинг характеристига — феълига қизиқади, унинг қилган ҳаракатлари сабабини ана шу феълидан излайди».

«Қочоқ» муаллифи ҳам худди шундай қилган. Ёзув-

чини қаҳрамон табнатидаги бир зиддиятли хусусият ва унинг оқибатлари қизиқтиради. Энг яхши ҳикояларида бўлгани каби бу ерда ҳам автор холис туради, қаҳрамонни ўз ҳолига қўйиб беради; у ўз хатти-ҳаракатлари билан ўзлигини баралла намоён эта боради: бу одам кўринишда бинойидай ақлли, андишали бир йигит, турмуш тартиботларини дуруст тушунади, ҳақ билан ноҳақликни яхши ажратади, руҳан ҳақиқат ва адолат сарн итилади, аммо у журъатсиз, идеал ва эътиқодларини барқарор этишга ноқобил, мижғов бир кимса. «Турмушни, қопиуни ўзимиз бузамиз. Кейин бунинг сабабини тополмай гаранг бўлиб юрамиз», — дейди у. Дарҳақиқат, бу йигит ўзи қилаётган хатти-ҳаракатлар мутлақо номақбул, ахлоққа, эътиқодга хилоф эканини билади, билади-ю бари бир ўзи тушиб қолган вазият тақозоси билан турмуш тартиботларини бузишда давом этавёради, ўзини адолат ва эътиқод учун курашдан четга олади.

Гарчи ёзувчи тасвирда холис турса-да, қаҳрамон хатти-ҳаракатларига муносабати аниқ-равшан; қаҳрамон табнатидаги қусурларни фош этишда жуда кескин ва изчил. Асар номининг ўзидаёқ шу кескинлик сезилиб турди. Тасвир давомида ҳеч қанақа ошкора қоралаш бўлмаса-да, қаҳрамон ўз зиддиятлари, ахлоққа, идеал ва эътиқодга хилоф хатти-ҳаракатлари билан ўз-ўзини фош эта беради; беозор, ўй-андишли кўринган бу зиёли йигит ниҳоятда тубан, жинояткор бир кимса сифатида ўқувчи ғазабига дучор бўлади.

Қисқаси, фош этиш ҳам бир санъат, санъат эса шундай бир чўққини, унга борадиган ҳамма учун мақбул ягона равон йўл йўқ. Ҳар бир қаламкаш ўз ижодий майли, усул ва услуби, меҳнати орқалигина шу чўққини забт этади.

ПЛАСТИК ТАСВИР

«Пластиклик» сўзи асли грекча бўлиб, ўймакорлик, ҳайкалтарошлик маъносини англатади. Ҳайкалтарошлик санъатига мансуб бу термин кўпинча адабиётга ҳам нисбат берилади, адабиётшунослик асарларида «пластик тасвир», «прозанинг пластиклиги» ибораларини тез-тез учратиб турамиз. Ҳатто адабиёт — сўз орқали пластик, яъни ўймакорларча тасвирлаш санъатидир, деган таъриф ҳам бор.

Дарҳақиқат ўймакорлик, ҳайкалтарошлик, рассомлик санъати билан сўз санъати, хусусали, реалистик адабиёт орасида муайян яқинлик, муштарклик бор. Реализм, реалистик ижод типи бошдан охир кўрсатишга, «парса ва ҳодисалар тили билан гапиришга асосланади. Атоқли рус ёзувчиси М. Пришвин: «Реализм бу — далил-ашё демакдир, агар у сўзга татбиқ этиладиган бўлса, реалист ёзувчининг сўзи қуруқ гапнинг ўзи эмас, балки ҳаёт ҳақиқатининг далил-ашёлар орқали намоён бўлиши демакдир», — деган эди.

Қисқаси, тасвир учун олинган ҳаёт ҳақиқатини — персонажлар қиёфаси, руҳияти ва хатти-ҳаракатини, персонажлар намоён бўладиган фон — муҳитни худди ҳайкалтарошлик, рассомлик асарларидағи каби яқол кўрсатиш, гавдалантириш реалистик ижод типининг энг муҳим хусусияти ва шарти саналади.

М. Горький реалистик ижодининг бу хусусиятини юқсак қадрлар, рус реалистларининг бу борадаги маҳоратига таш берар, совет ёзувчиларини улардан ибрат олишига, ўрганишга ундар эди. Адид улкан реалистлар ҳақида гапириб: «Улар пластик тарзда ёзар эдилар, уларнинг ихтиёрида сўз бамисоли лойининг ўзи — улар худога ўхшаб лойдан кишиларнинг қад-қомати ва сиймоларини ақл бовар қилмайдиган даражада ҳаётий қилиб яратар эдилар. Уларнинг китобларини ўқиганингда сўз сехри билан жон ато этилган қаҳрамонлар гўё ёнгинангда тур-

гаңдай, сени қуршаб олгандаи бўлади, сен уларнинг изтиробларини бутун вужудинг билан ҳис этасан, уларга қўшилиб куласан, йиғлайсан, уларни севиб қоласан ё, аксинча, улардан нафратланасан, уларнинг овозлари сенга эшитилиб туради, кўзларидағи шодлик жилваси ёки мусибат ёшини кўриб турасан, сен улар билан ҳамнафас бўлиб жонажон дўст тутинасан, ё ёқтирмай ўзингдан узоқлаштирасан, булярнинг барчаси ҳаётнинг ўзи каби машаққатли, бироқ ҳаётга иисбатан тушупарли ва гўзалроқдир», — деб ёзган эди.

Рус реалистларининг мана шу сеҳрли санъати ўзбек реалистик прозаси усталари эътиборини ўзига тортди. Чунончи, А. Қодирий А. Чеховнинг «Хамелеон» ҳикоясини таҳлил қилиб, унинг кўрсатиш санъатига қойил қолган эди. А. Қаҳҳор «Биринчи домлам» мақоласида Гоголининг «Иван Иванович билан Иван Никифорович ораларида бўлиб ўтмиш жанжаллар ҳикояти» асари билан танишиш... мени яиги бир оламга, китобга эмас, ҳаёт одамларнинг товуши эшитилиб, қиёфаси яққол кўриниб турган, уларнинг ички дунёсини ойнадай акс эттирган адабиёт оламига етаклади», деган эди. Адид Гоголининг пластик тарзда тасвиirlаш санъати ўзи учун мактаб бўлганилиги ҳақида тўхталиб шундай дейди: «Гоголининг зеҳнимда умрбод қолиб кетган образларидан бирни Тарас Бульба бўлди: барваста, бақувват, иродаси темир, ўртоқларига меҳрибон, душманга беомон бўлган бу чол кўз олдимдан сира кетмайди, ҳамма вақт худди яқиндагина кўргаига ўхшаб тураман. 1941 йилда немис босқинчилари Украина тупроғига бостириб кирган куни, назаримда, Тарас Бульба бақириб, сўкиниб, хиёнаткор ўғлини ўз қўли билан ўлдириб, икки ёндан ияғигача осилиб тушган мўйлови хиёл титраган ҳолда қўлига қурол олиб, душманга қарши чиқиб кетаётгандай бўлди.

Ватан уруши йиллари яратилган «Асрор бобо» ҳикоясини ёзишда мен «шу ерда туриб Берлинга ўт қўяётган» Асрор бобо Тарас Бульбанинг Ўзбекистондаги ўртоғи бўлиши керак, деб қўлимга қалам олган эдим».

Рус ва жаҳон реалистларининг бу хил тажрибаси ада-биётизизда жуда эрта ўз самарасини кўрсатди. Ўзбек реалистик прозасининг нодир намуналари бўлиб қолган «Ўтган кунлар», «Сароб», «Қутлуғ қон», «Навоий» каби романлар, F. Ғулом билан А. Қаҳҳорнинг қисса ва ҳикоялари ҳаммадан бурун бениҳоя ҳаётйлиги, тасвирнинг пластиклиги билан ажralиб туради. Бу асарларни ўқигандан Отабек билан Кумуш, Сайдий билан Мунисхон, Йўлчи билан Гулнор, Навоний билан Бойқароларни ҳаётниг ўзида кўргандек бўламиз; «Едгор»даги ёзниг иссиқ кунида торгина, тупроқли боғ кўчада хиргойн қилиб кетаётган чуст дўпнили, белига шоҳи қийиқ boglab, хром этик билан сурп яктак кийган кўкси очиқ, сoddадил, бир оз чапани йигитнинг қиёфаси бир умр хотирда қолади. Кўчада унга дуч келган шўх-шаддот аёлнинг жамоли, лабларидаги ним табассумнинг ёввойи излари, кун иссиғидан бўғриққан анор юзи, бурун учи, дудоқ устларига қўнган шабнамдай тер томчилари шундайгина кўриниб туради, рўмолчасидан таралган қалампирмунчоқ ҳиди димоғимизга урилгандаи, хилватгоҳдаги қаҳқаҳаси қулоғимиз остида янграб кетгандаи туюлади... «Ўғри»даги персонажлар қиёфаси, ҳолати нақадар аниқ, бетакрор. Бошга тушган кулфатдан ўзини йўқотиб оғил эшиги ёнида яланг бош, яланг оёқ, ятакчанг дағ-дағ титраб, тиззалири букилиб-букилиб, кўзлари жавдираб турган Қобил бобо, унга ёлғондан далда берәётган бурунсиз элликбоши, уни қалака қилаётган, қаттиқ кекириб, сўнг бағбақасини осилтириб кулаётган, синчалогини иккинчи бўғинигача бурнига тиқиб кавлаётган такаббур амин — барчаси бор бўйича кўз олдимизда намоён бўлади...

50- йиллар охири ва 60- йиллар ўзбек прозасида биз хилма-хил изланишларнинг гувоҳи бўлдик. Шу йиллари жонланиб кетган лирик ва лиро-романтик услубий тенденциялар инсон қиёфаси тасвирида муайян ўзига хосликни келтириб чиқарди. Очифи, шартли, бир оз кўтариинки романтик услуб айрим ҳолларда одамларнинг реал

қиёфаларини аниқ тасаввур этишга монелик қила бошлиди; «лирик проза»нинг ўша йиллари майдонга келган талайгина намуналарида эса зўр илҳом ва эҳтирос билан тасвир этилган қаҳрамонлар кўринини бир оз мавҳум, биз уларнинг ҳаёти, ишлари билан батафсил танишамиз-у, лекин қад-қомати, қиёфасини аниқ кўз олдимизга келтиrolмаймиз; ҳодисаларни «холис» туриб ўз ҳолича беришга асосланган изчил реалистик услугга мансуб асарларда ҳам бир ёқламаликлар содир бўлди, чунончи, айрим авторлар ҳаёт картиналарини ўз кўрининишида бериш йўлидан бораман деб пластик тасвирининг биринчи босқинчидаги қолиб кетаётирлар, фақат кўрсатиш билангина чекланиб қолаётирлар, ҳолбуки, пластик тасвир санъати кўрсатиш билан баробар ҳодиса ва персонажлар **моҳиятини** чуқур таҳлил этиб беришни, уларни катта бадний умумлашма даражасига кўтаришни ҳам тақозо этади.

60- йиллар ўзбек прозасида шу талабларга тўла жавоб берадиган асарлар анча. Бу ўринда фақат шулардан бирига — Абдулла Қаҳҳорнинг «Ўтмишдан эртаклар» қисссасига эътиборни жалб этмоқчиман.

«Ўтмишдан эртаклар»да бир қанча мукаммал характерлар яратилган, автор сўз сеҳри билан уларнинг ҳар бирига жон ато этган: мана, бир томонда тиниб-тинчимас, билимдон-тадбиркор, янгиликка иштиёқманд, бир оз қув ҳамда даҳрий Абдуқаҳҳор ака, иккинчи томонда дарбадар ҳаёт, ёвуз қайнана дастидан, фарзандлар доғидан ранги сомон бўлиб «арвак» тусига қирган она; бир ёнда шафқатсиз замон инсоний туйгулардан маҳрум этган «кўршапалак» қиёфасидаги бемурувват кампир, иккинчи ёнда жаҳолат тўзонида шамдек сўниб «ҳур қиз»лар қаторига кетган Сарвинисо; бир тарафда новча, ориқ, худди икки-уч жойидан букилиб, синиб кетишдан хавфсирагандай эҳтиёт билан қадам босиб келаётган, оғзи ярим очиқ ва бурни жийрилган чол — ўликининг ёғини, тирикнинг тирноғини ейишга тайёр соф аждаҳо Тўрақул вофуруш; иккинчи ёнда қулоқларини оқ қийик билан бοглаб олган,

чўзиқ юзи сўлғин, катта-катта кўзлари киртайган, қўлла-ри кир, кийм-боши бир аҳвол, мусибатлар гирдобида гангиг, ҳатто Отқоровул устидан ошириб ўқ узганда ҳам киприк қоқмаган «баттол ўғри», аслида ниҳоятда ҳалол, соддадил йигит Бабар, у ёнда меҳри жўшганда олиҳиммат, ширинсўз, юзидан табассум аримайдиган, қаҳри қўзиганда «кўзлари қинидан чиқай деб турган, ранги соқолидан ҳам оқроқ, вужуди титраб, узун соқоли силкинаётган даҳшатли бир одам»га айланган Олим бува, бу ёнда чаласавод, фитначи Валихон сўфи, билимдон Муҳаммаджон қори, қасоскор Уммат, Додорхўжа ва бошқалар...

Энди қиссадан олинган кичик бир лавҳага диққат қилинг. Оиланинг кичкинтойи Умарали оғир касал. Фарзандларини қора ер бағрига беравериб юрак олдириб қўйған ота-она бола атрофида парвона, домла чақириб ўқитишади, азизларга жондор кўтаришади, баҳшига «кўчириқ» қилишади, табибга кўрсатишади, табиб эса кабоб буюради. Сўнг мана бу даҳшатли ҳодиса юз беради:

«Дадам икки тўғрам гўштни оташкуракда чўқقا тутиб кабоб қилди, Умаралини қучоғига олиб, кабобининг селини унинг оғзига томизди. Қисқа-қисқа инқилаб турган бола бирдан жим бўлди. Мен суюниб кетдим. Бироқ дадам, елкалари силкинди-ю, пешонасига икки-уч шаппалааб, ҳўнграб юборди. Аям нима ҳодиса рўй берганини дарров уқмади шекилли, укамни унинг қучоғидан юлиб олди ва бир неча вақтдан кейин дод солди. Мен айвоннинг устунини қучоқлаганимча қотиб қолдим.

Дадам пешонасига шақ-шақ уриб, товуш чиқармай тўлғанар, Шоҳимардон, ҳамма азиз-авлиёларни оғизга олиб бўлмайдиган сўзлар билан сўкар эди.

Кўни-қўшни кирди. Букчайиб қолган бир кампир ҳаинуз азиз-авлиёларни чангитиб сўкаётган дадамни босмоқчи бўлди.

—Ҳай-ҳай, болам, ҳар иш худодан-а, кофир бўлади қиши!..

Дадам телба бир аҳволда ҳамла қилиб токчада турган қуръонни олди-ю, қулочкаш қилиб срга урди.

—Мана кофир!— деди ва бунга қаноат қилмай, ерда ётган қуръонни тепиб юборди. —Мана кофир!..

Қуръоннинг чипор муқоваси бир томонга, ўзи бошқа томонга учиб кетди. Кампир додлаб ўзини қуръоннинг устига ташлади.

Дадам айвоннинг устунига санчиб қўйилган пичоқни олиб, юрганича оғилга кирди, бузоқни етаклаб чиқдида, икки оёғидан кўтариб ерга урди вад буйнига пичоқ тортиб юборди.

— Мана кофир! Мана кофир!.. Гўштини итларга бераман!

Сўйилган бузоқ жонҳолатда ўринидан турди, боши бир томонга қийшайганича бориб деворга урилди ва йиқилиб, типирчилай бошлади. Ер, девор, дадамнинг усти боши қонга беланди.

Бирпасда ҳовли эркак-аёл, бола-чақага тўлди. Эркаклар ҳамон қуръонни, худони чангитиб сўкаётган ва бузоқни тилка-пора қилиб итга ташламоқчи бўлган дадамини ушлаб бир чеккага ўтқазиши. Аёллар ҳушдан кетиб қолгани аямнинг бағридан мурдани олиб, уйга кириши. Қимдир менга сув ичирди...»

Қаранг, нақадар ихчам, аниқ-равшан тасвири! Шу шапалоқдек парчада бир эмас, бир неча одамнинг хилманил вазиятдаги драматик ҳолати, хатти-ҳаракати, ишо-яйтда ёрқин портрети, гоят кескини, шиддатли руҳий фожиаси, ададсиз қалб изтироби ва исёни... Уста рассом шу лавҳага қараб бемалол бир эмас, бир неча драматик портрет чизиши мумкин: Одам боласи оламдан ўтятти. Оила аъзолари даҳшат ичиди. Ёш Абдулла дастлаб даҳшатни англаб етмайди, гўдакнинг жим бўлиб қолганидан суюнади, шу заҳоти унга ҳамма нарса аён бўлади: онанинг фарёди уни ларзага солади... Ёш Абдулланинг ўша дамдаги драматик ҳолати ҳақида жуда кўп ёзиш мумкин, аммо адид шу оғир ҳолатни бир жумлада беради-кўяди.

Ёш Абдулла: «Мен айвонинг устунини қучоқлаганимча қотиб қолдим», дейди. Ўша топдаги боланинг ҳолатини бундан аниқроқ, лўндароқ, таъсирчанроқ ифода этиш мумкин бўлмаса керак. Онанинг ҳолатига қаранг, у ҳам аввалига довдирайди, бироқ она эмасми, хавфни сезиши билан фарзандига ташланади ва дод солади, сўнг ҳушдан кетади. Бундай пайтда мусибат ва кулфатнинг асосий юки ота зиммасига тушади, у Абдуллага ўхшаб қотиб қолмайди, онага ўхшаб дод солмайди, ҳушдан кетмайди, отанинг қалбида жуда оғир ва шиддатли туйфулар кечади, бир неча дақиқага чўзилган бу руҳий жараённи биз аниқ кузатиб турамиз; жуда қисқа ибораларда ифода этилганига қарамай бутун тафсилотлари, нозик нуқталарига қадар илғаб оламиз; одатдагидек автор бу руҳий жараённи ҳам персонажнинг қиёфасидаги ўзгаришлар, унинг хатти-ҳаракатлари орқали беради: аввал отанинг елкалари силкинади, кейин пешонасига шаппаб лаб ҳўнграйди, товуш чиқармай тўлғанади, сўнgra қалбидаги чексиз алам, изтироб бирдан портлаб кетади, ота аламлари, барбод бўлган ишончи ва эътиқодлари ҳаққи азиз-авлиёларни, худони ҳақорат қилишга тушади; бундай дақиқаларда одамни тўхтатиш, унга далда бериш мумкин бўлмай қолади, шунда кампирнинг таскину на-доматлари қизиб турган мойга сув сепгандай бўлади, оғир кунига ярамаган қуръонни ерга уриб топтайди, азизларга атаган жондорни чавақлаб ташлайди...

Ўзи бир томонга, чипор муқоваси бир томонга учиб кетган қуръон, додлаб ўзини қуръонининг устига ташлаётган букчайиб қолган кампир, бўйнига пичоқ тортилгач жонҳолатда ўрнидан туриб боши бир томонга қайрилганича бориб деворга урилган бузоқ, ер, девор, отанинг уст-бошига сачраган қон — булар кино лентасидаги каби шундоққина кўринниб туради.

Бу ерда ҳар бир персонажнинг хатти-ҳаракати, ҳолати рўй берастган вазиятга, характерларнинг ички мантиқига ниҳоятда мувофиқ. Тақводор кампирнинг ҳам, ол-

диндан бир оз даҳрийлиги, сержаҳллиги билан танилган, фарзанд дөгини кўравериб юраги тўлиб кетган, аламзада отанинг ҳам ўша вазиятдаги ҳолати, хатти-ҳаракатлари жуда табиий.

Ёзувчининг маҳорати фақат ҳаёт манзарасини аниқ-лўнда, характеристлар ҳолати ва хатти-ҳаракатини жонли, табиий ифода этиб бергани билангина чекланмайди. Адид тасвирида шу кичик драматик лавҳа жуда катта бадиий умумлашма даражасига кўтарилган; бир томондан, биз унда ўтмиш ҳаётининг шафқатсиз ҳақиқатини бутун қалбимиз билан ҳис этамиз, шу билан баробар, ана шу шафқатсизликка, жаҳолатга қарши инсон қалбидан қўзғолган зўр исён туйғусини баралла туйиб турамиз. Ўтмиш ҳаётига хос жаҳолат ҳам, жаҳолатга қарши исён ҳам, мислсиз даҳшат ҳам, шу даҳшатни енгишга қодир куч ҳам — барчаси шу кичик лавҳада мужассам. Бу драматик тасвир ўзига хос юмор билан йўғрилган, мислсиз кулги соҳиби Абдулла Қаҳҳор ўшандай даҳшатли манзарада ҳам кулги учун йўл топади, отанинг алам устидаги исёнини, хусусан, бегуноҳ бузоққа ҳамласини кўрганда ҳам ларзага тушасан, ҳам ноилож куласан киши. Бу манзара тасвирида фожия кучини қайиришга қодир яна бир муҳим деталь мавжуд. Ана шу оғир дақиқаларда қўни-қўшнилар мусибатда қолган оила жонига оро киради, одамларнинг аралашуви, меҳр тафти билан олов сели қайтгандек бўлади. Ота бир оз тафтидан тушади, ҳушини йўқотган она билан бола ўзига келади. Бу ҳол оғир таассуротлар таъсирида қолган китобхон кўнглига ҳам таскин беради. «Ўтмишдан эртаклар»ни ўқиб биз жуда кўп танишлар ортирамиз, уларни яқиндан кўриб турамиз, уларнинг қомати, чеҳраси, қалб изтироблари бир умр хотирамизда қолади. К. Симонов Абдулла Қаҳҳорга йўллаган мактубларидан биррида қиссанинг шу фазилатини алоҳида таъкидлаган, унда «одамларнинг гоҳ батафсил битилган ва қарама-қаршиликларга тўла, гоҳ бир қўл уришда чизилган ҳайратомуз портретлари»-

ни кўриб қувонганини айтган эди. («Ўзбекистон маданияти» газетаси, 1966 йил, 26 октябрь.)

Гоҳ батафсил, гоҳ бир қўл уришда чизилган мана шу ҳайратомуз портретлар катта умулаштирувчи кучга эга экани, маълум бир тарихий шароитнинг маҳсули саналмиш хилма-хил табақалар, ижтимоий кучлар моҳиятини ниҳоятда аниқ ва бетакрор ифода этгани учун «адабий аҳоли» сафидан мустаҳкам жой олди.



Вақт ўтиши билан ҳаёт ва адабиётда жуда кўп ўзгаришлар юз бериши мумкин. Аммо сўз санъатининг шундай талаб ва қоидалари борки, асрлар ўтиши билан ҳеч қандай ўзгаришсиз қолаверади. Чунончи, бадиий адабиётдаги психологик таҳлил ана шундай талаблардан-дир. Бундан йигирма беш аср бурун «Шоҳ Эдип» авторини инсон қалби, руҳияти қанчалик қизиқтирган бўлса, турли асрларга мансуб «Лайли ва Мажнун», «Отелло», «Гамлет», «Анна Каренина», «Жиноят ва жазо», «Тинч Дон», «Чол ва денгиз», «Қутлуғ қон», «Сароб» каби класик асарлар муаллифларини ҳам шунчалик ўзига мафтун этган. Шунинг учун бўлса керак инсон «қалби диалектикаси»нинг моҳир тадқиқотчиси Лев Толстой: «...санъатининг бош мақсади инсон қалби ҳақидаги ҳақиқатни очиб бериш, айтишдир, унинг оддий сўзлар билан айтиб бўлмайдиган сирларини ифодалашдир. Санъат шуниси билан санъатдир»,— деган.

Шуниси ҳам борки, замонлар ўтиши билан сўз санъатининг шу талабини менсимайдиган, адабиётни «руҳий инжиқлиқ»лардан холи этишга уринадиган лўттибозлар майдонга чиқиб турган. Шундай кимсаларнинг хуружларига қарамай, улкан санъаткорлар ҳеч қачон санъатнинг бу талабини, қонуниятини унугтан эмаслар. Яқин ўтмишни эслайлик. Ёш совет адабиёти учун психологик таҳлил керакми ёки йўқми деган савол устида кескин мунозара кетаётган, турли-туман адабий гуруҳлар психологик тасвирга қарши уруш эълон қилган бир пайтда — 1930 йили машҳур рус ёзувчиси Л. Леонов: «Психологик таҳлил масаласи ниҳоятда мураккаб масала... Ҳали инсон ҳаёт экан, у қандайдир ўзига хос, бетакрор тарзда кечинади, ҳис этади, сезади. Бу хил руҳий кечинмаларни таҳлил этиш ёзувчи учун қонуниятгина эмас, балки зарурнят. Худди шу нарса унинг учун инсон бисотини англаб олиш

имконини беради»,—деб ёзган эди. Вульгар социализм таъсирида биздаги айрим адабиётшунослар психологик таҳлил тадқиқотчиларига қарши кескин ҳужумлар қилған, уларнинг хайрли ишини «буржуя эстетизми»нинг кўриниши деб айюҳаниос солған бўлишига қарамай, атоқли адид А. Қаҳҳор қатъий қилиб айтган: «Мен мутлақо аминманки, инсон қандай бўлиши керак, қандай бўлмаслиги лозимлигини, ички дунёсининг чуқур жойларигача ўзига кўрсатадиган икки саҳифалик чинакам проза биз учун шошма-шошарлик ва тумтароқли гаплар билан ёзилган силлиққина қалин «асар»лардан кўпроқ фойдалидир. Адабиёт ҳақида мен билган гапнинг асосийси шу».

Улкан сўз усталарининг психологик тасвирга бу қадар аҳамият беришлари тасодифий эмас. Бир адабиётшунос олим сўзи билан айтганда, ҳар бир ёзувчи ижодий тажрибасидаги энг муқаддас нарса психологиямдир; кўпинча санъатнинг сири, шунингдек, санъаткорнинг ўзига хослик сири оқибат-натижада худди шу нарсада яширинган бўлади. (Қаранг: Проблемы психологизма в советской литературе, Ленинград, 1970, 223-бет.)

Ўзингиз ўйлаб кўринг. Бирор ҳаёт қаҳрамонининг қилган ишларини тавсиф этиш, бирор кишининг саргузаштларини бировга сўзлаб бериш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келаверади; аммо шу ишларни адо этаётган, шу саргузаштларни бошдан кечираётган одамнинг руҳиятини кўриш, тасаввур этиш ва бошқаларга етказишга ҳар ким ҳам қодир эмас. Буни фақат санъаткор—ёзувчигина улдалай олиши мумкин. Киши қалби ҳақидаги ҳақиқат, қалбидаги нозик жараёнлар қанчалик чуқур, бетакрор тарзда очилганига қараб ёзувчининг мушоҳида ва маҳорат даражасини билса бўлаверади.

Ёзувчи киши руҳиятидаги ҳар қанақа ўй-хаёлларни, ҳиссий кечинмаларини ифода этавермайди; агар шундай қилинадиган бўлса, адабий асар шунчаки палапартиш кечинмалардан иборат бўлиб қолар эди. Киши хаёлига

нималар келмайди, киши қалбидан нималар кечмайди дейсиз, агар эртадан-кечгача одам боласи хаёлидан ўтган нарсалар қаламга олинадиган бўлса, шу бир куилик кечинималар ҳақида том-том асарлар пайдо бўлиши мумкин.

Психологик тасвир адабиёт учун қанчалик мувхим бўймасин, бирдан-бир мақсад эмас. Ёзувчи киши қалбидан тадқиқ этаётганда маълум муддаодан келиб чиқиб иш кўради, қаҳрамон руҳиятининг маълум томонларигина унинг диққат марказида туради. Қисқаси, психологизм аввало ёзувчининг гоявий-бадиий нияти, асарнинг асосий мазмуни, асарда кўтарилиган бош проблема билан бевосита алоқадор. Қаҳрамон қалбида кечган түғёнлар, алам ва изтироблар, уни қийнаган, ўртаган жумбоқлар айни пайтда ёзувчини ҳам қийнаган жумбоқлардир. Қаҳрамоннинг «қалб диалектикаси» орқали ёзувчининг ҳаётга муносабатини, ҳаётнинг қайси жиҳатлари уни қизиқтираётганини, инсон ҳақидаги концепциясини билиб олиш мумкин.

Сўнгти йиллар ўзбек прозасида яратилган замондош қаҳрамонлар руҳий оламига шу жиҳатдан бир назар ташлайлик. «Чинор»даги Акбарали қалбини бир дақиқалик қабиҳ ҳис оқибати ўртайди. «Баҳор қайтмайди» қиссаси қаҳрамони Алимардон худбинлик асоратидан қоврилади — хазон бўлади, «Эрк» даги Саттор билан Ойшахон нобоп қурилган оила, қолоқ тушунча заҳматини чекади, «Умр»даги кўпни кўрган Тўлаган чол ёшлар ҳаётидаги чатоқликларга дуч келиб азобли ўйларга толади. «Умид» ва «Одам бўлиш қийин» қаҳрамонлари севгида адашиб, изтироблар исканжасида қоладилар; А. Қаҳҳорнинг «Мұхаббат», У. Назаровнинг «Гирдоб», Д. Нурийнинг «Дилпора» каби асарларида севги йўлидаги хилмажил тўғаноқлар покиза қалбларга азоб беради...

Кўриниб турибдики, ҳозирги прозада характерлар психологизми кўпроқ оиласиб-маший, ахлоқий-этик масалалар аспектида таҳлил этиляпти, бинобарини, ахло-

қий-этик проблемалар авторларининг диққат марказида турибди. Эътибор қилинса, ишлаб чиқариш характеридаги можаролар биринчи планга қўйиб тасвир этилган «Чинор»даги Ориф қиссасида, ғоявий-проблематик донраси хийла кенг бўлган «Қанот жуфт бўлади» асарида ҳам маший, маънавий-ахлоқий масалаларга онд кечинмалар катта ўрин тутади.

Психологик кечинмалар характерига, моҳиятига кўра ҳозирги проза қаҳрамонлари асосан икки гуруҳга ажралади. Биринчи тур қаҳрамонлар аслида маънавий жиҳатдан етук, ахлоқий барқарор шахслар; улар ҳаётда мураккаб ҳодисаларга дуч келиб, оғир руҳий изтироблар исканжасида қоладилар; уларнинг қалбидаги зиддиятли ўй-туйгулар, кечинмалар орқали авторлар давр зиддиятларини, ҳаёт контрастларини ифода этишга, замон ахлоқини таҳлилдан ўтказишга ҳаракат қиласалар. Очил бобо, Ориф («Чинор»), Акрам («Қанот жуфт бўлади»), Саттор («Эрк»), Тўлаган чол («Умр») шу тоифани ташкил этади.

Иккинчи тур персонажлар эса «туғма доғлар»га эга бўлган ёки табиатига қандайдир иллатлар илашиб қолган кимсалар. Шу доғ, шу иллат туфайли улар ҳаётда адашадилар, кўп кўргиликларга мубтало бўладилар. Акбарали («Чинор»), Алимардон («Баҳор қайтмайди»), Ойшахон («Эрк»), Абдулла («Одам бўлиш қийин»), Умид («Умид») ана шунаقا шахслардан.

Кўпгина тақриз ва мақолаларда бу хил қаҳрамонлар емирилиб, тубанлашиб бораётган, фожиага маҳкум этилган кимсалар сифатида таърифланмоқда, уларнинг фожиаси нуқул «туғма доғлар» ёки табиатига илашган иллатларнигина оқибати деб баҳоланмоқда. Шуни унумаслик керакки, бу тур образлар мутлоқ салбий шахслар эмас, уларнинг қалби эзгу туйгулардан тамомила холи эмас; синчилаб қаралса, улардаги руҳий драманинг асл илдизи худди ана шу бадбин ўйлар билан эзгу туйгулар орасидаги зиддиятларга бориб тақалади. Хунук тушун-

чалар эзгу туйфуларга дуч келгандагина ҳақиқий руҳий драма бошланади, кўпинча бу хил руҳий драмалар эзгу туйфулар тантанаси билан поёнига етади. Абдулла билан Умиднинг охирги оғир руҳий ҳолатида ҳам, Ойшахоннинг сўнгги нидоларида ҳам, Акбарали билан Алимардоннинг фожиий ўлимида ҳам эзгу туйфуларнинг тантанасини кўрамиз.

Ахир Акбаралининг қабиҳ ишидан ўзию Бектемир акадан бошқа ҳеч ким хабардор эмас. Бектемир ака ўлиб кетган. Акбарали эса жиноят содир бўлган ердан олисда. Иши жойида, ўзига яраша дўсту улфатлари бор, бино-йидек бир қиз билан танишган, бемалол айшини суриб, ошини ошаб юравериши мумкин эди. Агар у мутлоқ қабиҳ, виждонсиз шахс бўлганда ҳеч гап йўқ эди. Аммо унда виждон деган нарса бор. Худди ана шу эзгу ҳис унга тиичлик бермайди, ана шу туйфу уни оғир юқ бўлиб эзади; гарданидаң босган ана шу юқдан букчайиб, дардии бирорвга айттолмай ё ишида завқ, ё уйқусида ҳаловат, ё ошида таъм сезмай, ғамгузор онанинг, севикли ёрнинг кўнглини ололмай, дўстларга қўшилолмай кунларни, ойларни ёлғиз, ер сузиб ўтказади. Акбаралн нуқул ғам-аламлар исканжасида қолиб кетмайди, унинг мусибатлар гирдобидан чиқиб олган онлари ҳам бўлади. Жўшқин муҳит, дўсту ёрлар уни нурли ҳаёт қучоғига тортади, қувноқ давра ичида завқ-шавқ оғушида энтизди, сеҳрли севги туйғуси бамисоли унинг хуфтон бўлиб кетган дилига нурдек кириб, ажиб лаззат баҳш этади... Аммо бу қувончли дақиқалар узоққа бормайди. Бир муддат сўнган вулқон яна жунбушга келади. Виждон туйғуси унинг шодлигини тортиб олади, ҳаёт лаззатларидан бенасиб эканлигини унга англатиб қўяди. Фақат фидокор Бектемир аканинг эмас, ғамгузор онанинг ўлимига ҳам ўзи сабабчи эканини ҳис этгандан кейин, жасорат кўрсатган одам қолиб, қабиҳ шахс — ўзи қаҳрамонга айланиб қолганини кўргандан кейин ва ниҳоят, донишманд бобога дуч келиб, унга юрагини ёргандан кейин,

унинг қалб түгёни энг олий нуқтасига етади, эзгу түйғу таъқибидан у ўлиб қутулади.

Алимардонда эҳтирослар кураши бошқачароқ. Акбаралидаги иллат ўткинчи — автор сўзи билан айтганда: «Бир зумлик хато. Бир нафас тубанлик». Аммо у бир зум ичидатузатиб бўлмайдиган оғир хатога йўл қўяди. Шудақиқадан кейиноқ, у гўё соғ қалб эгасига айланиб олиб, ўтмишда қолган бир дақиқалик Акбарали билан олишувга тушади. Алимардонда эса салбий хусусиятлар хийла барқарор, турғун.

Алимардон қиссага шаклланган, хийла «тайёр» ҳолда кириб келади. Асарнинг бошидаётқ автор бу одам бисоти билан бизни таништириб қўяди—у худбин, хиёнаткор, айёр, қайсар шахс, айни пайтда ноёб истеъдод эгаси, дадил, мард бир одам. Асар давомида қаҳрамон табиатидаги мана шу манфий ва мусбат қутблар бир неча бор тўқнаш келади, бу тўқнашувларда кўпинча барқарор бадбин түйғу устунлик қиласиди. Хусусан, дастлабки бобларда Алимардондаги эзгу түйғуларнинг зарби жуда заниф. Бу йигит садоқатли дўсти Анварга хиёнат қилаётганини, унинг севиклиси Муқаддамни тортиб олиб қабиҳликка йўл қўяётганини қисман бўлса-да ҳис этади, ҳис этади-ю, дарҳол ўзини овутади. Муқаддам олдида лапашанг Анвардан кўра ўзини устун деб билади; у енгил табиат аёл Клара билан танишиб, Муқаддам нафсониятини оёқ ости қилаётганини билади, билади-ю, бари бир унданни ҳирс балоси зўр келади; тўйларда юриб санъатини, истеъододини хор қилаётганини, ўз устида ишлашни тарқ этиб, одамлар назаридан қолаётганини сезади, сезади-ю, бари бир ўжарлик билан ўз йўлини оқлайди... фақат онлада, ишда қаттиқ дакки егач — Муқаддам ташлаб кетандан сўнг, томошабинлар уни саҳнадан қувиб ҳайдагандан кейин ўзига келади, энди унда бадбин түйғуларнинг кучи хийла сусаяди, эзгу инсоний түйғулар зарби кучаяди, аввалги тантанаворлик, бегам-бепарволик дақиқалари барҳам топади, қаҳрамон қадамба-қадам

оғир руҳий изтироблар гирдобига кириб боради; Мутал билан тўқнашувда у ўзининг маънавий қашшиоқ бир кимса эканини барадла англаб етади, ўз рақиби олдида дангал таслим бўлади, бу ҳол уни ададсиз ғамлар оғушига итқитади; оила туйғуси түгён уриб, бу мағрур йигит Мұқаддам ҳузурига бош эгиб келади, оталик ҳисси бу ўжар, ориятли одамни олис тоғларга, нотаниш одамлар орасига, эндилликда унинг учун бегона бўлиб қолган Мұқаддам ҳамда унинг эри ҳузурига етаклайди. Алимардонда эзгу туйғулар хийла кечикиб уйғонгац, бадбии туйғулар аллақачон ўз ишини қилиб қўйган, шу туфайли бу йигит баҳт қушини аллақачон қўлдан чиқариб юборган. Алимардоннинг ҳали ҳам бозори чаққон, тўйма-тўй юриб, пул йиғиб, «жонон»лар билан айшини суравериши мумкин эди. Аммо қалбида уйғонган виждан туйғуси бунга йўл бермайди, бу хилда ҳаёт кечириш унинг учун мусибат; ҳали ҳам кеч эмас, санъатда йўл қўйган хатоларини дадил бўйнига олиб, ўз устида астойдил ишлаб, қисман бўлсада, ҳаётини тўғрилаб олиши мумкин эди; аммо у бунга ҳам қодир эмас, бу йигит ҳали ғуборлардан бутунлай халос бўла олганича йўқ, табиатидаги қайсарлик бунга йўл бермайди. Ана шундай драматик дақиқада тасодиф рўй беради-ю, ҳалокат жарига қулайди.

Ёзувчи Й. Шамшаров фикрича, китобхон Алимардоннинг «ҳалокат жарига ўзини ташлаганига ишонмайди. Номард одам ўзини ўзи ўлдирмайди, унинг ҳалокати бошқача бўлиши керак эди, деб ўйлайди». («Шарқ юлдузи», 1970, № 10, 202- бет). Сиртдан қараганда шундай. Мабодо Алимардон руҳиятидаги зиддиятлар, унинг ўша топдаги ҳолати назарда тутиладиган бўлса, китобхон унинг ҳалокатига тўла ишонади.

Алимардоннинг ҳалокат тафсилотини эслайлик. Автор ёзади:

«Алимардон ҳамон газни босар, барбод бўлган умидлари ҳаққи, ҳазонга айланган умри ҳаққи, барча аламлари ҳаққи кўзларига ёш қўйилиб келарди. Нимаси қолди

унинг? Нимаси қолди ахир?! Саҳнами? Шон-шуҳратми? Нима қолди, ўзи! Нима?! Охирги, энг охирги умиди, танҳо суюнчиғи юз ўғирди-ку ундан. Тағин нима керак энди?

У ҳамон шиддат билан елиб бораркан, кўз ёшидан томоги хириллаб охирги марта пичирлади:

— Ўғли-им!

Тўсатдан у кўнглида хушнуд бир енгиллик сезди. Қалби сокин тўйғуларга тўлиб-тошгандек бўлди-ю, руль чамбарагини чирпирак қилиб чапга буриб юборди.

Машина бир ёнбошга оға бошлади. Шундагина у хато қилаётганини, ёмон иш қилаётганини тушуниб қолди. Кўзлари даҳшатдан олайиб, тормозга ёпишди. Аммо машина аллақачон жаҳаннам лабига бориб етган эди.

Зум ўтмай даҳшатли сурон тоғ-тошларни ларзага солди. Фамгин қоялар қилиб қўйган гуноҳидан ўзи қўрқиб кетгандай инграб юборди».

Демак, Алимардон ҳалокати кескин драматик ҳолатнинг самараси, у атайлаб ҳалокат жарига ўзини ташлаётгани, онгли равишда ўзини ўлдираётгани йўқ; унинг руль чамбарагини чапга буриши одатдаги хатоларидан бирин холос, бу хатосини ҳам у тушунади, одатдагидек тузатмоқчи бўлади, аммо кечикади, бу ердаги кечикиш энди уни жисмоний фожиага — ўлимга олиб боради.

«Эрк»да психологик таҳлил яна ҳам мураккаброқ. Аввало, асадра кўтарилган проблеманинг, қаҳрамонлар бошига тушган савдонинг ўзи хийла кескин ва мураккаб. Шундан бўлса керак, қисса хусусида ғоят хилма-хил, зиддиятли фикрлар ўртага ташланяпти.

Таниқли адабиётшунос олим Матёқуб Қўшжонов «Эрк» ҳақида мазмундор мақола ёзди, кўп мақбул фикрларни илгари сурди. Бироқ унинг ҳамма мулоҳазаларига тўла қўшилиш қийин. Чунончи, мақола автори қиссанинг асосий ғоявий мундарижаси, конфликтини шундай талқин этади: «Ёзувчи Ойшахон билан Саттор ораларидағи зиддият илдизини бошқа нарсада кўради. Бу эса баъзи

ота ва оналарнинг ёшларни ойла ва муҳаббат инима эканини яхши тушуниб етмасдан, ўз орзу-истаклари, ҳар хил манфаатлари асосида уйлаб қўйишга шошилишлари, шу асосда келиб чиқадиган ҳар хил зиддиятлар, драматик воқеалар, ниҳоят — фожиалар... Ёзувчи шуларга қарши чиқяпти, азиз ота ва оналарни, ёшларни шундан сақланишга ундаяпти. Бизнингча, «Эрк»ни, ундаги Ойшахон билан Саттор ораларидаги фожиани фақат шундай тушуниш мумкин» (М. Қўшжонов, Қиссанинг иккинчи ҳаёти. «Шарқ юлдузи», 1971, № 4, 223-бет).

Ҳўш, нега фақат шундай тушуниш шарт экан?! Тўғри, асадар шунаقا гаплар ҳам бор, Саттор ва Ойшахон ўз хоҳишлар билан эмас, ота-она раъийи билан оила қурганиклари ҳақида маълумот берилади, Сатторнинг ойинси ўз ўғли қалбидаги қийноқлардан бехабар экани, Ойшахон қолоқ тушунчали ота-оналар таъсирида қолгани айтилади. Шу билан ота-оналар устидаги гап-сўз тамомвассалом.

Менинг назаримда, ота-она раъии хусусидаги маълумотлар Ойшахон билан Саттор ораларидаги можароларнинг бошланишига бир туртки, баҳона холос. Можароларнинг кейинги ривожида ота-оналар деярли иштирок этмайди, асосий зиддиятлар бошқа факторлар асосида ривожланиб, кескинлашиб боради. Асосий конфликт аслида севги, оила ҳамда оиласидаги эрк ва масъулият масалаларига икки хил қарапашдан туғилади.

Тасаввур қилинг, Саттор шаҳарга кетмай, ўқимай, қишлоқда юраверганда, унинг тушунчаси, савияси, диди аввалгидек, яъни Ойшахонники даражасида қолаверганди, эҳтимол бу хил можаролар юз бермаган, аниқроғи, орадаги зиддият бу хилда кескинлашмаган бўлармиди... Ахир ҳаётда ота-она раъии билан турмуш қуриб, юлдузи бир-бировиникига тўғри келиб қолган, бир умр тотув яшаган оиласидаги кам дейсизми? Еки, аксинча, ота-оналар иштирокисиз ўз кўнгил хоҳишлари билан турмуш қуриб, кейинчалик «характерлари тўғри келмай» ажрашиб кет-

Табиатига дод илашган одамлар руҳиятини таҳлил этиш, уларнинг руҳий драмасини очиш П. Қодиров учун янгилик эмас. Авваллари ҳам бу хил образларни кўп марта қаламга олган. «Қадрим»даги Искандар, «Қалбдаги қуёш» қаҳрамони Сайёра, «Қора кўзлар»даги Мадаминжон, Холбек аввало қалб драмалари билан китобхон эътиборини ўзига тортган.

Езуви бу тоифа образлар руҳиятини таҳлил этганда муҳим бир принципга ёмал қиласди, персонажлар табиатига илашган иллатларнинг даҳшатли оқибатини бутун кескинлиги билан кўрсатган ҳолда, уларнинг шу хил иллатлардан холос бўлиш жараёнини ҳам ифода этади, Чернишевский сўзлари билан айтганда, психологик таҳлилнинг муҳим тури — «бир туйғунинг иккинчи бир туйғуга, бир фикрининг иккинчи бир фикрга драматик тарзда айланиши»ни кузатиш, ифодалаш йўлидан боради. Соддадил Искандар кўп қийинчилклардан кейин жўшқин меҳнат қучогида ўз қадр-қимматини топади, енгил табиат Сайёра оғир кўргиликдан сўнг ҳаётнинг катта йўлига тушиб олади, оғир мусибат Мадаминжоннинг кўзини мошдек очиб қўяди, энди у аёл қадрини юксакликка кўтаратидиган одамга айланади; Холбек кўп туртимиб-қоқинишлар, иккиланишлар, алам-изтироблар гирдобидан пировардида покиза бўлиб чиқади.

Автор Ойшахон руҳияти таҳлилида ҳам шу йўлни тутади, асар охирига томони бу аёл ўзгариб, қайта тарбияланниб боради; қобил-мўминликдан, мутеликдан онглиликка, мустақилликка ўтиш— Ойшахон руҳиятидаги эволюция ана шундай.

«Қайта тарбиялаш» ибораси айрим ўртоқларга бир оз эриш туюляпти. Нима ҳам дердик, бу гапни биз ўйлаб чиқарганимиз йўқ, қиссанинг ўзи айтиб турибди.

Саттор олижаноб, мулоҳазакор йигит: «Нима қилиш керак? Мұҳаббатсиз турмушдан воз кечишга у ҳозир ҳам ўзини ҳақли сезади. Лекин Ойшахон ҳам тирик бир

одам... Бугун унинг ёрдамига мухтож бир одам¹ эканилигини кўриб туриб, ташлаб кетса, кейин бир умр ўзини гуноҳкор сезмасмикан? Ахир айб Ойшахоннинг бир ўзида эмас-ку. Нарёқда қолоқ ота-она, бу ёқда эски тушунчали қайнана. Саттор Ойшахонни уларнинг таъсиридан қутқариб олиш учун беш йилдан бери нима қилди? Ҳеч нарса! Нуқул хотинини суймаслигини пеш қилиб, ўзини ундан олиб қочиб юрди. Одам одамга дўст, фамхўр деган тушунча қаёқда қолди? Гражданлик туйфуси қаёқда қолди? «Мен илформан, сен орқада қолгансаи, нари тур!»— деб итариб ташлаш...

Йўқ, Саттор бундай қилолмайди. Аммо бу боши берк кўчадан қандай чиқиш мумкин? Ойшахонни бу ерда қолдириб кетса-ю, турмушлари аввалгидек давом этса, яна шу ота-она билан қайнананинг таъсири ўзини кўрсатаверади. Ҳеч нарса ўзгармайди. Агар уни Тошкентга олиб бориб, бирга яшаса, Ойшахон тезроқ ўзгариши мумкин, Сатторнинг кўнглини тезроқ тушуниши мумкин» («Эрк», 103- бет).

Саттор бу режасини Розияга айтганда, у ҳам шу йўлни маъқул кўради, «қачондир бир вақт Ойшахон ҳам орадаги мураккаб муаммони ўзича мустақил таҳлил қиладиган ва адолатли ҳукм чиқарадиган бўлишини» истайди.

Хуллас, Ойшахон «қайта тарбиялаш» мақсадида шаҳарга келтирилади, аҳвол Саттор ўйлаганча бўлиб чиқади, шаҳар мухитида у тез ўзгара бошлиди: «Ойшахон Саттор билан Розиянинг қандайдир сирли бир муносабатлари борлигини тобора аниқ пайқамоқда эди. Бу икковининг орасида катта бир ижодий меҳнат ва жозибали мақсаддан ташқари улкан бир туйғу ҳам борлигини, Саттор билан Розия бир-бирига жуда муносиб кўринишини Ойшахон рашқ оловида ўртаниб ҳис қилди...»

Охирида Сатторнинг юрак дарди Ойшахонга баралла аён бўлади, Саттор тортган «уҳ»дан Ойшахон қаттиқ из-

¹ Кўчирмадаги таъкидлар китоб муаллифиники

тиробга тушади, энди у мустақил фикрлайдиган, худди Саттор каби оиласдаги чатоқликни бир ёқли қилиш ҳақида бош қотирадиган бўлиб қолади. У ўзига-ўзи: «Энди нима қиласиз?.. Қандоқ қилсак тўғри бўлади?»—дея савол беради.

Асаддаги асосий можаро, конфликт худди шу тарзда ечилади. Менимча, бу хил ечим гарчи воқеалар ривожи, характерлар мантиқидан келиб чиқаётган бўлса-да, бир оз енгил кўчгандай кўринади, асар охирига бориб тасвир темпи хийла тезлашиб кетади, ёзувчининг қолоқ тушунчали кимсани «қайта тарбиялаш»дан иборат гуманистик концепцияси мўминлик, итоаткорлик психологиясига нисбатан бизда аввалроқ туғилган кучли нафрат түфёнини қисман сусайтириб қўяди.

Инсоний муносабатлар ниҳоятда мураккаб, ҳаётда қўпинча бир муаммонинг ечими иккинчи бир можаронинг бошланишига туртки бўлади. «Эрк»да ҳам шундай бўлган. Бутун асар давомида кутилган ният рўёбга чиқди—итоаткор, мўмин-қобил Ойшахон онгли, мустақил фикрлайдиган ҳолга кела бошлади, лекин ҳали асарга охирги нуқта қўйилган эмас, можароларнинг ечими янги бир тугуни келтириб чиқаряпти, Матёқуб Қўшжонов айтмоқчи, қиссанинг иккинчи ҳаёти бошланяпти, бу тугун қандай ҳал бўлади, ҳозирча номаълум: фақат унга ишора бор, холос, энди қаҳрамонлар ўйлаган ҳодиса содир бўлишига — ўзгаларнинг юрак дардини ҳис этадиган, мустақил фикрлайдиган бўлиб қолган Ойшахоннинг, гарчи оғир бўлса-да, Сатторга эрк беришига ишонгимиз келади.

* * *

Бир вақтлар «конфликтсизлик назарияси» таъсирида ижобий қаҳрамон хусусида хато бир тенденция кенг тарқалган эди, ёзувчи ижобий қаҳрамондаги гражданлик туйғусини таъкидлайман деб уни руҳий — эмоционал

жиҳатдан камбағал этиб қўяр эди. Натижада ижобий қаҳрамонлар «темир одам»га айланан бошлаган, улар нуқул ижобий ишлар қиласверар, ҳамиша жиддий турар, кулмас, йиғламас, ҳаёт қийинчиликлари олдида сира довдирамас, муснабатлардан изтиробга тушмас эдилар... Табиики, бундай қаҳрамонлар китобхонни ўзига мафтун эта олмади, чунки А. Қаҳҳор айтмоқчи, улар саҳт-сумбати, лаби-даҳани жойида, ижобий хислатлари етарли бўлса-да, эмоционал жиҳатдан камбағал, бинобарин, жозиба кучидан, меҳригиёдан маҳрум эди.

Сўнгги йиллар ўзбек прозасида ижобий қаҳрамонни бутун мураккаблиги, инсоний жозибаси, кучли ва заиф томонлари, муваффақият ва мағлубиятлари, қувонч ва ташвишлари, қўйингчи, ҳиссиёт оламининг бутун товла-нишлари билан беришга интилиш кучайиб бормоқда, жаҳон адабиётининг бу борадаги анъаналари, А. Қодирий, Ойбек, А. Қаҳҳор каби ўзбек насли усталарининг тажри-балари изчиллик билан давом эттирилмоқда. Сал аввалроқ яратилган «Фарғона тонг отгунча», «Машъал», «Қора кўзлар», «Олтин зангламас», «Қудратли тўлқин», «Уфқ», «Эр бошига иш тушса» қаҳрамонларида шу фа-зилат кўринган эди, биз мақола бошида тилга олган насримизнинг сўнгги намуналари—А. Мухтор, П. Қодиров, О. Ёқубов, С. Анорбоевнинг роман ва қиссаларида бу фа-зилат яна ҳам чуқурлашиб боряпти, ижобий қаҳрамон ҳақиқий маънодаги драматик қаҳрамонга айланиб қол-япти. Очил бобо, Ориф, Саттор, Розия, Акрам, Тўлаган чол қалбидаги руҳий драма зиддиятли характерлар — Акбарали, Алимардон ва Ойшахонларнинг қалб драма-сидан кам эмас.

Акбарали, Алимардон ва Ойшахонлар «ўз ёғига ўзлари қоврилиб» яшайдилар, улар бошига тушган муснабат кўпроқ ўзларининг шахсий фожиаси тарзида талқин этилади, улар ўзгаларга баҳт, шодлик ҳадя этиш, ўзларининг дардига малҳам бўлиш, далда беришга қодир эмас. Иккинчи гуруҳ қаҳрамонлар эса ҳаммадан бурун

ўзгаларнинг дарди-қувончи билан яшайдилар, уларнинг манфаат доираси жуда кенг, улар эл-юрт олдидағи масъулиятни чуқур ҳис этадилар, ҳаётга унинг шунчаки бир зарраси сифатида эмас, балки шу ҳаётнинг бунёдкори, хўжайини, масъулдор аъзоси тарзида ёндашадилар. Шунинг учун ҳам ҳаётдаги ҳар бир чатоқлик уларни чуқур қайғуга солади, ўзгаларнинг дарди уларнинг шахсий дардига айланади; шунга кўра улар қалбидаги драма катта ижтимоий характерга эга.

Саттор билан Розиянинг шахсий ташвишлари ўз бошлидан ошиб-тошиб ётипти. Аммо уларнинг меҳнати, шаҳар қурилиши, истиқболи билан боғлиқ ташвишлари бундан кам эмас; уларнинг севги ва оиласабати ҳам муҳим ижтимоий маъно касб этади. Саттор ўз хоҳишига, кўнглига зид бориб, ёрдамга муҳтож, жаҳолат қурбони, ҳалокат ёқасида турган Ойшахонга мадад қўлинни чўзган экан, бу катта олижанобликдир, ўзгалар олдидағи масъулиятни ҳис этишнинг ибратли намойишидир. Бироқ Сатторнинг бу хайрли иши айрим асарларда учрайдиган беҳис, хотамтой қаҳрамонларнинг «жасорати»дан кескин фарқ қиласди, бу олижаноблик Саттор учун жуда-жуда қимматга тушади, биз Сатторнинг ўзини ададсиз қийноқлар ичидаги қолдириб, ўзгага баҳт ҳадя этаётганини баралла ҳис этиб турамиз.

Акрамнинг ташвишлари Сатторницидан ҳам ошиб тушади. Оилавий ҳаётдаги кўнгилсизлик, ёшлар гурунгидаги одобсизлик, қишлоқдаги мураккаблик, қишлоқ қурилиши ва архитектурасидаги чатоқлик, кишиларнинг маданияти ва маънавиятидаги тафовут ҳамда контрастлар — ҳамма-ҳаммаси унинг оромини бузади, ўй-хайлар оғушига фарқ этади.

«Чинор» қаҳрамонлари Очил бобо ва Орифда бу хуссият янада ёрқинроқ кўрниади. Улар юксак эътиқод, катта мақсад эгалари, янги ҳаёт учун жонини тиккан кишилар; шунга кўра янги ҳаёт моҳиятига, ахлоқига хилоф ҳар қандай хатти-ҳаракатлар уларнинг вужудини зирқи-

ратади. Ориф төг қишлоқларининг аянчли ҳолини кўриб, дўсти Мариянинг расмиятчилик касалига мубтало бўлиб қолганини билиб, ўзини қўярга жой тополмай қолади; бунинг устига севгидаги бахтсизлик, фарзанд хусусидаги адолатсизлик дард устига чипқон бўлиб тушади. Бу одам ўзининг дадил ўйлари, фаол ҳатти-ҳаракатлари билан гина эмас, балки чексиз ташвиш-ғамлари билан ҳам китобхон кўнглини ўзига асир этади. Кўпни кўрган, не-не мусибатларни бошдан кечирган Очил бобо-чи?! У айрим асарларда учрайдиган «бахтиёр кексаликнинг гаштини сурәётган» қариялардан эмас. Тўғри, у ҳам бахтиёр, аммо унинг бахти осойишталикда эмас, балки беоромлика; у қаерга бормасин, қайси бир уруғ-аймоги билан учрашмасин, уни ташвиш-муаммолар кутиб олади, у шу ташвишларга шерик экани, шу муаммоларни ҳал этишдаги иштироки билан бахтиёр.

С. Аюробоевнинг «Умр» қиссаси қаҳрамони Тўлаган чол баъзи жиҳатлари билан Очил бобога ўхшаб этади.

Аввало, қисса ва унинг танқиди ҳақида икки оғиз сўз. Танқидчи И.Faфуров «Бир қиссанинг икки палласи» мақолосида «Умр»нинг камчиликларини батафсил таҳлил этади, асар фазилатлардан холи эмаслигини, «кўп ўринлари қизиқиш билан ўқиладиган, фикр уйғотадиган қисса» эканини ҳам айтади-ю, шу фазилатлари устида тўхталашибди. Иброҳим Faфуровнинг қатор танқидий мулоҳазалари асосли, шуларга қарамай, бу асар, менимча, ёзувчи ижодида олга қўйилган қадам, у ўзининг ғоявий мотиви, талай бадиий хислатлари билан насримизнинг сўнгги ютуги саналмиш асарларга оҳангдош.

Асар асосида Тўлаган чолнинг руҳий драмаси ётади, автор машаққатли тақдир эгаси бўлмиш бу чол нигоҳи орқали ҳозирги ҳаётнинг кўпгина маънавий-ахлоқий муаммоларига назар ташлайди.

Тўлаган чол ҳам Очил бобо каби кўпни кўрган, янги ҳаёт учун жонини тиккан, бутун умрини оромсиз ўтказ-

гаи ва ўтказаётган қариялардан. Бироқ унинг Очил бободаи фарқи ҳам бор. Очил бобо интеллектуал жиҳатдан юксак, доно, билимдон шахс. Тўлаган чол эса оддий халқ орасидан чиққан, бир қишлоқ кишиси. Очил бобо ҳаёт жумбоқларига дуч келганда қийналади, ўйга толади, шу билан баробар ҳар доим улар устидан адолатли ҳукм чиқара олади. Соддадил Тўлаган чол эса ҳаёт жумбоқларини ўзича таҳлил этади, кўпинча у ҳозирги одамларни турмуш тарзи устидан узил-кесил ҳукм чиқаришга қурби етмай қолади. Биз бу одамнинг ҳозирги ёшлиар хулқ-авторидаги, юриш-туришидаги айрим нобопликлардан ҳақли равишда изтироб тортаётганини кўриб, дардига шерик бўламиз, шу билан баробар кўп ўринда ҳозирги ҳаёт талабларини ҳазм қилишга қийналаетганини билиб турамиз.

Тўлаган чол янги ҳаёт учун бор-йўғини берган, лекин ундан ҳеч нарса талаб қилмаган одам. У ҳаётни ортиқ даражада қадрлайди, ҳаёт олдида ҳамиша ўзини масъулдор ҳис этади, асар персонажи Қобилжоннинг «закунчи» деган таънасига жавобан: «Бу тузум учун курашган одам ўз-ўзидан.. закунчи бўлиб қолади», дея жавоб қиласиди; у худди ўша Қобилжон типидаги ноқобил кимсаларни кўрганда «закончи»лиги тутиб кетади; Ватан учун жонини тиккан бир одамнинг фарзанди таъмагир, мослашувчан, мешчанин ҳолга тушиб қолганидан ғазаб ўтида ёнади, уни кескин лаънатлади.

Ўз фарзанди оиласидаги чигалликлар уни зиддиятли ўйлар гирдобига тортади. Унинг эл-юрт олдида юзини ерга қаратиб ўзидан йигирма ёш катта бир одам билан бўлиб кетган қизига, қизини йўлдан оздирган куёвига нафрати чексиз. Қизининг шу қилмиши учун у билан ўн йил юз кўришмаган. Аммо, у бари бир ота, қалбидаги оталик меҳри бугун уни «гуноҳкор» қиз ҳузурига бошлаб келган. Қизининг эски, болаликдан таниш эркаликлари, «дада» деган бетакрор овози чолни бир дам лаззатлар оғушинга гарқ этади, шу лаззатлар оғушида у қизининг

гуноҳларини унутгандай бўлади. Куёви билан яқиндан танишгандан кейин, қизи ва куёви орасидаги муносабатлар тарихи унга аён бўлгандан сўнг, секин-аста аввалги ғазабидан туша бошлайди. Куёви Султон Алиевич Ватан учун, илм-фан учун жонини тиккан одамлардан. Биринчи хотинидан ажралишига ўзи айбдор эмас. Уруш касофати, оилавий фожиа туфайли ўзини йўқотиб одамови бўлиб қолган кимсанинг ҳаётга қайтишида Чўлпононинг хизмати катта. Ўз навбатида Султон Алиевич ҳам Чўлпононай учун кўп хизмат қилган, унинг кўнглига қараган, ўқиб илмий даража олишига мадад берган... Шулардан воқиф бўлгач, чол кўксисида тошдай тугилиб ётган норозилик ҳиссини бир дам унутгандай бўлади. «Чўлпононай бизнинг розилигимизсиз эрга тегиб, балки яхши қилгандир... Розилик сўргани билан бари бир бермас эдим. Негаки, ёшгина қизимни хотин қўйган, йигирма ёшча катта кишига берармидим!.. Гул—гулга, тикан—тиканга... Аммо ёмон одамга ўхшамайди куёв. Чўлпононинг ўқишини тугаллашига, яна олим бўлишига шарт-шароит яратиб берибди-ку, яхшилик шунчалик бўлади-да»,— дея ўй суриб кетади.

Энди чолни бошқа жумбоқлар қийнайди. У қизига, қизининг ўй-мулоҳазаларига, хатти-ҳаракатларига разм солиб, хаёлга толади. Ўн йил ичидаги қизи бутунлай ўзгариб кетибди. Қаршисида аввалги кўнгилчан, камсуқум, камтар қиз ўрнида мол-дунёга ҳирс қўйган, кибр-ҳаволи бир мешчанин аёл турибди. Нуқул ҳаётдан олиб қолиш пайида, қайтаришни хаёлга ҳам келтирмайди. У қўшни камсуқум аёлни ўзига тенг кўрмайди, эҳтимол, у ўзининг жигаридир, отаси йўқотиб қўйиб, ҳасратида юрган ўз опасидир, ахир чол унинг юзидағи холни кўрганда юрғи зирқираб кетган, йўқотган Холнисасини топгандай бўлган. Арзандаси Чўлпононай эса уни тенгим эмас деб турибди.

Чолни мана шулар эзади, қизидаги шу ўзгаришларни кўриб оталик ғурури чилпарчин бўлади, ўзини алданган,

камситилган ҳис этади. Чол зиддиятли ўй-хаёллар огушида. «Бу ўша менинг Чўллоной қизимми ёки бошқами? — дея ичидан зил кетиб ўйламоқда эди бу пайт Тўлаган чол.— Қаёқдан илашди бу кибр-ҳаво? Хонзода бўлмаса, оқсуяк хўжа қизи ҳам эмас. Ота-онаси — биз, оддий фуқаро, умр бўйи қўл кучи билан кун кўриб келганлардан. Боғбон билан шунчаки тикувчи-чеварнинг пушти камаридан дунёга келган бир қиз бўлса-ю, ўз эгачисидай ён қўшиинин «тengimmas» деб бурнини баланд кўтарса! Шунча ўқиб, билимдан бўлганининг оқибати шуми? Илгари у бундай эмас эди-ку!»

Қизига бу касал қаёқдан юқсан? Унинг манбалари қаерда? Чол бу мушкул саволга жавоб тополмай гаранг. Ёзувчининг ўзи ҳам бу саволларга жавоб ахтармайди. Эҳтимол автор бу саволларни атайи очиқ қолдиргандир, улар ҳақида ўйлаб кўришини китобхонга ҳавола этаётгандир.

Ҳаёт контрастларини Тўлаган чол типидаги одамнинг нигоҳи, руҳий драмаси орқали ифода этишининг ҳам мусбат, ҳам манғий томонлари бор. Бутун умри машаққатда кечган соддадил қишлоқ кишиси назарида ҳозирги бадавлат шаҳар одамнинг турмушидаги зиддиятлар кескинлашган тарзда намоён бўлади, бунинг устига ҳаёт жумбоқлари устида шу тип қаҳрамон имкониятлари даражасида мулоҳаза юритиш ҳодисаларга нисбатан китобхоннинг активлигини оширади. Бироқ автор ҳодисаларни, хусусан, олимлар ҳаётига онд маълумотларни қаҳрамон савиясига мослаштираман деб, баъзан тасвирини ўта соддалаштириб юборади, чунончӣ, исериқнинг хосиятини тушунтириш учун ҳам узуидан-узоқ бачканга изоҳлар берилади; автор қаҳрамон ўй-хаёллари тасвирига маҳлиё бўлиб қолиб, баъзан ўз позициясини бой бериб қўяди, қаҳрамон қарашларидаги чекланганликни эсдан чиқариб юборади, патижада кўп ўринда қаҳрамон мулоҳазалари ёзувчининг ўз мулоҳазалари каби таассурот қолдиради. Қаҳрамон ҳар қанча содда, гўл бўлмасин, у

қандай ўй-мулоҳазага бормасин, унинг панасида турган ёзувчининг ўз доно нигоҳи, аниқ-равшан концепцияси сезилиб турсин. Улкан санъаткорлар шундай қилишган. «Умр» автори буни унутмаслиги керак эди. ИброЖим Faфуров мақоласидаги эътироzlарнинг асоси ҳам шунда.

■ ■

■

БОЛАЛАРНИНГ НАФОСАТ ОЛАМИ

Бугунги болалар адабиётининг қаҳрамонини катталар адабиётининг қаҳрамонидан кескин ажратиб қараш мумкин эмас. Чинакам санъат асарининг қаҳрамони ҳеч қачон чегара билмайди, у каттаю кичикни баб-баравар ўзига мафтун этади. Ҳотамтой, Том Сойер, Том тоға, Жилин, Дина, Гаврош, Ваня, Архип бобо, Темур, Шум бола, Ойгул, Бахтиёр... Болалар адабиёти деганда биринчи галда ана шу қаҳрамонлар ёдга тушади. Сир эмас, бу қаҳрамонларнинг бир қисми бевосита болалар учун, қолганлари эса катталар учун ёзилган асарларга мансуб. Демак, болалар адабиёти қаердан бошланиб, қаерда тугайди деган саволга жавоб топиш хийла мушкул. Шундай экан, катталар адабиётiga қўйиладиган асосий талабларни болалар адабиёти қаҳрамонига ҳам қўявериш мумкин. Қаҳрамон— бу, ҳаммадан бурун, давр типи. Қаҳрамон — ёзувчининг ҳаётга муносабатини кўрсатувчи бир восита. У ёш ёки қари эканидан, катталар ёки болалар адабиётiga мансуб бўлишидан қатъи назар, даврнинг муҳим томонларини, ёзувчининг ҳаёт ҳақидаги концепцияларини ўзида мужассам этсин, маълум социал гуруҳ кайфиятини, руҳиятини, орзу-интилишларини, кучли ва занф жиҳатларини аниқ, бетакрор тарзда ифода қиласин.

Классикларимиз асарларида шундай қилинган. Бугунги болалар адабиётининг энг яҳши асарларида ҳам шундай қилингани. А. Твардовскийнинг «Ленин ва пеккачин», С. Михалковнинг «Степа амаки», Ойбекнинг «Болалик», А. Қаҳҳорнинг «Ўтмишдан эртаклар», А. Мухтарнинг «Дунё болалари», Ҳ. Назирнинг «Ёнар дарё», Мирмуҳсиннинг «Мутилал», «Илон ўйнатувчи», Ҳ. Тўхтабоевнинг «Сариқ девни миниб» асарлари каттаю кичикини бирдек ҳаяжонга солади; булар ҳаёт ҳақидаги тасаввуримизни бойитади, ақлимизга ақл қўшади. Болалар

ҳаёти билан боғлиқ Ч. Айтметовнинг «Оқ кема», Ю. Яковлевнинг «Булут тўпловчи», «Энг баланд нарвон», «Синдирилган ойна», С. Зуннунованинг «Осмондан тушган қиз», У. Ҳошимовнинг «Қалбингга қулоқ сол» типидаги асарларини, шунингдек, бевосита болаларга деб ёзилган Ш. Холмирзаевнинг «Қўквой», «Уч ҳамроҳ эдилар» сингари ҳикояларини олайлик. Уларда шу куннинг нақадар ўткир маънавий-аҳлоқий проблемалари кўтарилилган. Ёки «Ғоз пати» спектаклини, «Душанбагача омон бўлсак», «Сен етим эмассан» кинофильмларини эслайлик. 60- йиллар санъати ва адабиёти ривожига хос энг муҳим тенденциялар болалар учун яратилган шу асарларда ҳам мужассам; улар ҳам каттаю кичик эътиборини баб-баравар ўзига жалб этди, катта олқиш ва жиддий мунозараларга сабаб бўлди.

Бу билан мен болалар адабиётининг ўзига хос хусусиятлари мавжудлигини томоман инкор этмоқчи эмасман. Бизнинг асримизга келиб болалар адабиёти бадиий тафаккурнинг алоҳида қисми сифатида баралла ажralиб чиқди. Ажralиш жараёни давом этяпти, ҳатто болалар адабиётининг ичida ҳам табақаланиш рўй беряпти; болаларга аталган асарлар номи ёнида «мактабгача ёшдаги болалар учун», «кичик ёшдаги ўқувчилар учун», «катта ёшдаги ўқувчилар учун», «ўсмирлар учун», «болалинг тили ширин», «болаларингизга ўқиб беринг» деган ибораларни тез-тез учратадиган бўлиб қолдик.

Бу хил ажralиш ва табақаланиш жараёнининг маълум қонуниятлари бор, шубҳасиз уларни ўрганиш, илмий тадқиқ этиш керак. Аммо бу жараённи айрим кам-кўстлари ҳам содир бўляптики, бунга бефарқ қараш мумкин эмас.

Аввало, «болаларнинг ёш хусусиятини ҳисобга олиш» шиори остида болалар учун ёзилётган асарлар ҳаддан ташқари соддалаштириб юборилаётир; «болалар қанча ёш бўлса асар ҳам шунчалик содда бўлиши лозим» деган қараш болалар адабиётига катта зарар келтиряпти,

асарларни маънавий қашшоқликка маҳкум этяпти. «Болаларингизга ўқиб беринг» рубрикасида чиқаётган қатор асарларни ўқиганда катталар у ёқда турсин, болалар ҳам эшитгиси келмайди, чунки улар болаларга ҳеч қанақа маънавий озиқ бермайди, болалар бундай асарларга қараганда ақллироқ, теранроқ мушоҳада юритади.

Ҳозирги шаронтии, болаларни қуршаб олган муҳитни ҳисобга олиш керак. Атом асрида, фан-техника мислсиз мўъжизалар кўрсатайтган даврда яшаяпмиз. Оммавий инфомрация воситалари бераётган маълумотлардан болалар ҳам баҳрамаид. Ҳозирги пайтда телевизор кирмаган хонадон деярли қолмади. Эндиғина эсини таниган гўдак ҳам дадасининг тиззасига ўтириб олиб уйқу элитгунга қадар телевизорга тикилади; катталар билан бирга «оламга саёҳат» қиласди, «ҳайвонотлар олами»ни кесади, космодромдан, космосдаги кема ичидаи берилган репортажни кўради, футбол ва хоккейни сира канда қилмайди, телеспектакль ёки кинофильмларни катталар қолдирса қолдирадики, улар қолдирмайди... Ҳар қанча тергашга уринманг, бари бир, катталар учун берилган программани катталардан кўра кўпроқ кўришади.

«Ўруш ва тинчлик» билан «Капитан Тенкеш»ни, «Қўлга тушмас қасоскорлар» билан «Қилич ва қалқон»ни, «Ўтган кунлар» билан «Фавқулодда комиссар»ни, одамнинг ойга қўнгани ҳақидаги репортаж билан Миср эхромларини телевизорда кўрган, аммо ҳали ўқиш ва ёзишни билмайдиган кичкинтойга қандай қилиб оддийгина «ақл ўргатадиган» ҳикоя ёки шеърни маъқул қилиш мумкин?

Болалар учун мактаб ҳаётидан олиб ёзилаётган кўпчилик асарларни ўқиб кишигининг энсаси қотади. Уларнинг аксарияти одат тусига кириб қолган «икир-чикирлар»— дарсга кечикиб келадиган, дарс тайёрламай икки оладиган ялқовлар, китоб ўқиш ўрнига ланка тепадиган ўйинқароқлар, одоб билмас, тиниб-тинчимас тўполончиларнинг кирдикорлари ҳақида. Шу хил «икир-чикирлар»-

га ҳам янги томондан ёндашиб, муҳимроқ гап айтиш, болалар руҳий дунёсининг янги қирраларини кашф этиш мумкин албатта, ахир Ю. Яковлев «Синдирилган ойна» билан «Энг баланд нарвон»да шундай қилган. Биздаги кўпчилик асарларда эса бундай фазилат кўринмаяпти.

Бушинг устига талай асарларда «ижобий қаҳрамон» тушунчасининг қадри тушурилиб юборилаётир. Қора денгиз соҳилидан бир ҳалта тош йигиб, янги дўстлар ортириб қайтган ёки кўчада тўкилиб ётган паҳтани териб олиб, ўридициқса солиб кўйган бола ҳам, уйда ойисига кўмаклашган ёки кўчада йиғлаб турган кичкинтойни юпатиб уйига элтиб кўйган қизалоқ ҳам «ижобий қаҳрамон» даражасига кўтариласпти. Оддий инсоний бурч ҳақида ҳам ёзиш керак, бироқ қаҳрамон тушунчасини қадрлаш ҳам керак. Қаҳрамон ўз номи билан қаҳрамон, у оддий ҳаст «икир-чикирлари»дан юксакроқ туриши, ўз ортидан бошқаларни етаклашга, давр ҳақиқатини, терап фикрларни ташишга қодир бўлиши лозим. «Оқ кема», «Булут тўпловчи» типидаги асарлар қаҳрамонларинингина баралла ижобий қаҳрамон дейиш мумкин. Уларнинг интилишлари, ўй ва ташвишлари орқали бутун бошли халқнинг дарди-ташвишлари берилган.

Бугунги болалар адабиётининг талай қаҳрамонлари ниҳоятда бетаъсир: китобхонни ҳаяжонга солмайди, чунки улар кенг жамоатчиликнинг ташвиш-ўйларидан, бино-бариг, халқ ҳаётидан ниҳоятда йироқ. Масалан, қишлоқ болалари ҳаётини олайлик. Уларнинг ўқиши, меҳнати билан боғлиқ ҳолда жуда муҳим муаммоларни кўтариш, ажойиб ижобий қаҳрамонлар образини яратиш мумкин. Ҳозирги асарларда қишлоқ болалари кўпинча ўйинқароқ қилиб кўрсатилади. Аслида уларнинг ўйнаш учун вақти зиқ. Ахир улар аввало ўқииди, ўқишдан кейин рўзғор ишларига қарашади, бола кўтаради, томорқада ишлайди, сигир боқади, уйдаги қўй-қўзилар учун ўт юлади; бунинг устига эртагалик дарсга тайёргарлик кўриши, телевизор томоша қилиши керак, пайти келганда у дарсдан

кейин ҳашарга чиқади, қурт учун барг узади, пилла тера-ди, ғўзани ягана қиласди, кузда эса, одатдагидек ўқишни йиғиншириб қўйиб, ойлаб пахта теримида бўлади... Республикамизнинг улкан пахта хирмонида жажжи бармоқ-ларнинг катта ҳиссасини ҳамма ҳам яхши тасаввур эта-вермаса керак.

Ана шу улкан ижтимоий вазифаларни адо этаётган кичкнитой заҳматкашларнинг адабиётдаги тўлақонли образи қани?! Ҳали у яратилган эмас.

Ниҳоят, яна бир чалкаш масала бор. Гап болалар ада-биёти пропагандаси, мактабларда адабиёт ўқитиши, бола-ларда бадиий дидни тарбиялаш устида кетаётир.

Бизда улкан болалар адабиёти мавжуд бўлган ҳолда болалар учун маҳсус адабий-танқидий асарлар йўқ. Бо-лаларга деб газета ва журнallар адабий асарларни ёғ-дириб туради, нашриётлар кетма-кет китоблар чоп эта-ди. Табиийки, уларниг ҳаммаси бир хил савияди эмас, улар орасида яхшилари ҳам, запфлари ҳам учрайди. Хўш, тақдим этилаётган асарларнинг яхши-ёмонини ажратиши-да болаларга ким мадад беряпти?! Амалда ҳеч ким. Тўғри, болалар адабиёти ҳақида ҳам таиқидий мақолалар ёзил-япти, илмий тадқиқотлар қилинепти, бироқ улар катта-ларга, аниқроғи маълум илмий доирага мўлжалланган. Уларга болаларнинг «тиши ўтмайди», уларни деярли ўқимайди, бу хил мақолалар кўпроқ катталарнинг жур-нал ва газеталарида, илмий тўпламларида босилади. «Ленин учқуни», «Гулхан» саҳифаларида ҳам таиқидий мақолалар бериш мумкин эмасмикаи? Бир вақтлар «Гул-хан» У. Рашидовнинг болалар адабиёти тараққиётига оид мақоласини эълон қиласган эди. Бу мақола, менинг назаримда, болаларга мос бўлиб чиқмади. У бир оз «ил-мийроқ», қуруқроқ ёзилган. Болаларга аталган мақола жонли, эҳтиросга бой ва суҳбат тарзида бўлса деймиз.

Ота-оналар, шунингдек, айрим мактаб ўқитувчилари орасида бадиий асарниг тарбиявий таъсири масаласини бир ёқлама, утилитар тарзда тушунувчилар ҳамон учраб

туради. Улар жиiddий асарлар, хусусан севги, оилавий-маиший ҳаётга оид асарлар болалар тарбиясини бузади, барвақтроқ кўзини очиб қўяди, деб хавотир оладилар, мумкин қадар шу хил асарларни четлаб ўтишга ҳаракат қиласди. Болаларнинг нималарни ўқиётганига бефарқ қараш инсофдан эмас, болага китоб тавсия этаётганда унинг ёшини ҳисобга олиш керак, албатта. Шу билан баробар боланинг индивидуал хусусиятини ҳам назарда тутиш лозим. Ҳозирги вақтда математикар яхши бир тажриба қўллашяпти, математик иқтидорга эга болаларни бошлиғи мактабдаёқ назорат остига олиб, улар билан алоҳида машғулот олиб боришяпти, бу хил болаларга ҳатто олий математикага оид маълумотлар бериб борилади. Биз адабиётчилар бу борада математиклардан ибрат олсанк яхши бўларди. Адабиётга алоҳида майли, лаёқати бор болаларни ажратиб олиб, улар билан маҳсус иш олиб борилса қандай соз бўлар эди. Эҳтимол уларга «чеклаш сиёсатини» ўтказишининг ҳожати йўқдир, улар ҳар қандай асарни ҳазм қилишга қодир бўлиб чиқар. Ахир Навоий жуда ёшлик чогида «Мантиқуттайдир»дек мураккаб фалсафий-бадний асарни ўқиб тагига ета олган, Пушкин, Горькийлар болалигига алоҳидаёқ ҳатто катталарнинг тиши ўтмайдиган асарларни ўқиб ўзлашибтиришга ултурған.

Севги, оилавий-маиший муносабатлар тасвир этилган асарларга келсак, бу борада ўта эҳтиёткорлик шартми-кан?! Ахир ҳаётнинг бу жумбоқларини болалардан тоқайгача сир тутиш мумкин. Бола бари бир ҳаёт ичида, севишганлар, эр-хотинлар орасида яшайди-ку, оилавий можароларни ўз кўзи билан кўриб, эшитиб туради-ку! Хўш, буни адабиётда кўрса, ўқиса нима бўлибди. Тўғри йўналиш, маслаҳат берилса севги, оилавий муносабатлар тасвири ҳеч қачон болага салбий таъсир кўрсатмайди, балки яхши маънодагина унинг «кўзини очади», боладаги шаҳвоний ҳисларни эмас, балки эзгу, инсоний ҳисларни уйғонишига ёрдам беради.

Биз бадиң асарининг ғоявий-тарбиявий томони устида кўп гапирамиз-у, унинг ҳиссий-эстетик таъсири кучи, болаларнинг қалбига, ҳиссиятига таъсири, нафосат туйғусини тарбиялашдаги роли, аҳамияти ҳақида кам бош қотирамиз.

Болаларда яхши дидни, нафосат туйғусини тарбиялаш ҳам катта иш. «Чинор»да шундай эпизод бор. Машҳур ўзбек жангчиси Тўйчи Эрйигитов гулга ишқибоз экан, гул дасталашни ёқтирас экан. Асар персонажлари Ориф билан Мария унинг шу хусусияти ҳақида баҳслшиб қолади. Ориф Мариядан сўрайди:

«—... Сенингча, шу йигит ДЗОТга ташланиш отдидан нималарни ўйлаган экан?

— Гулдастани демоқчимисан?

— Йўқ.

— Нимани бўлмаса?

— Ҳеч нимани. Ундай дақиқада одам ҳеч нарсани ўйламайди, вақти бўлмайди ўйлашга. Энди сен жавоб бер: ДЗОТга қараб қандай куч уни талпинтириди экан?

— Фазаб.

— Фазаб йўлбарсда ҳам бўлади.

— Онглилик.

— Фазаб ва онг билан бирга, қалб керак. Катта, бой, олижаноб коммунист қалби!»

Бир суҳбатда улкан олим Қори Ниёзий: «Бўш вақтимни гулга тикилиб ўтказаман, ундан шу қадар завқ оламанки, бу завқ мени улкан ишларга ундейди», —деган эди.

Демак, нозик дид, нафосат туйғуси ана шундай қудратга молик, у одамини жасоратга, улкан ишларга ундейди.

Мен мактабдаги ўқитувчилик тажрибамдан биланманки, болаларга мана бундай бўлиш керак, мана бундай бўлмаслик керак, деб ошкора ақл ўргатадиган, ижобий қаҳрамонлари «ижобий ишлар»ни дўндириб ташлайлиган ўртacha, бўш асарларга қараганда дидактикадан

тамоман ҳоли Уйғуннинг пейзаж лирикаси, Миртемирнинг «Булут», Эркин Воҳидовнинг «Лола», «Гунча» типидаги шеърлари кўпроқ фойда келтиради.

Ижобий қаҳрамон болалар учун нафосат оламига айлангандагина ўзининг гоявий-бадиий функциясини ўтаган бўлади.



АДИБ ИҚРОРНОМАСИ

Совет адабиётининг, совет ёзувчисининг куч-кудрати аввало унинг халқ билан, партия билан бирлигида, бирдамлигида; социалистик ватанга, тузумга садоқат, унинг йўлида хизмат қилиш санъаткор учун муқаддас бурч, катта шон-шараф! «Халқ ёзувчиси», «совет ёзувчиси» деган унвонга сазовор бўлиш унинг учун энг юксак мукофот!

Чет элдаги мухолифларимизга совет адабиётининг худди шу хислати, совет ёзувчишининг шу фазилати маъқул тушмайди, социалистик реализм адабиёти устида гап кетганда улар ҳар гал совет ёзувчилари билан социалистик тузум орасидан зиддият топишга ҳаракат қиласидилар, уларниң назарича, кўпчилик ёзувчиларининг совет режими билан бирдамлиги гўё совет адабиётшунослари ўйлаб топган нарса эмиш; бу фикрни «исбот этиш» учун улар ҳар қандай уйдирмалардан ҳам қайтмайдилар, реал фактларни атайнин четлаб ўтадилар, ҳақиқатни бузуб кўрсатадилар. «Литературная газета» яқинидаги шундай бўхтонлардан бирини кескини фош этди (1973 й. № 1).

Шу хил гапларни эшитганда ўйлаб қоласан киши — қўлимизда мухолифларимиз уйдирмаларини рад этадиган, совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида ёзувчи билан партияниң монолит бирлигини намойиш қиласидиган жуда кўп ёрқин далиллар бор; афсуски, биз адабиётшунослар шу хил фактларни баъзан назар-писанд қиласмаймиз, уларниң роли ва аҳамиятига етарли баҳо бермаймиз, уларни керагича тарғиб ва ташвиқ этмаймиз; мен бу ўринда Абдулла Қодирийни, унинг Октябрь инқи lobiga, совет тузумига муносабатини назарда туваётурман.

Абдулла Қодирийниң ўзбек совет адабиётининг асосчиларидан бири экани, Ҳамза, Айнӣ, Авлоний, Сўфизо-

далар билан бир сафда туриб янги ҳаёт ва янги адабиёт яратиш учун мардона кураш олиб боргани ҳаммага аён; шуниси ҳам борки, бу адилларнинг ҳар бири, И. Султонов айтмоқчи, «янги адабиётга ўзига хос ҳисса қўшдилар». Таассуфки, ёш ўзбек танқидчилари мана шу ўзига хосликни ўз вақтида етарли баҳолай билмади; чунончи, бир қатор танқидчилар Абдулла Қодирийдек етук реалист ёзувчининг нодир асарларига, хусусан, унинг ўтмишдан олиб ёзилган «Ўтган кунлар» романига баҳо беришда қўпол хатоларга йўл қўйдилар, асарда майдада буржуазия муҳити тасвир этилгани, савдогар-зиёлилар қаҳрамон қилиб олингани учун «Абдулла Қодирий proletariat инқилобига нисбатан узоқроқ киши», «майдада буржуазия ёзувчиси» деб эълон этдилар, романдаги баъзи зиддиятли ўринларни, камчиликларни, қаҳрамонлар характеридаги ожизликларни тўғридан-тўғри ёзувчининг камчилиги, гоявий-сиёсий ожизлиги қилиб кўрсатдилар, шу тариқа унга «тескаричи», «зиёни», «миллатчи» деган айблар қўйдилар.

Булар адабий нодонлик, профессионал заифлик оқибати эканини Абдулла Қодирий яхши билган эди. Ойбекнинг эслашича, ёзувчи бундай танқидларга иложи борича эътибор бермасликка тиришган, лекин гап унинг эътиқоди, гоявий-сиёсий позицияси устида кетганда, бу хусусдаги бўътоналарга асло тоқат қилолмаган, бу хил танқид тошлари иззат-нафсига тегиб, қалбини яралаган. Адид Ойбек билан сұхбатда ўзига қўйилган бундай гоявий айбларни газаб билан «ғирт бемаънилик», ҳақиқатнинг «оёгини осмондан келтириш» деб рад этган экан! (Ойбек, Адабиёт, тарих, замонавийлик, «Ўзб. м-ти», 1966, 1 октябрь).

Ёзувчи ўзига қўйилган айбларни рад этиш билан чекланган эмас, қатор мақолаларида ўзининг ижтимоний-сийфий маслаганини, гоявий-сиёсий позициясини, Октябрь инқилобига, совет тузумига, коммунистик партияга муносабатини аниқ-равшан ифода этиб берган, 1926 йил,

шонда битилган «Таржимаи ҳол»ни ёзувчининг «асл гоя ва маслаги»ни очиб берувчи иқрорнома деб аташ мумкин.

Маълумки, худди шу 1926 йилнинг августида Ҳамза томонидан ёзилган «Таржимаи ҳол» ҳам бор. Шуниси муҳимки, деярли бир пайтда яратилган бу иккى ҳужжатнинг руҳи бир-бирига ниҳоятда яқин. Ҳамза каби Абдулла Қодирий ҳам ўз ҳаёт йўлини марксизм-ленинизм позициясида туриб таҳлил этади, ҳодисаларга синфий нуқтан назардан баҳо беради, ўзининг халқ, партия, совет ҳокимияти ишига садоқатини зўр эҳтирос билан қайта-қайта таъкидлайди.

«Таржимаи ҳол» ҳаммадан бурун партиявий эҳтироси, ҳаққонийлиги, самимийлиги билан ажralиб туради. Абдулла Қодирий ҳеч нарсанни яширмай, ўзи ҳақидаги бор ҳақиқатни рўйирост айтиётгани, партия ва халққа қалбини шундоқ очиб кўрсатаётгани барадла сезилиб турибди; у ҳар боб билан ўзини оқлаш йўлидан бормайди, ўз ижодидаги камчиликларни, йўл қўйган хатоларни дангал сўзлайди, «Бахтсиз куёв», «Жувонбоз» каби асарлари жадидизм таъсирида яратилганлигини эътироф этади, ўша йиллардаги ўзининг ёзувчилик ҳолати ва кайфиятини кулиб эслайди, дастлаб инқилобий ҳаракатларнинг, сиёсий партияларнинг моҳиятини яхши тушуниб стмаганилигини очиқ айтади.

Ёзувчи марксистлар каби бу ҳолатни ўша даврдаги конкрет шаронти, Ўзбекистондаги умумий аҳвол билан изоҳлади: «Аммо айта оламанки, ўша вақтларда бизнинг Туркистонда (букунги Ўзбекистонда) коммунизм, умуман социализм маслакидан тублик маълумотга эга бўлғон киши йўқ бўлса ҳам эҳтимолки, балки битта яримта бўлғондир. Шунинг учун мен ўзимни бу тўғрида умуман Ўзбекистон ишчи-дехқонларидан ва букунги масъул ва ғайри масъул ишчиларимизнинг ўша тарихидаги ҳолларидан юқори ўринига қўя олмайман...»

Адаб ишқилоб арафасидаги ўзгаришлар, 1916 йилги

миллий озодлик ҳаракати ўз ҳаёти ва дунёқарашида чуқур из қолдирғанлиги түғрисида сўзлаб ёзади: «Николайшинг тахтдан ишқилиб, ҳуррият бўлғоннига хурсандлигим, албатта, дунёга сиғмас эди ва сиғмаслиги табий эди. Айниқса, 1916 йил рабочий олиш масаласидан кейин умуман Туркистон ишчиларида уйғонган истибдодга нафрат менда ҳам кучлик эди».

Абдулла Қодирий Октябрь инқилобидан сўнг, янги ҳаёт қурувчилари сафида турди, Исмоил Обидов, Султонхўжа Қосимхўжаев сингари атоқли партия, давлат арбоблари билан танишди; ёзувчининг айтишича, бу танишув унга кўп фойда берган; большевик ва бошқа сиёсий фирмаларнинг йўллари билан ошнолашган, уларнинг таклифи билан маҳаллий ишчилар орасида бел боғлаб ишга киришган, уламо ва бойларга қарши хитобнома ва ишчиларни совет ташкилотларига чақириб тарғиботномалар ёзган; 1918—1920 йиллар давомида С. Қосимхўжаев раҳбарлигида жуда кўп масъул вазифаларни адо этган, сўнгра совет матбуотида сабот билан иш олиб борган.

Ёзувчи бу хизматларини эслатар экан, «меҳнаткашлар манфаатига холис ишлаб келдим», «шу ўтган етти йил орасида шўролар ҳукумати ва фирмадан бир оғиз танинг олмадим», дея ўзининг партия ишига садоқатини алоҳида уқтиради, сўнгра дейди: «Ишчилар ҳукуматига хизмат қилишда оиласи билан оғир, фожиъ, очлик кунларни кечиришга тўғри келди. Оладурғон маошим ҳеч менга қарашлиқ тарбиямдаги етти-саккиз жоннинг озигига етмас эди. Лекин озодлиғ йўлида ҳар қандай оғирлиққа ҳам чидаб, муқаддас хизматимни ҳамиша давом эттира бердим». А. Қодирий ўзининг ижтимоий келиб чиқиши жиҳатидан меҳнаткаш халқа мансублигини, «камбагал боғбоилик билан кун кечиргувчи» бир оиласида туғилганлигини, жуда эрта бойлар кўлида хизмат қилишга мажбур бўлғанилигини, у ерда тоқат қилиш мумкин бўлмаган даражада оғир ҳаёт кечирганилигини, ота-онасига

ёлвориб, у ердан кетганлигини эслайди. Демак, бўлгувси адиб ёшлик пайтидаёқ икки хил ҳаётнинг фарқини тушуниб етган, ўзининг эзилган меҳнаткаш ҳалққа мансуб эканлигини чуқур ҳис қилган; кейинчалик ўзига Жулқунбой деган адабий таҳаллус танлаши ҳам тасодифий эмас, бу билан ҳам у ўзининг синфи маслагини тасдиқ этган.

Абдулла Қодирий ўз ижодининг бош йўли, синфи моҳиятини ниҳоятда изчил, аниқ-равshan баён этади. У катта ифтихор билан ўзини ишчи-дехқонлар ёзувчиси деб атайди; адиб асарлари устида ишлар экан, доимо кўз ўнгидаги ўқувчи омма турганлигини, шу меҳнаткаш омманинг завқи, руҳи ва манфаатидан келиб чиқиб иш кўрганлигини уқтиради, меҳнаткаш оммага маъқул тушадиган асар яратишни ёзувчи катта шараф деб билади, бундай шараф олдида унинг учун ҳар қанақа ёрлиқ, мақтov ёки таъна-дашиномлар арзимас бир парса бўлиб қолади. Адиб танқиднинг, «Ўтган кунлар» эскича приёмда ёзилган, деган таънасига жавобан бир мақоласида дейди: «Вақтики биз кўпчилик ишчи ва дехқон оммасига ёзар эканмиз, «эски приём билан ёзади, биноан алайҳи бу ёзувчига биринчи номерни бермаймиз», деб қилинган танқидлардан ҳуркмаймиз».

«Ишчи-дехқонлар, — деб ёзади у «Таржимаи ҳол»да зўр мамиуннит билан,— ёзғон асарларимни сўйиниб ўқийдилар ва мени ёзувчилар қаторига киргизадилар ва ҳамон ўқирлар ва унумаслар».

Шуниси муҳимки, ёзувчи ўз асарларининг меҳнаткаш ҳалққа маъқул бўлиш сабабини аввало уларнинг синфи ўйналишидан қидиради. «Чунки мен, — дейди у дангал, — уларнинг ўз ичларидан чиққан, уларнинг дард ва тилакларини яқиндан билгувчи, бунинг устига Улуғ Октябрь инқилобидан сўнг унинг шароитида, тарбиясида этишган бир ходимлари эдим. Мени бойлар, эшонлар кўролмас эдилар, чунки мен уларни ишчи тилидан чаққан ва сирларни очқувчи душманлари эдим...»

Адиб адабиётнинг синфий моҳияти, партиявийлиги масаласини ўз даврига нисбатан кеңг ва чуқур тушунган, қатор мақолаларида бу принципни тарғиб этган; чупончи, у ўзи муҳаррирлик қилган «Муштум» журналининг ижтимоий-гоявий асоси тўхталиб, уни буржуа матбуотига кескин қарама-қарши қўяди. «Журналимиз... қўли қадоқлар синфининг «Муштум»и. Бу «Муштум» зўрлик муштуми эмас, ҳақлик муштумидир; бу «Муштум» золимлар муштуми эмас, мазлумлар муштумидир», дейди. Бу сўзлар 1923 йили битилган! Адиб 1924 йили матбуот куни муносабати билан ёзган яна бир мақоласида коммунистик матбуотнинг синфий моҳияти, «Правда» анъаналарига садоқати тўғрисида тўлиб-тошиб гапиради, «Муштум»ни «шу ҳақиқат оловининг учқуни» деб таърифлайди. «Шунинг учундирким, — дея изоҳ беради у ўз таърифига, — биз тегиб ўтган қитиқлик ерлар эгасини чўчитмай, жонларини ачитмай қўймайдир. Чунки биз ҳақиқат ўтининг учқунимиз, биз бутун руҳни, борлиқ маънони шу арслон бободан («Правда»дан — У. Н.) оламиз. Биз тескариликнинг, капиталнинг, эгриликнинг душманларимиз, негаки бобомиз шундай эди. Биз риоясизлик, адишасизлик, ошиа-офайниларни сийламаслик ҳунарининг энг авжида турамиз; чунки бобомизнинг насиҳати бу, биз мазлум ишчи синфининг йўлига жон берамиз...»

«Муштум» ва совет матбуотининг гоявий принциплари хусусида айтилган бу гаплар бевосита ёзувчининг ўз адабий ижодига, адабиётдаги йўлига ҳам тааллуқlidir. Езувчи бадиий ижодининг синфиийлик, партиявийлик принципини тарғиб этиш, байроқ қилиб кўтариш билан чеклаимайди, конкрет асарларга баҳо берастганда шу принципдан келиб чиқиб иш кўради. Масалан, 1927 йили «Қизил Узбекистон»да босилган «Равот қашқирлари» мақоласида шу номли фильмнинг муваффақиятлари хусусида тўхталиб, унда синфий табақалар, синфлар ора-

сидаги тафовут, зиддият ва курашлар ҳаққоний ифода этилганидан мамнун бўлганлигини изҳор этиб мана буларни ёзади:

«Ўзбекнинг уятсиз бойи, камбағал деҳқони, Каромат бибиси, домла-имоми, Содиқи, Жалили, тўй-ҳашами, ерсиз камбағал деҳқоннинг онғисизлигидан фойдаланиб, ўзи каби қашқирлар подаси тузган босмачисини кўрдим. Буларни қуруққина кўриб қолмадим; Равот тоғининг «бої ака» исмида юргувчи қашқирларини жонлик, камбағал деҳқоннинг чорасиз, гаріб ва эҳтиёж орқасида қизини қашқирга бергувчини кўрдим. Содиқни, хўжасинга итдек ихлос билан ишлаб бергувчи лаванг, таёқхўр ва сўнгра шўролар ҳукуматининг ташвиқот ҳам таъсири баракасида одамшаванд ага кўрдим...»

Бундай баҳо, бундай таъриф бадини ижоднинг моҳиятини шу хил изчил коммунистик партиявийлик позициясида туриб тушуниш, тарғиб этиш 20-йиллар шароитида нақадар катта гап, зўр жасорат эканлигини ҳозирги кунда ҳамма ҳам тасаввур этавермаса керак!

Яна ёзувчининг иқрорномаси саналмиши «Таржимаи ҳол»га, уидаги адабининг асл гоя ва эътиқоди ҳақидаги гапларга қайтайлик. А. Қодирий ўзининг меҳнаткаш деҳқоннинг дардига ниҳоятда яқинлиги, расман партия аъзоси бўлмаса-да, ўзи «гоя ва иш эътибори билан чин коммунист» эканлигини айтиб, сўзининг охирида мана бундай дейди: «Мен Шарқ озодлигини ва унинг мазлум пролетариат саодатини фақат ленинизм орқасида вужудга чиқишига ишонган бир кишиман». «Бу гапни, — деб давом этади, — қўрқиб эмас, балки виждоним, имоним тазийки остида сўзлайман. Лекин бу озодлигдаги чин курашчилар, лабзисиз қўрқоқлар, шахсий адоват орқасида баҳт кутгувчи майдада кишилар бўлолмаслар; аммо ўртоқ Лениннинг соғлом, улуғ, ғазаматсиз, гидирсиз йўлига томон холис ниятда бел боғлағувчи қаҳрамонларгина бўлурлар. Менинг ҳақимда ким нима деса десин, лекин мен Маркс ва Лениннинг ҳароратли шогир-

диман, чунки мен Лениндан руҳ олиб, Марксдан илҳомландим».

Нақадар аниқ-равшан, самимий, чин юракдан айтилган сўзлар! Ўзининг «асли ғоя ва маслаги»ни бундан ошириб айтиш мумкин бўлмаса керак! Бу гапларни ўқиганда ҳар гал катта ифтихор билан: «Совет адабиётининг асосчилари ана шундай бўлган!» — деймиз. Кўряпсизми, Октябрь инқилоби, совет тузуми, ишчи-дехқон маңфаати йўлида хизмат қилиш улар учун шараф, ҳам эътиқод, ҳам ички зарурият саналган; улар қўрқиб эмас, муҳолифларимиз даъво қилганидай қандайдир «коммунистик таъқиб» остида эмас, балки «виждони, имони тазйики» остида ўз тақдирларини коммунистик партия иши ва гоялари билан боғлаганлар, энг олий маънодаги халқчиллик, жанговар гуманизм принципларига амал қилиб, мазлум меҳнат аҳлининг орзу-идеали, баҳт-саодати фақат ленинизм орқасида рӯёбга чиқишига ишонганликларин учун ҳам шундай йўл тутганлар!

Такрор айтаман: биз адабиётчилар мана шундай бебаҳо ҳужжатларнинг қадрига етишимиз, гарчи улар кўпчиликка маълум бўлса-да, тез-тез тилга олиб туришимиз керак. Бу гаплар фақат илмий қимматга эга бўлиб қолмай, улар ҳозирги кунда катта тарбиявий кучга ҳам моликдир, қолаверса, социалистик реализм адабиётининг асосларига, коммунистик партияявийлик принципларига хуруж қилаётган муҳолифларимизнинг «илмий» уйдирмаларини рад этишда ўткир қуролдир.

Ёзувчи иқрорнамаси устида сўз боргандан, табиийки, бундай ғоявий принципларнинг бевосита адиб ижодидаги намоён бўлиши ҳақидаги масала ҳаммани қизиқтиради.

Ғоявий-сиёсий қарашларнинг бадиий ижодга кўчиши ғоят мураккаб ҳамда ўзига хос характерга эга.

Атоқли адиб А. Толстой ўз тажрибасидан келиб чиқиб, муҳим бир гапни айтган эди. У ёзади: «Сиёсий жиҳатдан тушуниш, ўзлаштириш ҳали бадиий ўзлаштириш деган сўз эмас. Кўпинча бадиий ўзлаштириш замонадан

орқада қолади ёки даврнинг юзаки, ташқи томонлари-нигина қамраб олади».

20-йиллари жуда кўп совет ёзувчиларида бўлгани каби, Абдулла Қодирий ижодида ҳам мана шу зиддиятли жараён юз берган, адивнинг айрим асарларида ҳодисани «сиёсий тушуниш» «бадиий ўзлаштиришдан» бир оз орқада қолган. Менимча, бундай моментларни ҳаддан ташқари бўрттириб кўрсатиш, ижодидаги зиддиятли ўринларни рўйач қилиб, уни ҳайётни марксча-ленинча тушунишдан узоқ ёзувчи, деб аташ ҳақиқатга ҳамда фанга хилофидир. Ҳолбуки, ҳозирги кунда ҳам баъзан илмий тадқиқотларда, мунозараларда А. Қодирий ҳақида айтилган ўша эски гаплар бошқачароқ кўрнишида яна такрорланяпти.

Шуни ҳам унумаслик керакки, гоявий-сиёсий қарашларнинг бадиий ижодда намоён бўлишини тадқиқ этаётганда, ёзувчининг позициясини аниқлашда А. Қодирий сўзи билан айтганда, «сиёсий асосини» белгилашда асарнинг қайси даврда, қандай шаронтда яратилганлигини, унинг жанр хусусиятини, темасини, гоявий — эстетик проблематикасини, ижодкор услубини ва қўллаган усулларини, ёзувчи кўзлаган ниятни, бадиий ижоднинг шу каби жуда кўп специфик томонларини қазарда тутмоқ керак.

Абдулла Қодирийнинг қатор публицистик мақолаларида сиёсий-гоявий қарашлари тўғридан-тўғри, очиқ-ойдин ифода этилган, «Шубҳа», «Ўзи хон — кўланкаси майдон» каби асарларида адивнинг синфий позицияси бутун кескинлиги билан намоён бўлган, «Қалвак махзум», «Тошпўлат тажанг» сингари ҳажвияларида ёзувчи совет позициясида туриб янги тузум йўлидаги иллатларни қатрон қилаётгани, «Обид кетмон», «Фирвонлик Маллавой ака» типидаги асарларида социалистик ўзгаришларни бутун қалби билан олқишилаётгани шундоқ сезилиб туради. Унинг ўтмиш ҳақидаги йирик эпик асарларида, хусусан «Ўтган кунлар» романида эса манзара бирмун-

ча мураккаброқ. «Ўтган кунлар» А. Қодирийнинг энг иирик асари, қолаверса ўзбек адабиётидаги биринчи етук реалистик роман бўлгани, романда ёзувчи изчил реалистик услуб йўлидан боргани ва, ниҳоят, асар тарихимиизниң энг мураккаб даври — Чор Россиясининг Ўрта Осиёга келиш арафасидаги вазият тасвирига бағишлангани, унда ўша даврниң нисбатан прогрессив кучлари — майда зиёли савдо гарлар қаҳрамон қилиб олингани сабабли ҳам ёзувчи позициясининг ифодаси бирмунча мураккаб ҳамда мунозарали характер касб этгани.

Аммо бу мураккаблик асло А. Қодирийни «пролетариат инқилобига нисбатан узоқроқ киши», «майда буржуазия ёзувчиси» ёки, ҳозирги кун танқидчилиги ибораси билан айтганда, ҳодисаларга «синифий кўз билан қарашда оқсаган», «ҳаётни марксча тушуниш даражасига бориб етмаган», «синифий курашини кўрмаган, англамаган» дейиш учун асос бермайди. Синичиклаб ўрганилса, бу асарда ҳам адид совет позициясида турганлигини, ўтмишни социализм қураётган меҳнаткаш халқ манфатидан келиб чиқиб акс эттирганлигини уқиб олиш қийин эмас.

Ёзувчи сиёсий-гоявий қарашларининг бевосита бадий ижодда намоён бўлиши хийла мураккаб ҳамда баҳсли соҳаки, уни чуқур илмий асосда ўрганиш адабиётшунослик олдида турган актуал вазифалардан биридир.

БАРКАМОЛ ИЖОД ЯКУНИ

Абдулла Қаҳҳорининг олти томликдан иборат асарлари босилиб чиқди; ниҳоят, қирқ йиллик бетиним меҳнат, баркамол ижод самараси, асосий якуни бир ерга жам этилди.

Олти томликка Абдулла Қаҳҳорининг ўзи тартиб берган эди, илк жилларни адаб орзу қилгандек «ўз кўзи билан кўриш»га муяссар бўлган эди, афсуски, шафқатсиз ўлим сўнгги жилларни кўришдан уни бенасиб этди.

Абдулла Қаҳҳор ўзгаларга, биринчи галда ўзига нисбатан ниҳоятда талабчан ижодкор эди, ҳар қанақанги чизмакашликни, машқларни китобхонга ҳавола этаверишни одобсизлик, ҳаттоқи ижоддаги жиноят деб биларди. Адаб олти томликка тартиб берадётганида ҳам шу принципиliga амал қилди. Мабодо автор қалами остидан чиққан асарларининг ҳаммаси тўпланадиган бўлса ўн жилдан ошиб кетиши турган гап. Юқорида биз олти томликка қирқ йиллик ижод самаралари киритилганини айтган эдик. Дарҳақиқат, жилларда илк ижод намунаси сифатида 1929 йили ёзилган иккита мақолаю бир ҳинкоя, сўнгги ижод намунаси тарзида 1968 йили эълон қилинган «Мұхабbat» қиссаси ўрин олган. Ҳолбуки, Абдулла Қаҳҳор ижоди анча эрта бошланган, у 1929 йилга қадар ҳам йирик бир томга сиғгудек асарлар ёзган ва бу асарлар ўз даврида маълум эътибор қозонган эди. Аммо адаб улардан бирортасини ҳам асарлари мажмуасига киритишни лозим кўрмади. Мен автордан бунинг боисини сўраганимда: «Улар ўз хизматини қилиб, даврини ўтаб бўлган нарсалар, ҳозирги китобхон учун қизиги йўқ», — деган эди. Қисқаси, адаб ҳозирги китобхонга маънавий озиқ бера оладиган баркамол ижод намуналаринигина саралаб олиб жилларга киритган.

Адаб саралаган асарларини эса бирма-бир қайта назардан ўтказгап, жиддий таҳрир этиб чиқкан.

1966 йилнииг эрта кўклами. Бир иш билан Абдулла ака ҳузурига борган эдим. Адиб олти томликин нашрга тайёрлаш билан банд экан. «Ҳар бир жумлани қайта чигириқдан ўтказишга тўғри келяпти, — деб қолди у. — Мұҳаррирларга тўла ишониб бўлмайди. 1957 йилги уч томлик тажрибали муҳаррир қўлидан чиқсан экан. Эътиборсизлик қилибман. Қўпол хатолар ўтиб кетган экан. Мана буни қараңг...»

Езувчи «Бемор» ҳикоясидаги: «Ҳамма ёқ жим. Фақат паша гинифиллайди, bemor инграйди...» деган жумлаларни ўқиди-да, ўзига хос пичинг билан давом этди:

— Инграйди эмиш... Шунаقا ҳам таҳрир бўладими?! Бундай ҳолатда ҳеч қачон bemor инграмайди. Аслида «инициллайди» экан. Мұҳаррир қандайдир хаёлга бориб жумлани «тузатибди». Қош қўяман деб кўз чиқариш бу!..

У яна бир талай шу тарздаги «қўпол хатолар»дан мисоллар келтирди. Сўнг «Сароб»ни қўлга олди. Романинг деярли ҳар бир саҳифасига қалам теккан, бутун-бутун парчаларга чизиқ тортилган экан. Адиб романни варақлай туриб изоҳ бергандай бўлди:

— «Сароб»га ўтирган вақтимда бир оз сўзга сахий эканман. Қўпгина жойлари қовоқари чақсан бадандек шишиб кетганини пайқамабман. Иккинчи нашрида ўша шишиларни қайтаришга уринган эким. Бари бир асорати қолган экан. Яна даволашга тўғри келяпти. Ахир бадний асар ҳам санъат. «Эрмитаж»да бўлганимисиз?.. Ў ердаги Венера ҳайкалини эсланг. Бу гўзал аёл тимсоли шу қадар мукаммалки, унинг танида ҳеч қандай ортиқча жойи йўқ. Бадний асар ҳам, у ҳикоя бўладими, роман бўладими, бари бир, худди шундай баркамол, шиш ва кемтиклардан ҳоли бўлиши лозим...

Олти жилдликка кирган асарларининг аксарияти кенг жамоатчиликка таниш, улар аллақачон китобхонлар кўнглинииг тўридан жой олган, маънавий ҳаётнииг таркибий қисмига айланиб кетган, санъаткор жон ато этган қаҳрамонлар уларининг хотирасида мустаҳкам ўрнашиб

қолган, адабий таниқид эса бу асарларга юксак баҳо берган.

Чинакам санъат асари бамисоли олмос, унинг қирралари беҳисоб, А. Қаҳҳор асарлари ҳам шундай. Уларни ҳар гал қайта ўқиганингда нотаниш бўлган янги-янги қирраларини кашф этаверасан.

Олти томликни варақлагандан ҳаммадан бурун ёзувчи ижодининг бош йўли, асл мақсади мени ўзига мафтун этди.

А. Қаҳҳор ҳақиқий маънидаги замонавий ёзувчи эди. У қўлига қалам олгандан тортиб то қўлидан қалам тушгунга қадар ўз замонаси ҳақида, фақат ўзи кўрган, ўзи билган, юракдан хис этган ҳодисалар ҳақида ёзди, ўзига яқиндан таниш бўлган одамлар ҳаётини тасвирилади. У эсини танигандан тортиб то ўлимига қадар ҳаётни мушиҳада қилиб борди, ярим асрлик ҳалқ ҳаётининг жуда кўп муҳим томонларини, ҳалқ турмушидаги, онгидаги жиҳдий ўзгаришларини ўз асарларида бамисоли кўзгудек акс эттирди. Инқилобдан бурун жаҳолат қурбони бўлган, уйинга ўғри тушганда ўзини йўқотиб тиззаси дир-дир қалтираб турган Қобил бобо, ит қопган хотинига најот излаб, гўлликдан ҳаёт гирдобида чархпалак бўлиб кетган Бабарлар авлоди янги ҳаёт тонгига Аҳмад полвонга айланниб, ўзининг оташин сўзлари билан гафлатда қолган йигитлар кўзини очиб юборади, Улуғ Ватан уруши йилларига келиб Асрор бободек етук ҳалқ дошишманди дарражасига кўтарилади, Аҳмаджон бўлиб жаигларга киради; бир вақтлар ҳатто исми ҳам номаълум бўлмиш шунчаки «Сотволдининг касал хотини», «Бабарнинг ит қопган хотини» саналган ўзбек аёли аввал Maston бўлиб янги ҳаёт сари талпинади, кейин Собирахон, Латофатхон бўлиб меҳнатда, ақл-заковатда ўзини кўрсатади, сўнгра Маствура тимсолига кириб ўлим билан олишади, Сандага айланниб етук арбоб сифатида улкан вазифани адо этади, Муҳайё бўлиб ахлоқий баркамолликни ўзида мужассам этади...

А. Қаҳҳорнинг инсонга меҳри зўр, айни пайтда унга нисбатан ниҳоятда талабчан. Ў инсонни ҳамиша баркамол, улуғ замонага муносиб ҳолда кўришни истар, шу истак оқибати ўлароқ ўз асарларида етук кишиларни зўр меҳр-муҳаббат билан эъзозлар, гўзалликни барқарор этар; замонага номуносиб кимсаларни эса қаҳр-ғазаборроп этар; замонага нафратдан уйғонган ғазабкор, шафқатсиз сатирик йўналиш ҳамиша ёндош ҳолда борган. Демак, А. Қаҳҳор асарларини ўз замонасининг кўзгуси дейиш камлик қилади, адив давр ҳодисаларини ҳеч қачон пассив кузатувчи сифатида акс эттирган эмас, балки уларга янги ҳаётнинг фаол курашчиси тарзида ёндашган, гўзал ҳодисаларни яна ҳам гўзалроқ, хунук нарсаларни аслидан ҳам хунукроқ қилиб кўрсатишни айб деб билган эмас. Ҳудди шу йўл билан эскиликининг пайини қирқишга, янгиликнинг ривожига кўмак беришга интилган.

Ёзувчи санъатининг сеҳри шундаки, унинг асарларида кундалик ҳаёт ҳодисалари имконият даражасида охирги нуқтага қадар кескинлаштириб, қабартириб берилади, ҳудди шу кескинлаштириш, қабартириш оқибати ўлароқ у тасвир этган ҳодисалар кундалик ҳаёт икирчиликларидан анча юксакликка кўтарилади, у қаламга олган кишилар қиёфаси оломон ичидан мана мен деб туради. Аммо бу хил кескинлаштириш ва қабартириш ҳодисаларнинг ҳаётйилигига, персонажларнинг табиийлигига ҳеч қачон халақит бермайди.

Кимдир жуда яхши айтган: ёзувчи санъати, маҳорати қанчалик юксак бўлса, унинг услуби шунчалик равшан намоён бўлади. Ёзувчи услуби унинг санъаткорлик, маҳорат даражасини белгиловчи бир мезондир...

Адабиётчилар тилида кўпдан «қаҳҳорона тасвир» деган ибора юради. Бу тасвир тури А. Қодирий, Ойбек,

F. Фуломдек ўзбек насрининг улкан усталари услубидан баралла ажралиб туради. «Қаҳҳорона тасвири»нинг ўзига хос томонлари ҳақида ҳам кўп гапирилган; сўзга хассослик, сиқиқлик, лўндалик, деталлаштиришга, ҳодисаларни холис туриб кўрсатишга мойиллик А. Қаҳҳор услубининг фазилатлари экани такрор-такрор қайд этилган. Айтилганларга қўшилган ҳолда яна шуларни таъкидлашни истардим. А. Қаҳҳор сўзга сайқал берадиганда ҳеч қачон ўзининг «сўз устаси эканини кўрсатиб қўйиши»ни хаёлига келтирмайди, ўзи кашф этган образли ибораларни кўз-кўз этмайди; бунда у фақат фикрини, ҳодиса ва ҳолатни аниқ-равшан ифодалашингина ўйлади; ёзувчи қалами остидан чиққан тасвири ўқиб, шу фикр, шу ҳолат ва шу ҳодисани шундан бошқача ифода қилиш мумкин эмаслигини сезиб турасан.

А. Қаҳҳор ифода тарзига хос яна бир муҳим хусусият юморга мойилликдир. Бу адабининг кулги аралашмаган бирорта асарини топиш қийин. Шу хусусиятни назарда тутиб бўлса керак, айрим адабиётчилар А. Қаҳҳор ижодида сатира, инкор бош йўналишни ташкил этади, деган хуносага келишган. Аслида адаб ижодидаги лирик йўналиш салмоғи сатирник йўналиш салмоғидан кам эмас. Шуни унутмаслик керакки, А. Қаҳҳор кулгиси ниҳоятда ранг-баранг, у фақат инкор этишгагина эмас, ижобий ҳодисаларни тасдиқлаш ва улуғлашга, зулматни ёритишга, қон бўлиб кетган юракларга озгина бўлсин таскин беришга ҳам қодир. «Асрор бобо», «Хотинлар», «Кўк конверт» ҳикояларидаги, «Синчалак», «Муҳаббат» қиссаларида илиқ юмор ижобий қаҳрамонлар чеҳрасини яна ҳам очиб юборади, худди шу илиқ юмор туфайли Асрор бобо, Собирахон, Латофатхон, Саида ва Муҳайёлар назаримизда ниҳоятда ёқимтой бўлиб кетади. Энди ўтмишдан олиб ёзилган «Бемор», «Анор», «Ўтмишдан эртаклар» каби ғам-ғуссага тўла асарларни эслаб кўрининг. Ёки ўта фожний ҳодиса қаламга олинган «Даҳшат»ни хотирланг. Бир қарашда бу асарларда юмор учун

ҳеч қандай ўрин йўқдай туюлади. Аммо мислсиз кулги соҳиби Абдулла Қаҳҳор ўшандай фожий ойларда ҳам йўлини топиб кулги ишлатади. Персонажлар хатти-ҳаракати, ҳолати, гап-сўзлари билан боялиқ юмор ниҳоятда мунгли, танг вазиятни озгина бўлсин юмшатишга, китобхонга бир оз дам беришга хизмат этади, бироқ автор бу билан ўқувчи эътиборини асло чалғитиб юбормайди, шу йўл билан ҳам асл муддао сарп интилади, бу хил кулги фожиний ҳодисалар моҳиятини яна ҳам чуқурроқ англаб олишимизга ёрдам беради; айни пайтда, бу кулги асарларга қандайдир сеҳрли, бир оз тантавор оптимистик руҳ баҳш этади.

Олти томликнинг сўнгги жилидан ёзувчининг бир қатор адабий-тақиқидий мақолалари, адабиётга оид сухбат ва қайдлари ўрин олган. Улар шундан далолат берадики, адаб бутун ижоди давомида адабий ҳаётга фаол иштирок этган, адабий жараённи синчковлик билан кузатиб борган, адабиёт равнақи, унинг гоявий софлиги, бадний баркамоллиги учун астойдил қайғурган, ёш қаламкашларга мураббийлик қилган. Бу асарлар, бир томондан, адабий жараён ҳақидаги тасаввуримизни бойитади, иккинчи томондан, ёзувчи ижоди манбаларини, маҳорат сирларини яна ҳам чуқурроқ англаб олишга ёрдам беради. Адиблар орасида баъзан назарий тайёргарликни, профессионал билимларни менсимайдиган қаламкашлар ҳам учраб қолади. Бунақа «ўзбилармон»лардан фарқ қиласроқ А. Қаҳҳор назарий жиҳатдан етук, ўз қўлидаги куролнииг сир-асрорини миридан-спригача биладиган, мукаммал эстетик принципларга эга бўлган санъаткор эди. Адибининг адабий-тақиқидий мақолаларини ўқиганда бунга яна бир бор ишонч ҳосил қиласмиз.

Ниҳоят, олти томликни варақлаганда туғилган айрим истак ва мулоҳазаларни айтиб ўтмоқчиман. Олтинчи томга негадир ёзувчининг адабий ҳаётга оид бир қатор муҳим мақолалари, ёш қаламкашларга йўллаган мактублари кирмай қолган, қатор мақолаларга ўрнили-ўринисиз

таҳрирлар киритилаверган, «Поэзия юксак санъатдир», «Абдулла Қодирий» каби принципиал мақолалар ўта қисқартирилиб берилган.

А. Қаҳҳор бадий таржимани юксак санъат деб билар, ҳар бир санъаткор миллий маданиятни жаҳон адабиётининг дурданалари билан бойитишга бутун куч-куватини сарфлаши керак деб ҳисоблар; амалда эса ўзи таржиманинг чинакам санъат эканини неча бор на-мойиш этган, маданиятимизни жаҳон адабиётининг дур-даналари билан бойитишга катта куч сарф этган эди. Хусусан, унинг Н. Гоголь ва А. Чехов асарларини ўзбек-чалаштириш бобидаги тажрибалари таҳсинга сазовор.



ИЖОД ВА ҲАЁТ МУАММОЛАРИ

(Ёзувчи Назир Сафаров билан суҳбат)

— Назир ака, суҳбатимизни Сизнинг ижодингизга оид саволлардан бошласак...

— Марҳамат.

— Илк асарларингиз яратилгандан бери орадан салка ярим аср вақт ўтди. Сиз бутун ижодингиз давомида ҳам замонавий, ҳам тарихий темада баб-баравар қалам тебратиб келасиз. Бу икки соҳа бир-бирига халақит бермайдими?

— Асло. Бошқаларни билмайман-у, мен учун ўтмиш билан ҳозирги замон тематикиси орасида зиддият йўқ. Аслида «тарихий» ва «замонавий» деган иборалар нисбий тушунча. Айтайлик, Сиз учун ёки сиздан ёшроқ ҳозирги кенжা авлод учун «тарихий», «ўтмиш» бўлиб кўринадиган асримиз бошидаги ҳодисалар, Улуг Октябрь инқилоби, гражданлар уруши, ер-сув ислоҳоти, колхозлаштириш, Ватан уруши воқеалари мен ва менинг тенгдошларим учун айни замонавий теманинг ўзгинаси. Чунки бу воқеаларнинг барчаси менинг кўз олдимда бўлиб ўтган, мен уларнинг жонли шоҳидиман, қатнашчисиман.

— Кимдир: «Ёзувчи — ўз асри, ўз тенгдошларининг солнномачиси», — деган. Шу хусусиятни сизнинг ижодингизда ҳам кўриш мумкин.

— Мен ҳеч қачон ўзим кўрмаган, билмаган нарсалар ҳақида ёзган эмасман. Ҳозиргача нимаики қаламга олган бўлсан барчасида ўзимга нисбатан ё кекса, ё тенгдош, ёки ёш замондошларим — асрдошларим ҳайтидан баҳс этганман.

— Гарчи Сиз — асримизнинг улкан воқеаларига қандайдир шаклда муносабат билдириб келаётган бўлсангиз ҳам, Сизнинг алоҳида меҳр-муҳаббат ва ҳаяжон билан қайта-қайта мурожаат этадиган бош мавзунингиз бор. Бу ўринда мен 1916 йилги миллӣ озодлик ҳарака-

тини, машхур Жиззах қўзғолони воқеасини пазарда ту-таётирман. Янглишмасам, матбуотда босилган илк асарларингииздан бири «Унутилмас кунлар» худди шу воқсага бағишиланган эди, «Ўйғониш» драмасига ҳам шу машҳур воқеа асос бўлган, кейинчалик яратилган «Кўрган-кечиргандарим» қиссанинг энг ҳаяжонли саҳифаларини шу воқеалар тасвири ташкил этади...

— Ижодимнинг бош мавзунин тўғри пайқабсиз, лекин уни фақат 1916 йилги воқеалар билан чеклаб қўйманг, ўн олтинчи йилги воқеаларнинг тадрижий давоми бўлган Октябрь инқилоби ва Октябрь инқилобини ҳимоя этиш учун олиб борилган шиддатли курашлар ҳам менинг энг азиз, ҳаяжонли, Сиз айтмоқчи, бош мавзум доирасига киради.

— Албатта. Гарчи олдин-кейни яратилган бўлишига, ҳар бири ўзича мустақил асарлар эканига қарамай, «Ўйғониш», «Шарқ тонги», «Тарих тилга кирди» қандайдир хронологик жиҳатдан бир бутунликка эга, улар тарихий хронологик жиҳатдан бир-бирининг давомига ўхшайди, бирида ҳалқ онгидаги уйғониш, иккинчисида инқилоб, учинчисида инқилоб ғалабаси учун кураш воқеаси акс этган. Профессор Л. Қаюмов бу уч асарни яхлит ҳолда инқилобий драматик трилогия, деб атаган эди.

— Энди мен прозада ҳам шу мавзуни давом эттириб, трилогия яратиш устида иш олиб бораёттирман. Трилогиянинг биринчи китоби «Кўрган-кечиргандарим» номи билан чиққан эди, унда нималар акс этгани китобхонларга яхши таниш; иккинчи китоби ҳам тайёр бўлди. «Наврўз» деган ном билан нашриётга топширдим, яқинда трилогиянинг учинчи китобини бошладим. Иккинчи ва учинчи китобларда «Шарқ тонги» ва «Тарих тилга кирди» драмаларида акс этган даврларга қайта мурожаат этаман.

— Болалик таассуротлари, болаликда «кўз очиб кўрган» ҳаяжонли ҳодисалар ёзувчи шахси ва ижодининг шаклланишида ҳал қилувчи роль ўйнайди, деган

гап бор. Сизнинг бош мавзунингиз ҳам тарихан болалик даврингизга тўғри келади. Бинобарин, инқилобий темага қайта-қайта мурожаат этишингиз болалик таассуротларингиз билан ҳам алоқадор бўлса керак?

— Албатта. Қиши улгаяверган сари болалик йилларини кўпроқ эслайдиган бўлиб қолар экан. У ёгини суриштирангиз, болалик билан кексалик орасида қандайдир ўхшашлик бор. Қаранг, қизиқ бир ҳодиса — улкан ёзувчиларининг кўпчилиги кексайтганда болалик хотираварини қаламга олишган, бизда С. Айний, Ойбек, А. Қаҳҳорлар шундай қилди.

Менинг авлодим — оламда энг бахтли авлод бўлса керак, чунки бизнинг болалик давримиз, гарчи мураккаб, сермашаққат бўлса-да, инсоният тарихидаги энг буюк воқеа — Октябрь инқилоби йилларига тўғри келди, биз ҳақиқий маънодаги инқилоб фарзандларимиз. Юз марта эшитгандан кўра, бир марта кўрган афзал, дейншади. Ахир биз инқилобни ўз кўзимиз билан кўрганмиз. Тенгдошларим қатори инқилоб ҳақидаги кўрган-бильгандаримни ҳозирги авлодга ёзиб қолдиришини виждоний, ижтимоий бурчим деб биламан. Бир чеккаси шу бурч менинг инқилоб даврига қайта-қайта мурожаат этишга даъват этади.

— Ўзбек адабиётида инқилоб темаси кенг ёритилган. Бу мавзуни бизда Ҳамза бошлаб берган эди, мана, ярим асрдан ошди, ҳамон бу тема эскирган эмас; аксинча, вақт ўтган сари инқилоб ҳақидаги ҳақиқатга қизиқиш ва эҳтиёж тобора ортиб борялти. Бир томондан, инқилоб ҳақида аввал ёзилган энг яхши асарларнинг қадри кўтарилипти, иккинчи томондан, ўша йиллар ҳақида маҳорат билан ёзилган янги асарлар катта шуҳрат қозоняпти. Деярли бир вақтда Ҳамза помли театр саҳиасига чиққан иккى асарни эслайлик. Улардан бирни қирқ йил бурун саҳна юзини кўрган ва ўз даврида зўр довруғ таратган Сизнинг марҳум Зиё Саид билан ҳамкорликда яратган «Тарих тилга кирди» драмангиз, иккинчиси — Комил

Яшинининг «Инқилоб тонги» пьесаси... Қаранг, ҳар иккала асарни ҳам томошабин илиқ кутиб олди, адабий жамоатчилик уларни юксак баҳолади.

Бу икки асар бир мавзуда бўлса-да, бир-бирини асло такрорламайди, балки тўлдиради.

Шу ўринда мен Сиздан бир нарсани сўрамоқчи эдим. Такрорийлик санъатнинг, бадиий ижоднинг заволи. Сиз инқилобий темага қайта мурожаат этажетганингизда такрорийлик хавфига дуч келганмисиз?

— Дарҳақиқат «ишланган тема»га қайта мурожаат этишининг энг хатарли жойи ўзингни ва ўзгаларни такрорлаб қўймаслиқда. Мен бунга жуда катта аҳамият бераман. Ўз асарларимни-ку қўяверинг, қаламкаш дўстларимнинг китобида ўзгаларнинг асарларидаги воқеа ва персонажларни эслатадиган ўринларни кўриб қолсам, ўзимни тутолмай қоламан. Сиз — танқидчилар ҳам шу соҳада кўз-кулоқ бўлиб туришларнинг лозим. Сизлар баъзан шундай ҳолларни кўра-била туриб индамайсизлар ёки қандайдир илмий асослар билан буни оқлашга тиришасизлар...

Бевосита ўз тажрибамга келганда шуни айтишим мумкинки, инқилоб темасига ҳар гал қайта мурожаат қилганимда унга янги томондан ёндашишга тиришаман, аввал айттолмай қолган ёки айтиб кўнглим тўлмаган гапларни айтишга интиламан... Замон билан бирга ёзувчи ҳам ўсиб, ўтмиш, болалик йиллари ҳақидаги таассуротлари бойиб бораверар экан. Ҳар бир давр фақат замонавий темадаги асарлар олдига эмас, ўтмиш мавзуидаги асарлар олдига ҳам янги талаблар кўяр экан. Мен ҳар гал ўтмишини қаламга олганимда мазкур асар ёзилган давр талабидан келиб чиқиб иш кўрганиман...

— Ўтмиш ҳақиқатини ҳозирги кун талаби, савияси даражасида туриб ёритиш, ўтмишдан ҳозирги китобхонини қизиқтирадиган, ҳаяжонга соладиган ҳодисаларини топиб тасвиrlаш, бугунги китобхон бошини қотираётган саволларга жавоб ахтариш, бинобарин,

ўтмишни ҳозирги кунга, коммунистик тарбиянинига хизмат эттириш тарихий мавзудаги асарларгагина эмас, умуман ўтмишдан олиб ёзиладиган барча асарларга тегишли. Бу борада ўзбек адабиёти бой тажрибага эга. Ҳамза, Айний, Қодирийлар ўтмишга мурожаат этганда фақат «тарихий ҳақиқатни тиклашни»гина назарда тутган эмаслар, айни пайтда тарихни замонага хизмат эттириш пайида бўлганлар. «Алишер Навоий», «Навоий», «Муқанин», «Мирзо Улугбек» каби узоқ ўтмишдан олинганд асарлар аввало замон талаби, эҳтиёжи билан майдонга келган, ўткир замонавий руҳ билан ўғрилган асарлардир.

— Партия бизни ўтмиш мавзунин ёритишда ҳамиша изчил партиявий, синфий позицияда туришга ўргатади. Буни мен аввало ўтмишга ҳозирги кун талаби, савияси даражасида туриб ёндашиш, ўтмишдан коммунизм қуриш ишига хизмат этадиган фактларни топиб тасвирлаш деб тушунаман. Тарихимизда эса ҳозирги авлод учун ибрат бўладиган ажойиб фактлар, ёрқин сиймолар тўлиб-тошиб ётибди. Уларни бўймай-безамай, идеаллаштирумай, айни пайтда камситмай, тарихий, синфию моҳиятини бузмай, бутун борлиги, зиддиятлари, улугворлиги ва кам-кўстлари билан адабиётга олиб киришимиз керак.

— Назир ака, Сизни ҳамкасларингиз ҳазил қилиб, қаҳрамонларингиздан бирининг номи билан «ўзбек журналистикасининг Ялангтӯш баҳодири», деб аташади. Дарҳақиқат Сизнинг журналистика, хусусан, очерк жанри соҳасида бой тажрибангиз бор. Журналист бўлини ёзувчи учун кундалик ҳаёт билан, кундалик ҳаёт муаммоси билан бевосита алоқада бўлиш демакдир. Шуниназарда тутиб, ёзувчи публицистикаси ва ҳозирги куннинг айрим масалалари устида ҳам гаплашиб олсан.

— Бажонидил.

— Ўзбек журналистикаси шонли йўлини босиб ўтди, ўзбек адиларининг журналистика жанрлари тараққиё-

гидаги ўрин ва роли гоят катта, адабиётимизининг барча йирик сиймолари айни вақтда журналист бўлганлар, бадиий ижодни журналистика жанрлари билан қўшиб олиб борганилар. «Бой ила хизматчи», «Ўтган кунлар» авторлари йирик асарлар устида банд бўлишига қарамай, кундалик, актуал масалаларга муносабат билдириб, ўтирип публицистик мақолалар билан матбуотда қатнашганлар. Ф. Гулом, Ойбек, Ҳ. Олимжон, А. Қаҳҳор, Шайхзодалар шу йўлдан борнишган, Уйғун, Қ. Яшии, Ш. Рашидов, Зулфия, А. Мухтор, Р. Файзий, О. Ёқубов, П. Қодировлар шу йўлдан бораётирлар. Шулар қатори Сиз ҳам бутун ижодингиз давомида журналистикани тарк этганингиз йўқ.

— Тарк этолмайман. Чунки журналистика ижодкор учун бамисоли ҳаётга кўприк, бу кўприксиз у ҳаёт сари боролмайди, қайноқ ҳаёт ичига киролмайди. Ёзувчи ҳатто узоқ ўтмиш ҳақида ёзганда ҳам кундалик ҳаёт билан мустаҳкам алоқада бўлиши керак. Бунда журналистика фоят қўл келади. Бошқаларни аниқ билмайман-у, шахсан менда шундай. Анчадан бери фикри-зикрим болалик йилларим ҳақидаги асар билан банд бўлишига қарамай, ҳар йили кам деганда республикамизни бир бор кезиб чиқмасам, уч-тўрт мақола ёки очерк ёзмасам, кўнглимда тўлиб ётган шу кунга онд гапларни айтиб олмасам туролмайман. Бу парса асоснӣ ишимга спра халақит бермайди, аксинча, ўша очерк ва мақолалардан кейин ишим янада юришиб кетади...

— Шу анъана кейинги пайтларда бир оз сусайиб қолаётгандай кўришади. Ҳозирги ёш ижодкорлар орасида журналистика соҳасида ишлайдиганлар кўп-у, лекин ёзувчи публицистикаси, хусусан, очерк жанри билан астойдил шуғулланадиганлари деярли йўқ. Ш. Холмирзаевининг яқинда эълон қилинган Бойсунтоғ тўғрисидаги мақоласини, С. Нуровининг айрим очеркларини мустасно қилинганда, ижод эстафетасини қўлга олаётган истеъдодли ёшлардан бирортаси ҳам ҳозирги кунининг долзарб

муаммоларини кўтаридаған ёки ҳаёт қаҳрамонларини элга танитадиган бирор ёрқин очерк, ўткир проблематик мақола билан чиққанларини эслолмайман.

Мақтov учун кечирасиз-у, Турсунойни, Олияхонни, турсунойчилик ва олияхончилик ҳаракатини биринчи бўлиб журналистикада кашф этган Сиз эдингиз; Мелиқўзи, Қурбонали, Абдураззоқ ота, Абдулла ака, Үғилхон, Рахимахон каби ҳаёт қаҳрамонларини биринчи бўлиб элга кўз-кўз қўлга Сиз эдингиз. Аввало ўз ишлари, қолаверса Сизнинг қаламанинг шарофати билан кейинчалик улар Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак унвонга эга бўлдилар...

Шундай ҳаёт қаҳрамонларини кашф этиб берган бирорта ҳам ёш ижодкорни ҳозирча учратганимиз йўқ.

Бу эса ўз навбатида уларнинг ижодига ҳам салбий таъсир кўрсатяпти. Ёш авторларнинг қисса ва ҳикояларида, драма ва романларида замондошларимизнинг, меҳнат қишиларининг ёрқин, мукаммал образлари кўринмаётганлигига шу ҳол сабабчи эмасмикан?..

— Бунга маълум даражада ўзимиз ҳам айбдор. Езувчилар Союзи ёш ижодкорларни бу ишга тортиши зарур. Союзимиз нуфузли, қудратли, шу билан баробар ихчам ташкилот, унинг ихтиёрида бор-йўғи 400 га яқин аъзо бор, аъзолар сони жиҳатдан ҳатто ҳозирги ўртacha бир колхоздан ҳам кичикроқ. Союз аъзолари кафтдагидек кўз олдимиизда. Афсуски, ундаги ташкилотчилик ишлари ҳар доим ҳам кўнгилдагидек бораётир, деб бўлмайди. Хусусан, ёшлар билан ишлаш, уларнинг ҳаёт билан алоқасини мустаҳкамлаш борасидаги аҳвол шахсан менинг мутлақо қаноатлантирмайди.

— Ҳозир эълон қилинаётган публицистик мақола, очерк ва лавҳаларнинг аксарияти жуда юзаки, ифода воситалари жиҳатидан ниҳоятда камбағал, худди икки томчи сувдек бир-бирига ўхшашиб. Қишлоқ, қишлоқ ҳаёти қишиларининг меҳнати ҳақида ёзилган айrim «асарлар»ни ўқигандага уялиб кетасан киши; уларнинг авторлари

умрида биринчи бор қишлоққа келган одам каби иш күрадилар, гоят жүн, оддий ҳодисалар устидан чиқиб қолганды ҳам ёқа ушлаб, ҳаяжонга тушаверадилар, гупуриб тошаверадилар. Утган йили таниш бир колхоз раисидан, у раҳбарлик қилаётган колхоз ҳақида газетада чиққан очерк ҳақидаги таассуротини сўраганимда у: «Бунақа олди-қочди гаплар кимга керак, ҳайронман, ёзувчилар ўзи шунақа бўладими, нуқул аравани қуруқ олиб қочишади», деб жавоб қилди. Мен унга ҳамма ёзувчилар ҳам шунақа эмаслигини тушунтиришга ҳаракат қилдим...

— Кўряпсизми, ҳозирги одамлар, раҳбарлар бутунлай бошқача бўлиб кетишган. Қуруқ гап қулоққа ёқмас, деган мақол ҳозирги кунда биз ёзувчи-журналистлар учун шиор бўлиши керак. Олди-қочди гаплар билан очерк ёки мақола ёзиш даврлари ўтиб кетди, яхши нарасаларни шунчаки яхши дейиш, янгиликларни шунчаки шархлаш, ёмон, қолоқ ҳодисаларни қуруққина ёмонлаб ёзиш билан иш битмайди. Ҳозир ҳаёт биздан тадқиқ ва таҳлили талаб этаётир...

— Бунинг учун вақт ва имконият керак. Утган йили Москвада мен машҳур очеркист Георгий Радов билан учрашиб қолдим. Сиз яхши биласиз, унинг ҳар бир ёзган мақоласи ва очерки эл оғзига тушади, унда катта масалалар кўтарилади, ҳаёт фактлари чуқур таҳлил этиб берилади. Бу аввало қунт ва маҳорат оқибати. Қолаверса, ўша учрашувдаги суҳбатдан билдимки, унинг ҳар бир очерк ва мақоласи ойлаб қилинган меҳнатиниг самараси экан. Ёзувчилар Союзи ҳамда редакциялар унинг бир очерк ёки мақола устида ойлаб банд бўлиши, ҳаёт фактларини иштади-игласигача ўрганиб, таҳлил этиб чиқиши учун имконият яратиб берар эканлар.

— Айтмадимми, ташкилотчиликда гап кўп деб. Биринки куилик командировка, қаҳрамон билан бир-икки бор учрашув асосида очерк ёзиши практикасидан воз кечиш пайти келди. Истеъдолди ёш ёзувчиларни ўз майлига қараб завод ва колхозларга, улкан қурилишларга ойлаб,

ҳаттоқи йиллаб ташлаб қўйилса, улар учун шаронт яратиб берилса, ани унда Г. Радовинкига ўхшаш эл оғзига тушадиган ҳақиқий тадқиқот очерклар, шонли ишчи синфи, азамат колхозчи-дәҳқонлар, заҳматкаш зиёлилар ҳақида баркамол асарлар майдонга келади.

— Қани энди шундай бўлса! Аммо бунда кўп нарса ёзувчининг ўзига ҳам боғлиқ. Агар ёзувчидаги қунт ва иштиёқ бўлса, алоҳида шароитни кутиб ўтирмасдан баъзи ишлар қила олиши мумкин. Бу борада ҳам катта ёшдаги қаламкашларни ёшларга ибрат қилиб кўрсатса арзинди. Сизнинг Улуғ Ватан уруши қаҳрамонлари изидан юриб яратган очеркларнингиз, И. Раҳимининг газчилар, Ҳ. Назирнинг пахтакорлар, И. Шамшаровнинг гурумсаройликлар ҳақида ва, ниҳоят, С. Анорбоевнинг «Устоз ва шогирдлар» очерки жуда катта меҳнат, қидириш, изланиш маҳсули...

Назир ака, яна бир савол: журналист-ёзувчи сифатида Сизни ҳозирги кунда қайси масалалар кўпроқ қизиқтиради?

— Менинг қизиқтирадиган, ҳаяжонга солаётган масалалар беҳад кўп, шулардан иккитаси менга сира тинчлик бермаяпти. Мен бу ўринда раҳбарлик санъати ва табиат муҳофазаси масаласини назарда тутяпман.

Бошқа соҳаларни қўййлик-да, дәҳқон хўжалигига раҳбарликни олайлик. Кейинги ўп — ўн беш йил мобайнида қишлоқда тубдан ўзгариш юз берди. Авваллари саноатдан анча йироқ турган қишлоқларга ҳам фан-техника прогресси кириб келди, эндиликда дәҳқончилик меҳнатининг характери тамоман ўзгариб кетди, даладаги меҳнат ҳам заводдаги меҳнат жараёнинг ўхшаб кетади. Сиз Лихачев номидаги автомобиль заводида бўлганимисиз?

— Ҳа, 1966 йили ёш ёзувчилар семинари қатиашчилари билан Москвага борганимда, ўша заводда бўлган эдик.

— Яхши. Қаранг, заводнинг бу бурчидаги металл эри-

тилиб, нариги бурчидан тайёр машина ҳолида чиқариб юборилади. Бутун процесс машина ва автоматика орқали бошқарилади. Ҳозирги қишлоқларда ҳам деярли шу манзарага дуч келасиз; ер ҳайдаб, чигит экишдан тортиб то пахтани териб заводга топширишга қадар бутун жараённи техника ёрдами билан амалга ошириш мумкин. Фарқи шундаки, бу ердаги жараён йил бўйи давом этади.

Бу ҳол қишлоқ хўжалиги раҳбарлари зиммасига улказ масъулнинг юклайди, раҳбарликни бутунлай янгича, илмий асосга қуришини тақозо этади. Мен бутун республикани қайта-қайта кезиб шунга амин бўлдимки, ҳозирги пайтда кўп нарса раҳбарликка, раҳбарнинг билим, маданият ва маҳоратига боялиқ, қасрда хўжалик ва раҳбарлик илмий асосга қурилган бўлса, ўша срда план юз, эл тўқ, қишлоқ обод, маданий, оғир меҳнат машина зиммасида, ўқувчилар айни терим палласида ҳам мактаб партасида...

— Қаердаки меҳнатни, хўжаликни илмий асосда бошқариш йўқ, раҳбарлик маданияти паст бўлса, ўша жойда бунинг акси.

— Маълумки, пахтачиликдаги энг мураккаб палла — йигим-терим палласи. Пахтани машина билан теришга кўчишда катта ишлар қилдик. Аммо бу иш охирига етказилган эмас. Ҳисоб-китобларга кўра ҳозирги мавжуд машиналар тўла ишга солинса, теримни бутунлай машина зиммасига юклаш мумкин. Афсуски, ҳозирча бунга эришолганимиз йўқ. Бунга ҳам асосан нўноқ раҳбарлар монелик қиляпти, уларнинг айби билан талабаларнинг, ишчи ва зиёлиларнинг талай вақти теримга сарф бўляпти.

— Менимча, ҳозир техниканинг афзаллигини тан олмайдиган антимеханизатор раис ва бригадирлар йўқ.

— Афсуски, техниканинг афзаллигини била туриб ундан оқилона фойдаланишга лаёқатсиз раҳбарлар бор. Ҳамма имкониятлар бўла туриб, ўқувчиларни дарсдан

қолдириш катта ноинсофлик. Шунга йўл қўяётгани хўжалик раҳбарлари келажак авлод олдида жавобгардирлар. Педагоглар яхши биладики, бир ойлик қолдирилган дарс ўринини тўлдириш ниҳоятда мушкул, шу кемтиклик болаларнинг кейинги тақдирига, маънавий етуклигига таъсир этмай иложи йўқ. Ҳозир партада ўтирган болалар 80—90-йилларниг бунёдкорлари бўладилар. У даврга бориб фан-техника янада ўсади, меҳнат жараёнини бошқариш учун ҳар бир кишидан катта универсал билим талаб этилади. Бу билимларниг пойдевори эса шу кунларда, мактабда қўйилади...

— Маълум камчиликларга, қийинчиликларга қарамай, фан-техника революцияси туфайли қишлоқларда, қишлоқ кишилари онгига жуда катта ўсиш, ўзгариш юз беради. Буни аҳамияти жиҳатидан қирқ йил бурунги колективлаштириш туфайли вужудга келган ўзгаришларга тенглаштириш мумкин. Коллективлаштириш воқеаси ўз даврида адабиётда кашф этилган, «Очилган қўриқ» каби монументал асарлар майдонга келган эди. Афсуски, фан-техника прогресси туфайли қишлоқларда юз берадётган улкан жараёнлар ҳозирча очилмаган қўриқ бўлиб турибди. Бу қўриқка разведкачилар — очеркистлар дадил юриш бошласалар соз бўларди. Адибларимиз қишлоқдаги жараёнларни атрофлича таҳлил этиб бериш йўли билан камчилик ва қийинчиликларни барта-раф этиш ишига хизмат қилган бўлар эдилар. Ахир «Очилган қўриқ»ни биз бугунги кунда ҳам ҳаяжон билан ўқиймиз, айни коллективлаштириш кетаётган кезлари у «ҳаёт дарслиги» сифатида нақадар катта роль ўйнагани ҳеч кимга сир эмас!

— Энди бир неча оғиз табиат муҳофазаси масаласида гаплашсак. Партия ва ҳукуматимизниг бу хусусдаги кейинги тадбир — қарорлари бутун жамоатчилик, жумладан ёзувчи-журналистлар зиммасига катта вазифа юклайди. Ҳар бир гражданин табиат олдида ўзини ҳамиша жавобгар ҳис этиши лозим.

Л. И. Брежнев КПСС XXIV съездида: «Ватанимизнинг гўзал табиати берадиган ҳамма неъматлардан бизгина эмас, келажак авлодлар ҳам фойдалана оладиган бўлиши лозим», деган эди. Бу гаплар ҳам доим ҳаммамизнинг ёдимиизда туриши керак.

Кўп гапирилаётган бўлса ҳам, бир факти айтмай ўтолмайман. Халқ орасида қадимдан «есанг тилни ёрадиган ширин-шакар қовунлар» деган ибора юрар эди. Шу ибора эскириб қолди: шу гапни айтсанг ҳозирги ёшлар кулишади. Бунга асос бор. Шахсан менинг ўзим болаликда еган, таъми оғзимда қолган ширин-шакар қовунларни кейинги 20 йил давомида ҳеч қаерда учратолганим йўқ. Ҳосилдорликни ошириш пайига тушган азаматлар химикатлар солавериб фақат қовунларимизни эмас, жуда кўп мева-сабзавотларимиз таркибини бузиб юбориши. Гап ирсият устида кетяпти. Ирсият бузилгандан кейин уни тиклаш жуда мушкул экани фанга аён. Хўш, шундай кетаверса, келажак авлод олдида нима деган одам бўламиз.

— Булар-ку бевосита инсоният баҳраманд бўладиган нарсалар. Олимларимиз аслида инсониятга у қадар зарур бўлмаган жониворларнинг зотини асраб қолиш учун жон койитаётирлар, маҳсус қўриқхоналар ташкил этатирилар. Улар полиз экинлари, мева-чева зотларини аспараш бобида ҳам маҳкамроқ турсалар савоб иш қилган бўлардилар.

— Олий Совет Сессиясида пахта заараркунандаларига қарши курашининг инсон саломатлигига таъсирини камайтириш тўғрисида ҳам гап бўлди. Бу борада ҳам сира кечиктириб бўлмайдиган жумбоқлар бор.

— Жуда кўп илгор хўжаликлар самолёт орқали химикатлар ишлатишдан воз кечишган. Бу эса ҳаво ва сувнинг ифлосланишини хийла камайтиради. Айтишларича, мавжуд пуркагиҷ аппаратлари вақтида тахт қилиб қўйилса, рўза заараркунандаларига қарши ерда туриб ишлов беришга тўла кўчиш мумкин экан.

— Нўноқ раҳбарлар бу ерда ҳам қовун туширишади, вақтида етарли тайёргарлик кўриб қўйишмайди да, фўзларга ҳашарот хуружи бошлангандан дод-фарёд кўтариб юқорига югуришади, юқоридагилар ҳам нўноқ раҳбарларни жазолаш ўрнига, уларнинг додига қулоқ тутиб, ҳосилинг нобуд бўлаётганидан ачиниб самолёт юборишга мажбур бўладилар.

— Ҳозирги пайтда ҳамма гап одамларнинг ўзига боғлиқ бўлиб қолди. Сувларнинг ифлосланишини олайлик. Шаҳардаги оқар сувлар бу ёқда турсин, қишлоқдаги сувлар ҳам ичишга ярамайдиган бўлиб боряпти. Қатта Фарғона каналини водийнинг артерия қон томирин дейишади, унинг сувидан минглаб гектар ер, минглаб одамлар ташналигини қондиради. Кейинги йилларда унинг суви жуда-жуда ифлосланиб кетди, унга ахлатлар, химикатлар, чиқинди ва оқава сувлар, ҳаром ўлган жониворлар ташлаб юбориладиган бўлиб қолди; бир суткада каналдан ўндан ортиқ жонивор ўлиги оқиб ўтганини кўрганлар бор. Ахир бу ишни ким қиласди, албатта одамлар. Бу ноинсофлик-ку!

— Ноинсофликина эмас, жиноят, шундай ишга қўл урганларни ушлаб жавобгарликка тортиш керак.

— Мана шуларнинг ҳаммаси ёзувчи-журналист учун тема.

— Айни пайтда танқидчилар учун ҳам тема. Охирида менинг сиз танқидчиларга айтадиган баъзи гиналарим бор. Сизлар соғ назарий масалалар устида кўп гапирасизлар-у, ҳаст муаммолари ҳақида кам бош қотирасизлар, кам ёзасизлар.

— Тўғри. Аммо бизнинг ҳам сиз ёзувчиларга айтадиган гиналаримиз бор. Сизлар адабиёт ҳақидаги баҳе ва мунозараларга кам аралашасизлар. Яқинда Тошкент Давлат университетида республика олий ўқув юртларинда ўзбек адабиёти ўқитиши масалаларига бағишлиланган икки кунлик илмий-назарий конференция бўлиб ўтди. Конференцияда жуда жиҳдий гаплар бўлди. Бу гаплар-

нинг кўпи ижодкорларга тегишли эди. Афсуски конференцияда бирорта ҳам ёзувчи кўринмади.

— Бугунги суҳбатдан маълум бўляптики, бизлар сиз танқидчилар билан кўп масалаларда ҳамдард, ҳам-фикр эканмиз; бунақа баҳслар тез-тез бўлиб турса дейман.

— Биз бундай баҳсларга ҳамиша тайёрмиз.



МАНГУ, НАВҚИРОН, ҲАЁТБАХШ МАВЗУ

(Ёзувчи Раҳмат Файзий билан суҳбат)

— Ёзувчи билан танқидчи диалоги -- суҳбати кейинги пайтларда адабий-бадиий танқидчиликнинг махсус жаңирига айланиб қолди, десак хато бўлмас, дарҳақиқат адабий журнал ва газеталар бундай суҳбатларга кенг ўрни беряпти, бу жаңир телевидение ва радиога ҳам кириб келяпти...

— Биз ёзувчиларнинг танқидчилар билан ҳамкорликда қиласиган ишларимиз жуда кўп. Замоннинг ўзи шундай ҳамкорликни тақозо этяпти. Хусусан, КПСС Марказий Комитетининг «Адабий-бадиий танқидчилик ҳақида»ги қарорида қўйилган улкан вазифаларни муваффақиятли ҳал этмоқ учун аввало ана шундай ҳамкорлик керак.

— Раҳмат ака, сир эмас, бир вақтлар ёзувчи билан танқидчи орасида маълум келишмовчиликлар, бир-бirlарига таъна тошлари ёғдиришлар ҳам бўлган...

— Бўлган, аммо у даврлар орқада қолиб кетди. Танқидчилик мисли кўрилмаган даражада ўси, айниқса ҳозирги танқидчиликнинг маданий, илмий-назарий камолоти бизни қувонтиради. Табиийки, дилингни яхши тушунадиган, бадииятни нозик ҳис этадиган билимдон кишилар билан гаплашгинг, баҳслашгинг келади. Бу биз ёзувчиларга катта фойда келтиради.

— Дарҳақиқат кейинги йилларда бизда танқидий тафаккур билан адабий тафаккур орасида яқинлик кучайди, танқидий тафаккур тобора адабий тафаккурга яқинлашиб боряпти, у чиндан ҳам адабий-бадиий тафаккурнинг таркибий бир бўлаги бўлиб қоляпти.

— Худди шу нарса танқидчи билан ёзувчини бир-бiriга яқинлаштиряпти. Худди шу нарса «Ёзувчи — танқидчи диалоги»ни келтириб чиқаряпти, яъни икки қирғоқни бирлаштирувчи кўприк ролини ўтаяпти. Боя Сиз

айтганингиздай, танқидчиликнинг янги бир жаңрига айланиб боряпти.

— Ёзувчи — танқидчи муносабати алоҳида катта бир баҳсга мавзу; бу гапларни шу ерда тўхтатсак-да, асосий масалага ўтсак... Дарвоҷе, Сиз билан дўстлик мавзуида, бу мавзунинг адабиётдаги ифодаси ҳақида гаплашмоқчи эдик.

— Дўстлик ҳақида гапиришга мен ҳамиша тайёрман. Бу мавзу атрофида сұхбатлашиш мен учун гоят марокли.

— Ҳар бир ёзувчининг ўзи севган бош мавзун бор, ёзувчи таланти худди ўша бош мавзуни ёритишда ёрқинроқ намоён бўлади; менимча, дўстлик ижодингизининг бош мавзун, ҳозирга қадар яратган энг машҳур асарларингиз, хусусан «Сен етим эмассан» фильм-сценарийси билан «Ҳазрати инсон» романи дўстликни улуглашга бағишиланган. Шундай экан, Сиз билан бўладиган сұхбат ҳам дўстлик устида бориши табиий.

— Ўзбек совет адабиётида дўстлик ҳақида ёзмаган, дўстликни улугламаган бирорта ҳам ёзувчини топиш амри маҳол. У ёғини сўрасангиз, дўстлик таронаси айъаналари билсовет ёзувчилариға ўтмишининг илфор адабиётидан мерос бўлиб қолган — Навоий, Муқимий, Фурқат ва Абайлар қонидан ўтган. Рус классиклари Пушкин, Лермонтов, Толстойларнинг ўзга эл кишиларига чуқур меҳр-муҳаббат, хайриҳоҳлик билан тўлиб-тошган шоҳ асарлари бизни дўстликни улуглашга илҳомлантирган...

— Тўғри айтдингиз, дўстлик ҳам худди севги, Ватан каби адабиётнинг қадимий, шу билан бирга навқирон, илҳомбахш ва ҳаётбахш мавзуларидан. Аммо бу мавзу совет адабиётида алоҳида аҳамият касб этди. Бунинг маълум сабаблари бор. Ўтмиш алломалари ҳамиша турли миллатлар, ҳалқлар, элатларнинг дўстликда, ҳамкорликда яшашини орзу қиласедилар. Октябрь инқилоби шу эзгу орзуни рўёбга чиқариш учун имконият яратиб берди. Иккинчидан, социализм биринчи бор тенги йўқ кўп миллатли бир мамлакатда амалга оширилди. Коммунист

тик партия катта-кичик миллатлар, халқлар, элатлар орасида иқтисодий, сиёсий, маданий жиҳатдан тенглик вужудга келтириш йўлида катта иш олиб борди.

— Бу йўлда жуда катта қийинчиликларни енгиб ўтишга тўғри келди. Подшо ҳукуматининг колониал сиёсати туфайли миллий масала мамлакатда жуда чигаллашиб кетган эди. Бу ҳақда Шароф Рашидов жуда яхши айтганлар. «Миллатчилик, — дейди у, — Туркистонда чекка ўлка аҳолисини жирканиш билан бегоналар деб атаган, рус бўлмаган миллат ва элатларни таъқиб этиш ҳамда қийнаш сиёсатини юргизган самодержавие ҳокимияти вакилларининг шовинизмига акс таъсир сифатида пайдо бўлган эди. Миллий туйғулар кишилар психикасининг жуда нозик ҳамда осонгина шикастланадиган торидирки, миллатчилар баъзан ундан фойдаланишга муваффақ бўлганлар».

— Шуниси муҳимки, ўзбек совет адабиётининг асосчилари совет ҳокимиятининг дастлабки кунларидаёқ интернационалистлар сифатида майдонга чиқди, миллатчиликнинг ҳар қандай кўринишларига қарши кураш олиб борди, халқлар орасидаги дўстликни улуғлади.

— Бу курашнинг бошида Ҳамза турди, Ҳамзанинг инқилобий шеърлари, драмалари пролетар интернационализмининг ўша йиллардаги юксак бадиий ифодаси эди.

— Садриддин Айний ижоди ҳам шу жиҳатдан характерли; ёзувчи бир томондан, ўзбек-тожик халқларининг биргаликда кечган кунларини, машақкатли ўтмиши-ю, порлоқ истиқболини, социализмга келиш йўлини тасвир этиш, иккинчи томондан, ҳам тожик, ҳам ўзбек тилида баб-баравар асарлар ёзиш билан адабий дўстликнинг яхши наунасини кўрсатди. Маълум камчиликларидан қатъи назар А. Қодирий ўзининг «Ўтган кунлар» романнida миллатларни, ҳатто бир халқقا мансуб уруғ-элатларни бир-бирига гижгижлатиб беҳуда қонлар тўкилишига йўл очиб берган феодал хонлиқ тузумини аёвсиз

фош этади; «Меҳробдан чаён» романнда эса ўзбек ва тоҷик Ӣигитлари орасидаги ҳамкорликни катта меҳр билан қаламга олади; ҳудди ўша дўстлар мадади билан асар бош қаҳрамонлари Анвар ва Раъно оғир мусибатдан ҳалос этилади, қардош руслар ихтиёридаги шаҳардан паҳоҳ топади...

— Дўстлик мавзун 30-йиллар адабиётида, Ойбек, F. Ғулом, X. Олимжон, А. Қаҳҳор, Уйғун, Яшин асарларида ҳам ёрқин акс этирилган эди. Аммо Улуғ Ватан уруши даврига келиб дўстлик мадҳи яна ҳам мағурроқ, жанговарроқ ўнгради. Ҳудди ўша йиллари яратилган F. Ғуломнинг «Сен етим эмассан», X. Олимжоннинг «Россия», «Роксананинг кўз ёшлари» каби асарлари ҳақли равишда дўстлик гимни деб ном олди, адабиётимизнинг ифтихори бўлиб қолди. Улар ҳамон тилдан-тилга ўтиб, дўстлик давраларининг севимли қўшиғи бўлиб янгра-моқда. Урушдан кейин яратилган дўстлик тароналари ни санаб беришга ожизлик қиласман...

— Ҳақиқатан дўстлик ифода этилган асарларни са-найман дессангиз, яратилган жамики асарларни тилга олишга тўғри келади...

— Гарчи асарлар бевосита дўстлик темасига багишланган бўлмаса ҳам, қардошлар оиласида яшаб ижод қилаётган адаб бу ғояни четлаб ўтиши мумкин эмас; қисқаси, дўстлик, интернационализм ҳозирги кунда ижодимизнинг асосий пафоси, лейтмотивини ташкил этади.

— Барча асарларни тилга олиш имкони бўлмаса-да, ҳозирги адабиётда дўстлик мавзунининг ифодасига алоқадор баъзи тенденциялар, характерли хусусиятлар ҳақида гапириш мумкин бўлар...

— Тўғри.

— Раҳмат ака, мени ҳозирги кунда ҳаммадан кўпроқ қардошларимиз ҳақида ёзилган асарларининг ўзбек адабиётини бойитиши, қардошларимиз образининг талқини масаласи қизиқтиради.

Биз ташқидчилар дўстлик темасидаги асарларнинг гоявий-бадний томони ҳақида умумий тарзда кўп гапирамиз-у, бу мавзу ўзбек адабиётининг ифодалар оламига нималар бергани ҳақида кам гапирамиз. Ҳолбуки қардошлар, ўзга халқлар ҳаётидан асарлар ёзиш, ўзга миллат вакиллари образини асарларга олиб кириш фақат адабиётининг фоя, мавзу донрасинигина эмас, бадний тасвирий донрасини ҳам кенгайтиради.

— Бу гоят қизиқарли, мароқли соҳа.

— Мана, қаранг. Дўстлик туйғулари Ш. Рашидов публицистикасига бошқа асарларига ўхшамайдиган алоҳида руҳ, ўзига хос ритмика бахш этади. Миртемирининг «Қорақалпоқ дафтари» орқали ўзбек шеъриятнига қорақалпоқ шеъриятини эслатадиган ўзгача поэтик оҳанглар, ифодалар кириб келди. Ф. Гуломнинг қардошларга бағишлиланган шеърларида, хусусан, «Қозоқ элининг улуғ тўйи»да ўзбек шеъриятининг анъанавий ифодалар олами жуда кўп янгиликлар билан бойиган. Улуғ шоирнинг умри охирларида Афғонистон сафари таассуротлари асосида яратган шеърлари поэтик оҳангдорлик жиҳатидан аввалги шеърларидан фарқ қиласди. Рамз Бобожоннинг «Ҳиндистон онаси» номли янги поэмасида хорижий шарқ мавзузи шоирни ўзгача ифодалар сари етаклагани... Зулфиянинг «Мушонра»си, Ҳ. Гуломнинг «Қитъалар уйғоқ» туркуми, Шухратнинг «Қавказ дафтари», Сайд Аҳмаднинг «Чўл оқшомлари», У. Умарбековнинг «Уруш фарзанди», Ж. Жаббаров, Э. Воҳидов, А. Орипов, Г. Нуруллаева каби шоирларнинг қардошларга бағишлиланган шеърлари ҳақида ҳам шу гапларни айтиш мумкин.

— Шундай хусусиятни эпик, драматик асарларда ҳам кўриш мумкин. Комил Яшиннинг «Иўлчи юлдуз» драмаси финалидаги картинаси — туркистонлик қардошларнинг Ленин билан учрашувини эсланг-а. Картинада бир неча миллат вакиллари образи бор. Драматурргуларнинг дили ва итилишларидаги интернационал кечинмалар, руҳий ҳолатларни кўрсатиш билан бирга, ҳар

бирига хос бетакрор миллий характер белгиларини ҳам очиб беради.

— Мана шунинг ўзиёқ драматургиянинг, умуман миллий адабиётнинг ифодалар кўламини кенгайтиради. Бу фазилат прозада яна ҳам кенгроқ намоён бўляти. «Фолиблар», «Бўрондан кучли», «Чинор», «Дегрез ўғли», «Эрк», «Излайман», «Маззанглар», «Муҳаббат» каби асарлар ва, ниҳоят, Сизнинг «Ҳазрати Инсон» романнинг шу жиҳатдан ўрганилса, фоят ибратли хулосалар чиқариш учун имкон берар эди.

— Биз бундай илмий изланишларга хайриҳоҳимиз, уларнинг натижасини сабрсизлик билан кутамиз.

— Қардошлар образининг талқини бобида ҳам ҳозирги ўзбек адабиётида қатор янги тенденциялар кўзга ташланяпти. Эслаб кўринг, аввал яратилган асарларда кўпинча қардошлар образи устоз, маҳаллий миллат вакилларига йўл-йўриқ кўрсатувчи тарзида берилар эди, кейинги пайтларда яратилган асарларда эса ўзгача манзарани кўрамиз, «Фолиблар», «Бўрондан кучли» романларидаги Пагодин билан Ойқиз ва Олимжон, «Давр менинг тақдиримда» асаридағи Борис билан Аҳмаджон, «Чинор»даги Мария билан Ориф, «Эрк»даги Максимич билан Саттор ва Розиялар ҳар жиҳатдан бир-бирларига teng, шоир айтмоқчи, бири-бирига шогирд, бири-бирига устоз!

— Бу ўринда тарихийлик принципини ҳам унутмаслик керак. Ийқилоб йиллари воқеаларини акс эттирувчи «Қутлуғ қон», «Опа-сингиллар» каби асарларда дарҳақиқат рус кишини образлари билан маҳаллий аҳоли вакиллари орасида маълум тафовутлар кўзга яққолроқ ташланади. Ўша йиллар аҳвол худди шундай эди, йиллар оша ўзбек халқининг маданий, сиёсий савиёяси ошди, биз қисқа мuddат ичida қардошлар мададида ҳар жиҳатдан иттифоқимиздаги илғор миллатлар билан тенглашиб олдик.

— КПСС Марказий Комитетининг бош секретари Л. И. Брежнев республикамизга Халқлар дўстлиги орденини топширишга бағишлиланган тантанали мажлисда сўзлаган нутқида совет ҳокимияти йилларида бу ўлкада юз берган ўзгаришларни катта мўъжизалар деб атади. Яна у: «Ўтган йиллар мобайнида партия ўзбеклар диёрида том маънодаги ленинча маданий революцияни амалга ошириди», — деди. Шубҳасиз, амалга оширилган ленинча маданий революция туфайли халқимиз маданий жиҳатдан мисли кўрилмаган даражада ўсди, улғайди.

— Адабиёт ҳам бамисоли барометр каби халқ онги, маданий оламидаги ўзгаришларни, маданий камолотини образлар силсиласида қайд этиб боради.

— Адабиётимизда яна бир муҳим тенденция яққолроқ намоён бўляпти. Адибларимиз қардошлигимиз илдизларини, хусусан, рус-ўзбек халқлари орасидаги дўстлик, ҳамкорлик тарихини очишга катта эътибор беряпти. Ойбекнинг «Улуг йўл», А. Қаҳҳорининг «Ўтмишдан эртаклар», М. Исмоилийнинг «Фарғона тоиг отгунча», Н. Сафаровнинг «Кўрган-кечирганиларим», «Наврўз» асарлари бу жиҳатдан характерли. Бизниг дўстлик ҳақидағи қарашимиз пролетар интернационализмiga асосланган, у чуқур синфий аниқликка эга. Мана шу туйғу инқилобдан аввалги ўтмиш ҳақидағи барча асарларда, жумладан Н. Сафаровнинг «Кўрган-кечирганиларим», «Наврўз» қиссаларида яхши ифодаланган. Ёзувчи ўтмишда икки хил Россия бўлганлигини — чекка ўлка халқлари учун турма саналмиш Чор Россияси билан бирга меҳнаткаш халқ учун таяич, нажоткор пролетар Россияси борлигини кескин бўёқларда бўрттириб кўрсатади, подшо амалдорларининг кирдикорини газаб билан фош этади, меҳнаткаш рус халқи вакилларини эса зўр ҳурмат-эҳтиром билан қаламга олади, уларни ҳақли равишда нажоткор деб атайди.

— Дўстлик бошга кулфат тушганда аниқроқ билинади; дўстлик, бу муқаддас туйғунинг ҳаётбахши кучи

устида гап боргаңда даставвал күз олдимга ўзим бевосита гувоҳ бўлғаи Улуг Ватан уруши ҳамда Тошкент зилзиласи кунлари келади.

— Демак, Сизнинг «Сен етим эмассан», «Ҳазрати инсон» асарларингиз Улуг Ватан уруши давридан олиб ёзилиши тасодифий эмас экан-да...

— Албатта.

— «Ҳазрати инсон» кеңг китобхонлар оммасига яхши таниш, адабий таңқид бу асарни муносиб баҳолади. Асар рус тилига таржима этилиб, аввал журналда, сўнг роман-газетада катта тиражда босилди, ўтган йили у алоҳида китоб бўлиб чиқди. Эндиликда у иттифоқ, қолаверса жаҳон китобхонлари қўлига етиб борди. Роман ёзувчилар союзи билан касаба союзлари уюштирган конкурс мукофотига сазовор бўлди... Булар Сизни қувонтирса керак?

— Яширмайман. Аммо мен учун энг катта мукофот китобхоннинг хайриҳоҳлиги. Биласизми, асар рус тилида чиққандан кейин янги бир китобхонлар оммасига дуч келдим. Иттифоқимизнинг турли шаҳар ва қишлоқларидан келаётган сон-саноқсиз хатлардаги юрак сўзлари, хусусан, Олтой ва Украинада ўтказилган китобхонлар конференциясида айтилган илиқ гаплар мени ғоят тўлқицлантириб юборди. Табиб табиб эмас, дард тортган табиб, дейди халқимиз. Менинг янги китобхонларим аксари «Ҳазрати инсон»да акс этгани воқеаларга қаандайдир дахлдор кишилар. Улар «Ҳазрати инсон»ни ўқиб, ўзлашинг яқин ўтмишини қайта кўргандек бўлганини айтадилар, ўша оғир, даҳшатли кунларда порасидаларни ўз қаноти остига олиб, бир майизни қирқ бўлиб баҳам кўрган олижаноб Маҳкам акалар шаънига, бинобарин, ўзбек халқи шаънига битмас-туганмас ташаккурлар изҳор этадилар.

— Раҳмат ака, шу муносабат билан ёзувчи ва китобхон муносабати масаласида бир гапни таъкидлаб ўтсан, яъни ҳозирги вақтда қўлга қалам олган адаб фақат ўз

она тилидаги китобхонларнингина эмас, ўзга миллат китобхонларини ҳам назарда тутиши шарт экан.

— Мен «Ҳазрати инсон», қолаверса «Сен етим эмассан» тажрибасидан бунга тўла ишонч ҳосил қилдим.

— Раҳмат ака, яна бир гап. «Ҳазрати инсон» реал ҳаётий факт асосида ёзилган; тошкентлик машҳур Шоаҳмад ака билан Баҳри опатлар ҳаёти, жасорати романга материал қилиб олинган. Адабий танқидчиликда баъзан мавзунинг «катта» ва «кичик»лиги ҳақида баҳслар бўлиб туради, «Ҳазрати инсон» тажрибасидан келиб чиқиб шу баҳс ҳақида Сиз нима дейсиз?

— Қайси темани «катта», қайсиинин «кичик» деб аташни билмайман-у, бир нарсанни аниқ айта оламан; асар ўзингни ҳам, ўзгани ҳам, бинобарни, бутун халқни қизиқтирадиган, тўлқинлантирадиган ҳодисалар, муаммолар ҳақида ёзилгандагина китобхон қалбига йўл топалади, «миллий қобиқ» доирасини ёриб, ўзга элларга қанот қоқади.

Биз ёзувчилар мавзунинг «катта», «кичиги» ҳақида баҳслашиб ўтирамай, реал ҳаётдаги жиддий, муҳим, тасвирга лойиқ жонли фактларни, диққатга сазовор муаммоларни дадил адабиётга олиб киришимиз керак.

— Тўғри айтдингиз. Баъзи ўртоқлар асар тақдирини мавзунинг «катта-кичклигиги» эмас, авторининг маҳорати белгилайди, дейишади. Чехов бир ўринда, киноя билан, истасангиз кулдан ҳақида ҳикоя ёзив беришим мумкин, лекин бу кимга керак, деган экан. Афсуски, ҳозир яратилястган айрим асарлар мавзу запфлини тушайли ҳам авторлар меҳнати беҳуда ироғ бўластганини кўрса тади.

«Ҳазрати инсон»га қайтайлик. Раҳмат ака, роман да ўндан ошиқ миллат вакиллари образи бор. Шу ишни қадар яратилган проза асарларида иккича уч, ишри борсан тўрт миллат вакиллари интирок этар оли. Бир ишарда ўндан ортиқ миллат вакили образини бериш, уларни шар бирида тегишли мизлий белгиларни сийжаб қозини,

уларга мос бўёқлар топиш фоят мушкул иш. Бундай ижодий муаммони қандай ҳал этдингиз?

— Ёдингида бўлса керак, бу муаммо фильмда бирмунча «косон» кўчган эди. Бу жиҳатдан кинода имкониятлар кенгроқ, бу борада сценарий муаллифига режиссёр, оператор ва актёrlар мададга келади. Романда эса мушкулотни ҳал этиш бутунлай ёзувчининг ўз зиммасига тушади.

Фақат бу масалада эмас, бошқа соҳаларда ҳам кўп қийинчиликларга дуч келдим. Одатда аввал роман яратилар, сўнг роман асосида фильм ишланар эди, мен эса акс йўлдан юрдим — аввал фильм, сўнг роман. Дунёга машҳур бўлиб кетган фильмдаги ҳис-ҳаяжонни романаға кўчира оламанни ёки йўқми, роман фильмнинг шунчаки такори, фильм воқеаларининг насрй изоҳи бўлиб қолмасмикан, деган ташвишда эдим; роман чиққақ, мени қийнаган жумбоқлар асосан ҳал этилганлиги аён бўлди.

— «Сен етим эмассан» — «Ҳазрати инсон» тажрибаси кино билан сўз санъати ўзларича мустақил, даҳлесиз, шу билан баробар иккаласи ҳам зарурий, яшашга ҳақли эканлигини тасдиқлади.

— Мен ёзувчи сифатида кинодан кўп нарса ўргандим, айни пайтда беллетристика тамомила бошқа бир мустақил олам эканига амин бўлдим...

Романда турли миллат вакиллари образини беришга келсак, мен уларни турли-туман тилларда гапиртириб ўтирамдим, кинода сезилмаса ҳам, прозада бу йўл чиқмас экан, бунда бадний ижодининг шартлилик принципидан келиб чиқиб иш кўрдим...

— Бола табиатан интернационализмга мойил бўлади, турли миллатга мансуб болаларнинг тезда умумий тил топиб, иноқ бўлиб кетишини ҳаётда кўп кузатганимиз. Эҳтимол, болалар табиатидаги шу хусусият Сизга қўл келгандир.

— Жуда тўғри айтдингиз. Буни мен тажрибада кўрдим. Тўрт яшар наварам Зиёдулла иккى йил Ҳиндистон-

да бўлганида инглиз тилини, озроқ ҳинчани ҳам ўрганиб олибди. Ҳозир bemalol инглизча гаплашади. Гўдакларнинг тилни ҳам, миллий удумларни ҳам тез ўзлаштириб олганларини Шоаҳмад акалар оиласида ҳам кўрганман.

— Дўстлик мавзуи поёнсиз, у ҳақда ҳар қанча гапирган билан гап тугамайди. Мангу, навқирон, ҳаётбахш, шу билан баробар бепоён бу мавзу ҳақида яна кўп гаплашамиз, ёзамиз...

МУНДАРИЖА

Гўзаллик билан учрашув	3
Ҳаёт каби абадий	7
Қаҳрамон — давр типи	31
Заминда яшаймиз, заминни ўйлаймиз	41
Сеҳрли туйғу спрлари	59
Ёзувчининг ахлоқий позицияси	86
Адабий ҳамкорлик ва реалистик анъаналар . .	96
Санъаткорнинг қўш қаноти	109
Фон этиш санъати	119
Пластик тасвир	128
Қалб ҳақиқати	137
Болаларнинг нафосат олами	158
Адиб иқрорномаси	166
Баркамол ижод якуни	176
Ижод ва ҳаёт муаммолари	183
Мағу, павқирон, ҳаётбахш мавзу	197

На узбекском языке

УМАРАЛИ НАРМАТОВ

ВСТРЕЧА С ПРЕКРАСНЫМ

Издательство «Ёш гвардия» — Ташкент — 1976 г.

Редактор Эркин Миробидов

Рассом С. Субхонов

Расмлар редактори Қ. Алиев

Техн. редактор Л. Буркина

Корректор М. Оргикова, Ш. Шоумарова

Босмахонага берилди 12/XII-75. Босма руҳсат этилди
4/III-76 й. Формати 70×108^{1/2}. Босма листи 6,5. Нашр лис-
ти 9,09. Шартли босма листи 9,1. Тиражи 10 000. Шартнома
№ 56—74. Р—1112.

Узбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Ёш гвардия» паш-
риёти—Тошкент. 700129. Навоий кӯчаси, 30.

УзССР Министрлар Советининг наприётлар, полиграфия ва
китоб савдоси ишлари бўйича Давлат Комитетининг 2- бос-
махонасида босилди. Янгиёл, Самарқанд кӯчаси, 44. За-
каз № 26. Баҳоси 44 т. Қороз № 1.